

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШОИРА АХМЕДОВА

АДАБИЙ ТАНҚИД ЖАНРЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИ

Университетларнинг 5220100 – филология ва тилларни ўқитиши
(ўзбек) таълим йўналиши учун

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Бухоро - 2021

БухДУ ўқув-услубий кенгашининг 2020 йил 3 декабрь 4-сонли баённомаси қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

Ўқув қўлланмада ўзбек адабий танқидчилигининг жанрий таркиби тасниф этилиб, такриз, адабий-танқидий мақола, адабий портрет, эссе, адабий-танқидий мактуб, адабий-танқидий сұхбат каби жанрлар поэтикасидан баҳс юритилган. Ҳар бир мавзуу режа, мавзуни мустаҳкамловчи саволлар, таянч тушунчалар ва мустақил ўқиши учун тавсия этилган адабиётлар рўйхати каби методик унсурлар билан таъминланган. Талабага қулайлик туғдириш мақсадида ҳар бир жанрга оид илмий мақолалар ҳам берилган.

Ўқув қўлланма университетлар ва педагогика институтлари ўзбек филологияси факультети филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек) ҳамда ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши талабалари, магистрлар, тадқиқотчилар, ўқитувчилар ва барча қизиқувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: академик Б.А.Назаров

Тақризчилар: ф.ф.д. профессор К.Қаҳрамонов
ф.ф.доктори Л.Ф.Шарипова

КИРИШ

Истиқлол туфайли ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида юз берган туб ўзгаришлар табиий равишда адабиётшуносликнинг бир қисми бўлган адабий танқидга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. XX аср ўзбек адабий танқидчилигининг бой ва ранг-баранг, оғир ва мураккаб, айни вақтда самарали изланишлардан иборат тарихи ўзбек адабиёти илми тизимида ўзига хос ўрин тутади. Илгор адабий-эстетик қарашларни ифодаловчи адабий танқид мазмун ва шакл жиҳатидан ўзига хос ижод туридир. Танқиднинг табиати адабий материал, ижтимоий ривожланишнинг ҳар бир даврига хос хусусиятга ва танқидчи маҳоратига боғлиқ ҳолда тараққий этади, шунга боғлиқ танқидчилик жанрлари ҳам ўзгариб боради. Адабий танқид жанрлари пайдо бўлади (тақриз), янгиланади (мақола), баъзан эса бир-бирига ўтади, синтезлашади, янги жанрларни юзага келтиради. Адабий танқид жанрлари ҳар бир халқнинг ўзига хос адабиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланади, тараққий этади. Уларда бадиий асарга баҳо бериш, унинг адабиёт, адабий жараён ва ёзувчи ижодидаги ўрнини белгилаш асосий моҳият касб этади. Шундай экан, адабий танқидчилик жанрлари муайян тизим шаклида барқарор бўлиб, унинг таркибиға кирувчи ҳар бир жанрнинг ўз ўрни, вазифаси, ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Ўзбек адабий танқидида жанрлар таркиби ва табиати, генезиси, илмий-назарий ва бадиий моҳияти, жанрий хусусиятлари, тузилиши ва қурилишини, адабиёт ривожида, ёзувчи ижоди ва унинг тараққиёти, мунаққидлар ижоди, китобхонлар дунёқарашининг шаклланиши, шунингдек, жамият эстетик тафаккури тараққиётида тутган ўрни, бошқа жанрлар билан ўзаро муносабатини тадқиқ этиш муҳим вазифалардан биридир. Мумтоз адабиётшунослик илдизларидан ўсиб чиқиб, жаҳон адабий илми таъсирида шакллана борган ва ўз ички қонуниятлари асосида тараққий этган адабий танқид жанрларини муфассал ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис адабий танқиднинг жанрий тараққиётини очиб берувчи, “Ўзбек адабий танқиди тарихи” фанининг назарий қисмларини ўрганишга бағишенган дарслик ва ўкув қўлланмалар яратиш давр талабидир.

Ўкув қўлланмада ўзбек адабий танқидчилигининг жанрий таркиби тасниф этилиб, тақриз, адабий-танқидий мақола, адабий портрет, эссе, адабий-танқидий мактуб, адабий-танқидий сұхбат каби жанрлар поэтикаси ҳақида илмий-назарий қарашлар баён этилган. Ҳар бир мавзуу режа, мавзуни мустаҳкамловчи саволлар, таянч тушунчалар ва мустақил ўқиши учун тавсия этилган адабиётлар рўйхати каби методик унсурлар билан таъминланган. Қўлланма композициясидаги ўзига хослик шундаки, талабага қулайлик туғдириш мақсадида ҳар бир жанрга оид илмий мақолалар ҳам берилган.

1- МОДУЛ

1-МАВЗУ: АДАБИЙ ТАНҚИДНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1. Адабий танқиднинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Танлов фанининг мақсад ва вазифалари. Фаннинг эстетик моҳияти.
3. Адабий танқид – адабиётшуносликнинг таркибий қисми: муштарак ва хос хусусиятлар.
4. "Ҳаракатдаги эстетика", тафаккурнинг ўзига хослиги

Таянч тушунчалар: Танқид, эстетика, мантиқ, психология, адабиёт назарияси, гарб танқидчилиги, қиёсий адабиётшунослик, антик, таҳлил, ҳаракатдаги эстетика.

Адабий танқиднинг ўзига хос хусусиятлари. Адабий танқид илмда ўзига хос ҳодиса сифатида дастлаб Платон, Аристотель, Аристарх фаолиятларида антик замонда намоён бўлди. Аслини олганда, танқиднинг илк унсурлари халқ оғзаки ижодида бошланган. Ўтмишда бадиий асар ҳақида икки хил: оғзаки ва ёзма шаклларда фикр

бидириб келинди. Илк бадий асар яратувчиси халқ бўлганидек, уларга илк муносабат билдирувчи ҳам халқнинг ўзидир.

Ҳаётнинг турли томонларини, жумладан, кишиларнинг табиий оғат ва қурашдаги жасоратларини, мақсад йўлидаги қаҳрамонликларини, фазилат ва ранг-баранг руҳий ҳолатларини ифода этувчи асарлар майдонга келиши ва халқнинг бу асарларга муносабати, баҳоси, уларда тасвиrlанган воқеа-ходисаларни маъқуллаши, улардан завқланиши ёки аксинча қониқмаслиги табиий эди. Адабий танқиднинг пайдо бўлишида мана шу табиий жараён ётади. Демак, бадий асар пайдо бўлиши билан унга баҳо берилиши (қанчалик оддий бўлишидан қатъий назар) замиридаги эстетик узв адабий танқиднинг дунёга келишини такозо этади. Бундай ҳол умум жаҳон миқёсидаги адабий танқидий тафаккурнинг пайдо бўлиши учун умумий қонуният саналади.

Адабий танқид ҳаётнинг бадий ўзлаштирилиш жараёнини ўрганувчи ва шу жараёнга фаол иштирок этувчи, унга оқимига таъсир кўрсатувчи илм, ўзига хос ижод туридир. Бу эса унинг ўзига хос талаблари, хусусиятлари қонуниятлари ҳамда маънавиятга, бадииятга, ҳаётга таъсир этувчи кучи борлигидан далолат беради. Унинг моҳиятидаги ана шу хосликларни аниқламай туриб, бадий асар ҳакида чукур илмий-эстетик фикр юритиш мумкин эмас.

Адабий танқид санъаткор маҳоратининг такомиллашувига, китобхон эстетик дидининг камол топишига қўмаклашади. У эстетика анъаналарини ривожлантириш билан бирга ғоявий-бадий жиҳатдан бериладиган баҳо ва мезонларнинг ҳам теранлашувига ўз таъсирини ўткармоғи керак.

Адабий танқид илмий-эстетик тафаккур тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли танқид тарихини ўрганиш фақат тарихий-маърифий жиҳатдан эмас, балки ижтимоий-эстетик жиҳатдан ҳам долзарб аҳамият касб этади: адабий-бадий танқид тарихи сабоқлари санъат ва адабиётнинг бугунги ҳамда эртанги тараққиёти, йўллари ва вазифаларини тайинлашга ёрдам беради. Адабий-бадий танқидчилик олдида эстетика анъаналарини ривожлантириш вазифалари туради. Демак, танқид: 1) ижтимоий ҳаётда ҳам; 2) ижодкор фаолиятида ҳам; 3) китобхон эстетик кечинмаларида ҳам ўз ўrniga эга. У: а) ижтимоий ҳаётдаги долзарб масалаларни; б) ижодкор дунёқарашни ва маҳоратини; в) китобхоннинг эстетик талаб ва бадий эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда санъатнинг ўз-ўзини англаш шакли сифатида кўринади, муайян давр, халқ ва миллат эстетик тафаккурининг умумий ва ички ривожланиши қонуниятларини ойдинлаштиради. Зоро, Белинский таъкидлаганидек, "адабиётнинг вазифаси танқиднинг вазифасидир. "Хукм қилувчи танқид билан, ҳукм қилинувчи адабиётнинг мазмуни бирдир".

Адабий танқиднинг яна бир хусусияти – унинг публицистика билан чамбарчас алоқадорлиги. Адабий жараён ҳодисаларини ва адилларнинг айрим асарларини таҳлил этиб, уларнинг қимматини кенг оммага тушунтириб беришга ва омманинг эстетик дидини тарбиялашга мўлжалланган танқид ўз ўқувчисига вақтли матбуот орқали мурожаат этади. Халқ ва унинг адабиёти тарихида бошланаётган янги давларда бу хусусият, айниқса, бўргиб кўринади. Янги уйғониш даври ҳисобланган XX аср тонгидаги ўзбек жадид танқидчилиги, Истиқлол арафалари ҳамда Мустақилликнинг дастлабки йилларидағи ўзбек танқидчилиги тарихи бунинг ёркин далилидир. XIX асрнинг биринчи ярмида Белинский: "Танқид аллақачон бизнинг омманинг (ўқувчилар ва томошабинлар оммасининг) эҳтиёжи бўлиб қолди. Ҳеч бир журнал ёки газета танқид ва библиография бўлимисиз яшай олмайди", -деб ёзган эди. Бу ҳол ҳамма маданий халқлар тарихи, шу жумладан, Ўрта Осиё халқлари тарихидаги далиллар билан ҳам тасдиқ этилади. Шуни эсда тутиш керакки, танқиднинг адабиётшуносликдан унинг мустақил қисми сифатида ажralиб чиқиши қатор халқларда, асосан, XIX асрнинг иккинчи чорагида содир бўлди. Ҳатто Белинский замонасида ҳам, жумладан, унинг асарларида адабиётшунослик кўпинча бир бутун ҳодиса сифатида майдонга чиқкан. Инчунин, Белинскийнинг илфор журнallар (айтайлик: "Отечественные записки") саҳифаларида босилган аксарият асарлари кўп ҳолларда рус адабиётининг ўтмишини таҳлил қилиш билан бошланар эди.

Шу маънода ўтмиш даврга оид асарлар таҳлил этилгани ҳамда улар ҳақида мулоҳазалар юритилгани билан, бу мулоҳаза ва чиқарилган айрим хулосалар бугунги адабиёт равнақи нуқтаи назаридан ҳозирги адабий жараён муаммолари йўналишидаги мақолалар ҳам мансублигига кўра адабиётшунослик ёхуд адабиёт тарихи эмас, адабий танқид намуналари ҳисоблана олади.

2. Ўзбек адабий танқиди жанрлари фанининг мақсад ва вазифалари. Фанинг эстетик моҳияти. Ҳаракатдаги эстетика сифатида эътироф этилган танқид ва унинг жанрлари эстетика хазинасини бойитишга, бадиий адабиёт ривожига, ёзувчи маҳорати такомиллашувига, жамият эстетик дидининг кўтарилишига таъсири кўрсатади.

Адабий танқид жанрлари танлов фанининг вазифаси жанрларнинг тарихий шароитда ўйнаган ролини, тутган ўрнини, изланишлари ва топилмаларини, жамият, шахс ва адига кўрсатган таъсирини аниқ баҳолаб беришдан иборат. Шундагина адабий жараён, унинг асосий тамойиллари, йўналиш ва қонуниятлари, аниқ адібнинг аниқ асари ва бадиий маҳорати адабий танқиднинг таҳлил ва тадқиқ предметига айланган бўлади.

Адабий танқид жанрларининг вазифаси ёзувчи ижодини, бадиий асарларни таҳлил этиш, шу асосда адабиёт ривожига туртки бўладиган муаммоларни кўтариб чиқиши,

текшириш, уларнинг эстетик моҳиятини очиш, баҳолаш, умумлаштиришдан иборат бўлиб, адабиётнинг ривожига хизмат қиласди.

Адабий танқид жанрлари танлов фанининг мақсади адабий танқид мақсади билан ҳамоҳангидир, мақсад: ҳаракатдаги бадиий ижоднинг ранг-баранг муаммоларини жамиятнинг ҳаёти, унинг моддий ва маънавий бойликларини яратиш йўлидаги кураш билан боғлаб ўрганиш ва тушунтиришдан иборат. Зоро, Президентимиз таъкидлаганидек: «Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак»¹.

3. Адабий танқид адабиётшуносликнинг ўзига хос таркибий қисми: муштарак ва хос хусусиятлар. Ҳодисанинг моҳияти. Адабий танқиднинг хос хусусияти аниқ бадиий асар ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш, уни баҳолаш бўлиб, унинг жамият ва инсон камолотидаги ўрнини белгилашдан иборат. Айни вақтда у адабий жараён тараққиётига жиддий таъсир кўрсатади. Адабиётшунослик уч таркибий қисмдан иборат: адабиёт тарихи, адабиёт назарияси ва адабий танқид.

Адабиёт тарихи бадиий адабиётни ретроспектив равища, яъни "орқага назар ташлаб", ўтмишда кечган ҳодисаларнинг сабаб, оқибатларини текширади. Бошқача айтганда, адабиёт тарихи бадиий адабиётнинг узоқ ёки яқин тарихга мансуб қисмини ўрганади. Адабиёт тарихи сўз санъатининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихини ҳам тадқиқ этади, умумлаштиради, бир халқнинг ва, умуман, кишилик жамиятининг тарихий тараққиётида бадиий адабиётнинг роли ва аҳамиятини белгилайди.

Адабиёт назарияси сўз санъатининг моҳиятини, у ёки бу асар жанри, поэтиласини, шунингдек, таркибий қисмлари қонунияти, уларнинг сўз санъати такомилидаги ролини тадқиқ этади, бадиий асарларни таҳлил қилиш тамойиллари ва уларга баҳо бериш меъёрларини белгилайди. Адабиёт назарияси ўтмиш ва бугунги кун адабий-тарихий жараёнидан назарий хulosалар чиқаради, мавжуд тажрибалар асосида келажак адабиётининг назарий хоссалари ҳақида башорат қиласди.

Адабий танқид бевосита ҳаракатдаги адабий жараённи текширади, янги пайдо бўлаётган асарлар таҳлили асосида тараққиёт тамойиллари ҳақида хulosча чиқаради, адабий жараёнга, янги мезонлар шакланишига таъсир этади. Адабий танқид замонавий бадиий асарларни халқ ҳаёти, унинг эстетик эҳтиёж ва талаблари жиҳатидан ўрганади, баҳолайди, фазилат, нуқсонларини аниқлади, ёзувчиларнинг ижодий ўсишлирига ва адабиётнинг равнақига кўмаклашади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбонининг очилишида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2020 йил 21 май. <http://db.natlib.uz/ru/editions/22251>

Адабиётшуносликнинг таркибий қисмларининг ўзаро муштарак жиҳати шундаки, уларнинг ҳар учови ҳам эстетик идрокнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганади; улар халқ тарихи, халқ тили, халқ маданияти, фольклор ва халқ эстетик тасаввурларининг жонли тараққиёт тарихи негизида ривож топади. Кўп ҳолларда бир олим шахсида, айтайлик, И.Султон ёки М.Қўшжоновларда, айни вақтда ҳам адабиётшунос, ҳам мунаққид фазилатлари мужассам топади.

Адабиётшуносликнинг уч таркибий қисми аро тафовутларга келганда шуни айтиш зарурки, айрмалар кўпроқ замон категорияси ҳамда обьектга муносабатга фарқдан келиб чиқади. Бинобарин, адабий танқидни адабиётшуносликдан фарқлашга имкон берадиган эстетик хусусиятлар қуйидагилар:

Адабиёт тарихи асосан ўтмиш адабиётини, адабий танқид эса кўпроқ шу кунда яратилаётган асарларни, адабиёт назарияси эса ҳам ўтмиш, ҳам бугунда асарларнинг яратилиш қонуниятларини, асарни юзага келтирувчи таркиб ва қисмларнинг сабабиятларини ўрганади.

Адабиётшунос ва танқидчи орасида ҳам муайян фарқлар бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: 1) адабиётшунос, асосан, илмий тафаккур майдонида, танқидчи эса илмий-публицистик ва бадиий тафаккурнинг муштарак майдонида ҳаракат қиласди; 2) адабиётшунос фундаментал муаммо ва хulosалар устида, адабий танқидчи эса жонли адабий жараён устида сўз юритади; 3) адабиётшунос ўтмиш ва замонанинг муайян хulosаланган адабий жараёнига, адабий танқидчи эса, аниқ асарга ва кечаги асарларнинг бугунги адабий жараёнга таъсир кўрсата оловчи жиҳатларига кўпроқ урғу беради; 4) адабиётшунос яхши маънодаги "академизм"га, билвосита фаолликка таянади, танқид эса замонавий, тезкор руҳдаги бевосита фаолликка асосланади; 5) адабиётшунос мутахассислар ва соҳа талабларини назарда тутади, адабий танқидчи эса оммага қараб сўзлайди; шу куннинг эстетик талабларига алоҳида эътибор беради; 6) адабиётшунос эстетикани, адабий танқидчи эстетика билан бир қаторда адабиётшуносликнинг ўзини ҳам бойитади; 7) танқид хulosаларини тасдиқлаб ёки инкор этиб, адиб, асар, муаммолар ҳақида янги илмий қарашларни илгари суради ва ҳ.к.

Адабиётшуносликнинг таркибий қисмлари ўзаро узвий боғланган бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради, бойитади. Шундай қилиб, адабиёт тарихи, адабиёт назарияси ва адабий танқиднинг мақсади умумий, аммо предмети бир-бириникидан фарқ қиласди.

Адабий танқид тарихини бадиий ижод, сўз санъати тарихидан ажратиб ўрганиш мумкин эмас. Негаки, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Уларнинг ҳар бири тақрорланмас ўзига хос қонуниятларга эга бўлса-да, бир-бирига фаол таъсир кўрсатиб туради. Уларнинг ҳаётга, шахсга кўрсатадиган таъсиридаги ўз ўрни, мустақил вазифалари,

бир-бириникига ўхшамаган воситалари бор. Бинобарин, адабий танқид илмий муҳокама ва мушоҳада йўсинидаги сўз санъати ҳисобланади. Н.Худойберганов тўгри таъкидлаганидек, "сўз санъатининг ўзига хос яратувчи, кашф этувчи ижод саҳифаси эканлигини ҳеч ким инкор этмайди, аммо адабий танқидчиликнинг мустақил ижод тури эканлиги ҳамон шубҳа уйғотадики, масалага аниқлик киритиш мақсадида унинг тузилиши, шаклланиши, ривожланиши жараёнини чуқур ўрганиш, тадқик этиш талаб қилинади. Аммо тарихга мурожаат этиш зарурати фақат шу билан белгиланмайди. Биринчидан, қайси соҳанинг ёки шахснинг тарихи бўлмасин, уни бузиб талқин этиш, йўқ нарсани бор, аксинча, борини йўқ деб кўрсатишга йўл қўйилмайди. Иккинчидан, тарихни ҳозирги кун нуктаи назаридан ўзгартириб, бугуннинг талабига мувофиқ баҳолаш бутунлай заарлидир. Учинчидан, уни баҳолаш, тадқик этишда ўша давр тараққиётининг асосий хусусиятлари, тенденцияларидан келиб чиқиб, ҳозирги замонга муштарак ижобий ҳамда салбий ҳодисаларни аниқлаш, яхшиларини қўллаб-қувватлаб, уларни янада мустаҳкамлаш, ривожлантириш, ёмонларни фош этиб, уларнинг равнақ топишига чек қўйишга алоҳида эътибор берилади. Яна шуниси борки, ҳар учала ҳолат бир-бирига табиий равишида бирлашиб, қўшилиб кетади, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ёхуд ажратиб ташлаш мумкин эмас"².

Адабий танқиднинг ўзига хос ижод тури, фан соҳаси эканлигини улкан адиб ва танқидчиларнинг яратган қатор асарлари исботлаб турибди. Бунга Алишер Навоий, Фитрат, А.Қодирий, Ойбек, П.Қодиров, О. Шарафиддинов, М.Қўшжонов ижодлари етарли даражада мисол бўла олади.

Адабиёт ҳаётни, воқеликни бадиий ўзлаштиришда ўзига хос образлилик воситалари билан инсон қалби ва ақлига таъсир қилиб, жамият ривожига ёрдам беради. Адабий танқид ҳам бадиий адабиёт воситасида шу вазифани бажаради, кишилик тараққиёти ва тафаккури ривожланишига таъсир кўрсатади. Ана шу хусусиятнинг ўзиёқ адабий танқидий асарларда санъатга, бадииятга хос айрим фазилатлар бўлиши мумкингина эмас, зарурлигини тақозо этади. Бунинг учун санъат асари ҳакида фикр юритувчи танқидчининг ўзи муайян даражада санъаткор бўлмоғи даркор.

Адабий танқид ўз моҳиятига кўра фалсафа билан чамбарчас боғлиқ. Танқид шу маънода фалсафийки, унинг маърифий ва ғоявий, ижтимоий ва эстетик вазифалари маълум даражада фалсафа фанининг вазифалари билан мос тушади. Лекин адабий танқид аниқ ижтимоий фан бўлгани туфайли ўзининг махсус тадқиқот предметига ва ўзига хос вазифаларга эгадир. Шу боис танқид фалсафадан ҳам, бошқа ижтимоий фанлардан ҳам,

² Худойберганов Н.,Расулов А. Ўзбек совет адабий танқидчилиги тарихи. Т.: Ўқитувчи, 1990. - Б.36.

адабиётшунослик фанининг **ўзга** соҳаларидан ҳам фарқланиб туради. Адабий танқид жамият бадиий тараққиётини илмий билишнинг аниқ кўринишидир. Шу туфайли фалсафа ва танқид орасидаги ўзаро муносабат илмий методология ва адабиётшунослик фанлари орасидаги ўзаро муносабат сифатида намоён бўлади. Шундай экан, адабий танқидчиликнинг барча тур, шакл ва жанрлари: 1) мантикий изчиллик; 2) илмий яхлитлик; 3) танқидий далилланганлик; 4) тузилиш жиҳатдан тугаллик ва мукаммаллик ҳамда 5) муайян даражадаги бадиий тафаккур унсурларига эга бўлишни тақозо этади. Агар буларнинг бирортаси етишмаса, танқидий асар ёхуд мақолада сакталик пайдо бўлади.

Танқид эстетика билан чамбарчас боғлиқ. Танқид билан эстетиканинг узвий боғлиқлиги – бу икки фан вазифаларининг ўзаро муштарак томонларида кўзга ташланади. Модомики, танқиднинг предмети бадиий жараён тамойиллари, унинг вазифаси ҳам воқелик ва инсон табиатини эстетик талқин этиш ҳамда уни такомиллаштиришдан иборат бўлади. Бу жиҳатдан эстетика ва танқид – бир жону бир тан. Шу умумий вазифасини бажаришда танқид: биринчидан, бадиий асар билан воқелик; иккинчидан, фан билан санъаткор; учинчдан, санъат билан китобхон; тўртинчидан, санъаткор билан китобхон ўртасида муносабат ўрнатади. Бунда танқид адабий жараён ва бадиий асарнинг ички эстетик тамойиллари, йўналишлари ва фазилатларини тадқиқ қилиш асносида ўз мақсадига эришади.

Хозирги танқидчилик, айниқса, аналитик фазилати билан ажралиб туради. У жиддий адабий-тариҳий, ретроспектив ва назарий умумлашмалар чиқаришдан ташқари, тарих, фалсафа, социология каби бир-бирига яқин фанлар билан алоқани кучайтирди.

Маълумки, эстетика фани ҳам уч таркибий қисмдан таркиб топади: 1) эстетика тарихи; 2) эстетика назарияси; 3) эстетик танқид. Эстетик танқид мисолида эстетика ва адабий танқид бир-бирига жуда яқинлашиб, баъзи жиҳатлардан ҳатто ўзаро уйғунлашиб кетади. Зеро, эстетик танқид қуйидаги масалаларни ўз ичига олади: а) эстетикага оид илмий адабиётлар танқиди; б) адабиёт ва санъат асарларини эстетиканинг муштарак қонун-қоидаларига асосланган танқиди; в) танқидни танқид, яъни адабий танқидга доир илмий ишларни эстетика муаммолари нуқтаи назаридан танқиди. Танқидни танқидда эстетика ва адабий танқид ўзаро сингиб, бир-бирига бевосита таъсир этиб, ажиб бир ҳамжиҳатлик касб этади. Чунончи, эстетика ва адабий танқид эстетик тарбияни амалга ошириш маъносида деярли бир хил мақсад учун курашади. У ҳам бўлса, китобхонни эстетик тарбиялашни кўзлайди.

Эстетик билишнинг умумий эстетик ва хусусий адабий-бадиий муаммоларини, яъни эстетика, адабиётшунослик ва адабий танқиднинг муштарак назарий ва аниқ бадиий муаммоларини ўзаро тақозодорликда ва жамулжам диалектик бирликда тадқиқ этиш янги-янги илмий самараларга йўл очади.

Гарб танқидчилигидаги ҳозирги структурализм илмий усул (метод)ларини ишлаб чиқишида тилшунослик, рухшунослик, антропология, кибернетика, математика, ахборотлар назарияси, статистика ва ҳатто кимё, физика фанлари ютуқларига таянмоқда. Бунда олимлар, аксарият ҳолларда, билишнинг статистика, тилшунослик ва биологияга хос илмий шакллари ва усулларини эътироф этган ҳолда бадиий тадқиқотда анатомиялаштириш ва алоҳида атомларнинг микродунёсини таҳлил этиш тамойилини ёқлаб чиқмоқчи бўладилар. Структурализмнинг бу йўли бадиий ижоднинг ички диалектик бутунлиги ва ижтимоий эстетик ўзига хослиги нуқтаи назаридан, умумийликнинг хусусийликдан моҳият эътибори билан фарқланиши ва адабий жараённинг жонлилиги нуқтаи назаридан эҳтимол маълум даражада керакли тамойилдир. Лекин бу жараёнда инсон тафаккури тараққиётидаги клонлаштиришдан иборат ҳодисанинг бадиий адабиётни ўрганишга ўтган муайян зўрама-зўракиликлардан иборат янгиликлари тарзида ҳам баҳоланиши мумкин. Зеро, фан ва техника тараққиётидаги барча янгиликлар бадиий адабиётни ўрганиш ишига тадбиқ этилавериши шарт эмас. Бадиий адабиёт ўз ички қонуниятларига эга алоҳида бир дунёдир. Робот ҳеч қачон ҳақиқий бадиий асар яратса олмаганидек, техник унсур бадиий адабиётни ҳеч қачон инсондек, танқидчикидек том маънода таҳлил қилиб беролмайди.

Танқид китобхонлар қаршисида шу жиҳатдан, айниқса, масъулки, у санъат ва адабиёт муҳибии, яъни реципиентининг эстетик талаблари ва эстетик эҳтиёжи даражасини чуқур ва атрофлича ўрганиб, ана шу ўрганиш самараларини ҳаётга тадбиқ этиш устида қайғуради.

В.Г.Белинский танқидий ишларини яратганда фалсафа, тарих, эстетика, адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, психология, педагогика, логика каби қатор фанлардан изчил ўрганиб борган; танқидда фақат ижтимоий фанларгина эмас, табиий фанлар ҳам қатнашиши мумкинлигини айтган. У “оғмачи ва ҳайиқувчи танқидга ҳеч қандай муболаға ва сукунатни билловчи, ҳақиқатга нисбатан чексиз бўлган муҳаббат”ни қарши қўяди. Ҳақиқатан ҳам Белинскийнинг ижодий даҳоси ўзида ижтимоий пафос ва фалсафий тафаккурни, эстетик ҳис ва адабий талантни, илмий умумлаштириш ва поэтик фантазияни бирлаштира олганлигини кўрамиз.

4. "Харакатдаги эстетика", тафаккурнинг ўзига хослиги. Адабий танқид адабиёт ҳодисаларини, адабий асарларни таҳлил қиласи, уларга баҳо берар экан, ўзининг ички

хусусиятларини кашф эта боради. Илғор адабий танқид 1) бадий асарларни кенг тарғиб этишига; 2) халқаро миқёсдаги илғор тамойиллардан муайян халқ адабий жараёнини воқиғ қилишига; 3) китобхонларнинг эстетик идроки ва завқини оширишига; 4) сўз санъаткорларининг шахс ва ижодкор сифатидаги такомилига хизмат қиласди.

В.Г. Белинский адабий танқид ва ижтимоий фикр ўртасидаги алоқани кўзда тутиб, ҳаққоний танқид ҳамиша жамиятнинг ўй ва орзуларини ифодалайди, деган эди. Танқид, юкорида қайд этилганидек, имкониятлар доирасида давр ва руҳият учун тамоман янги ҳакиқатларни кашф этиб, замонасининг санъат ва адабиёти ривожида янги босқич бошланишига асос солиши мумкин. Аммо бу ходиса, Белинскийнинг таъбири билан айтганда, "буюк ва нодир ходисадир".

Танқид "ўз замонасининг гўзаллик ҳақидаги ҳукмдор тушунчаларини аниқлаш ва оммалаштириш"ни ҳам ўз олдига вазифа қилиб олади. "Назария гўзаллик қонунларининг тизимли ва уйғун бирлигидир: аммо унинг бир кемтик томони бор: у маълум вақт доирасида қолиб кетади, танқид эса бу бетўхтов давом этади, олға боради, фан учун, янги материаллар, янги маълумотлар йигади. Бу ҳаракатдаги эстетикадир..."³.

Танқиддаги бадийлик ва образлилик унинг хос хусусиятларидан бири бўлиб, илмий-таҳлилий мазмунга сингган ҳолда намоён бўлади. Ёзувчи ўз қарашларини, орзуистакларини образлар воситасида қалбининг "дарди", ҳис-ҳаяжони билан ўқувчилар оммасига етказса, асосий мақсад қилиб ўқувчилар руҳий оламига, руҳиятига таъсир қилишни назарда тутса, адабий танқидчи ўз фикр-мулоҳаза ва қарашларини факат изчил мантиқ воситасида мунтазам ва аниқ баён қилиш йўли билангина эмас, уларни айни вақтда баъзан хаёлга эрк бериш, образли ва бадий фикрлаш билан қўшиб олиб боради. Асосий мақсад қилиб китобхон ақлигагина эмас, руҳияти ва туйғуларига ҳам таъсир қилишни назарда тутади. Бинобарин, танқидчи бадий асарларни баҳолаш жараённида шу асар туфайли қалбда туғилувчи ҳис-ҳаяжонни ҳам ифодалаб бериши лозим. Шу нуқтада адабий танқиднинг илм ва санъат билан уйғунлашган ўзига хос хусусияти кўзга ташланади: танқидчи илмий тафаккурига, мантиқига ўз бадий тафаккурини сингдирганда, уларнинг ўзаро бирлигини таъминлагандаги вазифасини теран адо этади. Чунки ҳис-ҳаяжон ва образлилик билан чархланган фикр совуққон, ҳиссиз фикрга нисбатан ўқувчидаги кучли ишонч ҳосил қиласди ва ифода этилаётган туйғу ҳам муайян балоғат касб этади.

Танқидчи образли фикрлаши керак, лекин образли фикрлаш зўрма-зўраки бўлмаслиги, ҳаддан ортиқ эстетчиликка берилиб кетмаслиги керак. У илмий фикрлашга

³ Белинский В. Танланган асарлар. Т., 1959. - Б. 234.

бўйсуниши ва бу табиий кечиши шарт. Бунда танқиддаги образлиликни адабиётдаги образлилик тушунчасига тенглаштирмаслик, бадий тафаккурни илмий тафаккурдан юқори қўймаслик лозим. Рус ёзувчиси Е.Винокуров: "Мен адабий-танқидий мақолалар тўпламини роман каби ўқишни хоҳлардим", - деганида танқидий асардан роман фазилатларини эмас, унинг ўқишлилигидаги жозибани, фикрлаш тарзидағи эссе услубини, фикрлар ифодалашдаги оммабопликни назарда тутади. Танқидчи, албатта, образли фикрлаши мумкин, образли фикрлаши шарт ҳам, бироқ образли тафаккур илмий тафаккурга бўйсуниши ва табиий бўлмоғи лозим.

Қисқаси, китобхон танқидий асардаги мунаққиднинг жўшқин ҳиссиётини, эҳтиросини китобхон сезиб туриши лозим. Ана шундагина танқидий асарлар қўлдан-кўлга ўтади, тез тарқалади. Танқидчилар ҳам муайян даражада санъаткорга ўхшаб китобхонларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўладилар. В.Г.Белинский тажрибасига назар солайлик. У қайси жанрдаги асарни таҳлил қиласин, шу жанрда сўз санъаткори яратган образларни, бадииятни қайтадан яна бир марта яратади, уларни бойитади, такомиллаштиради, тарашлайди, камчиликларини аниқлайди. Ўз қалби ва эстетик ҳиссиёти орқали шоир яратган бадиий асарга бамисоли қайтадан жон киритади. Унинг "қўли тегиши" билан бадиий асар бамисоли ҳаётдан янги куч-қувват олади: ундаги образлар равшанланади, янада чуқурроқ ифодасини топади, таъсир кучи ошади. Жараёндаги адабий оқимнинг, тамойилнинг тўғри йўналишидан боришга ёки уни тўғри йўлга солиб юборишга кучли таъсир кўргазади.

Аср бошларида Фитрат ва Чўлпон каби мунаққидлар ижодида образли танқидий тафаккурнинг турли кўринишлари учрайди. И.Султон, М. Қўшжонов ва О.Шарафиддинов каби танқидчилар ижоди ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Адабий танқиднинг бу хусусияти танқидчининг маълум маънода санъаткор ҳам бўлишини тақозо қилади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар :

1. Адабий танқид деганда нимани тушунасиз? Унинг эстетик ҳодиса сифатидаги моҳияти нимада?
2. Адабий танқид - адабиётшуносликнинг бошқа таркибий қисмларидан қандай хусусияtlари билан фарқ қилади?
4. Адабий танқиднинг бошқа фанлар билан алоқаси нималарда зухур топган?
5. Адабий танқид ва эстетик танқиднинг ўзаро муносабатини изоҳланг.
6. Адабий танқид жанрларининг ғоявий-эстетик ва ижтимоий-ахлоқий вазифалари нималардан иборат?

Мустақил ўқиши учун адабиётлар:

1. Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон, 2005.
 - 2.Каримов И. Адабиётга эътибор–маънавиятга, келажакка эътибор. Т.: Ўзбекистон. 2010.
 3. Абу Наср Форобий. Шоирлар санъати // ЎТА.1986, № 3.
 4. Аристотель. Поэтика.Т.: Адабиёт ва санъат, 1980.
 5. Беҳбудий М. Танқид сараламоқдур. Танланган асарлар. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
 6. Дўстқораев Б. Ўзбек совет адабий танқидчилиги тарихи. –Т., 1989.
 7. Каримов Б. Абдулла Қодирий. Т., 2005.
 8. Норматов У. Ижод сехри. Т., 2009.
 9. Пушкин А.С.Танланган асарлар.8-том, Т.,1982.
 10. Расулов А. Танқидчилик уфқлари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1985.
 11. Раҳмонов Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. Т., 2004.
 12. Сафаров О., Йўлдошев Б., Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи. Бухоро. 2003.
 13. Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. Т., 2006.
 14. Қаҳрамонов Қ. Адабий танқидда янгиланиш жараёнлари.Т.: Миллий кутубхона нашриёти. 2009.
 15. Ҳамдамов У. Янгиланиш эҳтиёжи. Т. 2002.
 - 16.www. Ziyo/ net
 - 17.WWW. nuqf. intal. uz
- *****

2- ЎЗБЕК АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИ ЖАНРЛАРИНИНГ ТАСНИФИ.

РЕЖА:

1. Ўзбек адабий танқидининг жанрий таснифи.
2. Адабий танқид жанрларининг муштарак ва ўзига хос хусусиятлари.
3. Адабий танқидий асарларда поэтика, матн масаласига эътибор қаратилаётганлиги.

Таянч тушунчалар: адабий танқид жанрлари, жанрлар таснифоти, муштараклик, адабий мулоқот, танқидий -биографик ёндошув, илмий-бадиий тафаккур, сўз санъати, адабий-танқидий мактуб, тақриз, мақола

Ўзбек адабий танқидининг жанрий таснифи. Барча санъат турларида бўлгани каби адабий танқид асарларининг ўз тузилиши, илмий-маърифий хусусиятлари, қўлланиш ўрни ва бажарадиган вазифаларига кўра муайян гуруҳлар ва йўналишларни ташкил этадилар. Танқидчилик жанрларини шартли равишда икки йўналишга—адабий жараённи ҳамда ёзувчи ҳаёти, ижоди масалалаларини ёритувчи йўналишларга ажратиш мумкин. Аммо, мазкур бўлинеш ўта шартли, чунки адабий жараённи ёритувчи «соф» жанрлар бўлмаганидек, фақат ижодкор ҳаёти ва ижодини очишга хизмат қиласиган жанрлар ҳам йўқ. Ҳақиқатан ҳам танқидчилик жанрлари, қайси шаклда бўлмасин, бевосита адабий жараён билан боғлиқ ҳолда ижодкор ва унинг асари ҳақида фикр юритади. Тўғри, адабий танқид жанрларининг айримлари янги бадиий асарнинг ёзилиши ва босилиб чиқишига алоқадор бўлса, айримлари ижодкор ҳаёти ва, умуман, ижоди ҳақидаги масалаларга дахлдор бўлади. Аслида эса танқидчилик жанрларига бошқа жиҳатдан, яъни қандай муаммоларни қамраб олиши ва вазифалари нуқтаи назаридан ёндошилса, янада тўғрироқ бўлар эди. Шу жиҳатдан уларни икки йирик гурухга ажратиш мумкин:

1. Тақриз, обзор ва муаммоли мақола, адабий-танқидий мактуб, адабий-танқидий сухбат жанрлари асар қачон, қандай яратилган деган саволларга жавоб бериб, ҳажми, бадиий асарнинг яратилиши ва унга баҳо бериш нуқтаи назаридан бир майдонда бирлашади.

2. Адабий портрет, эссе (бадиа), танқидий-биографик очерк сингари жанрлар ёзувчи ижодини умумлаштириб ўрганиш, баҳолаш, талқин этиш, тарғиб қилиш жиҳатидан бир майдонда бирлашади. Улар ижодкор шахси, муҳити, истеъдодининг шаклланиши, адабиётда тутган ўрни сингари муаммоларга ойдинлик киритади.

Ўзбек танқиди жанрлари юзага келиши, шаклланиши ва тараққиётидаги муҳим омиллардан бири вақтли матбуотнинг пайдо бўлишидир. XX аср бошларида янги адабиётning туғилишига алоқадор ҳолда уни идрок этиш, англаш, моҳиятини китобхонга тезроқ етказиши зарурияти турли шаклларда ифодалаш эҳтиёжини келтириб чиқарди. Масалан, тақриз ва мақолалар вақтли матбуотда эълон қилиниб, яратилган бадиий асарлар ҳақида маълумот бера бошлаган. Демак, вақтли матбуот ва миллий уйғониш даври адабиётининг ранг-баранглиги хилма-хил ифода шаклларининг юзага келишига таъсир кўрсатган.

2.Адабий танқид жанрларининг муштарак ва ўзига хос хусусиятлари.

Хар бир жанрнинг ўз хусусиятлари бўлишига қарамай, уларни муштарак этувчи жиҳатлар ҳам мавжудки, худди шу умумийлик уларни яхлит тизимга бирлаштиради. Буни қуидагича изоҳлаш мумкин:

- ўзбек адабий танқидининг барча жанрлари моҳиятан ўзаро муштаракдирлар. Уларнинг барчасида адабиётнинг ривожи, камолоти, юксак бадиийлиги учун кураш, китобхон эстетик онгини юксалтириш вазифаси асосий ўрин тутади. Улар замирида сўз санъатига самимий муҳаббат ётади;

- адабий танқид жанрлари аро алоқа ва уйғунлик уларнинг бадиий адабиёт савияси учун курашдаги кўпкиррали мақсад ва вазифаларидаги муштаракликни келтириб чиқаради: хар жанр ўзининг алоҳида бир - бадиий асарнинг, ёзувчи ижодининг ўзига хосликларини қўрсатишдан иборат вазифасига эга; маълум бир гурухга оид жанрий шакллар бадиий асар ёзилиши ва нашр этилишига алоқадор ташвиқотчилик характеристига эга: такриз, мақола, адабий мактуб каби жанрлар, асосан, ана шундай вазифани бажаради. Бошқа бир гурух жанрлар ёзувчи ҳаёти ва ижодини умумлаштириш характеристига эга: адабий портрет, танқидий-биографик очерк ва эссе шундай мақсадни кўзлади.

Шу тариқа барча жанрлар бир бўлиб, яхлит илмий-адабий тафаккур воситаси сифатида адабиётнинг равнақи учун курашади, ижодкор ва унинг асари хақида муайян хulosалар чиқаришга интилади; муштарак илмий-адабий тизимни вужудга келтиради.

Адабий танқид асарлари учун адабиёт ва унинг назарияси эстетик тамойиллари асоси умумийдир. Тилдаги оммабоплик, илмийлик синкретизми, соддалик, илмий-бадиий тафаккур синтези, мушоҳада аниқлиги, хulosалардаги лўндалик, умумлаштириш характеристидаги ижодий ёндашув ана шуларга хизмат қиласи. Адабий-танқидий асарларнинг жавҳари адабиётга муҳаббат, уни қадрлаш туйғусидир.

Доимий тараққиётда бўлган бу тизим ўзбек адабиёти, маданияти, тили, илмий-бадиий тафаккурига хос хусусиятларни, миллий ўзига хосликларни ёрқин ифода этади. Шу мантиқдан келиб чиқиб, ҳажми ва олдига қўйган мақсади ҳамда вазифасига кўра адабий танқид жанрларини уч гурухга бўлиш мумкин:

1. *Ихчам ва ҳозиржасавоб жанрлар.* Буларга такриз, обзор ва муаммоли адабий-танқидий мақолаларни киритиш мумкин.
2. *Етакчи хусусиятларини тарихий-биографик ёндашув белгиловчи жанрлар.* Уларга танқидий-биографик очерк, адабий портрет, бадиа (эссе), монография кабилар киради

3. *Адабий мулоқотга асосланган жанрлар*: адабий-танқидий мактуб ва адабий-танқидий сұхбатдир.

Адабий танқид жанрларининг ўзаро муносабатлари – ижодий-назарий мураккаб жараён бўлиб, ўзаро таъсир, уйғунлашув ва номувофиқлашув, бир-бирини бойитиш ва хусусийлаштириш тарзида кечади. Жанрлар алоқаси хилма-хил шакл ва қўринишга эга бўлади. Бу алоқалар адабий танқидда сезиларли ўзгариш, ранг-баранглашувни юзага келтиради.

Адабий танқид жанрлари бирданига ва бир вақтда юзага келмаган, албатта. Тақриз, мақола, очик хат, бадиа, адабий портрет, адабий-танқидий сұхбат, баҳс, монография жанрларининг ҳар бири бадиий адабиёт ва танқид тарихидаги тараққиётнинг муайян босқичида юзага келган.

Адабий танқид жанрларининг юзага келиши, шаклланиши ва тараққиётидаги асосий омил – ижтимоий ва эстетик эҳтиёждир. Уларни юзага чиқарувчи омил эса танқидчи маҳоратидир. Воқелик, ҳаёт бадиий адабиётда акс эттирилар экан, адабий танқид олдида унинг ғоявий-тарбиявий ҳамда бадиий-эстетик моҳият ранг - баранг шаклларда очиш, турли мушоҳада йўсини орқали тарғиб этиш зарурати туғилади. Адабий танқиддаги жанрлар ана шу эҳтиёж натижасидир.

3.Адабий танқидий асарларда поэтика, матн масаласига эътибор қаратилаётганлиги.

Танқидчилик жанрларидаги такомил бадиий ижоднинг ўзидағи ранг-баранглашув билан ҳам чамбарчас боғлиқ, айни вақтда, уларнинг ўзи бадиий асарларнинг яратилиши, ёзилиши, нашри, оммалашувига ҳам маълум миқдорда ўз таъсирини қўрсатади.

Ўзбек танқидчилигидаги жанрлар мажмуи тарихан вужудга келган яхлит тизим бўлиб, хилма-хил типдаги танқидий асарларнинг мураккаб ва ўзига хос алоқалари ҳамда ўзаро таъсири замирида бунёдга келган. Жанрлар тизимининг шаклланиш жараёни танқидий тафаккур тараққиётининг мухим қонуниятларидан бири ҳисобланади.

Энг мухими шундаки, ёзувчи қайси даврда яшаб ижод этган бўлмасин, асосий мақсад: унинг асарларида ҳаёт ҳақиқати қандай услугуб ва воситалар орқали қай даражада ёритилгани ёхуд ёритилмагани; қандай тўлақонли, янги образ, характерлар яратилганини ёки яратилмаганини; бу образлар давр руҳини чуқур акс эттира олганми ёки йўқлиги; улар ҳозирги замонга қайси қирралари билан муштарак бўлиб, ўқувчилар тафаккурини ўзгартиришга иштирок этиши ёки этмаслигини аниқлаш; нихоят, буларнинг барчаси моҳиятини баркамол илмий-эстетик таҳлил орқали қўрсатиш танқидчиликтининг дикқат

марказида бўлмоғи лозим. Зеро, И.А.Крилов таъкидлаганидек: "Танқид фақат танқидчиликнинг кўрсаткич бармоғи билан асарнинг камчилик, ютуқларини кўрсатишигина эмас, балки унинг нозик дид, нафосат билан яратилганлигини кўрсатиш ҳамдир".

Бунда танқид ёзувчининг ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантирган ёки айлантира олмаганини баҳолай билиши мухим аҳамият касб этади .

Ҳозирги адабий жараёнда, унда рўй берадиган хилма-хил ўзгаришлар, янгиланишларнинг моҳиятини, сабабини ёритиш ва натижаларини аниқлаш илмий-эстетик таҳлил зиммасига юклатилади. Айтиладиган ҳар бир фикр, бадий ижод, ҳаёт ҳодисаси хусусидаги мулоҳазалар ва хulosалар илмий-эстетик таҳлилда намоён бўлади. Улар таҳлил орқали исботланмаса, ўз қадр-қимматини топиши қийин кечади.

Санъатга муҳаббат бўлмаган жойда танқид ҳам бўлмайди. Шу ўринда немис файласуфи Винкельманнинг куйидаги сўzlари ёдга тушади: "Бадиият донишманди бўлишни истайсизми? Санъаткорни севинг, унинг асарларидан гўзаллик ахтаринг". Ҳар бир мақола, тақриз, тадқиқот салмоғи, қиммати таҳлил мазмуни билангина эмас, танқидчининг асардан гўзаллик излай билиши, уни аниқлаш ва далиллаш ҳамда шуларни китобхонга ҳам ўтказа билиш қобилияти билан белгиланади. Таҳлил илмий-эстетик ҳақиқатни юзага чиқарадиган асосий восита бўлиб, асардан реал вокелик томон интилади, ижтимоий ҳодисалар ва ҳаётдаги инсон, унинг руҳияти билан бадий асарларни бир-бирига таққослаш орқали ўзлигини кўрсатади. Шу сабабли адабий танқид ҳаётда, сўз санъатида қандай гўзал, нодир ва ноёб хусусиятлар бўлса, уларни астойдил севишга; қаерда жаҳолат, нопоклик учраса, кучли ғазабимизни уйғотиб, уларга қарши курашмоққа туртки беради.

Аммо баъзан танқидчиликда (унинг айрим вакиллари қарашида) четга оғишлиар кузатилган ҳоллар ҳам бўлади. Айниқса, 60-80-йилларда баъзан бадиият ҳақида илмий асосланган фикрлар айтиш ўрнига, мантиқан гўё тўғридек кўринса-да, аслида бадиият қонунларини етарли англаб етмаслик туфайли тугилган даъволарни пеш қилишга ўхшаган сохта талабчанлик сезиларли даражага қўтарилиган ҳоллар содир бўлди. Бу ҳолатни Н.Худойбергановнинг айрим мақолаларида, шунингдек, О.Тоғаевнинг А.Ориповнинг "Аёл" шеърига мулоҳазаларида кузатиш мумкин.

Эндилиқда адабий танқид кўнгилчанлик ва амалга қараб баҳо бериш иллатидан фориг бўлиб бормоқда. Истиқлол даврига келиб, танқидчилик шўро давридаги синфиийлик, партиявийлик каби иллатлардан тамомила холи бўлди. Адабий танқид жиддий фаолиятдир. Танқидчи қайси асар ҳақида сўз юритмасин, мулоҳазаларни ошкора айтса, хulosалар салмоғи, йўналишини кимнингдир кўнгли, истаги, амали ва мартабасига

мосламаса, асарни холис илмий-эстетик таҳлилдан ўтказса - адабиёт равнақида қандай мавқе эгаллай олишини тўғри белгиласа, ўзининг ва танқидчиликнинг жамиятдаги ўрни, хурматини сақлаган бўлади. Акс ҳолда бунинг тескариси рўй бериши табиийdir.

Хуллас, адабий жараёнда, ёзувчилар фаолиятида қандай ижобий ёки салбий, мураккаб ёхуд зиддиятли ҳодиса рўй бермасин – барчасини, асосан, сўз санъати, бадиийлик талабларининг ички қонуниятларига биноан ёритилиши зарур. Шундагина танқидчи адабий танқид моҳиятини тўғри англаган бўлади, тўғри умумлашма ва хуносалар чиқаради, ўзининг ва ёзувчилар билан муносиб савияда баҳслаша олиш қиёфасини намоён этади. Бундай истеъдод соҳиби ўз услуби, салмоқли фикр-ўйи, мулоҳазаси, ҳатто оҳанг ва шакл-шамойили билан алоҳида ажралиб турадиган мақолалар, такризлар, тадқиқотлар яратиб, фақат адабий жараёнгина эмас, ҳаётни ҳам турфа зиддиятлар ва гўзалликлар гармониясида гавдалантирадиган олам ичидаги илмий-эстетик оламни кашф этади, сўз санъати ҳақидаги фаннинг чинакам заҳматкаши сифатида обрў-эътибор қозонади.

Танқидчиликнинг яна бир хосияти унинг миллийлигидадир. Бадиий адабиётдаги миллийлик каби танқидчиликдаги миллий асос ва миллий қиёфа ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Лекин бундан қатъи назар миллийлик ва умуминсонийлик диалектикаси ҳозирги замон адабий танқидчилигидаги ўзак масалалардан бири саналади. Зеро, санъатнинг миллий ўзига хослиги билан умуминсонийлик диалектикаси, турли миллатлар бадиий маданиятларининг бир-бирига ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши ҳозирги халқаро миқёсдаги адабий- бадиий жараённинг ички ҳам ташқи эстетик моҳиятига тегишли жаҳоншумул муаммоларидир. Ҳозирги турли халқларга мансуб адабий бадиий жараённинг ўзи миллий ҳаёт ва миллий онг эстетик инъикоси сифатида ҳаракат қилса-да, чинакам халқчил танқидчилик бу муаммоларни ўз таҳлилидан четда қолдирмайди.

Адабий танқид тор муаммо ва мавзулар доирасида ўралашиб қолмаслиги ва умумэстетик мезонларни йўқотиб қўймаслиги учун адабий жараённинг етакчи тамойилларини тинмай кузатиб туриши, у ёки бу ёзувчи услугуга хос қирраларни, ижодий йўлига хос хусусиятларни ёритиши, бадиий асарни ҳозирги даврнинг руҳий, маърифий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-маънавий муаммолари билан алоқадорликда талқин этиши керак бўлади.

Адабиёт, замон-макон - инсон муаммолари ва бадиий эҳтиёжларини қаҳрамонларини тарихийлик тамоили асосида қай даражада акс эттираётгани танқиднинг дикқат марказида туриши ва у бадиий асарнинг ғоявий-эстетик таҳлилига шу нуқтаи назардан ёндашув муҳим аҳамиятга эгадир.

Танқидий фикр қанчалик ҳаққоний ва талабчан бўлса, ҳозирги адабиётимизнинг муҳим масалаларини қанчалик дадиллик билан кўтарса - унинг мавқеи шунчалик кучли, натижаси эса шунчалик самарали кечади. 50-йилларда А.Мухторнинг "Дарёлар туташган жойда" қиссаси, 60- йилларда А.Ориповнинг "Тилла балиқча"шेъри, 70-йилларда Э.Воҳидовнинг "Ўзбегим" асари, 80- йилларда Р.Парфининг асари туфайли содир бўлган танқидий чиқишлиар улар келгуси ижодида қанчалик катта роль ўйнагани маълум. Тирноқ остидан кир қидириш эмас, мафкура зирҳига бурканиш эмас, шу хилдаги холис миллатпараварлик руҳи билан сугорилган чиқишлиар ҳозирги кунларда мустақиллик ғояларини мустаҳкамлаш маънавий-эстетик эҳтиёжга айланган бир шароитда, янада ривожлантирилиши лозим. Шундагина адабий танқид илмий-эстетик ҳодиса сифатида истиқлол даври ўзбек адабиётининг тараққиётига самарали таъсир кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, 1) матбуот ва адабий жараён билан боғлиқлик; 2) асарни ҳаётга қиёслаб ўрганиш; 3) тафаккурнинг ўзига хос тарзи; 4) ташвиқот воситаси сифатида иш кўриши; 5) ўзига хос содда ва ўтқир услугга эгалиги; 6) ҳозиржавоблик; 7) ҳаракатдаги эстетика эканлиги; 8) асосан, бадиий адабиётнинг ички қонуниятларига таяниш; 9) илмий ва бадиий синкетизм адабий танқиднинг ўзига хос хусусиятларидир.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Адабий танқид - "ҳаракатдаги эстетика" деганда нимани тушунасиз?
2. Адабий танқидда образлилик қандай намоён бўлади ?
3. Адабий танқидда илмий тафаккур билан бадиий тафаккурнинг ўзаро уйғунлашуви қандай намоён бўлади?
4. Адабий танқиднинг илмий-эстетик ҳодисалиги нималарда кўринади?
5. Адабий танқиднинг жорий адабий жараёндаги ўрни қандай?

Мустақил ўқиши учун адабиётлар:

1. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи.Т.,1993.
2. Норматов У., Болтабоев Ҳ. Янги назарий тамойиллар // Жаҳон адабиёти. – Т., 2008. № 3. – Б. 154-163
- 4.Норматов У., Очилов Э. Танқид, мунаққид ва ҳозирги адабий жараён // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2004. – № 4. – Б. 35–44.
- 5.Сафаров О., Йўлдошов Б., Аҳмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи (қўлланма). – Бухоро, 2003.
7. Уэллек Р., Уоррен О. Теория литературы. – М.: Прогресс, 1978. –325 с.
8. Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. – Т.: Фалсафа ва ҳуқук, 2006. – 122 б.
9. Чернишевский А.Г. Адабий-танқидий мақолалар. Т., 1987.

10. Шарафиддинов О. Ижодни англаш баҳти. Т.: Адабиёт ва санъат, 2006.
11. Хализев В.Е. Теория литературы. Изд. 3. – М.: Высшая школа, 2002. – 437 с.
12. Ўзбек адабий танқиди. Антология. Тошкент. 2011.

2-МОДУЛ

3-Мавзу: Ихчам ва ҳозиржавоб жанрлар. Тақриз жанри

- Режа:**
1. Тақризнинг жанрий табиати, генезиси.
 2. Тақризнинг турлари ҳақида.
 3. Тақриз жанрининг эстетик тафаккур тараққиётидаги ўрни ва таснифи.
 4. Янги асар ташвиқотида тақризнинг роли.
 5. Тақризнавислиқда ютуқ ва нуқсонлар.

Таянч тушунчалар: тақризнинг луғавий маъноси, истилоҳий маъноси тақриз–ҳозиржавоб эстетик баҳо; тақриз–бадиият оламига "разведка" воситаси; тақриз ва матбуот муносабати; тақриз-шарҳ, тақриз-баҳс, монографик тақриз.

Тақризнинг жанрий табиати. "Тақриз" сўзи луғатларда турлича изоҳланади. «Адабиётшунослик терминлари луғати»да "Рецензия - (тақриз) адабий танқиднинг бир тури бўлиб, спектакль, кинофильм ва бошқалар тўғрисида ёзилган, уларни таҳлил қилган, уларга баҳо берган кичик адабий танқидий асар", деб таъриф берилади⁴. «Фарҳангি забони тоҷики» луғатида: «Тақриз - а. Буридан, қатъи кардан; шеър гуфтан дар мадҳ ё мазаммати касе (яъни кесмоқ, очиб қўймоқ; кимнидир мадҳ ёки ҳажв қилиб шеър айтмоқ). -б. Баҳо додан бо роҳи катби ба навиштаи касе; баҳои мусбат додан ба навиштаи касе (яъни кимнингдир ёзганларига ижобий ёки салбий баҳо бермоқ)»⁵, - дея изоҳланган. Ҳар иккала изоҳда тақриз сўзи маъносининг у ёки бу қирраси очиб берилади.

Тақриз аниқ бир асарни асосли таҳлил этувчи, мунакқид услубини намоён қилувчи, адабий танқиднинг энг кичик жанри ҳисобланади. Тақриз - ҳозиржавоб эстетик баҳо; тақриз–бадиият оламига "разведка" воситаси. Унинг вазифаси ихчам оммабоп таҳлил орқали асарнинг адабий жараён ва ёзувчи ижодиётидаги ўрнини аниқлаш, ютуқ ва камчиликларини кўрсатиш, исботлаш ва баҳолаш, унга китобхонлар эътиборини қаратишдан иборат.

У адабий талқиннинг лўнда, кичик қўриниши деб айтилганларга қўшимча яна шуни айтиш мумкинки, тақриз адабий танқиднинг энг ҳозиржавоб ва тезкор жанри

⁴ Хотамов Х. ва бошқалар. Адабиётшунослик терминлари лугати. Т., 1967.

⁵ Фарҳангি забони тоҷики. Чилди 2. Москва, 1969, сах.353.

хисобланади. Айниқса, шу хусусияти билан адабий танқиддаги бошқа жанрлардан фарқ қиласы. Янги асар яратилгач, дейлик, бир йил ўтгандан кейин ҳам, баъзан эълон қилинган тақризларни кузатиш мумкин. Бироқ бундай ҳолларда унинг энг муҳим фазилатларидан бири тезкорлик ва ҳозиржавоблик сусайди.

Тақриз аксарият ҳолларда янги бадиий ва илмий асарларга муносабат шаклида ёзилади. Қандай асарларга бағишилаб ёзилганилигига қараб тақризни икки гурӯҳга бўлиш мумкин: 1) бадиий асарларга ёзилган тақризлар; 2) илмий асарларга ёзилган тақризлар; бундай тақризлар танқидни танқид характерида бўлади.

Адабий жараёнда пайдо бўлган янги асарни биринчи бўлиб баҳолайдиган, ҳозиржавоб тақриз жанри кенг аудиторияга эга. Чунки тақризда илмий-эстетик таҳлил ва баҳо ихчам, сиқиқ шаклда, оммага тушунарли тарзда ўз ифодасини топади. Шу боис тақриз айрим мутахассислар айтиётганидек, факат кутиб оловчи жанргина эмас. У янги асар таҳлили орқали адабий жараёндаги янги тамойилларни баҳолай оладиган эстетик хусусиятга эгадир. Муайян асар таҳлили орқали тақриз ҳам асар, ҳам ҳаёт ҳақиқатини очиб, китобхонга бадиий асар ҳақида тасаввур беради.

Бу жанр яна шуниси билан характерлики, кенг жамоатчиликнинг янги асарни қандай қабул қилиши ҳам маълум жиҳатдан уни баҳолаган, таҳлил қилган дастлабки тақризларга боғлиқ. Ҳаққоний тақриз янги асар ҳақида жамоатчилик фикри шаклланишига таъсир кўрсатади. Китобхоннинг янги асарни қабул қилишга, ёки қилмасликка ундейди. Тақризчи асар моҳиятини илмий-эстетик таҳлил этиш орқали у ҳақдаги китобхоннинг тасаввур кўзини очади. Шу ўринда танқидчи масъулияти деган муҳим масала келиб чиқади. Агар мунаққид илмий-эстетик жиҳатдан кучли бўлса, мулоҳазалари асосли ва теран бўлса, илмий жамоатчиликка ҳам, китобхонларга ҳам, жараёнга ҳам катта наф келтиради. Ва, аксинча бўлса, қимматли асарни дидсизлиги туфайли инкор этса, ёхуд бўш асарни мадҳ этса, адабий жамоатчиликни, китобхонларни chalғитади. Шу маънода тақризчини тиббиётдаги ташхис қўювчига қиёсласа бўлади.

Хар бир замоннинг, адабиётнинг рухи даставвал тақризда кўринади. XX асрнинг 20-йиллари бошларида ёзилган тақризларда холис қарашлар кузатилса, 30-йиллардан танқидчиликда, хусусан, тақризларда вульгар социологик қарашлар кучайди. Қандай асар ёзилганидан кўра, ким томонидан яратилганига кўпроқ эътибор берилди. Уларда тақризчи, албатта, асарнинг гоявий асоси, қаҳрамонларнинг қайси синф вакили эканлиги ва бошқа мағкуравий масалаларга тўхталиши жоиз эди. Бу хусусият бир неча ўн йиллар мобайнида тақризларда давом этди. Тўғри, ижобий баҳога муносаб тақризлар ҳам йўқ эмасди. Лекин, тузум, кўпинча, ўз идеалига мос тақризчиларни “қадрлади”.

Уруш давридаги асарлар таҳлилига бағишланган тақризлардан яна бири Шайхзода асари тўғрисида Ойбек ва F.Ғулом ҳамкорлигига ёзилган "Жалолиддин" драмаси ҳақида" номли тақриздир. Бу тақриз тарихий жанрдаги драманинг қатори мухим муаммоларини кўтариб чиқиши жиҳатидан, наинки уруш даври, балки умуман ўзбек танқидчилиги тарихида мухим аҳамиятга эгадир. Унда эътироф этилишича, драмада "...Ватан ўғилларининг эрк, мустақиллик, номус ва шараф учун бошлаган кураши ёрқин маънодор драматизм билан тўла ҳаяжонли картиналарда гавдаланади".

Ойбекнинг адабий-танқидий меросида тақризнинг ўрни. Ойбек XX аср ўзбек адабиётининг чўнг қояларидан бири бўлиб, ўзининг улкан ижоди ва адабий мероси билан XXI аср авлоди тафаккурини бойитишга ҳам бирдай хизмат келиб келмоқда. Ойбек истеъдодининг бир қирраси унинг мунаққидлик фаолиятида ёрқин кўринади. Ойбек ўз даврининг нуқтадон танқидчиси, адабий жараённинг сергак кузатувчиси ва фаол иштирокчиси эканлигини унинг ҳажман йирик адабий-танқидий мероси яққол намоён этиб турибди. Академик ёзувчи, ўз даврининг етук мунаққиди Ойбекнинг илмий мероси ғоят ва ранг-барангдир. Ойбек ижодида адабий танқиднинг тақриз, адабий-танқидий мақола ва унинг обзор, муаммоли ва баҳс характеридаги турлари, портрет-мақола, илмий-биографик мазмундаги асарлар, йирик монографик тадқиқот каби жанрлари кўплаб учрайди. Гарчанд Ойбекнинг адабий-танқидий қарашларини ўрганиш 70- 80-йиллардан (О.Шарафиддинов, Б.Назаров) бошланган бўлса-да, унинг адабий-танқидий меросини шакл нуқтаи назаридан ўрганиш бугунги кунда ойбекшунослик олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Бу эса улкан адабининг шахс ва ижодкор сифатидаги бир бутун қиёфасини тадқиқ этишда жуда зарурлигини намоён этади. Ойбек ижодида адабий танқидчиликнинг тақриз, адабий-танқидий мақола, обзор мақола каби кичик ҳажмли шакллари орасида портрет-мақолалар ҳам мавжудки, улар ўз даврининг адабий жараёни ҳақида, ўз муаллифининг илмий-ижодий қиёфаси ҳақида тўлиқ маълумот беради.

Академик ёзувчи, ўз даврининг фаол ва нуқтадон мунаққиди Ойбекнинг илмий мероси ғоят ва ранг-барангдир. Ойбек адабий танқиднинг тақриз, адабий-танқидий мақоланинг обзор, муаммоли ва баҳс характеридаги турлари, портрет мақола, илмий-биографик мазмундагидаги асарлар, йирик монографик тадқиқот каби жанрларида бадиий адабиёт ва ижодкор ҳақида теран мулоҳазаларини баён этади. Адабий танқидчилик жанрлари ичida Ойбекнинг энг кўп мурожаат қилгани тақризлар ва мақолалар эканлиги кўринади. Ойбек тақризларини ўрганар эканмиз, улар адабининг адабий жараённинг сергак кузатувчиси ва иштирокчиси бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Ойбек тақризларини ёзилган даври ва моҳияти, мазмунига кўра иккига бўлиш мумкин:

1. Ўз даврида муҳим аҳамият касб этган, бугун ўша даврни ўрганиш манбаи бўлган тақризлар.

2. Ўз даврида ҳам, ҳозир ҳам аҳамиятини, замонавийлигини йўқотмаган, долзарблиги, қўйилган муаммонинг илмий ва аниқ ҳал этилиши билан ажралиб турувчи тақризлар.

Биринчи гурухга мансуб тақризлар моҳиятнан улардаги қарашлар эскирган бўлса ҳам, бугун шакл нуқтаи назаридан Ойбекнинг танқидий маҳоратини ўрганишда ҳали ҳам хизмат қила олади. Масалан, Ҳусайн Шамснинг «Ҳукуқ» романига бағишлиланган тақризни олиб кўрайлик. У тақриз жанри талаблари асосида ёзилган: ҳажман қисқа, янги асарга берилган баҳонинг анқлиги ва холислиги, ҳозиржавоблиги, тузилишидаги мукаммаллик билан диққатга сазовор. Тақризда асарнинг ғояси тўғри кўрсатилади, асосий образларга баҳо берилади. Асарнинг бадиий салмоғи беш қисмга бўлиб очиб кўрсатилади, камчиликлари очиқ баён этилади. Романи нашр этиш олдидан Ойбекка беришган бўлса керак, у камчиликларини тузатгач, нашр этиш мумкин деган тавсия беради.

Ойбекнинг талабчанлиги шунда кўринадики, ёзувчи кўрсатилган камчиликларнинг кўпчилигини тузатади, буни қайтиб кўргандан кейин ҳам, Ойбек асарни «сиёсий ва адабий жихатдан жуда асосли қилиб таҳрирдан ўтказиш»ни, кейингина нашр этишини тавсия қиласи. Тақризда Ойбек романга давр нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳо беради, унинг ютуқ ва нуқсонларини кўрсатади, асарнинг савиясини ошириш учун ёзувчига ҳам маслаҳатлар беради. Бу эса Ойбекнинг тақризи ўз вазифасини бажарганлигини ёрқин намоён этиб турибди.

Фитратнинг «Адабиёт қоидалари» асарига, Адҳам Раҳматнинг «Ўзбекистон асл фарзандлари» асарига ёзилган тақризлар ҳам шу гурухга мансуб.

Иккинчи гурухга мансуб тақризлардан бири М.Шайхзоданинг «Жалолиддин» драмаси ҳақида бўлиб, уни Ойбек F.Ғулом билан биргаликда ёзган. Ойбекнинг «бадиий таланти илмий салоҳиятдан озиқ олди, илмий тафаккури эса бадиий таланти ҳужайралари нафаси билан мустаҳкамланди» (Назаров Б. Ҳаётийлик- безавол мезон. Тошкент. «Ёш гвардия». 1985. 43-бет). Ҳақиқатан ҳам драма ҳақидаги тақризни ўқир экансиз, Ойбекнинг илмий-бадиий тафаккури бадиият чашмаларидан тўлиқ суғорилганлигидан ҳайратга тушасиз. Ундаги самимийлик, фикрнинг ҳис ва туйғуга бой эканлиги китобхон диққатини ўзига тортиб, тақризни ўқимишли қилишга ёрдам берган. Шу билан бирга тақриз ижодкорларнинг ҳассос қалбини кўрсата олишнинг, ҳақиқий бадиий асардаги гўзалликни ҳис эта билиш истеъдодининг, уни сўзда намоён этиш талантининг ёрқин намунасиdir.

Тақриз тарихга назар солиш орқали бошланади. Жалолиддин Мангубердининг тарих олдидаги буюк хизматларига баҳо берилади.» ...Жалолиддин халқ, ватан, эрк байроқдори каби қасос қиличини кўттарди. Мухаммад Аловиддиннинг бу ўғли ҳақиқатан ажойиб йигит эди». (Ойбек. МАТ. Т. 1979. 14-том. 224-бет).

Тақриз драманинг саҳнага қўйилиши муносабати билан ёзилган. Унда драматургнинг маҳоратига тан берилади. «Шоир Шайхзода ўз драмасида қаҳрамонлик таронасини куйлади. Бу қаҳрамонликнинг жонли руҳи- Жалолиддин» (225-бет). Драмадаги Жалолиддин, Султонбегим, Темур Малик образлари ҳақидаги фикрлар бадиий бўёққа ўраб берилганлиги, жозибаси билан кишини ўзига мафтун қиласди. Шунинг учун бу тақриз бадиий асар каби ўқиласди. Унинг тили содда, шу билан бирга нафис ва халқчил, самимий, эҳтиросга бой. Унинг жозибадорлигини оширган фазилатлар: а) тарих билан муқояса қилиш орқали тарихий ҳақиқатнинг бадиий ҳақиқатга айланганлигини очиб бериш; б) драмани тўғри ва холис баҳолаш; в) драманинг саҳнага қўйилиши ва унинг муваффақиятидан мамнунлик ҳисси билан тўлиқ тақриз бугун ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, «Жалолиддин» ҳақидаги тақриз ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан жуда юқори савияда ёзилган. Ойбек тақризларига хос ихчамлик, шакл ва мазмуннинг уйғуналиги, илмийлик ва бадиийликнинг омухтаси, тилининг жозибадорлигидан ёш адабиётшунослар, танқидчилар бугун ҳам, келажакда ҳам кўп нарсани ўргана оладилар, баҳра ола биладилар. Ойбекнинг адабий-танқидий мақолалари, йирик монографик тадқиқотлари ҳақида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин. Шунинг учун Ойбек танқидчилигини шакл ранг-баранглиги жиҳатидан тадқиқ этиш ойбекшунослик олдидаги долзарб вазифалардан бири бўлиб қолади.

Тақриз жанрининг эстетик тафаккур тараққиётидаги ўрни. Тақриз-танқидчи қаламининг қайроғи, "танқиднинг тиконли гули" (И. Фафуров) танқидий баҳонинг ҳаракатдаги жонли ўлчовидир. Ана шу мезонлар ўлмас тақризлар яратилишига асос бўлади. Бу жанрда мунаққид санъаткорлиги, ўзлиги, диди аниқ юз оча бошлайди. Буни М.Кўшжоновнинг: "Мунаққид учун бош йўналиш тақриз бўлиши керак. Бешта, ўнта тақриз доим иккита-учта жиддий мақолага материал беради", деган эътирофи катта ижодий тажрибадан туғилган хулосадир⁶.

⁶ «Жаҳон адабиёти», 2001, № 1, - Б. 13.

Тақриз таснифи. Тақриз муайян маънода истеъодларни, бадий асарни қайта кашф этади, ҳам каш этилган талантларнинг ишонч кучини мустаҳкамлайди. Китобхонларда бадииятни англаш ва ҳис этиш туйғусини тарбиялади.

Тақриз жанри сон ва сифат жиҳатидан ўзгара бошлади, шу жиҳатдан унинг, асосан, олти хил ички кўринишга эга. Уларнинг ҳаммаси учун бадий асарга баҳо бериш ва уни ташвиқ этиш муштарак хусусият ҳисобланади. Тақриз ўз олдидаги вазифани бажарища ранг-барангликка эришиш, таъсир эффицидаги турли нукталарни жонлантириш ҳамда ёзилиш манерасига кўра хилма-хил ички кўринишлар тасниф этилиши мумкин:

1. *Тезкор тақриз* асарга лўнда, қисқа баҳо беради, асарнинг янгилиги нимадан иборат эканлигини кўрсатади.

2. *Монографик тақриз* асарни чукур ва атрофлича ўрганади, ҳажм жиҳатидан йирик.

3. *Шарҳ-тақриз* асар мазмунини шарҳлаб баҳолайди.

4. *Хабар-тақризда* дарак бериш руҳи етакчилик қиласи.

5. *Мактуб-тақризда* мактубга ва тақризга хос хусусиятлар ўзаро синтезлашади.

6. *Оғзаки тақриз* - баҳо ва баённинг оғзаки тарзда ифодаланиши билан характерланади.

Тақризчиликнинг бундай ички шаклларидан қай даражада ва қандай йўсинда фойдаланиш танқидчи маҳоратига боғлиқ. Тақризчи ўзи ёзаётган ишнинг мазмун ва шаклдаги диалектик бирлигини қай тартибда жойлаштира билишини ҳисобга олмоғи даркор. Тақризчининг бадий асарга ижтимоий муносабатидан ташқари ўз шахсий муносабати, диди, туйғулари, таъсирланиш даражаси муҳим ўрин тутади.

Бадий асар муаллифи қалби билан тақризчи қалбидаги тўлқинлар тутғёнлар ўзаро туташган жойда бадий асардаги афзалликларни, назокатларни ёритиб турувчи янги тўлқинлар, янги нурлар пайдо бўлди. Асаддаги ҳамма ҳам пайқайвермайдиган, сезавермайдиган нозикликларнинг очилиши китобхонларни илҳомлантириш билан бир қаторда, ўз навбатида ёзувчи(лар)ни ҳам илҳомлантиради, асар ҳақида айтилмаган янги гапларни айтишга undайди.

Демак, ҳар бир асар ўзича айрим бир дунё экан, унга қараш йўллари ҳам ўзига хосдир. Шундан келиб чиқиб, турли асарга ёзилгувчи тақризнинг шакли ҳам ранг-баранг бўлиши табиийдир. Шу маънода тақриз кишига таъсир этиши, руҳлантириши, ўйлатиши, ишонтириши, унда янги фикр уйғотиши лозим. Бунга, шубҳасиз, ижодий изланиш,

тинмай меҳнат қилиш орқали эришилади. Шу ўринда М.Қўшжоновнинг бир хилдаги тақризларга муносабатини ифодаловчи тубандаги фикрларини келтириш фойдадан холи бўлмас: "Кўп тақризлар бир хилда, бир схема асосида ёзилган бўлиб, баёнчиликдан нарига ўтмайди. Баъзан ғоявий-бадиий хусусиятлари бир-биридан тамоман фарқ қилувчи асарлар шу тахлитда тақриз қилинадики, ўзбек ёзувчилар бир-биридан кўчириб олмаётганмикан, деган таассурот туғилади!".

Тақриз асарга ижодий ёндошиб, унинг фазилатлари ва қусурларини кашф этиш, бундан ташқари асардан узоқлашмаган ҳолда ўз фикр- туйғулари билан уни бойитишdir. Масалан, рассом полотноси битта. Уни назардан ўтказган ҳар бир киши асарнинг туб моҳиятидан ташқари, унинг ҳар бир нуктасидаги гўззаликни ўзича кашф этади ва баҳолайди ҳамда уларни ўз таассуротлари билан янада бойитади. Шундай экан, ҳақиқий мусаввирнинг бир рангтасвир асарига ҳеч қачон буткул бир хил баҳо бериб бўлмайди. Қанча киши кўрса, унга шунча ранг-баранг баҳо бериши мумкин. Бадиий асарга ёзилувчи тақриз ҳам, шартли равишда шунга ўхшаб кетади. Демак, тақриз ижодий изланишлар самараси бўлмоғи керак.

Тақризнинг қўйидаги: асарга тезкорлик билан баҳо бериш, унинг ёзувчи ижоди ва адабий жараёндаги ўрнини кўрсатиш; ташвиқий моҳиятга эгалик, китобхонга янги асар ҳақида маълумот бериш ва унинг эстетик тасаввурини бойитиш каби етакчи жанрий белгилари мавжуд. Тақризда қисқа таҳлил орқали асарга ва унинг моҳияти ҳамда бадииятига берилган баҳо етакчи унсур ҳисобланади. Унинг алоҳида хусусиятларидан бири - “танқиднинг тиканли гули” (И.Фафуров) сифатида асарнинг камчиликларини очиб беришга хизмат қилишидир.

Барча ижодий ишда виждон ва масъулият зарур, албатта. Лекин тақризда унинг ўрни ниҳоятда ёрқинлик билан билиниб туради. Тақризда ҳам вижданан, ҳам билимдонлик ва масъулият билан амалга оширилган таҳлил зарур. Барча ижодкорларга, лекин ёш - ижодкорларнинг асарларига тақриз ёзиш, айниқса, масъулиятлидир. Ёшлар ижодига эҳтиёткорлик билан ёндошиш талантни авайлаш, талабчанликни сусайтирмаган ҳолда унга меҳр ва тавозе кўрсатиш тақризnavиснинг бурчи бўлмоғи керак. Айни вақтда, ёшлар ижодига ортиқча баҳо бериш, хушомаддан тийила билиш ҳам ана шу бурч ичida эканини ёдда тутмоқ ўринлидир. Шу маънода ёзувчи А.Қаҳҳорнинг бир қанча умидли истеъдодларга муносабатини, улар асарларига ёзган ихчам тақризларини эслаш ўринлидир. Вақтида Абдулла Қаҳҳор Саид Аҳмад, О.Шарафиддинов, А.Орипов, Ш.Холмирзаев, Ў.Хошимов каби ёш истеъдодлар ижодига тўғри баҳо бера олган эди.

Тақриз намунаси: Ҳикоячиликда рухиятнинг образли талқини (ёш ҳикоянавис ижодига бир назар). Мустақиллик даври ҳикоячилиги ҳам сон жиҳатдан,

ҳам сифат жиҳатдан ўсиб бораётганлигини бугунги ҳикоянавислар У.Ҳамдам, И.Султон, А.Йўлдош, Н.Эшонқул, З.Қуролбой қизи ва бошқа бир қатор ёш ижодкорлар мисолида кузатиш мумкин. Ёшлар орасида миллий ҳикоячилигимиз анъаналарини давом эттириб, ўзига хос услубда қалам тебратишга ҳаракат қилаётган ижодкорлар борлиги -қувонарли ҳол. Биби Робиға ана шундай ёш адибалардан. Унинг ҳикояларини ўқир экансиз, инсон руҳиятини, қалбини, кўнгил оғриқларини рўй-рост ва самимий, реал тасвирлашга бўлган интилишни кўрасиз.

Адабанинг “Маликанинг қайтиши” ҳикоясини юракда оғриқ билан ўқийсиз (Шарқ юлдузи, 2019, 3-сон). Ҳикоя қаҳрамонининг турмуш ташвишлари, қийинчиликлари остида руҳан эзилиши, қизининг дардига даво тополмай сарсон бўлиши, чорасизлик аламлари таъсирчан тасвирланган.

Кейинги йиллар ҳикоячилигини кузатар экансиз, кўпчилик ёшлар ижодида бир қатор типологик: тилнинг қуруқлиги, сўз устида меҳнат қилмаслик (А.Қаҳҳорнинг “Синчалак”нинг бир саҳифасини 16 марта кўчиргани ҳақидаги Сайд Аҳмад хотираларини эслайлик) бадиий жозибадан йироқлик, баёнчилик каби нуқсонлар учрашини қўрамиз. Шунинг учун баъзи ҳикояларни ўқиганда эртасига муаллифи ҳам, қаҳрамонлари ҳам эсингиздан чиқиб кетиши ҳақиқат. Айнан шу нуқсонлар Биби Робиъанинг ҳикоясида учрамайди. Ҳикоянинг муҳим жиҳати унинг бадиий бўёқдор, жозибадор тилидир. Сўз масъулиятини ҳис этган ҳар бир ижодкор ҳаётни образли акс эттиришда миллий тилимизнинг бойликларидан, имкониятларидан фойдаланади. Уларни ўз ўрнида, керакли жойда қўлласагина, асарнинг мазмундорлигига эриша олади. Назаримида, Биби Робиъанинг ютуқларидан бири сўз муқаддаслигини ҳис этишида кўринади. Мисолларга мурожаат этамиз.

Ҳикоя қаҳрамонининг қизи оғир касал, ота шу касаллик билан курашмоқда, аммо пули йўқ, дорилар қиммат. Доирхонадан қиммат дорини олишга қурби етмайди: “Ибрат ожизлигини судраганча чиқиб кетди”.

Биби Робиға “ғуур” сўзига алоҳида маъно юклайди: “Ғуури Ибратни ташқарига итариб юборди”; “Ғуурига яна тош отилди”.., “Ғуурининг рад этишга мажоли қолмаганди” каби образли ифодалар асарга бадиий бўёқдорлик бағишлиш билан бирга қаҳрамоннинг руҳий кечинмаларини ёрқин ва чукур ифодалаш имконини яратади. “Вақт ҳам оғироёқ аёлдай имиллаб ўтди” – бу қаҳрамоннинг руҳий ҳолати жуда мос: ҳақиқатан ҳам жуда шошиб турган, ёки бошига бир ташвиш тушган, ҳаёти қил устида турган

инсонларга таниш бу ҳолат. Фақат маошига яшайдиган, ижарада турадиган қаҳрамоннинг ҳолати: “Чўнтағи дарров ҳувуллаб қолганидан хўрсиниб қўйди”.

Биби Робиъ қаҳрамон портретини чизища ҳам ўзига хос образлилик, ўхшатишдан фойдаланади: “Кексаликни опичлаб олган кўзойнакли аёл изланган дори борлигини айтди”. “Хадича қиқирлаб кулар, йўтал эса шу ширин кулгидан айримларини ўғирлаб оларди” – бемор қизчанинг ҳолати. Отасидан эртак эшитган қизчанинг савол бергандаги ҳолатига эътибор беринг: “Ибрат қизининг қулиб турган нигоҳларида катта бир илинж балқиб турганини кўрди”. Ёки “Нонушта қилаётиб, кеча ҳеч нарса татимай корнининг устидан ғалаба қозонганини ўйлаб, қулиб қўйди”.

Ёш ижодкорнинг тилига жозиба бағишлигаран унсурлардан бири, метафоранинг бир кўриниши жонлантиришdir. Асарнинг таъсирчанлигини, ҳиссийлигини ошириш учун адiba улардан унумли фойдаланган: Қишлоқдан келиб ижарада яшаётган, қўли калта қаҳрамоннинг маош олган қуни: ”Дастурхон аввалги кунларга нисбатан бағри тўлароқ бўлгани учун керилиб ётарди”. “Осмоннинг кўз ёшларини темир қошлари билан артиб келаётган таниш автобусга чиқди”. (Шу ҳолатда чорасизликдан қаҳрамоннинг қалб кўзлари ёш билан тўлалиги билан уйғун келади). «Булутга ёнбошлигаран қуёш уни қизига элтиш учун кута-кута кетиб қолди”. Тасвир руҳий ҳолатга нақадар мос. “Поезд бир уввос тортди-ю, секин жилди”. Ноиложлик, пулсизлик, бунинг устига боласининг оғир касалга чалингани, унга ёрдам беролмай қийналган Ибрат ишхонада ҳам ҳеч иш қилолмайди. Бу ҳолатни адiba шундай ўхшатиш билан образли гавдалантиради: “Шу сабабли бўм-бўш дастурхондай оппоқ қофоз ҳам бағри тўлишини кутиб ётарди...”.

Касал қизини хотини билан қишлоққа юборган Ибрат пул топиш, қизининг қиммат дориларини сотиб олиб, унинг дардига дармон бўлиш илинжида мардикор бозорида ишлаб уйга қайтса: “Бу сафар уни ташқарида уймаланиб ётган кўрпа-тўшаклари кутиб олди. Эшик эса оғзига қулф осилган бўлса ҳам бу ишни ким қилганини айтиб берди”.

Академик М.Қўшжонов А.Қаҳҳор хикоялари хақида шундай ёзган эди: “Ёзувчи психик анализ вақтида инсон қалбининг чуқур жойларигача кириб бора билади, инсон қалбининг қаъридаги ҳар кимга ҳам кўриш мұяссар бўлавермайдиган пинҳоний процессларни аниқ кўра олади. Унинг ҳикоялари бамисоли инсон руҳий оламига “очилган дарча”, бу дарчадан инсон қалбининг жилолари бутун нозик қирралари билан баралла кўриниб туради”. Биз ёш адебани, албатта, А.Қаҳҳор даражасига кўтармоқчи эмасмиз. Аммо устозлари йўлини давом эттираётганлигини, шу йўлда интилаётганини образнинг руҳий ҳолатини, ички кечинмаларини ёрқин чизишида кўрамиз. Вақтида ижара ҳақини

беролмай, ижара уйдан ҳайдалган ота боласининг бешигига кўзи тушиб, эзилади, чунки “унда ҳали ҳам қизининг йигилари, кулгилари ётарди”. Қизининг вафот этганини эшигтан отанинг руҳий ҳолати эса янада ёрқинроқ, янада реал ва тиниқ тасвиранади: “Ибратнинг тили айланмай қолди, сезимлари уни тарқ этди. Ерга юзтубан йикилди. Зулмат ичра саноқсиз юлдузлар атрофни ўраб олди. Улар секин-аста йигилиб, қизининг чехрасига айланди. Кизи, “Дадў!” дея қўлларини чўзганча, қиқирлаб куларди. Бирданига кўзларидан ёш чиқиб кетгудек даражада йўтала бошлади. Шу заҳоти юлдузлар яна сочилиб, қизи кўзидан ғойиб бўлди. Бу манзарани кўргандек, осмон, шамол, ой дараҳтлар – бари-бариси йиглади. Руҳи бу изтиробга чидолмай танани тарқ этмоқчи бўлди-ю, отани бу аҳволда ташлаб кетишга кўзи қиймади. Бир муддат ўзини билмай ётди...”. Ноиложлик исканжасига тушган, бунинг устига яккаю ягона қизидан ажralиб қолган отанинг ҳолатини бундан ортиқ тасвиrlаб бўлмаса керак. Ёш адиба сўзни ўз ўрнида ишлатиб, бунинг уddасидан чиқа олган.

Биби Робиъа пейзаж тасвирини ҳам қаҳрамоннинг руҳий ҳолатига боғлаб образли тасвиrlайди:” Ибрат даҳлиз деразасидан бошини чиқарди. Руҳи чиқиб кетгудек чукур хўрсинди. Рўпрасидаги ўзига ўхшаб атрофни жим кузатиб турган дараҳт ҳам болаларидан хавотирда. Чунки ёзнинг кузга шивирлаётганини эшитиб қолганди...”. Табиат ҳодисалари қаҳрамон руҳий ҳолатини ёрқинроқ тасвиrlашга хизмат қиласи: “Куёш **силаб-сийпалаб** Ибратни уйғотди”; “Ой уни **юпатиб** уйига кузатиб борди”. “**Истар-истамас** тонг отди”, “Тун тўшаган қора гилами узра судралиб уйига қайтаркан, пулларини хомчўт қилди...”. Ҳамкасбидан қарз олган Ибратнинг ҳолатига эътибор қаратамиз: “Сўлиб бораётган умид гулига бу дўстликдан қайта жон кирди”.

Адиба ишлатган ўзига хос ўхшатишлар ҳам ҳикоянинг таъсиричанлигини ошириб, қаҳрамоннинг руҳиятига мослиги билан ажralиб туради: “Уйқуга кетган ўриндиқ”, “Совуқ шамол одамларни хайдаб чиқарган хиёбон”, «Шаҳарнинг оқимида оқиб юриш», “Одам Атонинг томоғига буғдой тиқилиб қолгандай у ҳам ҳар қанча ютинмасин изтироб томоғидан ўтиб кетолмади.. Бошқа гапира олмади. Гўшак ҳам , Ибрат ҳам жойига қайтди”.

Ёзувчи ҳикоя қаҳрамонини бошига тушган ташвишлар, қийинчиликлардан чарчаганда уч марта Амир Темур билан учраширади, ҳар гал йигит ҳайкал билан дардлашади. Аммо иккинчи марта қизининг вафотини эшитиб, роса ичиб, осмонга қараб нола қилган қаҳрамон Темур ҳайкалига чиқиб, тўполон қилганида маҳкамага тушади. Шу ўринда қаҳрамоннинг ҳайкал устига чиқиши, айтган сўzlари гарчи ёзувчи унинг қайғуларини, аламидан ичиб маст бўлганлигини асослашга интилса-да, китобхонга бироз

эриш туюлади, уни ишонтирмайди. Аммо ҳикоя охирида ҳайкал олдига келиб хурсандлигидан унга мурожаат (“Маликам қайтаяпти...”) қилиши ишонарли чиқсан. Ҳикояда табиат ва инсон ўртасидаги уйғунлик, мувозанат табиий ва у оптимистик руҳда тугалланади: “Она шамол чўккалаган куйи елкалари силкина-силкина йиглаётган йигитни бошларидан силаб овута бошлади”.

Мўъжазгина ҳикоя бугунги кун ўқувчисига нима бера олади? деган савол уйғониши табиий. Биринчидан, ҳикоя ҳаётга ишонч, келажакка умид, ёруғлик нурлари билан сугорилган. Иккинчидан, унинг моҳиятида инсон бошига қанчалик қийинчилик тушмасин, ҳаёт йўлидаги тўсиқлар қанчалик кўп бўлмасин, уларни енгишга ўзида куч топиши, курашиши лозим деган ғоя ётади. Ҳикоя қаҳрамони иқтидорли ходим бўлса-да, бошига тушган қайғу-аламдан орқага чекинмоқчи эди, аммо эзгулик, яхшилик туфайли (ҳамкасби унинг ёзганларини интернетга жойлаштиргани туфайли катта мансабга кўтарилиб кетади), энг муҳими, яна фарзанд кўриши ҳақидаги хушхабар уни ҳаётга қайтаради. Ушбу таъсирчан ҳикоя тилининг жозибадорлиги, ҳаётнинг бир парчаси тиник, ўзига хос тасвирланганлиги, инсон туйғуларининг, рухиятининг самимий чизгилари билан ўз китобхонларини топа олади.

Танқидчи қайси жанрга мурожаат этишидан қатъий назар, унинг асари бетакрор хусусиятларга эга бўлиши, унда ҳам, мазмун ва шакл уйғунлиги таъминланиши зарур. Бу фикр тақризга ҳам тегишлидир.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар :

- 1."Тақриз" истилоҳининг луғавий ва истилоҳий мазмунини изоҳланг?
2. Тақризning жанрий табиатига хос хусусиятлари нимада?
3. Ўзбек тақризчилигига у ёки бу асарларга баҳо беришда қандай тамойилларга амал қилинган?
4. Тақризning қандай кўринишлари мавжуд?
5. Тақризning шаклланиш ва ривожланиш жараёни қандай кечган?
6. Ўзбек тақризчилиги таснифоти ва ички турлари ҳақида нималарни биласиз?

Мустақил ўқиши учун адабиётлар:

1. Адабиёт ва санъат. Тўплам. Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1988.
2. Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. Т.: Фан, 2009.
3. Намозов М. Танқиднинг алвон туғи. "Ёшлиқ", 1987. №-2. – Б. 73-75.

5. Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 14-том. Т.: Фан, 1979.
6. Расулов А. Тақризни ҳимоя қилиб // "Шарқ юлдузи".
1988, № 4. – Б.192-194.

3- МАВЗУ: АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ МАҚОЛА

РЕЖА: 1. Мақола жанрининг табиати ва таснифи.

2. Портрет-мақола ва обзор мақоланинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Адабий-танқидий мақоланинг эстетик тафаккур тараққиётидаги аҳамияти.

Таянч тушунчалар: Мақола, муаммоли мақола мундарижаси, мақола қурилиши, адабий-танқидий мақола, ахборот мақола, сиёсий мақола, публицистик мақола, эстетик мушоҳадалар, обзор мақола, тадқиқот мақола, иқтибос, хронологик мақола, баҳс мақола, мақола шакли.

1. Мақола жанрининг табиати. Адабий танқиднинг фаол жанрларидан бири мақола бўлиб, у такризга нисбатан ҳажман катталиги, таҳлил ва тадқиққа тортилган адиблар, асарлар ва муаммолар кўламининг кенглиги, замон ва макон масаласидаги хослик каби хусусиятлари билан ажralиб туради. Мақола асли арабча сўздан олинган бўлиб, лугавий жиҳатдан фикр билдиromoқ, айтилган сўз каби маъноларини билдиради. Истилоҳий жиҳатдан "Адабиётшунослик терминлари лугати"да мақола "Газета ва журналлар учун кундалик муҳим ижтимоий-сиёсий, маданий ва адабий ҳаёт масалалари тўғрисида ёзилган публицистик асар"¹ деб изоҳланади. Бунда мақоланинг ахборот беришга мўлжалланган йўналиши кўзда тутилган. Кундалик матбуотда ёритилувчи кенг маънодаги мақолалар кўпчиликка мўлжалланиб, ҳаммага тушунарли тил ва мароқли услугда ёзилиши билан характерланади ва, асосан, журналистик фаолият ҳосиласи ҳисобланади.

Араб тилидан ўзбек тилига кириб, ўзлашиб кетган «мақола» сўзи ҳозир хам ўзининг қадим маъносини сақлаб қолган. Лекин энди мақола газета ва журналлар, турли хил тўпламлар, китоблар нашр этиш ҳамда матбуот тарихи билан боғлиқдир. Шунга кўра газета, журнал, тўпламларда нашр этиладиган сиёсий, илмий, публицистик, ижтимоий характердаги ва умумлаштирувчи кучига эга асардир. Шундан келиб чиқиб, мақола мавзуси, мазмуни, моҳияти, мақсадига қараб, сиёсий мақола, илмий мақола, публицистик, адабий-танқидий мақола каби ички кўринишларга эга. Сиёсий ва

¹ Ҳомидий Ҳ., ва б. Адабиётшунослик терминлари лугати. Т., 1967.

публицистик мақола кундалик матбуотга дахлдор сиёсий- ижтимоий мөхиятга эга бўлса, илмий мақола фаннинг турли соҳаларига оид тадқиқотлар мазмунини ифодалashi билан ажралиб туради.

Адабиёт соҳасидаги тадқиқотларга тааллуқли мақола адабий-эстетик қарашларни ифода этади. Бундай мақолаларда бирор асар ёки адабий муаммо таҳлил қилиниб, шу жараёнда келиб чиқсан илмий-эстетик хулосалар ёритилади. Шу хусусиятига кўра бу хилдаги мақолалар адабий-танқидий мақола деб юритилади. Ҳар қандай адабий-танқидий мақолада ўрганилаётган муаммо изчил илмий мушоҳадага, образли рухга, кучли муайян пафос ва эҳтиросга суюнилган ҳолда таҳлил қилинсагина, танқидчининг бадиий асар ҳақидаги фикрлари ёрқинлашиб, китобхонга таъсир этадиган даражада аниқ ва ўқимишли бўлади.

Адабий-танқидий мақоладан мантиқий изчиллик талаб қилинади, албатта. Бироқ, у аниқ фанлардаги даражада изчил бўлмаслиги мумкин. Бунинг сабаби, адабий танқиднинг бадиий тафаккур билан алоқадорлиги туфайлидир. Яъни, танқидчи кези келганда, ўрнига қараб фикр юритаётган муаммо ва масаладаги ҳақиқатга зид келмаган равишда мушоҳада ва фикрлашда бадиийликдан унумли фойдаланиши мумкин. Бу бадиийлик, фикр юритаётган асар ёки масаладаги ўзига хосликка ёхуд улар ҳақидаги мунаққиднинг ўзига хос қарашларини, ички дунёси ва қиёфасини очишга бўйсундирилган бўлади Ҳозирги тушунчамиздаги илк адабий-танқидий мақола дастлабки ўзбек матбуоти намунаси – "ТВГ"да XIX аср 80-йилларида кўрина бошлади. Ўшанда, таъкидлаш жоизки, газетада чоп этилган мақолаларнинг кўпчилиги публицистик характерга эга эди. Мазкур мақолалардаги адабий-танқидий фикр оқимида рус адиблари асарларини ўзбек тилига таржима этиш зарурияти қайта-қайта таъкидланганини кузатиш мумкин.

Адабий-танқидий мақоланинг таснифи. Бадиий адабиётдаги барча жанрларда бўлганидек, адабий танқид жанрларида, жумладан, адабий- танқидий мақолада ҳам образлилик, композиция муҳим роль ўйнайди. Ўзбек танқидчилигига адабий-танқидий мақоланинг, асосан, уч тури кенг тарқалганини кўриш мумкин:

1. Портрет- мақола.
2. Обзор мақола.
3. Муаммоли мақола.

2. Портрет-мақола ва обзор мақоланинг ўзига хос хусусиятлари.

Портрет-мақоланинг шаклланиши ва тез тараққийси XXаср бошларидаги давр талаби билан белгиланади: ҳаёти ва ижоди кам ўрганилган ёзувчи ва шоирлар, улар ҳақидаги маълумотларнинг тарқоқ ҳолда экани санъаткор ҳақида яхлит ва умумлашма характерда маълумотлар берувчи у ёки бу жанрнинг илк намуналарини яратиш

заруриятини келтириб чиқарди.

Портрет-мақола, асосан, икки хил мақсад билан яратилади:

1. Ёзувчи ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқа бўлса-да, таҳлил асосидаги умумлашма маълумот бериш. Бунга Фитратнинг Турди, М.Солиҳ, Вадуд Маҳмуднинг Навоий ва Фузулий, Ойбекнинг F.Гулом, X.Олимжон каби ижодкорлар ҳақидағи портрет-мақолалари мисол бўла олади.

2. Ижодкор портретига оид чизгилар берилиб, кейинчалик тўлиқ адабий портрет яратишга замин ҳозирлаш. Бундай ижодий изланиш кейинги даврларда қарор топиб, такомиллашаётир. Жумладан, О.Шарафиддинов адабий портретларининг кўпчилиги шу тарзда яратилган. Шу боисдан адабиётшунос А.Расулов О.Шарафиддиновга бағишиланган китобида “мақола-портрет”, “мақола-эскиз” сингари истилоҳларни ишлатди.

Портрет-мақолага асос бўлган ижодкор ҳақидағи маълумот, кузатиш, таҳлилни яхлит ҳолда умумлашга интилиш йилдан-йилга такомиллашиб борди. Асосий мақсад: а) қиёфаси ёритилаётган адаб таржимаи ҳолини ойдинлаштириш; б) муҳит ва адаб алоқадорлигининг ижодга таъсирини қўрсатиш; в) асарлар тадқиқи ва таҳлилини санъаткор қиёфаси билан уйғулаштириш; г) адабий жараёндаги ўрнини аниқлаш каби масалаларга урғу бериш.

Ўзбек танқидининг кейинги тараққиёти XX аср 20-йилларидан шаклланган портрет-мақолалар янги йўсинларда такомиллаша борганини қўрсатади. Улар ёзилиш мақсадига кўра турлича гуруҳлаш мумкин: а) ҳаёт бўлган шоир ёки адабнинг юбилейи муносабати билан; б) ижодкорнинг бирор китоби нашр этилиши муносабати билан сўзбоши шаклида ёзилган портрет-мақола; в) шоир ёки адаб вафотидан сўнг муайян саналарнинг нишонланиши муносабати билан; г) мукофотланиш ёки тақдирланиш муносабати билан ёзилган портрет мақола. Жанр моҳияти, ривожини Ойбекнинг портрет мақолалари мисолида кўриш мумкин (Бу ҳақда қаранг : Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. Т.: Фан, 2008.).

Демак, адабий-танқидий мақоланинг муайян тури саналувчи портрет-мақоланинг асосий белгилари сифатида: а) тарихий-биографик ёндашув асосидаги ҳаёт ва ижод йўлини муҳтасар кузатув натижасида ёзувчи қиёфаси яратилиши; б) қисқача равища бўлса-да, ёзувчининг ижодий қиёфаси адабий-тарихий давр билан мустаҳкам алоқадорликда ўрганилиши; в) энг муҳими, юқоридаги хусусиятлар умумлаштирувчи характерга эга бўлиши лозим.

Ойбекнинг адабий -танқидий меросида портрет-мақоланинг ўрни. Ўзбек

адабиётшунослиги ва танқидчилигининг кейинги тараққиётини қузатар эканмиз, 20-йиллардан кейин портрет-мақолаларнинг яна бошқача мақсадлар билан ва ўзгача йўсинда яратилишини кўрамиз. Шу жихатдан уларни турлича тасниф этиш мумкин:

1. Шоир ёки адибнинг юбилейи муносабати билан;

2. Шоир ёки адибнинг ўлими муносабати билан

3. Ижодкорнинг бирор китоби нашр этилиши муносабати билан сўз боши шаклида ёзилган портрет-мақолалар учрайди.

Ойбекнинг «Fafur ҳақида» деб номланган портрет-мақоласида шоирнинг ҳаёти, таржимаи ҳоли ҳақида маълумот берилмаса-да, (зотан бунга ҳожат ҳам йўқ эди: Ойбекнинг бу мақоласигача ҳам ўқувчилар Fafur Fуломнинг таржимаи ҳолини билишарди), Fafur Fуломнинг ўзбек адабиётидаги муносиб ўрни тўғри белгиланади. Мақолада шоирнинг тўпламларига баҳо берилади, ижодидаги ўзига хос фазилатлар таъкидланади. F.Fуломнинг «Ўзбек шеъриятида такрордан, шаблондан, ясамачиликдан энг кўп қочган шоир» эканлигини кўрсатиш билан бирга «шоирнинг таланти ҳамма шеърларида янги куч ва аланга билан ёнмас»лиги ҳам айтиб ўтилади. Ойбек F.Fулом насрига ҳам тўғри баҳо беради. Ҳикояларини чуқур таҳлил қилиб, адибнинг маҳоратини очиб беради: «F.Fулом насли реалистик насрдир. Ёзувчи ҳикояларида ҳаётни аниқ тасвирлайди. Характерли аломатларни, равshan деталларни пайқаб олади». Ойбек адиб ҳикояларининг тилига ҳам объектив баҳо беради. Тўғри, F.Fулом ижоди баъзан ўзи яшаган даври нуқтаи назаридан ўтказиладики, бунинг учун бугун ҳамма айбни Ойбекка ағдариш ҳам унчалик тўғри эмас. Ойбекнинг портрет-мақоласи ҳажман қисқалиги, шоир ижодига умумлаштирувчи тарзда баҳо бериши жиҳатидан 20-йиллардаги портрет-мақолалардан фарқ қиласи.

Ҳамид Олимжон ижодига бағишланган портрет-мақола «Оташин ватанпарвар ва талантли шоир» деб номланган бўлиб, у шоирнинг вафотидан кейин ёзилган. Мақоланинг сарлавҳасиданоқ Ойбекнинг шоир ижодига самимий муҳаббат билан қарагани яққол кўриниб туради. Мақоланинг бошидан Ойбекнинг эҳтиросга бой, Ҳамид Олимжон ижоди ва шахсиятига нисбатан меҳрга тўлиқ қалбидан қайноқ сўзлар отилиб чиқади: «Қалбимдан оқади бир дарё қўшиқ».. Ҳайҳот, қўшиқлар мавжланган бу қалб уришдан тўхтади. Лекин қаҳрамонга ўлим ёт бўлгани каби шоир учун ҳам ўлим йўқ, дейиш мумкин. У жонли сўзларида, қўшиқларида яшайди».(Ойбек. МАТ. 20 томлик. Тошкент. «Фан».1979.14-том. 105-бет).

Ойбек Ҳамид Олимжон ижодининг бош фазилатларини тўғри изоҳлади. Ўзи ижодкор, шоир бўлгани учун ҳам унинг « фикрловчи шоир» эканлиги, «ўқувчининг юрагига кириш сирини» билиши тўғри кўрсатилади. Портрет-мақолада Ойбек ўзи таъкидлаганидек, шоир ижодининг «инкишоф йўлларининг баззи хусусиятлари умумий тарзда кўрсатибгина ўтилади».

Ойбек Ҳамид Олимжон ижодиётининг «жуда илк баҳори» «Кўклам»га объектив баҳо беради: «Кўклам»даги шеърларнинг аксари техник ва бадиий мастерлик жиҳатидан думбул, лекин фикр ва ҳисларнинг самимий жўшқинлиги, поэтик воситаларнинг ёрқин ранги ва тозалиги билан у вақтдаги поэзиямизда қувонтиарли гулдаста эди». Мунаққид Ҳ.Олимжон шеъриятидаги «формал-стилистик ўзгаришлар»ни таҳлил қиласиди. Шоирнинг шеърий шаклда, вазнда янгиликка интилишини қўллаб-қўвватлади. Шоир ижодига халқ о‘заки ижодининг, Маяковскийнинг таъсири чукур таҳлиллар асосида кўрсатиб беради.

Ҳамид Олимжоннинг машҳур «Ўрик гуллаганда» шеърига Ойбек берган баҳо бугун ҳам ўқувчи диққатини ўзига торта олади, уни ҳассос шоир ижодига ошно қила олади: «Ўрик гуллаганда» бадиий соддалик, самимиликнинг жонли ўrnаги. Унда фикрчилик бор, на безак бор, на санъатпардозлик бор. Бу сўзлар ҳар Ким айта оладиган содда ва табиий. Лекин унда шоирнинг юраги уриб туради» (202-бет). «Бахт ва шодлик туйғуси» шоирнинг «Бахт» китобига кирган аксар шеърларига хослиги очиб берилади. «Бахт, шодлик ва гўзал ҳаёт куйчиси, табиий, табиат гўзалликларига» берилишни севиши Ойбек томонидан тўғри таъкидланади. Ойбек Ҳ.Олимжоннинг уруш йилларида яратилган асарларини ҳам эҳтирос билан таҳлил қиласиди. Шу тариқа портрет-мақола ўқувчидаги Ҳамид Олимжон ижоди ҳақида яхлит тасаввур бера олиши жиҳатидан аҳамиятли.

Ойбекнинг Ҳасан Пўлат ижодига бағишлиланган мақоласи гарчанд шоирнинг «Танланган асарлар»ига сўзбоши тарзida ёзилган бўлса-да, портрет- мақола йўсинидалиги билан уни шу типга киритиш мумкин.

Ойбек ижодида рус адабиёти намояндадаридан Пушкин ижодига бағишлиланган «Пушкин- рус халқининг улуғ шоири» деб номланган портрет-мақола учрайди. Унда Пушкин ижодига кенг ва умумлаштирилган баҳо бериладики, бу ўзбек ўқувчиси учун Пушкин ижодига киришдай вазифани ўтаган.

Мунаққиднинг «Улуғ дўстимиз» (Н.Тихоновнинг 70 йиллиги муносабати билан ёзилган), «Хурматим чексиз» (М.Горький ҳақида), «Ҳамиша яловбардор, ҳамиша устоз» (М.Горькийнинг 100 йиллиги муносабати билан), «Устоз санъаткор» (Лев Толстой ижоди ҳақида) ёзилган мақолалари ҳам ҳажман қисқа бўлишига қарамай ижодкорлар ҳаёти ва

ижодига тортилган портрет чизиқларидан иборат. Шунинг учун уларни қисқа, этюд портрет- мақолалар сирасига киритиш тўғрироқ бўлади. Ойбек ижодида Ҳамза, F.Гулом, Ҳ.Олимжон ҳақидаги хотира мақолалар ҳам учрайдики, уларни ўрганиш кейинги вазифалардандир.

Портрет-мақола жанрининг тараққиёти портрет-мақолаларнинг кейинги йилларда, айниқса, 70-80 йилларда ўсиб, тўлдирилиб, улар асосида адабий портрет жанридаги танқидий асарлар яратилиш жараёни бошланганини курсатади. Бу эса улар шакли, мазмуни бойиб, шаклланиб бораётганлиги, шу боис уларни илмий тадқиқ этиш вақти етиб келганлигини кўрсатади.

2. Адабий-танқидий обзор мақолада алоҳида бир адаб ёки бир неча адебнинг муайян босқичдаги ижоди; маълум бир адабий тамоийиллар шаклланиши, такомиллашуви; унинг сабаб-оқибатлари, бу жараёнда муҳим роль ўйнаган адебларнинг асарларидаги ўзига хосликларни кўрсатиш; адабий жараённинг ўзига хосликларини очиш; мақсаднинг амалга оширилиши натижасидаги хулосаларни умумлаштириш; шулар асосида муайян таклифларни ўртага ташлаш муҳим ўрин тутади.

Адабий-танқидий обзор мақола қай бир нуқтада тақриз жанри хусусиятларини ўзига сингдирса-да, хос фазилатлари билан ундан жиддий фарқ қиласи. Бу, хусусан, унда бир вақтнинг ўзида маълум бир даврда ёзилган бир қанча асарлар таҳлилга тортилишида аёнлашади. Уни ёзиш учун аниқ бир давр ва ўша даврда яратилган асарлар ҳисобга олинади. Бир мунаққид муайян бир муддат йил, босқич, давр лирикасини обзор қиласа, бошқаси наср ҳақида шундай обзор ёзиши мумкин. Ёхуд у ёки бу адабий жанр, муаммо, мавзу, услугуб, қаҳрамон типининг тадрижига хос хусусиятлар ўрганилиб умумлаштирилиши, обзор қилиниши мумкин.

Тақризда биргина асар хусусида гап кетса, обзор мақолада бутун бир йил, босқич, давр ёки аниқ бир жанрга мансуб асарларга муносабат билдирилади. Обзор мақола ёзиш учун замон категорияси зарурӣ шартлардан бири ҳисобланади. Чунончи, М.Қўшжоновнинг "Маъно-маҳоратнинг бош масаласи" деб номланган обзор мақоласида 1972 йилда яратилган насрий асарлар ҳақидаги мулоҳазалар умумлаштирилади.

О.Шарафиддиновнинг "Йиллар ва йўллар" мақоласида шўро давридаги ўзбеке шеъриятининг деярли ярим асрига обзор берилди. О.Шарафиддинов жаҳон адабиёти туркумидаги 200 жилдлик мажмуанинг босилиб чиқиши муносабати билан ёзилган обзор мақоласи билан жаҳон адабий танқидчилигидаги обзор мақола тушунчасини янгилади ва унинг янги типи сифатида адабий танқидчилик тарихидан муносиб ўрин эгаллади.

Обзор мақолада жонли адабий жараённи, ундаги янгиликлар, курашлар, ҳолатлар, интилишларни таҳлил қилас өкен, айни вақтда, ҳақиқий санъат асарларини кашф этишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Обзорчи маълум чегарадаги, доирадаги асарларни ўрганишидан қатъий назар, унинг хулосалари бу чегара доирасида анча ташқарига чиқиши билан ажралиб туради. Обзор яратишнинг қийин томонлари ҳам кўп. Обзорчи, аввало, жаҳон адабиётидаги, аникроғи, дунёдаги ривожланган адабиётларни яхши билиши; иккинчидан, замонавий йўналиш тамойилларидан хабардор бўлиши; учинчидан, инсоннинг янги-янги қирраларини тасвирлаётган улуғ ижодкорлар изланишларини зийраклик билан кузатиб бормоғи ва ниҳоят, тўртинчидан, ўз адабиёти тарихи, ҳозирги адабий жараёнини яхши билиши шарт. Шундагина замонлар ўтиши билан эскирмайдиган, бадиий ижод қонуниятлари ҳақидаги фикрлари билан китобхон дикқатини жалб эта оладиган адабий-танқидий обзор мақолалар яратилади. Демак, обзор муаллифдан катта ва чуқур билимни талаб қиласди. Шунинг учун ҳам унга ҳар бир, ҳатто анчагина эътиборли мунаққидлар ҳам мурожаат этавермайдилар. Фақат саноқ ва эътирофлардан иборат бўлган мақола ҳақиқий обзор мақола бўлолмайди. Унинг ҳам барча масалалардаги каби ўз талаблари бор. Ана шу талабларга жавоб бергани обзор мақола санала олади.

Танқидчиликда яна шундай обзорлар борки, уларда алоҳида мавзу асос қилиб олинган, масалан, обзор уруш мавзусида ёзилган ҳикоя ёки романлар таҳлилига бағишлидан, аммо бундай мақолалар кам учрайди. Адабий обзорни адабиётшунос ҳам, танқидчи ҳам ёзавериши мумкин. Лекин билимдон, зукко танқидчиларнинг “остки оқим, яширин маъно сезилиб турган” обзорлари замонлар ўтиши билан эскирмайди, улардаги ички мазмун, бадиий ижод қонуниятлари хусусидаги фикрлар доимо китобхон дикқатини жалб этиб туради.

Адабий обзорда мунаққиднинг тафаккури, далилларни умумлашма хулосалар чиқаришга йўналтира билиши намоён бўлади. М.Қўшжоновнинг “Қайта қуриш ва ўзбек романи” мақоласи адабий муаммоларга оид илмий-назарий обзорнинг кўркам намунаси бўлиб, унда хронология ҳам, жанрлар обзори ҳам қоришик ҳолда келади. Обзорда танқидчининг қиёфаси, билими аниқ кўриниб туради. Энг муҳими шундаки, мунаққид мақолада турғунлик йилларидағи адабиёт ва танқидчиликнинг оғаринбозлик каби нуқсонини очик кўрсатиб беради. Унда романчилик тараққиётини теран кузатиш, умумлашмалар чиқариш, адабиёт ривожига халал бераётган нуқсонларни кўрсатиб бериш каби хусусиятлар устувор.

Танқидчи таланти давр руҳини акс эттирган, умуминсоний муаммоларни кўтарган

асарларни кашф этишда яққол кўринади. Я.Қосимовнинг “Озодлик орзуси” обзор мақоласи, умуман, шу типдаги мақоланинг энг ёрқини, аникроғи, ўзбек шеъриятини янгича нуқтаи назардан - истиқлол мағкураси асосида баҳолаган обзор сифатида ажралиб туради. Унда ўзбек шеърияти янгича тамойиллар асосида таҳлил қилинган.

Адабий-танқидий обзор маълум бир давр адабиёти ҳақида бўлса, шу адабиётнинг ўзига хослиги, айни пайтда шу даврда яшаб ижод этган ёзувчи ва шоирлар ижодининг хусусиятлари, ғоявий- бадиий жиҳатлари ҳақида лўнда, умумий тарзда маълумот берилади. Обзор қилинаётган адабиётнинг етакчи тамойиллари, ўзига хос хусусиятлари очилади. Агар обзор бирор ёзувчи ёки шоир ижоди таҳлилига бағишлиланган бўлса, ижодининг асосий босқичлари, ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусияти, ижодкор ғоявий- бадиий юксалишининг асосий омиллари, сабаблари умумий тарзда ёритилади. “Белинский танқидий тафаккурининг тиниқлиги унинг охирги йилларда ёзилган обзорларидағи мантиқий изчил таҳлиллар, мақолаларнинг аниқ ва текис қурилиши ва қисмларининг гармоник уйғунлигига акс этиб туради”. Шу жиҳатдан қараганда, М.Қўшжонов обзор мақолаларида ҳам мантиқий изчиллик, ҳақиқатни очиқ-оидин кўрсатиш, умумлаштириш каби фазилатлар устун. Уларда мунаққид услубидан келиб чиқиб, баъзи асарлардаги ютуқлардан кўра, камчиликларини кўрсатиш устуворлик қиласди. Уларнинг аҳамияти шундаки, мунаққид ўзбек адабиёти тараққиётига теран назар солиб, унинг айrim намуналари, масалан, роман маънавий камолот меваси сифатида адабиётнинг етакчи жанрларидан бири бўлиб турганлигини очиб бера олган.

Обзор мақоланинг ўзи ҳам характери ҳамда ижтимоий-эстетик табиатига кўра бир неча хил экани кўзга ташланади:

A) Хронологик обзор: Бунда маълум йиллар (давлар)га оид адабий жараёнга хос тамойилларни умумлаштириш назарда тутилади. Ўзбек танқидчилигининг кейинги 30-35 йиллик тараққиётида хронологик характердаги адабий-танқидий обзор мақола етакчилик қиласди. Ҳар йили Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида наср, шеърият, драматургия, болалар адабиёти, адабиётшунослик ва танқид, таржима адабиёти шўъбаларининг йиллик муҳокамаси бўлади, адабиётдаги ахвол турли муаммолар нуқтаи назаридан сарҳисоб қилинади.

Шундай мунаққидлар борки, йиллик обзор муносабати билан босиб ўтилган йўлга назар ташлайди; янгиликларни китобхон кўз ўнгидага гавдалантиришга, адабиёт ривожига тўсқинлик қилаётган нуқсонларни кўрсатишга интилади. И.Ғафуровнинг 1973 йил насли ҳақидаги “Насримизнинг бугунги тенденциялари”, У.Норматовнинг “Бугунги адабиётимизнинг таҳлил ва талқини” каби обзорларида давр билан боғлиқ айrim

чекланишлар кўзга ташланса-да, муваффақиятли асарларни чуқур таҳлил қилиш, ёш ижодкорлар изланишларида янгиликлар мөҳиятини очишга интилиш яққол кўриниб туради.

Б) Илмий-назарий обзор. Бундай обзорларда илмий таҳлил, тадқиқ этилаётган асарларга даврнинг етакчи тамойиллари асосида ёндашув, асарга санъат мезонларига мувофиқ баҳо бериш, назарий хулосалар чиқариш хусусиятлари устуворлик қиласди. Тўғри, ҳар қандай обзорга ҳам илмий-назарий таҳлил ва умумлашма чиқариш бегона эмас, хронологик обзорларда асосий эътибор адабий жараёнга хронологик ёндашув мажбуриятдан келиб чиқилган, жанрий обзорларда эса жанрлар алоҳида, айrim асарлардаги аҳвол обзори, мавзувий обзорларда эса мавзулар кўламидаги ранг-барангликни у ёки бу типдаги қаҳрамонлар, услублар обзорида ҳам, асосан, масалага шу муаммолар асосида ёндашиб, илмий-назарий хулосалар чиқариш етакчилик қиласди.

3. Адабий-танқидий муаммоли мақола адабиётшунослик ва адабиёт назариясини бойитадиган, уларнинг такомилига фаол таъсир кўрсатадиган, танқидчиликнинг таянч ва етакчи кўринишларидан ҳисобланади. Унда илмий-назарий мөҳият, тадқиқотчининг концепцияси муҳим аҳамият касб этади.

Муаммоли адабий-танқидий мақола ёзувчи ижодини, адабий жараённи, у ёки бу миллий адабиёт равнақини, унинг босқичларини, муайян бир илмий-эстетик муаммо нуқтаи назаридан тадқиқ этади, тегишли хулосалар чиқаради. Ойбекнинг “Танқид соҳасида саводсизлик ва ур-йиқитчиликка қарши ўт очайлик” мақоласи ўзбек танқидидаги муаммоли мақоланинг мумтоз намуналаридан бири саналади. Биринчидан, у давр адабий жараёнининг муҳим масалаларидан бири танқидчиликдаги аҳволни таҳлил этишга бағишиланди. Иккинчидан, танқиддаги манзара умумий руҳда эмас, шу вақт танқидчилигига ниҳоятда ўтқир бўлиб турган: ўта сиёсий талаблардан келиб чиқиб, деярли ҳар қандай асарнинг танқид қилинавериши ва натижада, адабий танқидда юзага келган “ур-йиқитчилик” ва “дўйпослаш”ни кескин фош этишга алоҳида эътибор берилди. Учинчидан, бу мақолада ўзбек танқидчилигига деярли илк бор танқидчининг фикрлаш маданияти деган муаммо кўтарилиб чиқилди ва унга мунаққидлар эътибори қаратилди. Тўртинчидан, ўзбек танқидчилигининг методологик асосларини тўғри йўлга қўйиш, адабий жараённинг муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидланди.

Муаммоли мақолага намуна: Адабий танқидчиликда сўзбошининг ўрни. Адабий танқидчиликда сўзбоши деган жанр борки, у бирор бир адаб ёки шоир, мунаққиднинг янги китоби муносабати билан ёзилади. У баъзан тақриз шаклида, баъзан эса портрет - мақола шаклида, баъзан адабий портрет йўсинида яратилади. Сўзбошилар кўпинча, нашр этилаётган асар муаллифи ижодини яхши билган адиллар, олимлар томонидан ёзилади.

Баъзида бу вазифани муаллифнинг ўзи бажаради. Сўзбоши ўрнида китобнинг мазмун-мундарижаси ҳақида фикр юритган ҳолатлар ҳам бўлади.

Сўзбошида муаллифнинг ижодий меҳнатига баҳо берилади, асарларининг умрбокийликка даъвоси сезилса, бу ҳам изоҳланади: масалан, дунёвий адабиёт дурдоналари билан қиёсланиши мумкин. Қолаверса, муаллифнинг муайян жанрга ва у орқали миллий адабиётга ёки адабиётшуносликка олиб кирган янгилиги, асарларининг маънавий қиймати очиб беришга ҳаракат қилинади, шу мавзуда баҳс юритилади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, севимли адибимиз О.Ёқубов ижодига шу нуктаи назардан қаралса, унинг истеъододли ўзбек адиблари, шоирлари, мунаққидлари китобларига бир нечта сўзбоши ёзганининг гувоҳи бўламиз. Бу адибнинг адабий жараённинг сергак кузатувчиси эканлигидан ҳам далолат беради. Масалан, адабиётшунос олим, академик М.Қўшжоновнинг “Ҳаёт ва қаҳрамон” китобига ёзилган “Жонкуяр” деб номланган сўзбошини О.Ёқубовнинг ўзи “Олим тўғрисида ноилмий ўйлар” деб таглавҳа қўйган.

О.Ёқубов сўзбошини танқидчилик машаққатлари ҳақидаги мулоҳазалардан бошлайди. Айниқса, ёзувчининг танқидчи тўғрисида фикр юритиши қийинлигидан, “Илм ва мантиқ қонунлари билан “қуролланган” танқидчи биронта адиб тўғрисида ёзаркан, унинг асарларини шу қонунлар асосида таҳлил қиласи, уларга холисона баҳо беради, ҳар қалай, фан ва санъат талабларига суюнган ҳолда ҳалол баҳо беришга интилади. Ҳаётни ва мантиқ асосида эмас, бадиий образлар воситасида идрок этишга одатланган, илмдан кўра кўпроқ ҳиссиётга суюниб иш тутадиган ёзувчи танқидчи тўғрисида, унинг ижоди тўғрисида нима ҳам дея олади? Назаримда, у фақат ўз таассуротлари тўғрисида гапириб бериши мумкин, холос”. (Ёқубов О. Жонкуяр. Китобда: М.Қўшжонов. Ҳаёт ва қаҳрамон. Тошкент. 1979. 3- бет).

Бу мулоҳазалар, аввало, адибнинг камтарлигини кўрсатади. Сўзбошидаги танқидчи ва унинг асарлари тўғрисидаги қарашлар эса адибнинг ҳеч бир танқидчидан қолишмайдиган қобилиятидан дарак беради. Фикримизни исботлашга ҳаракат қиласими. Тўғри, адиб фикрини илмий мулоҳазалар юритишдан бошламайди. Энг аввало, М.Қўшжонов билан илк бор танишган қунларини эслашдан бошлайди. Шу билан бирга танқидчи ижодининг бошланиши ҳақида изчиллик билан фикр юритади. Олимнинг танқидчилик соҳасидаги энг салмоқли мақолаларидан бири А.Мухторнинг “Опасингиллар” деган романига бағишлиланган мақолани О.Ёқубов асар ҳақида ёзилган энг жиддий мақолалардан бири деб ҳисоблайди. Аммо ҳар бир ёзувчининг ижодида кўпчиликнинг дикқат-эътиборини тортадиган, дарҳол тилга тушувчи салмоқли асари бўлганидек, танқидчиларнинг ижодида ҳам шундай асарлар бўлади. Шу жиҳатдан адиб М.Қўшжоновнинг номини китобхонларга танитган, дарҳол тилга тушган асарларидан

бири сифатида “Кутлуг қон” романы ҳақидаги катта мақоласини тилга олади. Ҳақиқатан ҳам буни күпчилик адабиётшунослар, олимлар ҳам таъкидлашганини ҳисобга олсак, О.Ёқубовнинг танқидчилик диди шаклланганлигининг гувоҳи бўламиз. Шу мақоладан бошлаб, танқидчи Ойбек ижодини, унинг маҳорат сирларини ўрганиш борасида катта меҳнат қилгани, мураккаб ва шарафли ишни амалга оширгани, бу меҳнтанинг улкан самараси сифатида дунёга келган “Ойбек маҳорати” деган жиддий тадқиқотининг ўрни ҳақида холис ва одилона фикр юритади. Тадқиқотнинг ўзбек ва рус тилларида бир неча марта чоп этилгани, кенг жамоатчилик таҳсинига сазовор бўлганлигидан қувонади. Энг муҳими, улкан адибнинг “улкан, серқирра ижодини тадқиқ этиш, унинг маҳорат сирларини ўрганиш иши” танқидчилик сирларини эгаллаш ва илм чўққиларини забт этиш йўлида танқидчи учун катта мактаб бўлганлигини ҳам тўғри қайд этади.

О.Ёқубов М.Қўшжоновнинг Абдулла Қодирий ва Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ва Шароф Рашидов каби улкан санъаткорларнинг ижодини чуқур таҳлил қилиб, уларнинг маҳорат сирларини очиб берганлиги, у ҳақда ёзаётган адиб ҳам танқидчи яратган китобларнинг “ичига кириши”, унинг олим ва танқидчи сифатида тутган йўли, ижодининг ўзига хос томонлари, ўз соҳасига киритган янгиликлари, кашфиётлари тўғрисида чуқур фикр юритиши шарт деб ҳисоблайди. Чунки ҳар бир истеъодли ёзувчи ўз ижодида маълум бир кашфиёт яратгани каби, ҳар бир олим ва танқидчи ҳам - агар у чин танқидчи бўлса, ўз соҳасида маълум бир янгилик яратмаслиги мумкин эмас. Шунчалик ҳақ сўзларни айта туриб, адибнинг таҳлил санъати ва адабиётшуносликнинг назарий қонунларига суюнган ҳолда қилинадиган бу ишни олимлар қиласидар, мен эса танқидчи асарларини ўқигандан олган баъзи таассуротларимни айтмоқчиман деган сўzlари камтарликнинг белгисидир. Чунки адиб адабиётшунослар айтадиган фикрлардан ҳам зиёда қилиб, М.Қўшжонов ижодига баҳо берган. Ушбу сўзбоши фикримизни яққол исботлай олади.

“Менинг назаримда, Матёкуб Кўшжоновнинг энг яхши фазилатларидан бири, унинг Белинский, Добролюбов, Чернишевский каби улуғ рус танқидчилари яратган эстетик принципларга суюниб иш тутишида, санъат асарига, умуман, адабиётга, шу принциплар асосида ёндошидадир. Бу нарса, биринчи навбатда, Матёкубнинг ҳар бир бадиий асарни ҳаёт билан солиштириб ўқишида, бадиий асарга суюнган ҳолда турмуш тўғрисида, унинг ички зиддиятлари, муаммолари, долзарб гаплари, ҳаёт илгари сураётган маънавий ва ахлоқий масалалар, илм тили билан айтганда, ижтимоий масалалар тўғрисида кенг фикр юритишига ҳаракат қилишидадир”.(Ёқубов О. Жонкуяр. Китобда: М.Қўшжонов. Ҳаёт ва қаҳрамон. Тошкент. 1979. 5- бет). Бу О.Ёқубовнинг адиб ва танқидчи сифатида М.Қўшжонов ижодига берган ўзи айтмоқчи “назарий қонунларга суюнган ҳолда” берган баҳосидир. Бу адибнинг адабий жараёндан боҳабарлигини, адабий танқидий асарларни

синчиклаб кузатиб, ўқиб боришини, мунаққид ижодига тўғри ва объектив баҳо бера олишини ҳам кўрсата оладиган баҳодир.

О.Ёқубов танқидчиликдаги принципиаллик, ҳалоллик, дадиллик, илмий ва назарий пухталик каби ижобий фазилатларни ривожлантириш учун фикр юритаётганлиги мухимдир. Бунинг энг яхши далили, улкан танқидчи ва олим М.Қўшжоновнинг ҳаёт йўли деб кўрсатади. Сўзбошининг ўқувчи дикқатини тортадиган хусусиятлари мавжуд: адабнинг тўғри ва самимий фикр юритиши, баъзан ҳазилга ўрин бериши ва адабиёт учун жон кўйдириши. У гарчанд шиорбозликни хуш кўрмаса-да, таассуротларини ёш танқидчиларга қаратилган бир шиор билан тугатади: Жуда қийин, мураккаб, аммо шарафли ишга бел боғлаган азиз дўстларим! Оғир сафарга отланиш арафасида катта олим, филология филология фанлари доктори, профессор Матёкуб Қўшжонов босиб ўтган йўлга бир назар ташлангиз. Бу йўл намуна бўлишга арзийдиган йўлдир”. Олимнинг мулоҳазаларида профессионал танқидчига хос фазилатларни кўриш мумкин.

Сўзбошининг аҳамияти шуки, у биринчидан, китобхонда улкан олим ва танқидчи ижоди ҳақида яхлит таассурот уйғота олади, иккинчидан, китобхонларни адабий танқиднинг сирлари билан ошно эта олади, учинчидан, фидойи адиб О.Ёқубовнинг услуби билан таништира олади. Унинг нафақат бадиий адабиётда, балки танқидчилик соҳасида ҳам етук мунаққидлардан қолишмайдиган қарашлари, мулоҳазалари билан танишади.

Муаммоли адабий-танқидий мақола бирор асар поэтикасига бағищланиб, кўзланган илмий ҳодисани монографик характерда, бадиий ижод эстетикаси асосида ёритувчи илмий-назарий баҳс шаклида ҳам бўлиши мумкин.

3. Адабий-танқидий мақоланинг эстетик тафаккур тараққиётидаги аҳамияти. Мақола ҳам шакл, ҳам жанр, ифода тарзи тили ва услуби жиҳатидан муттасил изланишларни бошидан кечирди. Сўнгти йилларда, умуман, ўзбек танқидчилиги, хусусан, унинг адабий -танқидий муаммолар йўналиши бойишига, ранг-баранглашувига катта хисса қўшиб келаётган мунаққидлардан бири Н.Раҳимжоновнинг “Мустақиллик даври шеърияти” китоби ҳамда Ҳ.Каримовнинг “Истиқлол даври адабиёти” номли тадқиқотига кирган мақолалар бугунги адабиётимиздаги ўзгаришлар, янгиланишлар ҳақида ёрқин тасаввур беради. Умуман, бадиий тафаккурдаги янгиланишлар, ўзгаришлар ҳақида гап борар экан, бу муаммолар таҳлили ва талқинига бағищланган М.Шарафиддинова, У.Ҳамдам, Тоҳир Шермурод, Р.Раҳмат каби мунаққидлар мақолаларини ҳам кўрсатиб ўтиш зарур. XX аср ҳамда XXI аср ўзбек адабиётида кечаётган жараёнларни жаҳон адабиётининг шу босқичдаги долзарб муаммолари билан боғланишда кўрсатилган бу мақолаларда бадиий тафаккурдаги силжишларни кўрсатиш, уларнинг қонуниятларини аниқлаш марказий ўринни ишғол этади.

Ҳозирги танқидий тафаккуримиздаги эврилишларнинг гўзал намуналаридан бири X.Дўстмуҳаммад мақолаларида ҳам намоён бўлади. Улар, авваламбор, бадиий, илмий, публицистик тафаккурнинг туташган нуқталарида яратилгани билан ажralиб туради. Бу ҳол мақолаларнинг шаклига ҳам, мазмунига ҳам бирдай тааллуқли бўлиб, бамисоли бадиий асардек ўқилади. Улар, ўзининг композицион таровати ва жозибаси билан бугунги танқидий тафаккуримизни, ҳеч муболағасиз, янги босқичга кўтарилаётганидан далолат беради.

Бугунги адабий-танқидий мақолалар билан 60-70-йиллардаги мақолалар ўртасида сезиларли фарқ бор. Шўро даври мақолаларига бир томондан сиёsat жазбаси синдирилган бўлса, иккинчи томондан, улар, анъанавий фикрлаш йўсинидан, "изм"лардан, фақат илмпазлиқдан қутула олмади. Шаклий изланишлар кўп ҳам сезилмасди. Ҳозирги мақолалар фикрий йўналиши жиҳатидан анча хурлиги, шаклда изланишлар олиб бораётганилиги, композициясида янгиланишлар борлиги, ўзбек адабиётини, жаҳон адабиёти муаммолари билан боғлашга интилишлар кўриниб туради.

Муаммоли мақола: Жамол Камол –лирик шеърият назариётчиси сифатида. Жамол Камол шоир ва таржимон бўлиш билан бирга XX асрнинг 70-йилларида Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлади ва лирика масалалари билан жиддий шуғулланди. Ўзбек адабиётшунослигида XX асрнинг бошларида адабиётшунослик ривожида лирика масалалари билан Абдурауф Фитрат "Адабиёт қоидлари", А.Саъдий ("Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари", ўрта мактаблар учун дарслик) каби олимлар шуғулландилар. Улар айнан лирикага оид алоҳида китоб ёзмаган бўлсалар-да, адабиёт назариясига бағишлиланган асарларида лирика ҳақида фикр юритганларини кўриш мумкин.

XX асрнинг 30-йилларида Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси, академик Ойбек лирикага бағишлиланган мақоласида унинг жонли ҳалқ ҳаёти билан мустаҳкам боғланиши зарурлигини тўғри белгилайди. Лирика наинки шахс, ҳалқнинг ҳам фикр-туйғулари, кечинмаларини эмоционал равишда ифодалаши керак деб билди. Ҳамид Олимжон, Уйғун, Ҳ.Пўлат шеърларини таҳлил қилганда, табиийки, у "социалистик лирика"нинг муҳим хусусиятларини янги давр билан боғлиқ ҳолда очишга интиладики, бу ўша давр тақозоси эди. "Сўнгти йиллар ўзбек поэзияси" мақоласида муаллиф шоирларни поэтик маҳоратни мукаммалроқ эгаллашга чақирди.

Адабиётшунос олим X.Ёқубовнинг, айниқса, "Лирикада конфликт" ва "Лирикада замондошимиз нафаси" мақолаларида бу жанрнинг ўзбек танқидчилигига шу вақтгача кўп ҳам ёритилмаган, очилмаган қирралари кўрсатилади, лирик шеърларда акс этган шу хусусиятлар нуқтай назаридан таҳлил этилади, ютуқ ва камчиликлар аниқ далиллар

асосида белгиланади. Бу ҳол X.Ёқубов қарашларининг адабий жараёнга таъсирини оширди: "Лирик асарда образнинг ҳаракати кенг равища ривожлантирилмайди, воқеалар тез-тез алмашиниб турмайди, қаҳрамонлар турли-туман ҳолатларда, ҳар хил кишилар билан бўлган муносабатларда ўзини кўрсата бермайди... Лирик шеърият асосини шоирнинг кечинмалари унинг ҳис ва туйғулари, орзу ва интилишлари, фикр ва умидлари ташкил этади. Лирикада ҳаёт ҳаяжон билан ҳис қилинган, қалдан ўтган, субъективлашган ҳолда гавдаланади. Лириканинг предмети худди кечинмаларнинг ўзгинасидир"(Ёқубов X. Сайланма. Икки жилдлик. 1- жилд. Т., 1983. –Б. 94). Бу қарашлар давр лирикаси такомилига сўзсиз таъсирини кўрсатди. Ўзбек шеъриятидаги, айниқса, лирикадаги конфликт табиатига доир унинг қарашлари, наинки, ўзбек танқидчилиги, балки шоирлар учун ҳам муайян янги қарашлар сифатида қабул қилинди. Бундай қарашлар лирикада замондош образини эстетик таҳлил этиш жараёнида ҳам кўринади.

Шахсга сифиниш исканжасидан озод бўла бошлаган ўзбек шеърияти, насри ва драматургиясида 50- йиллар охири ва 60- йиллар аввалида жиддий силжишлар, ўзгаришлар рўй берди. Танқид ҳам ана шу жараённи таҳлил қилишга ўтди. Ижодкорлар олдига янги-янги талаблар кўйди. Айниқса, шеъриятда ҳаётга қизғин муносабат билдирилиб, замонавий рух чукурлаша борди. Ўзбек назмида юз бераётган бундай ижодий ўзгаришлар Озод Шарафиддиновнинг "Замон. Қалб. Поэзия" деб номланган илмий кашфиётларга бой, ўзбек шеъриятининг кечаги куни ва бугунидаги ютуқ, камчиликлар умумлаштирилган салмоқли китобида ўз ифодасини топди.

Академик С.Мамажонов ижодий фаолиятида ўзбек шеъриятини атрофлича тадқиқ этиш марказий ўринлардан бирини ташкил қиласди. Юзлаб тақриз ва мақолаларидан ташқари "Шеърият баҳсида" китоби каби "Ранглар ва оҳанглар" китоби ҳам поэзия масалалари ва поэтик асарлар таҳлилига бағишлианди. "Лирик олам, эпик кўлам" номли иирик монографиясида тадқиқотчи X. Олимжон лирик маҳорати ва Шароф Рашидов эпик оламини кенг тарзда очиб берилди.

"Шеърият – изланиш демак" рисоласини шеърият ҳақидаги И.Фафуровнинг ўйлари, кузатишларининг квинтэссенцияси, дастур сифатидаги тажассуми дейиш мумкин. Мунаққид адабиёт даргоҳига кирибдики, шеърият сехрини англашга интилади. У шеърият дардида одамлар, шоирлар, оламнинг бой тарихига шўнгийди, жаҳон поэзиясини узлуксиз ўрганади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, юқорида тилга олинган тадқиқотларда лирик асарлардаги композиция масаласи алоҳида тадқиқ этилмаган. Шоир ва олим Жамол Камол айни шу ўрганилмаган мавзуга қўл уриб, «Лирик шеърият» монографияси билан лирика, шу билан бирга адабиёт назариясини ҳам бойитишга катта ҳисса қўшди. Китоб илмий-

бадий тафаккурнинг синтези бўлган шундай сўзлар билан бошланади: «Башарият бадий мероси, илҳом ва калом хазинасининг сўлим, нафосатли ҳиссасини лирика ташкил этади. Кишилик жамияти босиб ўтган, этаги кўз илғамас асрларга бориб туташган ўша сермашаққат йўлларда унинг беҳисоб бисоти дурахшон юлдузлардек ярқираб турибди.... Инсоният ўша худудсиз гўзаллик олами, ўша юлдузлар ҳашаматига ҳар замон бир қайрилиб қарайди. Қараб ҳайратга чўмади....

Уч адабий жинснинг биттаси бўлмиш лирикани бир қадар баланд пардаларда тавсифлар эканмиз, бу уни атай маҳсус ва мумтоз бир ўринга қўйишни кўзлаган бир уриниш эмас. Бу – унинг табиатидан, ички моҳиятидан, чунончи, ҳамма жойда ҳозирнозирлигидан, тез ва шиддаткорлик билан фаолият кўрсата билишидан...ва шунга ўхшаш жуда кўп хусусиятларидан”. (Жамол Камол .Лирик шеърият. Тошкент. “Фан”, 1986. 3-бет. (Кейинги кўчирмаларда шу китобнинг саҳифаси кўрсатилади). Тадқиқотда лирика табиати, унинг алоҳида адабий жинс сифатидаги ўзига хос хусусиятлари, лирикада сўз санъати қандай намоён бўлиши, конфликт, қаҳрамон, характер лирикада қандай акс этиши, лирикага хос ва унга алоқадор бўлган жанрлар хусусида сўз юритилади.

Аввало, лирика нима? деган саволга муаллиф В.Г.Белинскийнинг “М.Лермонтов шеърлари” мақоласидан “шеърият- бу чақалоқнинг беғубор кулгуси, ёруғ нигоҳи...” билан бошланадиган таърифдан парча келтириб, жавоб беради. Шу билан бирга ўзи қўшимча қиласи: “Адабиёт- маънавият. Лирика – маънавиятнинг маънавияти, яъни, мағизнинг мағизи... У башарият зеҳнининг маҳсули бўлмиш адабий ижоднинг бир тармоғи, бадий тафаккурнинг бир шоҳобчаси ўлароқ оламни конкрет образлар орқали инъикос этади, нафис сўз воситасида гавдалантиради..” (6-бет).

Олим лирика тарихига, унинг Шарқ ва Фарбдаги ривожига тўхталади. Лирикада лирик кечинманинг ўрни, унинг қандай элементлардан таркиб топиши, моҳиятини нималар ташкил этади деган аниқ саволлар қўйиб, унга жавоб излайди. Таҳлиллар асосида “Лирик кечинмада фикр ва хиссиёт қоришиқ яшайди. Бугина эмас, улар бир-бирининг мағиз-мағзига шундай сингиб кетадики, ажратиб қўришнинг иложи бўлмай қолади. Бу ажralмас бирлик-бутунлик лирик кечинманинг моҳиятини ташкил этади”, -деб ҳисоблаб, бунда яна эҳтиросли фикрнинг ўрни улкан эканлигига диққат қаратиб, F.Ғуломнинг “Соғинишиг” шеърини теран таҳлилга тортади.

“Лирикада сўз санъати” фаслида олим бадий ифодани мазмунан қуюқлаштириш, уни ҳис-ҳаяжонга йўғириш учун лирика сўз салоҳиятига суюниши ва шеърий шаклларга мурожаат қилишини таъкидлар экан, маънавий ва лафзий санъатларнинг ўрни масаласига эътибор қаратади. Китобда кўрсатиб ўтилган шеърий санъатлар бадийликнинг мухим ва

таъсирчан омилларидан эканини исботлаб беради. Лирикада характер, конфликт ва қаҳрамон масаласини ёритар экан, “шоир шахсининг биринчи планга чиқиши ва у орқали объектив оламнинг акс этиши –лирика қиёфасини белгиловчи мухим хусусиятлардан” эканлигини асос қилиб олади.

Лирикада табиат лавҳалари инсоний кечинмалар билан йўғрилганлиги, лирик характер ана шу ҳолатларда яшаши ва акс этишини шоир Миртемирнинг “Денгиз тинчимади – биз тинчимадик”, F.Ғуломнинг “Қор” шеъри таҳлили мисолида очиб беради. Лирик характерни юзага келтириб чиқарувчи ҳаётий зиддият лирикада асосан уч кўринишида: а) тасдик, б) инкор, в) ҳам икрор, ҳам инкор кўринишида гавдаланишини мисоллар орқали кўрсатиб беради. Бунда Асқад Мухторнинг “Поэзия” шеъри чукур таҳлил қилиниб, шундай хулоса келтириб чиқарилади: “Шундай қилиб, лирик конфликт шоирнинг воқеликка қизғин муносабати, шу муносабат туфайли туғилган фикр ва кечинмаларнинг жўшқин ҳаракати, ижодкорнинг ҳаёт фактларига нисбатан актив икрори ва инкори воситасида тажассум топади ҳам лирик характерни ифодалайди” (45-бет). Шу билан бирга лирик конфликт тасвирида меъёр масаласи ҳам мухим эканлиги таъкидланади.

Жамол Камол лирик қаҳрамон масаласи ҳам лирик шеъриятда ҳаётни тасвир этиш хусусияти масаласи эканлиги, лирик қаҳрамон характери ўзига хос марказ бўлиб, объектив воқелик лавҳалари, кишиларнинг ўзига хос образлари ана шу марказ атрофига уюшиши ҳақида фикр юритар экан, ҳамма гап унинг оригиналлиги, индивидуаллиги, жонлилик ва жўшқинлик даражасида эканлиги, лирик шеъриятнинг қаҳрамони, асосан, шоирнинг ўзи эканлиги, “аммо бундан мазкур лирик қаҳрамон билан шоирнинг автобиографик қиёфаси худди ўлчаб қўйгандек, бир-бирига teng деб ҳисоблаш ҳам нотўғри бўлур эди” каби хулосалари бугунги кун ўқувчисига ҳам лирик қаҳрамон масаласини ойдинлаштиришга ёрдам беради: “Лирикада конфликт ва қаҳрамон ҳамда улар воситасида тажассум топадиган лирик характер тушунчасининг бағри кенг. Чунончи, шоир ўз кечинмаларини бевосита ифодалаш йўли билан ҳам, ўзгалар тақдирини ўз тақдиридай кечиниб тасвирлаш йўли билан ҳам, баъзида эса бу усусларни турли йўсинда аралаштириб қўллаш йўли билан ҳам лирик характерни рўёбга чиқаради”(47-бет).

Муаллиф лириканинг – сўз санъатининг мураккаб, специфик воситалар билан иш кўрувчи ўзига хос жанри эканлигини таъкидлаб борар экан, лирик ва лиро-эпик жанрлар муаммосини ёритишга ҳаракат қиласи. Фарб шеъриятидаги қўшиқ, дифирамблар, ода, бағишлиов, сатира, элегия, сонет, терцина каби, Шарқдаги ғазал, қасида, рубойй, қитъа каби жанрларга тўхталади, лирика жанрлари масаласидаги баҳсларга муносабат

билдиради, мустақил адабий жинс сифатида ҳаёт кечиришнинг биринчи ва асосий шарти - ўзининг “соф элементи”га эга бўлиш назарда тутиладиган бўлса, лиро-эпик асарларда шундай бир “соф” элемент мавжуд эмас деб ҳисоблайди. Шундай бўлса-да, лиро-эпик асарлар табиатига хос жиҳатларни масал, достон каби жанрлар мисолида аниқ ва ёрқин кўрсатиб беради.

Китобнинг “Лирикада композиция” деб номланган бобида шеърни қандай бошлаш ва қандай тугаллаш масаласи шоирнинг композицион маҳоратига бориб тақалишидан келиб чиқиб, ана шу масалага оид мулоҳаза ва мулоҳадалар баён этилган. Муаллиф лирик композиция тушунчасини очиб беришда шоирлар учун қатъий талабларга эга бўлган ўзбек мумтоз шеъриятга мурожаат қиласи. Шу билан бирга Арасту, Буало каби назариётчиларнинг мулоҳазаларига, рус олимлари ва ўзбек адабиётшуносарининг фикрларига тўхталиб ўтади. F.Гулом шеърларининг таҳлили асосида маълум хulosаларга келади: “Лирик композиция –умумий адабий композициянинг бир тури, бошқача айтганда, катта доира ичидаги кичик бир доира...

Мазмуннинг, поэтик ғоянинг аниқлиги; ҳаққонийлиги; эмоционаллиги, шу поэтик ғояга нисбатан қисмлар ва образларнинг мувофиқлиги даражаси; тасвир меъёри; ва жойланиш мутаносиблиги” каби тамойиллар сўз санъати майдонида ҳамма учун баравар амал қилувчи қонуний талаблар эканлиги ва у лирик композицияга тегишли экани очиб берилади.

Олим лирик композиция таснифига киришар экан, икки муҳим нарсага: 1) тасниф ҳаётий ва ҳаққоний асос-эътиборга суюниши; 2) тасниф лирик композиция кўринишларининг бутун ранг-баранглигини ўзида акс эттириши шартлигига эътибор қаратади. Шеършуносликдаги лирик композициянинг турли даврларда юзага келган ранг-баранг таснифларига ҳам муносабат билдиради. Тематик таснифнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги, рус олими В.Иванисенконинг таснифида эса изчиллик етишмаслигини танқид қилиб ўтар экан, унинг ўзи “лирик-композицион силсила” деб аталган шакллар мажмуасини таклиф этади, уларни уч гуруҳга бўлиб ўрганади. Масалан, туйғулар диалектикаси лирик-композицион силсиланинг учинчи ҳалқасини ташкил этувчи шеърларда кўриниши, бундай шеърлар замиридан келиб чиқувчи ғояни зукко танқидчи икки чақмоқ тошнинг бир-бирига урилишидан ҳосил бўлувчи учқун-алангага ўхшатади.

Лирик композициянинг зоҳирий элементлари ҳақида фикр юритганда, Жамол Камол шеърий нутқнинг катта-кичик бўлаклари: ярми мисра, мисра, байт ва бандаларни, шулар асосида юзага чиқувчи ритмни, сўнгра эса шеърий композицион усулларни назарда тутиб,

анафорик композиция, амбей композиция, композицион ечим, композицион ҳалқа, композицион занжир, рефрен, күчув каби бир қанча унсурларнинг изохини мисоллар орқали кўрсатиб беради.

“Лирик композиция ва индивидуал поэтик услугуб” бобида энг аввало, услугуб ҳақида назарий маълумотлар берилгач, олим уч шоир: Ойбек, Мақсад Шайхзода ва Шухрат шеъриятининг ўзига хос жиҳатларини очиб беради. Ойбек услугиб ҳақида гапирганда, шоирнинг поэтик услугубида бир-бирига боғлиқ бўлган икки муҳим қиррани белгиловчи деб ҳисоблайди яъни 1) ҳамиша, ҳамма ерда нафосатни кўришга ва уни тасдиқлашга қаратилган, маълум даражада, шоирнинг “шеър- ахлоқий гўзалликдир” деган ўзига хос ақидасидан келиб чиқувчи тамойил; 2) лирик жанр доираси эпик назарга эга бўлиш, лирик ҳолат, лирик лавҳаларни эпик назар билан кўриш, ёритиш тамойили. Олим ана шу тамойилларни “ Ойбекнинг поэтик дунёси чексиз ҳаракат билан тўла. Бошқа замондош шоирларда буни камдан-кам учратамиз. Ойбек лирикасида сўз, деталь, образ – ҳаммаси аниқ сўзлайди, жонли ҳис билан ёнади, ҳаракат қиласи, инсоний туйғу билан яшайди” деган хулосалари ва талқинлари мисолида исботлаб беради.

Олим “Шайхона шеър” ҳақида гапирганда эса, Шайхзода услубини F.Ғуломга яқин, аммо бу ўхшашлик улар ҳар қайсисининг ўзига хос қиёфага эга бўлган, оригинал ижодкор эканлигини рад этмайди,- деб ҳисоблайди. “Ҳамиша чексиз борлиқни бутун жилвалари билан қучишга интилевчи, кенг қамровли мушоҳада, муҳокама оқими Шайхзода шеъриятининг етакчи йўналишини, бош пафосини ташкил этади...

Шайхзоданинг поэтик услугуби табиатан оламни ҳамиша ўткир тафаккур кўзи билан кўришга интилган, ижод ва ижодкорнинг ҳақиқий қиймати ва жанговар бурчини чукур ҳис қилган, хаёл ва илҳом уфқи кенг бўлган файласуф шоир услугубидир”(125-бет). Жамол Камол шайхона ифода усулини белгилашда шоирнинг лирик композицияни сайқаллаштириш йўлида вазнларни қоришиқ ҳолда ишлатиши, бармоқ вазнидан эркин вазнга, эркин вазндан бармоқ вазнига бемалол ўтавериши, строфиقا соҳасидаги ўзига хослигига эътибор қаратади. Шу билан бирга шоирнинг ўз поэтик услубини белгиловчи баъзи тамойиллардан чекинишини танқид қилиб ўтади. Шайхона лирик композициядаги бағри кенглик унинг поэтик тафаккуридаги, поэтик услугубидаги бағри кенгликнинг ўзига хос ифодаси деган хулосага келадики, бу хулосалар ўқувчини Шайхзода шеъриятига янада яқинроқ ошно этади.

Олим Шухрат шеърининг услубий хусусиятларини очиб беришда лирик композицион услубнинг асосий белгиларига дикқат қаратади: “Ҳар бир сатри муайян

метафорадан иборат ортиқча образли бўёқдорлик услуби ҳам, поэтик тафаккурнинг мураккаб чатишмаси, лирик-фалсафий мұхокамаларга берилиш тамойили ҳам Шухрат шеъриятидан йироқ...Шухратона поэтик мушоҳада, кўп ҳолларда тўғри йўналиши, енгил парвозли, конкрет-хиссий мушоҳада”(134-бет). Шоир Шухратнинг ўзига хос лирик композицион услубида 1) диалог принципи асосида қурилган рамзий-метафорик; 2) психологик параллелизм принципи асосида қурилган; 3) композицион мурожаат асосида қурилган шеърлар тасниф қилинади ва ажратиб кўрсатилади. Танқидчи сифатида Жамол Камол шоир шеърларида қуруқ риторик оҳанг касб этганлари ҳам борлигини кўрсатиб ўтади. Мұхими шундаки, китобхон ўзбек адабиётининг уч забардаст шоири ва уларнинг поэтик услуби ҳақида янгича қарашларга, мушоҳадаларга бой кузатишлардан баҳраманд бўлади.

Шу билан бирга китобхон шоир ва олим, мунаққид ва зукко шеършунос Жамол Камолнинг содда, илмий-назарий қарашлар билан тўйинган мулоҳазаларига ошно бўлади. Гарчанд, китобда ёзилган даври билан боғлиқ эскирган баъзи фикрлар учраса-да, мазкур монография бугун ҳам шеършуносликда ўз аҳамияти ва қимматини йўқотмаган тадқиқот сифатида қадрли бўлиб қолаверади. Унинг хулосасидаги мана бу фикрлар фикримизнинг исботи бўлиб қолади: “Лирика буюк ва мунаvvар оламга ҳайрат ва ҳаяжон назари билан термулиб, уни идрок ва инъикос этишга интилган бадиий сўз санъатининг умрбоқийлигини, унинг доимий қонуни бўлмиш ҳаётий гўзалликни ўзига хос йўсинда жилвалантиради”.

Бугун адабий-танқидий мақолалар турли танқидий жанрларнинг ўзаро синтезлашуви жараёнида янгиланиб бормоқда. Замон ва талаб, умуман, танқид, шу жумладан, мақола ҳам ўзгармоқда. Бир сўз билан айтганда, адабий-танқидий мақола жанри адабиётдаги ҳарорат кўрсаткичига айланиб боряпти дейиш мумкин. У адабиётнинг, умуман олганда, ижтимоий-сиёсий, маърифий-илмий асарлар сифат даражаларини белгиловчи ва, айни вақтда, уларга таъсир этувчи кучга айланмоқда.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар :

1. Мақола истилоҳининг моҳияти ҳақида нималар биласиз?
2. Адабий-танқидий мақоланинг жанрий табиати нималарда намоён бўлади?.
3. Адабий-танқидий мақоланинг пайдо булиши ва тараққиёти ҳақида гапириб беринг.
4. Адабий-танқидий мақоланинг турлари ва уларнинг ўзига хослиги ҳақида нималар биласиз?

- 5.Обзор мақола табиати ва ички кўринишлари ҳақида сўзланг.
- 6.Муаммоли мақола табиати ва ички кўринишлари ҳақида нима биласиз?
- 7.Адабий-танқидий мақоланинг эстетик тафаккур тараққиётидаги аҳамияти нималарда кўринади?

Мустақил ўқиши учун адабиётлар:

1. Адабиёт ва санъат. (адабий-танқидий мақолалар). Т.,1988.
- 2.Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т.: Ўзбекистон, 1993.
3. Низомий Арузий Самарқандий. Нодир саҳифалар (Чаҳор мақола).Т.: Адабиёт ва санъат, 1985.
4. Норматов У. Талант тарбияси. Т., 1985.1980.
5. Мувозанат. Тўплам. Т., 1990.
6. Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. Т., 2006.
7. Кўшжонов М. Сайланма. 2 жилдлик. 1989.
- 8.Худойберганов Н.Ишонч. Мақолалар тўплами. 1998.
9. Ғафуров И. Ҳаё - халоскор.Т., 2009.
10. Ғафуров И. Мангу латофат.Т., 2010.
11. Ҳозирги ўзбек адабиётининг миллий ўзига хослиги.
Тўплам.Т.,1984.
13. Ҳаққулов И. Тақдир ва тафаккур. Т.: Шарқ. 2007.

3- МОДУЛ

5-МАВЗУ: Тарихий-биографик ёндошувга асосланган жанрлар.Адабий портрет.

РЕЖА :

1. **Тарихий-биографик ёндошувга асосланган жанрлар .**
2. Адабий портрет жанрининг хусусиятлари.
3. Адабий портрет шакллари ва тараққиёти.
4. Адабий портрет намуналари.
5. Танқидий-биографик очерк

Таянч тушунчалар: тарихий-биографик ёндашув, адабий портрет, ҳолот, маноқиб, портретнавис, ижодий портрет, симпатия, портрет-мақола, обзор мақола, ижодий портрет

1. Тарихий-биографик ёндошувга асосланган жанрлар.

Тарихий-биографик ёндашув адабий танқиднинг етакчи йўналишларидан бўлиб, у танқидчи зиммасига ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўз даври ва муҳити билан уйғун ёритиш вазифасини қўяди. Жаҳон адабий танқидчилиги тарихида бу метод XIX аср бошларида кенг тарқалди. Тарихий-биографик метод борасида Ш.Сент-Бёв, А.Веселовский, А.Моруа, М.Бахтин, М.Храпченко, Л.Тимофеев, В.Шкловский, И.Андронников сингари олимлар баракали меҳнат қилдилар.

Ўзбек танқидчилигига бу йўналишга эътибор XX асрнинг 20-йиллардан бошланган эса-да, асосан, 30-йиллардан тараққийга ўтди. Бу ёндашувда ижодкорнинг ҳаёт йўлига муносабат муҳим роль ўйнайди. Қайси бир тадқиқотда бу кўлам тор— биографик маълумот соясида қолиб. айрим таҳлилий унсурларга едирилса; қайси бирида кўлам бир қадар кенгайиб, биографик далиллар тизими устуворлигича қолади; кўлам бошқа бир тадқиқотда бу меъёрни саклаган ҳолда, биографик асос ижодкор шахси, муҳит, замон, асар билан уйғунликда таҳлил қилинади. Ўрнига қараб, хотира, саргузашт, асарнинг ёзилиш сабаби ва тарихига оид маълумотлардан ҳам унумли фойдаланилади. Асарлар таҳлилига алоҳида эътибор берилади. Шу хусусиятларига кўра, тарихий-биографик ёндашув асосида ёзилган тадқиқотлар уч кўринишда кенг тарқалган:

- 1. Адабий портрет**
- 2. Танқидий-биографик очерк**
- 3. Адабий- танқидий эссе**

Ҳар учала кўринишда ҳам илмий, тарихий-биографик усул асос қилиб олинади, бу уларнинг муштарак белгисидир.

2. Адабий портрет жанрининг хусусиятлари. Адабий портрет шу йўналишга асосланган илмий-биографик тадқиқотнинг кенг тарқалган жанридир. Унда ижодкорнинг яхлит қиёфасини яратишга аҳамият берилади.

Портрет сўзи французча «partrait»— тасвир сўзидан олинган, луғавий маъноси “аслини тасвирлаш” демакдир (Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминл. русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т., Ўқитувчи. 1979, - Б. 238). Истилоҳий маънода эса уч ҳодисани ифодалайди:

1. Бадиий асарда кишининг ташқи кўриниши, қиёфаси, кийим-кечаклари, ранги-рўйи, феъл-атвори, ўзини тутиши ва ҳ.к.ни англатади. Портрет бадиий образ яратишнинг муҳим шартларидан биридир.

2. Айрим ёзувчи, шоир, жамоат арбоби, санъаткор ёки олимнинг ҳаёти ва фаолиятини илмий-эстетик жиҳатдан умумлаштирувчи асар турини билдиради.

3. Тасвирий санъат, умуман, санъат асарида инсон қиёфасини акс эттирувчи мустақил жанр.

Танқид ва адабиётшуносликда адабий портретнинг генезиси. Адабий портретнинг генетик илдизи мумтоз адабиётшуносликдаги ҳолот ва маноқибларга бориб такалади. Ҳолот ва маноқибларда ҳам ижодкорлар, авлиёлар, машхур шахслар ҳаёти ва фаолияти ҳакида маълумот берилади. Бинобарин, бу жанр тадрижий такомиллашув йўлида: а) тазкиралардаги ихчам ва лўнда маълумотномалардан; б)таржимаи ҳол, ҳолот ва маноқиблардан ўсиб чиққанлигини кузатиш мумкин.

Адабий портрет ижодкор таржимаи ҳолини кенг камровда, батафсил ўрганадиган илмий тадқиқот бўлиб, мурожаат этилган шахснинг жисмоний, маънавий ва руҳий бир бутун қиёфасини яратишга ҳаракат қилинади ёки санъаткор фаолиятининг қисқа бир муддат оралиғидаги маъно моҳияти, қиёфаси илмий-эстетик талқин қилинади. Унда ёзувчининг ҳаёти, қиёфаси, ижоди, бутун назокати-ю, мураккабликлари, зиддиятлари, руҳий драмалари билан қамраб олинади.

Алишер Навоийнинг «Мажолисун нафоис» асарида қатор ихчам портретларга дуч келамиз. Султон Ҳусайннинг «Хўп ашъори ва марғуб ҳаёти»га бағишлиланган 8-мажлисни истисно қилганда, Навоий етти мажлис давомида ҳар бир шоирни 2-3 жумлада таърифлайди, феълидаги етакчи белгини эътироф этади, тақдири ҳакидаги маълумотларни қайд этиб, шеъриятидан намуна келтиради. Мана бир мисол: «Мавлоно Мажнуний-Балхда бўлур, факир кишидир, китобат бино қила олурки, важҳи маош ҳосил қилғай, Хожа Укканга мозорида сокиндор.

Гўё шеър тахаюллик учун бўлқайким вара (мағлуб) кул-хаёл муртакибидур, андоғки, ҳам мағлуб бўлғон ҷоғлиқдур. Бу матла анингдурким

Моҳи тобоним иситди, қилди бағримни кабоб,

Ой эди, энди ҳароратим булибдур офтоб».

Бу парчада адабий портретга хос: тилга олинаётган шоирнинг ижоди, шахси ҳакида маълумот, асарларига муносабат билдириш каби белгилар учрайди.

«Ноёб маънавий хазина» «Мажолисун-нафоис»да Навоий бадий ижод маҳсули юзасидан билдирилган фикрларга-танқидга эътибор билан қараш лозим деган мулоҳазани ўртага ташлайди. Шунинг учун тазкирада танқидга ҳурмат билан қараган санъаткорлар ҳакида ҳам, танқидни менсимай танқид қилишга йўл қўймаган шоирлар ҳақида ҳам адолат билан сўз юритади. Навоий тил ва услуб масалаларида қисқаликни, фикрни ихчам ва лўнда ифода этишни севар ва ижодкорларни ҳам шунга тарғиб этар эди. Асар гарчанд

тазкира жанрида ёзилган бўлса-да, унда синкетиклик- портретга, эссега, мақолага хос унсурлар қўшилиб кетган. Навоий тазкирасини ўз замондошларига бағишлади ва бу асари билан уларнинг хотирасини абадийлаштириди.

Кўринадики, тазкираларда портрет унсурлари, қисқа адабий портретлар учрайди. Аммо тазкираларда ҳақиқий адабий портретнинг жанр имкониятлари чегараланади. Шунинг учун мумтоз адабиёт вакиллари мемуар шаклларнинг бошқа турларига ҳам мурожаат қилганлар. Ўтмишда адабиётшунослик ва адабий танқидий фикрлар “Адабий хотира ва мемуарлар ёзиш формасида” учрашини юқорида айтиб ўтилган эди.

Алишер Навоий ўз замондошларининг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан қизиқди, уларнинг ижодий ўсишлари учун қўлидан келганича ёрдам беришга интилди. Навоийнинг ўз замондошлари ҳақидаги танқидий фикрлари унинг адабий танқидчилигининг энг характерли ва муҳим қисмидир. Навоий ўз даврининг талантли ва қўзга кўринган кишилари билан жуда яқин муносабатда бўлган, улар ҳақида ҳатто яхлит ва йирик эсдаликлар ёзган. Абдураҳмон Жомий ҳақида “Хамсатул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Муҳаммад Паҳлавон”, “Ҳолоти Сайд Ҳасан Ардашер” (“Маноқиби Сайд Ҳасан Ардашер”) каби асарлари бунга мисол.

Навоийнинг “Ҳолоти Сайд Ҳасан Ардашер” асари мемуар-биографик характерда бўлиб, унда навоийшунос С.Фаниева тўғри қайд этганидек, “Ҳирот маданий адабий ҳаётининг кўркамли вакили бўлган кенг кўламли билимлар эгаси, шоир ва гўзал инсоннинг маълум даражада ижодий портрети яратилган ҳамда муаллифнинг унга бўлган беҳад хурмати, самимий муносабати ўз аксини топгандир”(Алишер Навоий. МАТ.15-том. Т.:1999,216-бет). Ҳақиқатан ҳам бу асарда адабий портретнинг белгилари: аниқ инсоннинг қайта яратилган бадиий образи, унга хурмат билан қараш, хайриҳоҳлик туйғусининг баландлиги, жонли хотиралардан фойдаланиш, шахснинг инсоний ва ижодий қиёфасини яхлит ҳолда бериш ва ҳ.к.лар ўз аксини топган. Бу хусусият “Ҳолоти Паҳлавон Маҳмуд”да ҳам яққол намоён бўлган. Шу боис уларнинг ХУ аср портретнавислигининг ёрқин намуналари дейиш мумкин.

Кўрамизки, портрет –бу инсонни англашнинг шундай ўзига хос соҳасики, у бевосита аниқ, реал инсон образи билан нафақат мазмун жиҳатдан, балки шакл томонидан ҳам боғлиқдир. Бу икки томоннинг бирлигига адабиёт ва санъатдаги муҳим муаммолардан бири сифатида портретнинг ҳақиқий моҳияти очилади. Айниқса, аниқлик ва изчиллик билан бу бирлик тасвирий санъатда ҳам кўзга ташланади, атама ўзлаштирилган тасвирий санъатда ҳам бош масалалардан саналади.Шунинг учун “портрет

тарихи- бу инсоният тарихининг қисмидир, унинг ижтимоий ривожланиши, табиатга муносабатидир. Портрет санъатнинг бошқа кўринишлари каби инсон томонидан яратилади, у ҳам инсонни тасвирлайди, у инсоннинг қўли билан инсон материалидан яратилади ва шунинг учун ҳақиқий санъат сифатида нафақат ташқи ҳодисаларни акс эттиради, балки яна инсон- ижодкорнинг ички дунёсини ҳам тасвирлайди, ва бу бир-бирини кесишиб ўтган акс эттириш портрет санъатида инсоний муносабатларни барча мураккаблиги билан, ижтимоий идеаллар ва этик тасаввурлари билан чақнатиб туради”, - деб ёзади портрет тарихини ўрганган рус олими М.Алпатов.(Очерки по истории портрета. М.1937.с.6)

Портрет ривожланишининг кейинги тараққиёти реализмнинг тасдиги билан мустаҳкам боғлик, шу туфайли реал, ҳақиқий шахсни бадиий тадқиқ этиш, тасвирий санъатдаги каби адабиётда ҳам кенг бойитиб борилди.

Адабий портретнинг жанр хусусиятлари. Адабий портрет адабий танқид олдида турган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ва тарғиб қилишда қулай, самарали жанр ҳисобланади. Адабий портрет туб моҳияти билан ёзувчи таржимаи ҳолига, асарнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари, ижоднинг маърифий ва маънавий аҳамиятига дахл қила оладиган жанрdir. Лекин адабий портретни санъаткор ҳаёти ва ижодининг асосий фазилатларини акс эттиришдангина иборат деб талқин этиш–бу жанрнинг асосий хусусиятларини бир ёқлама тушуниш бўлар эди. Бинобарин, жанр табиатини белгилашда унинг мундарижасидаги ушбу хусусиятларига эътибор бериш муҳимдир. Зоро, адабий портретда: 1) санъаткорнинг шаклланиш жараёни ва бунда давр ҳам муҳитнинг таъсирини очиш; даврдаги асосий йўналишларнинг ижодкор шаклланишида тутган ўрнини белгилаш ва аниқлаш; 2) ижодкор қиёфаси ва индивидуал услубини шакллантирган омилларни кўрсатиш; 3) санъаткорнинг шахс сифатидаги фазилатлари, нуксонлари ва уларнинг ижодида тутган ўрнини асослаш;

4) ёзувчи шахси ва ижодининг муҳим босқичлари, босқичларга бўлиниш сабабини очиб, уларнинг ҳар бирига хос хусусиятларни умумлаштириш.

Буларнинг барчаси адабий жараёндан узилмаган ҳолда, адабий жараённинг шу санъаткорга таъсири, ўз навбатида, ижодкорнинг жараёнга қўшган хиссасини белгилашни ҳам тақозо этади.

Шуниси эътиборлики, адабий портретда ижодиёти текширилаётган ёзувчи ёки шоирнигина эмас, балки унинг ижодий фаолиятини таҳлил қилаётган танқидчининг ҳам ўзига хос қиёфаси бўй кўрсатиб туради. Биографик методнинг кўзга кўринган вакилларидан бири Сент-Бьёв «Адабий портретлар», «Душанба кунларидаги сухбатлар»,

«Пор-Рояль» номли асарларида ёзувчининг фақат ички дунёсигина эмас, уй-жой шароитига ҳам чуқурроқ киришга интилиши бежиз эмас. Унинг фикрича, ёзувчининг кундалик ҳаёти ва одатларига биринчи даражали аҳамият бериш лозим. Чунки ҳар қандай ёзувчи, бошқалар каби оддий бир инсон ҳамда ижодида уни ўраб турган одамлар, уларнинг ҳаёти мухим аҳамият касб этади. Майший шароит, тасодифий учрашувлар, ўзгарувчи кайфиятлар, ниҳоят, ёзувчи руҳининг хусусиятлари Сент-Бъёвнинг психологик-биографик портретларида у ёки бу ёзувчи ижодидаги адабий-бадиий асарларнинг ғоявий-бадиий ўзига хосликларини ташкил этувчи омиллар сифатида таҳлил этилади.

Шу жиҳатдан француз ёзувчиси ва файласуфи, танқидчи Андре Моруа яратган портретлар ҳам танқидчилик учун намуна бўла олади. Унинг Стендалга бағишлиланган адабий портретида «Қизил ва қора» асарининг ёзилиш сабаблари, адебнинг ички дунёси, туйғулари, асарни ёзишга туртки бўлган воқеа, ёзувчининг оиласидаги шароитигача бирма-бир очиб бериладики, китобхон асарни бадиий асардек завқ билан ўқийди.

3. Адабий портрет шакллари ва тараққиёти.

Ўзбек ва жаҳон адабиётшунослигида портретнавислик тараққиёти.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги гарчанд 20-йиллардан бу тарихий-биографик методга эътибор бошланган эса-да, асосан 30-йиллардан бошлаб у ривожлана бошлади. Адабий портрет шу методда ёзилган илмий-биографик тадқиқотнинг кенг тарқалган жанридир. “Инсоннинг инсон ҳақидаги маълумоти”- бу муваффақият билан топилган таърифда (А.А.Сидоров) - адабиёт ва санъатнинг ўзига хос тури сифатида портретдаги энг жиддий, мустаҳкам хусусият қайд этилади. Юқоридаги таърифни тўлиқ қабул қилган ҳолда, биз ҳам шу вақтнинг ўзида портретда шу шахс ҳақида хабар бериш, муаллифга маълум маълумотларни қайд этиш эмас, балки унинг **образини яратиш** бош мақсад эканлигини таъкидлашимиз керак. Портретга хос реал инсон шахсига бевосита мурожаат қилиш адабий портретни инсонни эстетик англашнинг шундай ўзига хос соҳасига айлантирадики, унда кўп тадқиқотчилар эътибор қаратган реалистик санъатнинг марказий муаммоси тўла ҳолда ўзини намоён этади.

Портретнавис аниқ инсон - ижодкор образини қайта яратади, унинг характерли кирраларини тўлиқ акс эттиришни ўзининг бош вазифаси деб ҳисоблайди. Бунинг учун бошқа ҳужжатли манбалар ва ўз хотирасидаги бойликлардан фойдаланади. Шунинг учун портрети тасвиrlанаётган қиёфани узок ўрганиш, умумлаштириш орқали аниқ шахсга тўлиқ тавсиф бериш зарурдир. Портрет инсонни тасвиrlаш ва шу билан бирга унга баҳо беришдир. Аммо сўз орқали ифодаланган портретда танқидчи ижод ва биография далилларига бевосита мурожаат қилади, унга тўғридан-тўғри муаллиф тавсифини беради.

Адабий портретнинг муаллифи сифатида ёзувчининг, шу билан бирга тасвирий

санъатдаги портрет яратувчининг асосий мақсади санъаткорнинг, ўзига хос ҳис этиш призмасидан ўтказилган алоҳида шахснинг дунёси, унинг ҳаёти, таржимаи ҳоли асосида бадиий, шу билан бирга илмий ва бадиий образ яратишидир. Портрет – бу доимо, юқоридаги таърифдан фойдаланиб айтсак, портретнавис тили билан айтилган “инсоннинг инсон ҳақидаги қиссаси”дир (Кўчирма В.С.Бараховнинг Литературный портрет китобидан олинди. – М.: Наука, 1985. – 29 с.).

Портретнависнинг асосий мақсади “у ёки бу одамнинг образини абадийлаштириш”га ҳаракат қилиш ҳисобланади. Портретнавис насрнавис ва рассомлар сингари ўйлаб чиқарилган образни эмас, балки реал инсон образини яратади ва ўзининг бош вазифаси унинг ўзига хосликларини ва характерли қирраларини тўлиқ шаклда акс эттириш деб ҳисоблайди. Бу мақсад учун бошқа ҳужжатли манбалар, ўз хотирасидаги бойликлардан фойдаланади. Шунинг учун тасвирий санъатда ҳам, адабиётда ҳам портретни тасвирланаётган қиёфани узоқ ўрганиш учун умумлаштириш сифатида, аниқ шахсга тўлиқ тавсиф бериш сифатида қабул қиласиз.

Адабий портрет –бу инсонни тасвирлаш ва шу билан бирга унга баҳо беришидир, аммо сўз орқали ифодаланган портретда санъаткор ижод ва биография далилларига бевосита мурожаат қиласар экан, унга тўғридан- тўғри муаллиф тавсифини беради. Унинг шахсий “мен”и кўпинча, муаллиф тасвирланаётган замондошга сұхбатдош, фаолият кўрсатаётган шахс сифатида кўринадиган адабий портретларда айниқса, ёрқинлик ва аниқлик билан ҳис этилади. Академик Б.Назаров ҳам ўзбек адабиётшунослигидаги бу янги йўналиш ҳақида: “Ёзувчи ижодини унинг шахсияти билан чамбарчас боғланишда текшириш сўнгги йиллар адабий танқидчилик ва адабиётшунослигимиизда кўзга ташланаётган ижобий тенденциялардан биридир. Санъаткорнинг ҳаёт йўли, табиати, ёшлиги, қизикишлари, орзуларини ўрганиш унинг асарларидаги маҳорат сирлари ва бадиий эстетик принципларини кўрсатишда бир очқич вазифасини ўтайди”, -деб ёзган эди. Бу хусусиятлар адабиётшунос олим С.Мамажоновнинг “Ғайратий”га бағишланган адабий портретида яққол кўринади. Унинг композицион хусусиятлари ҳам бошқа адабий портретлардан фарқ қиласи. Мунаққид дебоча ўрнида хотиралар ва шоир билан сұхбатни келтиради. Портретда шоирнинг тўлиқ ижодий қиёфасини кўриш мумкин. Унинг жонли ва ҳаётий, ўзига хослигини таъминлаган омиллардан бири шоирнинг ўзи билан бевосита сұхбат, савол-жавобнинг асар моҳиятига едирилиб юборишидир. Шоирнинг ҳаёти, асарларининг таҳлили тадрижийлик асосида тадқиқ этилади, шунга боғлиқ ҳолда баъзи масалаларни аниқлаштириш учун мунаққид шоирнинг ўз иқрорларидан фойдаланади. Бу усул адабий портретнинг ўқимишли бўлишини ҳам таъминлаган. Адабий портретда ўша

ёзилган даври мафкураси билан боғлиқ қусурлар бўлса-да, у шоирнинг ҳаёти ва ижодини, даврини, мухитини ўрганишда аҳамиятга эга.

Инсоннинг қиёфасидаги аниқ ўзига хосликлар унинг ташки қўриниши, жисмоний қиёфаси, биографиясидан маҳорат билан танлаб олинган чизиқлар ҳақида тасаввур беради, унинг ижоди ва жонли қиёфасини шахсан ҳис этишнинг натижаси ҳисобланган хуросалар ва кузатишлар адабий портретнинг қирраларини тўлиқ яратишга имкон беради. У ҳолатда ҳам ёки бошқа ҳолатда ҳам портретнавислар унинг ягоналигига хос бўлган характерли фаоллик қўрсатишни топадилар, унинг ҳаётий кайфияти, биографияси эпизодларида, турмушда, бошқа одамлар билан муносабатида, шу билан бирга ижодининг тақрорланмаслиги, асарларининг тили, услуги, қурилиши ва ҳ.к.ларда ўзини қўрсатадилар.

Ижодкор шахси, унинг онги ва билими, характери ва укуви ижод жараёнининг барча қўринишларига, жумладан, асар мавзуини танлаш, асаддаги воқеаларни талқин этиш, шунингдек, бадиий асар шаклига тааллукли кўпгина белгиларни аниқлашда ўз таъсирини қўрсатади. Санъаткорнинг шахси, ижодкорнинг ўзи ким ва у қандай одам эканлиги масаласи адабиётшунос мутахассислар учун ҳам, адабиёт муҳлислари учун ҳам ғоят қизиқарлидир. Зеро, бу шахсий ҳаётдаги тафсилотлар санъаткор ижодини чуқурроқ тушунишга имкон яратади.

Бу масалада турли вақтларда кўпгина мунозаралар бўлиб ўтган. Илм тарихида у қадар чуқур из қолдирмаган бир тоифа мутахассислар бизни фақат ёзувчининг ижодигина қизиқтиради, унинг шахси билан ишимиз йўқ деб даъво қилганлар (Адабиётимиз автобиографияси. Тошкент. FACH .1973.8-бет). Шундай фикрнинг таъсири остида бўлса керак, 20-йилларда яратилган кўпчилик адабиёт дарсликлари ва мажмуналарида, шунингдек, илмий тадқиқотларда ёзувчининг шахсий ҳаёти, ўзи ҳақида гапирмаслик анъанага айланди, ёзувчи ижоди унинг ҳаётидан ажратилган ҳолда таҳлил қилинди.

Ёзувчи шахси, биографияси, ижтимоий келиб чиқишига ортиқча эътибор берувчи вульгар социологик назариялар ҳам мавжуд эди. Уларнинг талқинича, гўё инсоннинг ижтимоий шажараси унинг ижоди учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга, санъаткор қайси ижтимоий гурухга мансуб оиласда туғилиб, тарбияланган бўлса, шу гурух тушунчаси унинг онги учун мангу бўлармиш. Кейинчалик бу икки назария ўзини оқлай олмагач, одилона ва холис қараш қарор топа борди. Унга кўра, ёзувчи шахсини тўла инкор қилиш ҳам, унга керагидан ортиқча баҳо бериб бориш ҳам хатоликка олиб келади. Аммо ижод жараёнида ёзувчи шахсининг роли барibir мухим.

Биографик методнинг кўзга кўринган вакилларидан бири Сент-Бъёв (1804-1869) ўзининг «Адабий портретлар», «Душанба кунларидағи сұхбатлар», «Пор-Рояль» номли асарларида ёзувчининг фақат ички дүнёсинигина эмас, балки унинг уй-жой шароитига ҳам чуқурроқ киришга интилади. Унинг фикрича, ёзувчининг кундалық ҳаёти ва одатларига биринчи даражали аҳамият бериш лозим. Чунки ҳар қандай ёзувчи, бошқа оддий инсонлар каби, реал мавжудот бўлиб, унинг ижодида уни ўраб турган одамлар, уларнинг ҳаёти муҳим аҳамият касб этади. Майший шароит, тасодифий учрашувлар, ўзгарувчи кайфиятлар, нихоят ёзувчи руҳининг хусусиятлари Сент-Бъёвнинг психологияк-биографик портретларида у ёки бу ёзувчи ижодидаги адабий-бадиий асарларнинг ғоявий-бадиий ўзига хосликларини ташкил этувчи омиллар сифатида таҳлил этилади. Масалан, унинг “Дидро” адабий портретида файласуфнинг қиёфаси тўлиқ ва яхлит чизилади. Унинг ижоди, шахсий ҳаёти, хотинига муносабати, болалари, дугоналари ва ҳ.к.гача батафсил тасвирланади. Бу хусусият Дидронинг ўқувчи кўз олдидаги тасаввурини хиралаштирумайди, балки ёзувчининг шахсини чукур билиш, ўрганишга имкон беради. Шу жиҳатдан француз ёзувчиси ва файласуфи, танқидчи Андре Моруа яратган портретлар мукаммаллигини алоҳида таъкидлашга тўғри келади. Унинг Стендалга бағишлиланган адабий портретида ёзувчининг «Қизил ва қора» асарининг ёзилиш сабаблари, адабнинг ички дунёси, туйғулари, асарни ёзишга туртки бўлган воқеа, ёзувчининг оиласидаги шароитини ҳам бирма-бир очиб берадики, китобхон Стендаль ҳақида тўла маълумотга эга бўлади.

«Қизил ва қора» асарини ёзишга унданған ҳодиса нима эди? Портрет тўғридан-тўғри асарнинг яратилишига сабаб бўлган воқеа билан бошланади. Бу ўринда матндағи нарратив (хабар коди) код асосий ролни ўйнайди. Мана шу икки далил орқали ёзувчи тафаккурининг шаклланиши, эҳтирослари китобхонга ижодкорнинг ҳаёт йўлидан, ўй-кечинмаларидан сабоқ беради. Китобхон Моруанинг услугига хос портретларини ўқиганда борган сари қизиқувчанлиги ортиб бораётганлигини ҳис қилиб туради. Энг муҳими шундаки, Моруа ўз портретларининг бадиий салоҳиятини ошириш учун ёзувчи билан боғлиқ энг кичик нуқтадаги воқеа-ҳодиса, ички кечинмадан ҳам кўз юмиб ўтолмайди. Бундай услугуб адабий портрет жанрининг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Ҳақиқатан ҳам адабий портретларни ёзувчи ижодхонасидан узокдан туриб ёзиш мушкул. Замондош бўлмаган олиму ижодкорларнинг адабий портретларини яратиш мумкин, аммо бунда шартли манбаларга, хотираларга таянишга тўғри келади. Том маънодаги танқидий портрет ижодкор билан бир макону замонда, бир адабий муҳитда иншо этилиши мумкин. Адабий портрет муаллифи ёзувчининг ижодхонасига йўл топиб, унинг ишлаш манераси, усули, асар ёзиш жараёни турлича ҳаётий воқеалар ичидан

фактлар топиб танлаб олиш йўли, ҳаётни кузатиш усули, иш шароити ва пайти, ишлаш жараёни ўзига хослигини ўрганиши лозим. Ёзувчи ижодхонасини текшириш унинг асарларининг яратилиш тарихи, иш услуби, ижод қонуниятларини аниқлаш, шунингдек, матн тадқиқотлари учун муҳим материаллар беради. Ёзувчининг асар тили ва бадиийлиги устида ишлаш, ҳаётий воқеалардан, тўпланган маълумотларнинг кераклигисини танлаб олиш, асарга бадиий тўқималар киритиши, асар композицияси ва сюжетини аниқлашида ўзигагина хос иш услуби бўлади. Бу ўзига хосликларини аниқлаш танқидчига ёзувчи ижодини тўғри, ҳақконий баҳолаш, тадқиқ этиш имконини беради. Адабий портрет учун муҳим материал вазифасини ўтайди. Шу боис ўзбек адабий портретларида ҳам бундай хусусиятнинг бўлиши улар учун фақат самара келтиради, холос. Масалан, F.Ғулом хақида адабий портрет ёзганда унинг хотини Муҳаррам аяга илиқ муносабатини, эҳтиромини ўқиган ўқувчи кўз олдида F.Ғулом буюк шоир, файласуф сифатида намоён бўлишдан ташқари қалби меҳрга тўлиқ инсонлиги, ички қиёфаси ёрқинроқ очилади ва китобхоннинг янада хурматига кўпроқ сазовор бўлади. Шоирнинг Муҳаррам аяга меҳрибонлиги, қайси шаҳарга бормасин, унга деб бир саватда мева-шафтолими, аномри - эринмай кўтариб келиши каби деталлар хақида шоирнинг замондошлари хотираларида ёзганлар(Сайд Аҳмад. Назм чорраҳасида.Т.1975. 56-бет).

Адабий портретларда ҳам мана шундай “майда-чудаляр”нинг акс эттирилиши шоирнинг инсоний қиёфаси, чизиқларини батафсил тасвирлаш унга бутунлик баҳш этади. Ёки биз Ойбек билан Зарифаҳоним ўртасидаги буюк муҳаббат, ўзаро хурмат ҳақидаги лавҳаларни эндиғина 90-йилларда ўқиши баҳтига мұяссар бўлдик. (“Ойбегим менинг”, “Ойбек ва Зарифа” асарлари мисолида). Бу асарларни ўқиган китобхон кўзи олдида Ойбек янада юксакликка кўтарилгандай бўлади. Шунинг учун ёзувчи ижодини унинг шахсидан ажратиб ўрганишга қаратилган йўналишлар ҳеч қачон ўзини оқламаган. Шу билан бирга баъзан шундай ҳолатлар ҳам бўладики, ёзувчининг ижоди эмас, фақат шахси муҳим деб қаралади.

”Ёзувчининг силуэтлари” турқумида яратилган ўша даврдаги мақолалардан бирида Мопассан замондош ёзувчиларнинг портретларини яратишда ўзининг ниятларини шундай тушунтиради: “Хозир репортажлар урфда ва энг аввало, санъаткорнинг шахсияти билан танишишдан олдин одамлар унинг қоматининг ўлчами, юзининг чизиқлари қандай, одатлари, майллари қандайлигини билишни истайдилар ва унинг ижодидан кўра биографияси билан кўпроқ қизиқадилар: мана шунинг учун мен бир қанча ёзувчиларнинг портретларини нари-бери чизишга уриндим ва уларнинг китобининг мазмуни ва усули ҳақида фақат йўл-йўлакай эслатиб ўтаман” Мопассан Ги де.Полн.собр.соч.: В 12 т. М.: 1958.т. 11.с.133). Аммо бу йўл ҳам ўзини оқламаган. Мопассаннинг кейинги ижоди буни

яққол кўрсатади. Биринчи даражадаги санъаткор ва ажойиб инсон портретини яратган Мопассан Флобер ҳақидаги очеркида ўзининг ниятларини, айниқса, муваффақият билан мужассамлаштириди. У ўқувчи-публиканинг ва ўша давр танқидчиларининг кўзини очиб, Флобер - инсоннинг ҳақиқий қиёфасини кўрсатди ва уларни Флобер- ёзувчига яқинлаштириди. Эсдаликларнинг бир неча сахифаларида бу улуғ санъаткорда “унинг бошланишидан то бизнинг давримизгча бутун дунё яшади” деб бизни ишонтиришини уддалади, чунки “бу инсон ҳамма нарсани кўрди, ҳаммасини тушунди, ҳаммасини олдиндан ҳис этди, ҳаммасининг азобларини бошдан кечирди...”(Шу асар. 385-бет). Мопассан Флобернинг образини кичик баёнчилик шаклида – адабий портретда мужассамлаштиришга мұяссар бўлди, бунда бутун турли-туман таассуротларни бадиий умумлаштиришни билганини ҳам таъкидлаб ўтиш керак, бошқача айтганда, ўзининг маҳорати билан ёзувчининг шахсияти ва ижодини синтезгача қўтарди.

Ўзбек танқидчилигига И.Султон, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, У.Норматов, И. Гафуров сингари мұнаққидлар адабий портрет усталари сифатида машҳур. М.Қўшжонов адабий портретларида бошқа жанрдаги асарларидаги каби бадиий маҳорат масаласига кўпроқ эътибор қаратилади. У адабиётнинг мухим назарий масалаларини аниқ ёзувчининг айрим асаридаги бадиий маҳоратини текшириш нуқтаи назаридан талқин этади. Шарқ ва Ғарб адабиётларини қиёсан ўрганиш адабиётимизда анъана турага кириб қолган бўлса-да, адабиётшунослигимиз ва танқидчилигимизда бу усул эндиғина фаоллашмоқда.

XX асрнинг 70-80 йиллари ўзбек адабий танқидчилигини М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов ижодларисиз тасаввур қилиб бўлмагандек, француз адабиёти ва танқидчилигига ҳам Андреа Моруа асарларисиз таҳлил этиб, холисона баҳо бериш мушкул. А.Моруа кўпгина чет эл ижодкорлари каби ўз асарларидаги гояни ёки ечимни «қоғозга» ўралган ҳолда китобхон эътиборига ҳавола этади. «Сир»ни очиш эса китобхондан теран тафаккур ва кўп изланишлар талаб қиласи. А.Моруанинг адабий портретларидаги ёзувчи ижодига берилган баҳо, асар таҳлили ўқувчи фикрининг ўсишига, тезроқ «сир»ларнинг моҳиятини очишга ёрдам беради. Унинг «Адабий портретлар» китобида жаҳондаги машҳур ижодкорлардан кўпчилигининг адабий портретлари яратилган.

А.Моруа ўқувчининг асарга бўлган қизиқишини ошириш йўлидан боради. Моруа адабий портретларида ёзувчи ҳақидаги маълумотларни у яшаган давр инсонлари тилидан олиб ёзишга, хотиралардан фойдаланишга интилади. Бу асарнинг табиийлигини таъминлайди. Мұнаққид «Энг буюк» деб номланган Л.Толстой фаолиятини ёритувчи адабий портретида асосий диққатини нима учун ёзувчини «энг буюк» деб атаганига

қаратади. Шекспир, Бальзак, Гомерларнинг буюклигига тан беради. Аммо Толстой булар орасида энг буюги эканлигини қайта-қайта турли далиллар билан исботлашга ҳаракат қилади. Моруанинг маҳорати шундаки, адабий портретларда у ёзувчиларнинг ўзлари яратган қаҳрамонларидан ўзларига «қарши» фойдаланади. Толстойнинг «Анна Каренина» ва «Уруш ва тинчлик» романлари қаҳрамонлари ўз яратувчиларини қайта кашф этадилар. Моруа асар қаҳрамонларида Толстойнинг характер хусусиятлари акс этганлигини изоҳлайди. Энг муҳими шундаки, Толстой ўзининг қаҳрамонлари сингари рус эртакларидан донишмандликни ўрганади, худди «Анна»даги Фёдор каби.

Мунаққид Толстойнинг Флобер сингари қаҳрамонларининг табиати, руҳи билан яшашига алоҳида изоҳ беради. Ҳатто адабий портретда Бальзак қаҳрамонларининг хусусиятларигача келтирилади. Ва Толстой қаҳрамонларининг ўхшаш ва фарқли томонлари билан солиширилади. Охир-оқибат Толстой романларининг эскирмаслиги, «Анна Каренина», «Уруш ва тинчлик» хеч қачон унutilмаслиги исботланади. Чунки Толстой бошқа ёзувчиларнинг асарларини ўқиб ўрганмаса ҳам уларнинг усулларини ўз асарларида қўллаган. Шундан ҳам Толстойнинг нодир истеъодод намунаси эканлигини сезиш мумкин. У доимо инсонлар орасидаги реал воқеликни аниқ, равшан ёритади. Ҳеч қандай сиёsat ва жамият сарқитига эътибор бермаган ҳолда ёзилган асар албатта, эскирмайди. Моруа Лев Толстой ижодидаги ана шу хусусиятни ёритар экан, шу билан бирга унинг характерини, уй-жой шароитини, оиласи ҳақидаги маълумотларни ҳам узукка кўз қўйгандек ярашиқли тарзда чизади. Моруадаги ана шу фазилат ўзбек танқидчилигидаги портретнавислиқда у қадар кўзга ташланмайди. Ўзбек мунаққидлари Шўро тузуми таъсирида ижодкорнинг шахсига эмас, кўпроқ ижодига баҳо беришга интилғанларки, бу кемтикликка энди-энди барҳам берилмоқда.

Аслида ёзувчининг майший ҳаёти ва кундалик одатларига биринчи даражали аҳамият бериш лозим. Чунки ҳар қандай ёзувчи, бошқа оддий инсонлар каби, реал мавжудот бўлиб, унинг ижодида уни ўраб турган одамлар, уларнинг ҳаёти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Майший шароит, тасодифий учрашувлар, ўзгарувчи кайфиятлар, ниҳоят ёзувчи руҳининг хусусиятлари портретларда у ёки бу ёзувчи ижодидаги адабий-бадиий асарларнинг гоявий-бадиий ўзига хосликларини ташкил этувчи омиллар сифатида таҳлил этилади. Шўро йилларида яратилган адабий портретларда фақат ёзувчининг ижодига хос жиҳатларга кўпроқ эътибор бериш, унинг инсоний фазилатлари, ҳаётидаги драматизм, оиласи, атрофидагилар билан муносабати каби масалаларга эътибор бермаслик кабилар уларнинг асосий нуқсонларидан бирига айланганлиги сир эмас. Ҳолбуки, юқорида эслатганимиз Сент-Бъёвнинг фикрича, ёзувчининг кундалик ҳаёти ва

одатларига ҳам аҳамият бериш лозим: "Мени ҳамиша мактублар, сұхбатлар, фикрлар, характерларнинг турли ҳолатлари, рухияти, бир сүз билан айтганда, машхур ёзувчилар таржимаи ҳолини ўрганиш ром этиб келди"(Сент-Бъёв Шарль. Литературные портреты. Критические очерки. – М.: Худож. лит., 1970. – 313 с.). Ҳар қандай ёзувчи, бошқа оддий инсонлар каби, реал мавжудот бўлиб, ижодида уни ўраб турган одамлар, уларнинг ҳаёти, шу билан бирга ўзининг шахсий ҳаёти, руҳий кечинмалари мухим аҳамият касб этади, шу билан бирга ёзувчи билан ўқувчини бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қиласди. Аммо бу хусусият фақат М.Қўшжонов ижодида эмас, балки бутун ўзбек адабий портретнавислигига умумий етишмовчилик эдики, юкорида айтилганидек, буни ўша давр мафкураси билан боғлиқ жихат деб қараш тўғри бўлади.

Академик М.Қўшжонов ижодида, айниқса, адабий портрет жанри етакчи ўринлардан бирини эгалласа-да, унинг портретнавислик маҳорати чуқур ўрганилмаган. М.Қўшжонов - ўзбек танқидчилигига Белинский услубини олиб кирган, бадиий асар таҳлили ва тадқиқида ўзига хос мактаб яратган йирик маҳоратшунос олимлардан. Шу боис унинг илмий-танқидий мероси маҳорат, шакл ва мазмун, услугуб ва тил жиҳатидан йирик тадқиқотларга манба бўлиши мумкин. Мавзу тадқиқи талаби даражасида унинг портретнавислигига тўхталсак, чунки М.Қўшжонов ижодида бу жанрнинг етук намуналари яратилганки, уларни илмий-назарий нуқтаи назардан ўрганиш адабий портретнинг мукаммал назариясини яратишда қўл келади.

Мунаққиднинг адабий портретлари бадиий ва илмий жиҳатдан ўзига хослик касб этган. У ҳар бир асар таҳлилида санъат мезонларига суюнади ва адабий асардан теран ҳаётин мазмун билан бирга юксак бадиийликни ҳам талаб қиласди. Абдулла Каҳҳор, Абдулла Қодирий, Ойбек ижодига оид портретларни кўздан кечирап эканмиз, танқидчининг бошқа жанрдаги тадқиқотларида етакчи бўлган - образларни адабиётшунослик йўли билан қайтадан яратиш усулига дуч келамиз. "Нафосат шайдоси" (Қўшжонов М. Сайланма. Икки жилдлик. Адабий портретлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982. Биринчи жилд. – 123 б.) портрети Ойбекнинг бир бутун қиёфасини яратиш йўлидаги изланишлардан биридир. Ойбек ҳақида жуда "кўп ва хўп" ёзилди, унинг ҳаёти ва ижодига бағишлиб илмий тадқиқот, монография, илмий-биографик очерк, йирик асарлар яратилди. М.Қўшжонов асарининг улардан фарқли жиҳати шундаки, у Ойбек ҳаёти ва ижоди ҳақида умумлаштирувчи характердаги адабий портрет яратди. Аммо бунда кўпроқ ёзувчининг ижодий қиёфаси ёрқин намоён бўладики, унинг шахсий ҳаёти, севгиси, орзу-армонлари, фарзандлари ва дўсту душманлари ҳақидаги асарлар яратилишига ҳали анча вақт бор эди.

Танқидчининг ҳар бир портрети ўқувчи дикқатини тезда ўзига жалб этадиган даражада қизиқарли усулда бошланади. Адабий портретнинг биринчи жумласиданоқ ўқувчи эътиборини сирли тугунга ҳавола этади. Натижада, у биринчи жумладаги сирли тезис (код)га эргашиб, адабий портретни ўқиб қўйганини сезмай қолади. Масалан, X. Олимжон ҳақидаги портретда шоирнинг ўз сўзлари сарлавҳага олиб чиқилган: «Мен ўзбек ҳалқи номидан сўзлайман!», Кудрат Ҳикмат ҳақидаги адабий портрет ҳам «Эшитинг, шеър ўқийман» деган шоирнинг ўз ибораси билан бошланади.

Тўғри, истеъдод ўзининг яратувчилик, кашф этувчилик қудратини бирданига кўрсата қолмайди. Ҳатто, Белинский билан Добролюбов сингари машҳур танқидчилар ижоди ҳам бир текис ривожланиб, нуқул юксакликларга кўтарилиб борган, дея олмаймиз. Улар ўз истеъдодларининг бошланғич даврида баъзан кучли, баркамол, баъзан ҳатто бир оз заиф мақолалар, тақризлар, кичик адабий портретлар ёзганлар. Фақат камолот босқичига кўтарилгандагина адабий-танқидий кашфиётлар яратганлар. Мунаққиднинг адабий портретларида ҳам гоҳида нимадир етишмай қолганини ёки ошиб кетаётганини сезиш мумкин. Баъзан танқидчи айrim мураккаб зиддиятли ҳодисаларнинг ичига кириш ўрнига уларни тавсифлаш билан чекланади. М.Қўшжоновнинг «Машхур ҳикоянавис» деб номланиб Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий мероси таҳлил этилган адабий портретини ўқир эканмиз, мазмунан баркамол, етук асарларда, ҳатто қисса ва романлари таҳлилида ҳам баёнчилик белгилари, шарҳлаш аломатлари кўринади.

Турли ҳалқлар адабиёти тарихининг ривожланишида шундай даврлар бўлганки, замондошларнинг жонли образига аниқ ва ўткирлик билан эҳтиёж сезилганлигини рус адабиётидан ҳам, чет эл адабиётидан ишончли далиллар орқали кўрсатиш мумкин. “Современник” “журналида “Овчининг кундалик дафтаридан” биринчи очерклар пайдо бўлиши билан Гоголь 1847 йил сентябрда Анненковга ёзади: “Менга яна ёш Тургенеевнинг портретини тасвирлаб беринг, мен унинг инсонийлиги, ёзувчилиги ҳақида тушунча олай ва қисман уни биламан : келажакда катта фаолиятни ваъда этадиган ва унда ибратли талант борлигини ўқидим, бу ҳақда сиз билан қанча баҳслashiшим мумкин”(Гоголь Н.В. Полн.соб.соч.М.: 1952.с.385.). Тургенеевнинг жонли шахси “инсон ҳақидаги тушунча” Гоголнинг нуқтаи назаридан қараганда ёш ёзувчининг ижодини тадқиқ этишда, талантининг майдонини аниқ ажратишда, уни такрорланмас бутун, алоҳида олинган шахсият сифатида англашга ёрдам беради.

Мопассан ҳам Флобернинг ҳаётий ишончли портретини яратиш заруриятида буни ҳис этган, ўтган юз йилликнинг охирида ўқувчи оммага ва ўқувчиларига ўзининг қалами билан қизгин севадигани ёзувчини кўрсатишга ҳаракат қилди. “Журналистлар унинг

шахсини билишмайды,- ҳаммага мумкин, аниқ бўлган афсоналар ва тўқималарда Флобернинг номи ҳақиқий қиёфасидан узоклигидан ташвишланади ва қизгин қайғуради.

Хулоса қилиб айтганда, адабий портрет ўзига хос хусусияти билан бутунлай инсонга мўлжалланган, унда нафақат тасвир обьекти инсон, балки субъект, унинг ижодкори, яратувчиси, санъаткор сифатида қатнашиб, санъат ва адабиётда алоҳида ўрин эгаллайди. Бу муносабат, энг аввало, санъаткор портрет яратишга киришар экан, тасвирланаётган шахсни энг кўп нима ҳаяжонга солиши, у ҳақда нималар билиши, бошқа одам ҳақида энг муҳимиини айтиш, сўзлаб беришни кўзда тутишида кўринади. Шу нуқтаи назардан жаҳон портретнавислигини ўзбек мунаққидлари яратган адабий портретлар билан қиёсий-тиположик жиҳатдан тадқиқ этиш портретнависликдаги ўзига хос тамойилларни очища мухим аҳамият касб этади.

Адабий портретнинг танқиддаги бошқа жанрлардан фарқи шундаки, унда публицистик рух устуворлик қиласи. Адабий портрет тили, моҳиятан, изчил илмийлиқдан кўра кенг ҳалқ оммасига тушунарли оддий, содда тил ва услубда бўлиши кузатилади. Ўрни- ўрни билан таҳаййулга эрк бериш, бадиийлик унсурларидан фойдаланиш, илмий ёндашувни чекламаган ҳолда, эркин талқинга эътибор портрет жанрида ижод қилувчиликнинг дикқат марказида туради.

Адабий портретни танқиднинг бошқа жанрлари билан қиёслашда уларнинг ҳар бирига хос бўлган хусусиятлар янада тиникроқ кўринади. Тақриз кўпроқ кашф этувчи ва тарғиб қилувчи характерга эга. У кўпинча янги чиққан алоҳида-алоҳида асарларга бағищланади. Адабий портрет эса ўзининг кенг миқёслилиги, таҳлил доирасига таржимаи ҳол ва бадиий асарларга оид атрофлича маълумотларнинг жалб этилиши, ижод йўлининг кенг қамровли йўсинда талқин этилиши билан ажralиб туради. Асарларга муносабат билдириш ҳам тақриздан кескин фарқ қиласи. Шунингдек, адабий портрет кўпинча адабиётга хизмати сингган, миллий ёки кенг миқёсдаги адабиётда ўз ўрнига эга, асарлари билан китобхонларга манзур бўлган ижодкорлар ҳақида ёзилади. Адабий портретда ижодкорга нисбатан хайриҳоҳлик, меҳр-муҳаббат очик сезилиб туради ва бу ҳол адабий портрет жозибасига, ўқимишли бўлишига муайян таъсир кўрсатади, адиб ва унинг асарларини тарғиб этишда мухим роль ўйнайди. Тақризда эса адабий портретдан фарқли ўлароқ ижодкорнинг янги асарлари аёвсиз танқидга дучор қилиниши мумкин. Кўринадики, адабий портрет танқиднинг имкониятлари кенг, мунаққид эркинлигини юзага чиқарувчи жанрлардан биридир.

С.Умиров Московда чоп этилиб, бутун дунёга машхур бўлган “Ковчеч Айтматова” китобидаги буюк қирғиз адиби ҳақидаги мақоласи билан оғизга тушган эди. Унинг И.Фафуровга бағишлиланган “Ҳаё— маънавият кўзгусида” асари ўзбек танқидчилигининг адабий портрет жанрида, хусусан, мунаққидларнинг ҳам портретини яратиш борасида жиддий ва янги изланишлар олиб бораётганини кўрсатади.

5. Танқидий-биографик очерк жанри. Баъзан адабий портрет билан танқидий-биографик очерк жанрини бир-биридан фарқламаслик ҳоллари кўзга ташланади. Бундай ҳолатни мунаққид фаолиятига ҳам, унинг асарига муносабат билдираётган танқидчиликда ҳам кузатиш мумкин. Бундай вазиятларда бир тарафдан яратилаётган асар жанри аввалдан аниқ белгилаб олинмаслиги туфайли рўй беради. Иккинчи бир жихатдан, улардаги нозик фарқларга кўп ҳам аҳамият бермаслик туфайли содир бўлади.

Танқидий-биографик очерк жанри ёзувчи ҳаёти, адабий-ижтимоий муҳити, асарларининг яратилиш тарихи, моҳияти, хусусияти, асарнинг адабий-тарихий жараёндаги ўрни ҳақида маълумот беради. Танқидий-биографик очеркда эса далил ва илмий хulosалардан кўра, уларга тайёргарлик жараёнлари кузатилади, ҳали узвий қўним топмаган фикрларни илгари суриш хоҳиши сакланади. Мунаққид хужжатлиликка асосланиб, ёзувчи ҳаёти, ижоди ҳақидаги кузатувларни, мулоҳазаларни мутахассислар, китобхонлар назаридан ўtkазиб олиш учун ўртага ташлайди. Уларда изчилликдан кўра фрагментарлик хусусияти кучлироқ бўлади, уларни янада ривожлантириш, такомиллаштириш учун имкон қолдирилади.

Ўзбек танқидчилигида 30-йилларда Олим Шарафуддиновнинг «Алишер Навоий», С. Айнийнинг «Шайхур- раис Абу Али ибн Сино» каби очеркларида ана шундай хусусиятлар аниқ кўринади.

Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидида бу тамойил 40-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланди. Улкан адиблар ижодини хилма-хил ҳаётий муаммолар асосида монографик йўсинда тадқиқ этишга бўлган эҳтиёж натижасида Юсуф Султоннинг «Ҳамза Ҳакимзода ҳаёти ва ижодиёти», И.С.Брагинскийнинг рус тилида С.Айний ҳаёти ва ижодига бағишлиланган адабий очерклари юзага келди.

50-йилларга келиб, танқидий-биографик очеркларга эътибор кучайди. Масалан, А.Қаюмовнинг «Махмур», Н.Раҳимовнинг «Султон Жўра», А.Олимжоннинг «Шоира Зулфия», «Амин Умарий», Н.Владимированинг «Зафар Диёр», «Ойдин ижоди», А.Ҳайитметовнинг «Ҳасан Пўлат» каби танқидий-биографик очерклари ана шундай йўналишдаги асарлар эди. Уларда тажрибасизлик туфайли кўзга ташланувчи юзакилик, схематизм, мушоҳадалардаги жўнлик каби камчиликлар мавжуд эса-да, китобхонлар оммасига бу адиблар ҳақида дастлабки яхлит маълумот бериш жиҳатидан бу очерклар ўз

давридаги вазифани оқлаганини ҳам унутмаслик керак. Бу асарларнинг жанри аниқ белгиланмаган ҳолда, гоҳ рисола, гоҳ портрет, гоҳ танқидий-биографик очерк дея чоп этилаверилганининг ўзиёқ бу масалада ўзбек танқиди изланиш босқичида бўлганини кўрсатади.

Ўзбек танқидчилигида танқидий-биографик жанри талабларига жавоб берадиган асарлар сирасига Ҳ.Ёқубовнинг «Гафур Гулом», «Ойбек», С.Азимовнинг «Ҳамид Олимжон» ҳаёти ва ижодларига бағишиланган асарларни кўрсатиш мумкин.

80-йилларда нашр этилган «Адабиёт ва замон», «Ҳаёт кўзгуси» сингари адабий-танқидий мақолалар тўпламида «Адабий портретлар», «Адабий портретга чизгилар» рубрикаси остида танқидий-биографик очерклар босилди. Танқидчи М.Қўшжоновнинг «Истеъдод қирралари» китоби ҳам адабий портретлардан ташкил топган. Лекин бу портретлар танқидий-биографик очерқдан унчалик фарқ қилмайди, деган қарашлар ҳам мавжуд. Чунки адабий портрет-санъаткор ҳаёти ва ижодининг зиддиятларини, руҳий драмаларини ҳам акс эттирадиган жанр. Адабиётда бирорта буюк санъаткор йўқки, ҳаёти зиддиятлар билан кечмаган бўлсин. Шу маънода адабий портретларда санъаткор ҳаёти ва ижод йўли, асарларига муносабат хусусидаги зиддиятлар, мураккабликларга алоҳида ўрин берилади. Танқидий-биографик очеркларда эса бу масалаларни ёритиш мақсад қилиб кўйилмайди. Сўнгги босқичларда яратилаётган Ҳамза, Фитрат, Ҷўлпон, Қодирий, Беҳбудий, У. Носир, М.Шайхзода каби адиблар ҳаёти ва ижодига бағишиланган адабий портретларда уларнинг катта зиддиятлар ва фожиаларга тўла, оғир кечган ҳаёт ва ижод йўлларини бор мураккабликда кўрсатиш, очиш тамойиллари чуқурлашиб бормоқдаки, бу адабий портрет жанрида ўзбек танқидчилиги халқаро миқёсдаги мезонлар талаби йўналишида ривожланиб бораётганини билдиради.

Ҳ.Абдусаматовнинг “Абдулла Қаҳҳор” асари таглавҳада “ҳаёти ва ижоди ҳақида” рукни билан чоп этилган. Унда адиб асарлари таҳлилигагина кенг ўрин берилган. Ёзувчи ҳаёти, таржимаи ҳоли ҳақидаги маълумотлар эса, ниҳоятда қисқа бўлиб, ўқувчига ёзувчининг ҳаёт йўли қиёфасини тасаввур этиш имконини бермайди.

Шундай асарлар ҳам борки, улар қайси жанрда ёзилгани қайд этилмаган, мақсади, муаммонинг қўйилиши, моҳияти, композицион қурилиши, масалани қамраб олишидаги йўналишлардаги белгиларига кўра уларни танқидий-биографик ёндашув асосида яратилган асар сифатида баҳолаш мумкин. Ғ.Мўминовнинг Султон Жўрага бағишиланган “Оташқалб шоир” асарини танқидий-биографик очерк жанри намунасига киритиш мумкин.

Халқ оғзаки ижодининг ўзбек адабиёти тараққиётига кўрсатган таъсири хусусида жиддий тадқиқотлар яратган Ғ.Мўминовнинг, айниқса, Ҳ.Ҳ.Ниёзий ҳаёти ва ижодининг

ўрганилмаган саҳифаларига бағишлиңган ишлари, шунингдек, Миртемир ва О.Ёқубов хақидаги мақолалари эътиборлидир.

Ёзувчи ва шоир ҳаёти, ижодий йўлидаги айрим асосий воқеа ва ҳодисаларни қайд этиш, асарни муаяйн босқич чегарасидан чиқмасдангина таҳлил этиш билан чегараланиш каби камчиликлар мустақиллик йилларига келиб бартара этила бошланди. Асарларни ижтимоий моҳиятдан ташқари соф санъат мезонлари нуқтаи назаридан баҳолаш тамойиллари кучайиб бораётгани адабиётшунослик ва танқидчиликдаги ижобий ҳодисалардир. Буни биргина Чўлпон ҳаёти ва ижодига бағишлиңган, турли жанрдаги қатор тадқиқотлар кўрсатади. Н.Каримовнинг “Чўлпон” номли салмоқли асари, О.Шарафиддиновнинг шу номдаги рисоласи бунга мисол. Д.Қуроновнинг “Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси” асари ҳам танқидий-биографик ёндашув асосида яратилган теран тадқиқотлардан бири бўлиб, шоирнинг ҳаёт йўли ва ижодини янги мезонлар асосида тадқиқ этиш жиҳатидан аҳамиятлидир.

М.Зокировнинг “Мақсад Шайхзода” адабий-танқидий очеркида, асосан, ижодий йўли ёритилади. Ижодкор таржимаи ҳолига оид айрим маълумотлар (у ҳам тўлиқ эмас) бериш билангина чекланилади, холос. Очеркда Шайхзода шеърияти, достонлари, илмий асарлари, уларнинг ёзилиши, адабий жараёндаги ўрнига тизимли равишда эмас, фрагментар баҳолар берилади. Хулосавий, умумлашма фикрлар дастлабки гипотезалар шаклида берилади. Бу хусусиятлар асарнинг танқидий-биографик очерк жанрига мансуб эканини кўрсатади.

Адабий портретда бўлгани каби танқидий-биографик очеркларнинг савияси ҳам турличадир. 90-йилларгача яратилган танқидий-биографик очерклар ёзувчи ҳаёти ва ижодига оид маълумотларни йиғиши, шу асосда уларнинг ғоя ва мазмун йўналишини баён қилиш, бадиий асарни эса, кўпроқ, мавзу жиҳатидан текшириш устуворлик қилди. Шунга қарамай, танқидий-биографик очерк XX аср ўзбек танқидчилигига мустақил жанр сифатида шакланиб, қарор топди. Ёзувчи ҳаёти ва ижодини яхлит ўрганиш, тадқиқ этиш, умумлаштириш ишига ўзининг сезиларли улушкини кўшди. 90- йиллардан бошлаб, унинг структурасида адабий портрет томон силжиш жараёнлари рўй берди.

Хулоса қилиб айтганда, танқидий-биографик очерк адабнинг ҳаёти ва ижодини маълум даражада оператив ва фрагментар ўрганувчи, келгусидаги салмоқли, изчил, илмий умумлашмалар чиқариш учун замин тайёрловчи ва ўзида ҳам муайян бошлангич равишдаги ана шу хусусиятларни истифода қилувчи жанр бўлса, адабий портрет санъаткор ҳаёти ва ижодини яхлит ва изчилликда, маънавий-руҳий ҳаёт зиддиятлари

билин биргаликда, санъаткорни ижодкор ва инсон уйғунлигига талқын этувчи жанрдир. Танқидий-биографик очерк ҳам ҳажман катта бўлиши мумкинлигига қарамай, адабий портретда унга нисбатан санъаткор қиёфаси мукаммалроқ, кенгроқ ва чуқурроқ очилади ва портретнавис имкониятлари бир мунча кўпроқ бўлади. Бу жанрларни ажратишда юқоридаги хусусиятлар ҳисобга олиниши зарур.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар :

1. Портрет истилохининг маънолари ҳақида гапиринг.
2. Портрет -мақола нима? Адабий-танқидий очерк-чи?
3. Адабий портрет билан ҳолот ва маноқиблар орасидаги муносабатни нималарда кўрасиз?
4. Адабий портретнинг жанрий белгилари нималарда кўринади?
5. Адабий портрет билан танқидий-биографик очерк ўртасидаги фарқ нимада?
6. Ўзбек танқидчилигига адабий портретларнинг ривожланиши қай даражада?

Мустақил ўқиши учун адабиётлар:

1. Баҳодир Карим. Жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд.Т., 2000.
5. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т., Ўзбекистон.1993.
6. Мирвалиев С. Ўзбек адилари. Жажжи портретлар.Т.,1993.
7. Норматов У. Ижод сеҳри. Т., 2010.
8. Расулов А. Истеъдод ва эътиқод. Т., 2000.
9. Раҳимжонов Н. Бадиа ҳақида // "ЎТА",1983. № 5.
- 10.Раҳимжонов Н. Илмий тафаккур жилолари.Т.,1991.
- 11.Сатторов М. Каттабеков А. Олис юлдузлар жилоси. Т., 1984.
- 12.Шарафиддинов О. Истеъдод жилолари. Т., 2000.
13. Кўшжонов М. Истеъдод кирралари. Т., 1975.
- 14.Фауров И. Дил эркинлиги. Т.: Маънавият.1998.

6- МАВЗУ: ЭССЕ ЖАНРИ

Режа:

- 1. Эссенинг ўзига хос хусусиятлари.**
- 2. Эссенинг жанрий табиати ва ички турлари.**
- 3. Эссе тараққиёти. Эссе-роман таҳлили.**

Таянч тушунчалар: тарихий-биографик ёндашув, эссе, эссеистика, бадиа, хотира, адабий ўйлар, эссе-роман, Монтенъ, тарихий бадиа, импровизация, эссе услуби, классицизм, диффузияланиш, синкетик, «Машхур кишилар ҳаёти» рукни.

1. Эссенинг ўзига хос хусусиятлари. Эссе атамаси изохи. Ҳаёт ва инсон ҳақида таҳаййулни хур қўйган ҳолда эркин мавзуу ва йўналишларда ёзилган, шунингдек, бадиий ижод ва ижодкор, бадиий асар ва ёзувчи билан алоқадор мулоҳаза, хотира ва орзуларга тўйинган мушоҳадалар, шуларга муносабатдаги муаллиф иқрорномалари ва бадиий публицистик йўсингдаги қалб эътирофлари ўз ифодасини топган, шунингдек, ёзилишига кўра бамисоли лирик шеър каби тезкор руҳда қофозга тушиб, мангулик ҳолатлари қатори, оний лаҳзаларни ҳам ёритадиган асар эссе (бадиа) дейилади. Эссенинг турлари кўп, шу жумладан, адабий-танқидий эссе ҳам мавжуд бўлиб, унинг обьекти, асосан, ижодкор ҳамда унинг у ёки бу асарлари яратилиш тарихидир. Барча жанрларда бўлгани каби эссе жанрини белгиловчи асосий хусусиятлар: шакл, мақсад ва йўналишдан иборат. Адабий-танқидий мавзуларда ёзилган, ҳаёт, адабиёт, эстетика, фалсафа масалалари, эркин талқин қилинадиган адабий танқидчилик жанрларидан бири бадиа (эссе)дир. "Эссе" лотинча -"exigo" сўзига дахлдор бўлиб," чамаламоқ, мўлжалламоқ" деган маъноларини англатади. Тузилиши эркин, ранг- баранг мавзуу ва масалаларга қаратилган шахсий мулоҳаза ва қарашларни ифодаловчи асар эссе ҳисобланади. Эсседа муаллиф, мунаққид ўз шахсий қарашларини далиллашга интилади, баъзан ўзидан бошқа ҳеч кимга маълум бўлмаган ҳаётий маълумотлар билан ўртоқлашади.

Эсседан адабиётшунослик қонун-қоидаларига тўла-тўқис риоя қилиш, далиллар илмий жиҳатдан ҳар томонлама исботланган бўлиши талаб қилинмайди. Янада аникроғи, бу хислат эссе табиатининг таркибий қисмини ташкил этади.

Шарқ адабиётида эссе-бадианинг тарихи қадимдан бошланган. Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ("Донишнома"), Махмуд Қошғарий ижодида бадианинг илк кўринишлари учраса, Алишер Навоий ва Бобур ижодида унинг гўзал намуналари кўринади. Улар нома, маноқиб, ҳолот, хотира шаклларида кўзга ташланади.

Эссе эркин фикр юритиш, сухбат, мохиятган турли хил илмий, бадиий шаклларда ёзувчи ва танқидчи диалоги, қайдлар, бадиий этюдлар, кундалик) зухур топаяпти. Бу ҳақда айтилган, бадиа "адабиёт илмининг янги ривожланиш босқичидан (зоро, бу каби

ҳодиса адабиётшунослигимиз тараққиётининг аввалги босқичларида кузатилмайди), адабиётшунослик фикрлари камолининг янги сифат кўринишларидан шаҳодат беради" (Н.Раҳимжонов) деган фикрлар қанчалик тўғри бўлмасин, бундаги "адабиётшунослигимиз тараққиётининг аввалги босқичларида кузатилмайди" деган фикр бирмунча эътиrozлидир. Негаки, мумтоз адабиётда юқоридаги сингари шакллар мавжуд экани, қолаверса, унинг турли кўринишлари кундаликлар, ҳолотлар, "Бобурнома" қайдлар каби айрим жанрлар таркибида унсурлар сифатида учраб туриши шундай дейишга асос беради. Б.Валихўжаев ўзининг "Ўзбек адабиётшунослиги тарихи" тадқиқотида бу қарашни ҳар тарафлама асослаб беради Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т., 1993.)

Европа адабиётида бу жанрнинг асосчиси француз гуманист ёзувчиси, философ М.Монтенъ бўлиб, унинг "Тажрибалар" асаридан кейин эссе мустақил адабий жанрлардан бири сифатида намоён бўлди.

Рус адабиётида эссега хос аломатлар А.И.Герценнинг "Нариги қирғоқдан", Ф.Достоевскийнинг "Ёзувчи кундаликлари" асарларида кўзга ташланади. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида эссе жанрига

маълум маънода мурожаат Беҳбудий, Ибрат, Чўлпон, Айний мақолалари, қатор саёҳатномаларда кўзга ташланади. Бунга Айнийнинг "Бир мусофири" (1918), Айнинг "Самарқанд хотиралари", Оқсоқ Темур тахаллуси остида ёзган муаллифнинг "Чўлпон афандига қуллук" (1919), Ботунинг "Москвадан хат" (1922) каби асарлари мисол бўлади.

Жанрнинг табиати, ўзига хос хусусиятлари. Эссе кўп ҳолларда импровизация (бадиҳа) асосида дунёга келадиган адабий-танқидий жанр бўлиб, адабиёт тарихи, ҳозирги адабий жараённинг муайян муаммолари, адаб феъл-автори, қисмати, маънавий дунёси, у ёки бу асрнинг яратилиш тарихи, ўзаро муносабатлар тўғрисидаги мушоҳада, муҳокама, мусоҳабалар мажмуи саналади. "Бадиа-фикрнинг эркин, табиий ифодаси. У қалbdаги хис-туйғулар жўшганда, фикр пишиб етилганда бир туртки туфайли қоғозга "сочилади" Бадиада замон ва замондошлар, санъат ва адабиёт ҳақидаги қарашлар акс этади; бурч, садоқат, тарих олдидаги масъуллик ҳисси ҳақида мулоҳаза юритилади. Умуман, бадиа – кишининг ҳаққоний ўйлари, воқеа - одамларга ҳалол қарашларни акс эттирувчи жанр" (Раҳимжонов Н. Бадиа ҳақида // ЎТА. 1983, № 5, - Б. 19). Эссенавис мұнаққид асарида муайян адабий-бадиий ҳодисаларга оид ўз таассурот ва мулоҳазаларига, санъаткорнинг таржимаи ҳоли ва бадиий асар қаҳрамонларининг реал ҳаётига доир қизиқ воқеалар тасвирига, табиатнинг дилбар манзараларига, турли шаҳарлар ва қишлоқларнинг бадиий пейзажига, таҳлил этилаётган мавзуу ва ҳодисалар хусусида китобхон билан бевосита эркин мулоқотлар қилишга кенг ўрин беради.

Эсселар фалсафий, публицистик, адабий-танқидий, тарихий-биографик, соғ беллетеристик характерда бўлиши мумкин. Ёзувчининг адабий танқиди, мулоҳазалари кўпинча, эссе жанри хусусиятлари асосига қурилади. Унда фақат ижод эмас, ҳаёт ва ижод тажрибасидан келиб чиқсан хуносалар, қарашлар, кузатишлар акс этади. Сўнгги йилларда Миртемир, Зулфия, Ш.Рашидов, X.Гулом, Шукрулло каби атоқли шоир ва ёзувчиларнинг адабий-этетик қарашларини ўзида мужассамлаштирган бадиалари нашр этилди. Бу ҳол адабий танқид ранг-баранглашувига сезиларли таъсир кўрсатди. Адабий-танқидий ва эстетик тафаккур ҳосилаларининг ўқувчилар аудиториясини кенгайтирди. Бу туркумдаги асарларда санъаткорларнинг ўз ижоди, шахсияти, табиати хусусидаги, шунингдек, бадиий адабиёт, адабий жараён, миллий маданиятимиз хазинасини ижодий бойитган асарларнинг туғилиши, ёзилиш жараёнига доир фикр-мулоҳазалари кенг ўрин олган. Бундай бадиалар санъаткорларнинг ижоди, шахсияти, табиати, асарларининг ёзилиш жараёнига алоқадор ноёб маълумотлар, фикрлар ифодаланиши билан қимматлидир.

Эсселар марказида ижодкорнинг маънавий дунёси туради, яъни ижодкор интеллекти бадианинг бош қаҳрамони вазифасини ўтайди дейиш мумкин. Унда ижод этувчи санъаткорнинг адабий ўйлари, бадиалари адабийлик ва эмоционаллик билан чатишиб кетган фикр-мулоҳазаларининг кўркам синтезини ташкил этади. Эсседа лирик жанрга хос хусусиятлар лирик моҳияти билан публицистик рухнинг, ҳужжатлилик билан бадиийликнинг, фалсафий мулоҳазалар билан армонли ва орзули кечинмаларнинг, реал ҳаёт билан фантазиянинг органик уйғуналигига синкетизмда зухур топади. Шу маънода шеърият, наср ва драмада кузатилгани каби бадиаларда ҳам диффузияланиш жараёнига табиий бир ҳол деб қарамоқ керак. Лекин шуни ҳам эътироф этмоқ лозимки, айрим эсселардаги умумлашма характердаги илмий- назарий фикрлар ифодасига устувор аҳамият бериш эссе табиатидаги жозибага бир мунча путур етказади ва уни бошқа жанрлардаги “академизм”га яқинлаштириб қўяди.

Эссенинг ўзига хос етакчи фазилатларидан бири - эркин ва хур фикр- мулоҳаза юритиши тамойилига эга бўла туриб, мустақил сюжет йўналиши, қурилиши ва қаҳрамонга эга ички конструкциялар асосида таркиб топишидир. Бадиий асарда ижодкор услуби қанчалик акс этса, эсседа ҳам муаллифнинг бетакрор қиёфаси акс этиб туради.

2. Эссенинг жанрий табиати ва ички турлари. Эссе таснифи. Адабий танқиднинг бугунги манзарасини эстетик эврилишларини эсселарсиз тасаввур этиш қийин. Эсселар ифода моҳияти, мақсади, шакли, йўналишига турличадир:

- 1) Бадиий асоси залворли эссе. Унга Ш.Холмираев (“Бинафша ҳидланг, амаки”, “Бир вужудда икки жон” ва х.к.), Хуршид Даврон (“Самарқанд хаёли” туркумидаги

тарихий ва маърифий бадиалар, "Бибихоним қиссаси ёки тугамаган достон" бадиаси) каби асарлари.

2) Публицистик рух кучли бўлган эсселар (В.Зоҳидовнинг "Бизнинг янги йил ва инсон", "Ҳақиқий севги ва ижодий баҳодирлик таронаси" кабилар).

3) Адабий-танқидий йўналиш асосидаги эсселар. Тарихий ёки адабий эсселарда танқидий унсурлар бўлиши мумкин, лекин бу уларнинг адабий-танқидий эссега тенглигини англатмайди. Адабий эсселар кўпинча ҳаёт ҳодисаларига оид ижтимоий-рухий кузатишлар мағзини чақишига йўналтирилган бўлади. Адабий-танқидий йўналиш асосидаги эсселарда эса ижодкор ҳаёти, рухияти, асарлари билан алоқадор жараёнлар ёритилади.

Ўзбек адабиётида эссе нинг турли шакллари учрайди : а) адабий ўйлар, б) эссе-роман, в) эссе-қисса, г) хотира ва ҳоказо.

Танқидчи И.Фафуров илк китобларини адабий ўйлар шаклида китобхонларга ҳавола этди. "Адабий ўйлар"да сўз жозибаси чуқур кузатилади, айни вақтда, фикр муайян концепция атрофида уйғунлашади. Таниқли ёзувчи, шоирлар асарлари адабиёт ривожида қанчалик катта ўрин тутса, уларнинг адабий-танқидий мақолалари, адабий ўйлари, қайдлари ҳам адабиётшунослик камолида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлади.

Шоир Миртемирнинг турли даврларда яратилган "Тингла ҳаёт" (1974), "Дўстлар даврасида"(1980) мажмуалари муҳтасар бир яхлитликда чоп этилди. Уларда санъаткорнинг ҳаёт ҳақидаги, адабиётнинг табииати ҳақидаги ўйлари, шеър ва шеърият, маҳорат, ижодкор масъулияти, талант ва меҳнат хусусидаги қарашлари узвий қўшилиб кетади. Муаллифнинг "мен"ини белгилаган, шахсига хос хусусиятлар, фазилатлар санъаткорнинг бой ҳаётий, ижодий тажрибасидан келиб чиқадики, улар адабий эссе учун муҳимдир. А.Мухторнинг "Ёш дўстларимга", П.Қодировнинг "Ўйлар", А.Ориповнинг "Эҳтиёж фарзанди" , Э.Воҳидовнинг "Шоиру шеъру шуур", Ў.Ҳошимовнинг "Нотаниш орол" тўпламларини ҳам , асосан, шу хилдаги эсселар ташкил қиласи.

Абдулла Орипов эсселарида адабиётга муносабат. Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли шоир А.Орипов асарлари адабиёт ривожида қанчалик катта ўрин тутса, уларнинг адабий-танқидий мақола, адабий ўй, қайдлари ҳам адабиётшунослик камолида шунчалик муҳим ўрин тутади. Адабиётшунослик илмининг бугунги тараққиёти, эстетик тафаккур камолотини эссе сиз тасаввур қилиш қийин. Адабий эссе асосан ижодкорнинг ҳаёт ҳодисаларига оид кузатишлари мағзини чақишига йўналтирилган бўлади. Ёзувчи ёки шоирнинг адабий ўйлари санъаткор ижодий лабораториясига йўл кўрсатиши, адабий жараён, адабиёт ҳақидаги умумлашма кузатишлари, улардан илмий-назарий холоса чиқариши жиҳатидан адабий танқид ривожида катта аҳамиятга эга. Бундай асарларда

ўйлар, адабий-танқидий қараш ва адабий кузатишлар қоришиқ ҳолда келади. Шунинг учун кўпчилик ижодкорлар шу сирадаги асарларини адабий ўйлар шаклида китобхонларга тақдим этганлари кўринади. Зотан, ёзувчи ушбу йўналишдаги асарда танқидчи ва тадқиқотчи сифатида намоён бўлади. Бу жиҳатдан, айниқса, Миртемир, П.Қодиров, А.Мухтор, Ш.Холмирзаев, А.Орипов, Э.Воҳидов, Ў.Хошимов каби ёзувчилар эсселарини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Зотан, эссе жанрининг асосий хусусиятларидан бири - муаллиф ҳиссий тафаккурининг теран намоён бўлишидир. А.Ориповнинг “Ёзувчи ва давр” рукни остида чоп этилган “Эҳтиёж фарзанди” асарида адабиётшунослик, эстетика, фалсафа масалалари адабиёт ва санъат, маданият ривожланишининг асосий тамойиллари, устоз ижодкорларнинг бетакрор сабоқлари эркин таҳлил ва талқин қилинади. Энг муҳими, Адабиётга меҳр ва улкан ҳурмат ижодкорнинг ҳар бир сатрида ёркин намоён бўлиб туради.” Адабиёт ҳар қачон жамиятни қайта қуришга тайёрлаган, жамоатчилик фикрини уйғотган. Инсонни, унинг руҳини, эътиқодини мустахкамлаш ғоятда зарур”[Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. 1988.-Б.42.Кейинги ўринларда шу китобнинг саҳифаси кўрсатилган].

Эссида ижод этувчи санъаткорнинг адабий ўйлари адабийлик ва эмоционаллик билан чатишиб кетган фикр-мулоҳазаларнинг кўркам синтезини ташкил этади. Шунинг учун эссега хос хусусиятни кўпинча ёзувчилар тўғри белгилаб берганлар. Асқад Мухтор эссени “эркинлик” жанри деб атаган. Ш.Холмирзаев “Бу жанр ҳикоя, очерк жанридан жуда ёш бўлишига қарамай, ёзувчига беҳад кенг эркинликлар беради, яъни эссе ёзгувчи адиб тасвирлаётган ёхуд баён этаётган воқеа–ходисага–яна ўша гап: инсон қисматининг маълум даври бўлагига нисбатан ўз муносабатини (очерқдаги каби) очиқ-ошкора билдириб туриши баробарида (бу йўруғда) ўз кўнглида туғилган қандайдир ҳис-ҳаяжонини ҳам, ҳатто шахсий мулоҳазаларини ҳам бемалол ёзиш имконига эгадир. Демак, айтиш мумкинки, эссе жанри очерк билан ҳикоя ўртасидан ўсиб чиққан жанр-тасвир усулидирки, у мақола- мақола илмий бўладими, бадиийроқ бўладими, барибир,- мақолага хос унсурлардан ҳам фойдаланади, тўғрироғи, уларни-да, ўзиники қилиб олади”, -деб ёзган эди (Холмирзаев Ш. Эссе-эркин жанр // ЎзАС, 2003, 18.04. - № 16).

Ҳақиқатан ҳам ёзувчи эссесида, энг аввало, унинг “мен”и акс этади. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, А.Орипов ижтимоий, адабий жараён ҳақида фикр юритадими, ёки ижод, шеър табиати борасида сўзлайдими ёхуд ёш қаламкашлар изланишларида чақнаган умид учқунлари ҳақида гапирадими, уларда шоирнинг ёниқ қалби, холис муносабати яққол акс этади. Унинг устозлари ҳақида катта ҳурмат ва муҳаббат ёзганлари бугунги кун ўқувчиси учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қила олади. Шоир Ойбек, М.Шайхзода, А.Қаххор,Faфур Ғулом, Миртемир каби буюк устозларига нисбатан қалбida чексиз меҳр

туяди ва уни китобхон билан ўртоқлашади. Ойбек ҳақида: ” Муҳтарам зотлар ҳақида гапириш ҳамма замонларда ҳам фахр ҳисобланган...

Устозимизга бўлган чексиз меҳрни адабиётимизнинг ҳар бир авлодида пайқашимиз мумкин” (69-бет) ёки Миртемирнинг устоз Ойбек эшиги ёнидан ўтаётганда қўллари кўксида, ҳайдовчидан худди жойда тезликни сусайтиришини илтимос қилиши ҳақидаги хотиралар – булар барча бугунимиз ва келажагимиз учун ибратдир. А.Орипов “Устоз Ойбекнинг номи халқимиз бадиий тафаккури осмонида абадий ҳаракат қилувчи ёритқичлар сафига” киришидан фахрланади.

А.Қаҳҳор ҳақида: “Устоз Абдулла Қаҳҳор бизнинг хотирамизда адабиётнинг поклиги ва бутунлиги учун курашган, ўз талабига ўзи ҳам қатъий амал қилган сиймо сифатида қолди.

Оилада, маҳалла-куйда айрим мўътабар одамларнинг ўрни бўлакча бўлгани сингари Абдулла Қаҳҳорнинг жозибаси ҳам биз ёшлар учун ўшандоқ – бўлакча эди”,- деб ёзади (73-бет).

“Миртемир домла...

Бу номни эшитганда беихтиёр қалбиилизга бир илиқлик югуради. Бу илиқлик, энг аввало, камтар ва жозибали бир инсонга ҳурматимиздандир. Бу илиқлик халқимизни қирқ беш йилдан буён хушнуд этиб келаётган каттакон бир шоирга муҳаббатимиздандир.Ҳа, домла Миртемир ҳақиқатан ҳам улкан инсон ва катта санъаткор...”(76-бет).

Кўрамизки, шоир ўзи кўрган, сабоқларини олган устозлари ҳақида самимий ва улкан бир муҳаббат билан сўз юритади. Бундан ташқари қардош халқлар адабиёти вакиллари ҳақида гапирганда ҳам доимо адабиётнинг вазифаси, ҳаётдаги ўрнидан келиб чиқиб, улар ижодига баҳо беради. Данте, Пушкин, М.Шолохов, Тўқай, Қ.Қулиев каби ижодкорлар ҳақидаги мақолалари ҳам теранлиги, самимилиги, ижодкорга бўлган ҳурматидан иншо этилганини кўрамиз. Эссеист яхши ҳикоянавис, чуқур мушоҳада юритувчи файласуф, чин юракдан дардлашадиган суҳбатдош, ахлоқ ўқитувчиси бўлиши, умуман, шарт эмас ва айни замонда бу қобилиятларнинг барчаси унинг учун етарли эмас. Тафаккур кучи билан у файласуф, тасаввурининг ёрқинлиги билан рассом ва ёзувчига, иқрорининг очиқлиги билан иқрорнома ва кундалик муаллифига ўхшаб кетади. Эссеист учун, энг муҳими, бу қобилиятлар барчасининг табиий алоқаси, ўз шахсий тажрибасида билимнинг турли қирраларини марказлаштиришдир. [Эпштейн М. Законы свободного жанра // Вопросы литературы. 1987, - № 1. – С.29-139].Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, А.Орипов ҳаётга файласуф кўзи билан қараб баҳо беради, рассомлардек табиатни, фаслларнинг расмини чизади (баҳор тошқинлари, саратоннинг зерикарли, жимжит кунлари, кузнинг изғиринли оқшомлари, қишининг олис кечлари, қоп-қора осмонда чараклаган сонсиз

юлдузлар...18-бет) хотиралар дунёсида туриб, устозлари қиёфасига чизгилар яратади, баъзан ижтимоий-сиёсий ғоялар дунёсида туриб, ҳаётни публицист кўзи билан кузатади, баъзан эса даврнинг ўткинчи ғоялари таъсиридан чиқиб кетолмаганини ҳам кўрамиз.

Эссеенавис ўз асарида муайян адабий-бадиий ҳодисалар ҳақидаги ўз таассурот ва мулоҳазаларига (“Адабиёт ва санъатдаги гўзаллик ҳаётни халқнинг туб манфаатларини ифодаловчи идеаллар билан мувофиқ равишда ҳақконий акс эттиришдан иборатdir. Инсонлардаги маънавий бойликни ахлоқий покликни ривожлантиришга хизмат қилиш – гўзалликнинг олий вазифаси хисобланади”. 104-бет), санъаткор таржимаи ҳоли ва бадиий асар қаҳрамонларининг реал ҳаётига доир қизиқ воқеалар тасвири (“Пушкин сабоқлари”), табиатнинг дилбар манзаралари, турли шаҳар ва қишлоқлар бадиий пейзажи (Италия ҳақидаги хотиралар) , таҳлил этилаётган мавзуу ва ҳодисалар ҳақида китобхон билан бевосита эркин (“Самимиликдан ортиқ фазилат йўқ”, “Оналар тинч-олам тинч” каби сухбатлар) мулоқот қилишга ҳам кенг ўрин беради.

Шоирнинг баъзи танқидий мулоҳазаларини ўқир экансиз, улар адабиётга кириб келаётган бугунги ёш ижодкорлар учун дастуруламал вазифасини ўтай олишига ишонасиз: “Мен шеърхон сифатида шоирдан бир нарсани талаб қиласман: мазмунда – ҳаётийлик, шаклда – санъат бўлсин...бу менинг истагим, армоним.

Ёш шоирлар оқ шеър ёзадими, “кўк” шеър ёзадими, бешлик ёзадими, олтилик ёзадими – ихтиёр ўзида. Фақат уқувсизликни услугуб деб билмасинлар...(119-бет). “Мен ёшларимизни кутаётган ҳаёт курашлари, бўронлар олидда довдираб қолмасликларини истардим”(131-бет).”Адабиёт бир жойда депсиниб турмайди, у силжийди, янги шаклларга, янги йўсинларга эҳтиёж сезади. Бир хил оҳангда, бир маромда ёзиш зериктиради (142-бет).

“Аёл ҳамиша қўл етмас орзу, юксак гўзаллик манбаи нур, олижанобликнинг каъбаси бўлиб қолишини тилайман. Шоираларимиз қўпол сўзлардан ўзларини эҳтиёт қилсинлар. Улар энг гўзал инсонлардир ва дунёга тил билан айтиб бўлмас туйгулар билан боқсинлар, ҳамда шу туйгуларни энг муносиб, иффатлик сўзлар билан ифода қилсинлар” (158-бет).

Ёки шоирнинг қўшиқчилик ҳақидаги танқидий мулоҳазалари бугун ҳам эскирмаган: “Фарид қўшиқлар! Уларни тингловчиларга менинг дил-дилдан раҳмим келади. Чунки бундай қўшиқлар ўзининг чучмал оҳангиги, пойма-пой сўзлари билан асабларни беомон арралайди, миллионлаб тингловчиларни бир нафас бўлса ҳам ғоят нокулай аҳволга солиб қўяди” (177-бет). XX асрнинг 80 йилларида ёзилган бу мулоҳазалар худди бугунги қўшиқчилигимиз ҳақида айтилгандек.

“Эҳтиёж фарзанди” эссеенавис инсон ва жамиятнинг маънавий тафаккурини шакллантирувчи эркин мулоҳазалар ифодаланади. Шунинг учун эссеенавис барча ички

кўринишиларида А.Орипов- ижодкор шахси,+ унинг тафаккур ва бадий олами, ижодий концепцияси, дунёқараши бош қаҳрамон сифатида гавдаланади. Эссени ўқир экан, китобхон шоирга янада яқин бўлади, унинг ижодкорнинг жамиятдаги ўрни хусусидаги қарашларини яқинроқ билади, эссе ютуғи ҳам мана шунда.

Хулоса қилиб айтганда, адабий ҳаётга, жараёнга фаол аралашибни ўзининг маънавий эҳтиёжи деб билган А.Ориповнинг нафақат бадий ижоди, балки адабий-танқидий қарашлари, портретга чизгилари, публицистик чиқишлари, хотиралари, сұхбатлари жам бўлган адабий ўйлари – эсселари ҳам китобхонда Адабиётга муҳаббат уйғотишига хизмат қиласди.

3. Эссе тараққиёти. Эссе-роман таҳлили. Илмий ва бадий мушоҳадалар уйғунлигига шундай бир адабий-танқидий жанр борки, уни бадиа-роман ёки эссе-роман деб аташ мумкин. Унинг асосини бадиийлик ташкил этган ёхуд илмийлик ташкил этган турлари бор. Танқидчи Н.Худойберганов уни "илмий-оммавий, танқидий биографик асар" деб атайди. Аввало роман билан эссе-роман ўртасида қандай фарқ бор? Том маънодаги мумтоз роман етакчи хусусиятлари шаклланган, ўзгармас ва муқим бўлган эпик жанри. Унда муаллиф кўп ҳам намоён бўлавермаслиги мумкин. Эссе-романда эса роман жанрининг етакчи ва муқим хусусиятлари ҳам анча жонли, эркин равища ўзгариб туриши мумкин. Унда муаллиф нутқи, нуқтаи назари ва ҳатто идроки, умуман, романга нисбатан анча фаолдир. Роман- эссе ning структурасида лирик асос аниқ ҳолда, кечинма, мушоҳада, муносабатлар етакчилик қиласди. Роман-эссе ning яна бир тури борки, унда илмий асар билан бадий асар ўзаро уйғунлашган шаклда намоён бўлади.

Ўзбек адабиётида "Машҳур кишилар ҳаёти" туркумидаги яратилган қатор эссе-романлар мавжудки, улар тарихий, илмий ва маърифий аҳамиятга эга. Европадагидан фарқли ўлароқ, бу типдаги асарлар ўзбек адабиётида ҳам анча илгари-авлиёлар ҳакидаги маноқиблар шаклида, адиблар ва тарихий шахслар ҳакидаги ("Макоримул-ахлоқ", "Темурнома") мемуарлар шаклида мавжуд эди. Бу туркумнинг Россияда пайдо бўлишига М.Горький ташаббус кўрсатди. Аслида маданият арбоби, ижодкор шахс ҳакидаги роман типи Европа адабиётида бир аср аввал шаклланган эди. Унга француз ёзувчisi Андре Моруа асос солди. XX асрнинг 30-йилларида Горький таклифи билан Россиядаги бир қатор ёзувчи ва олимлар шу типдаги адабий тарихий-биографик романлар ижод қила бошладилар ва улар «Машҳур кишилар ҳаёти» руқни остида машҳур бўлди. Бу руқндан асарлар рус адабиётида ўсмиirlар китобсеварлиги шаклланиши ва ривожида муҳим роль ўйнади.

Ўзбек адабиётида эссе-роман хусусияти кўрина бошлаган асрлар XX асрнинг 60-йиллар охирида юзага келди. Н.Каримовнинг "Ҳамид Олимжон", "Ойбек", Л.Қаюмовнинг "Ҳамза", О.Шарафиддиновнинг "Абдулла Қаҳҳор" Отаёрнинг "Миртемир", "Мен қўёшни кўргали келдим" асрларида ана шу хусусиятлар уч кўрсатди. Азиз Қаюмов ҳам бу йўналишда Алишер Навоий ижоди ҳақида ёш китобхонларга мўлжалланган асарини яратди. Лекин унда Навоий ҳаётига доир зиддиятлар, санъаткор ижодининг фалсафий-эстетик асосларини ёритишга учалик эътибор берилмайди.

А.Акбаров F.Гулом ҳаёти ва ижодини тўла, хатто ошириб-тошириб тасвирлашга интилади. Аммо шоир ҳаёти ва ижодидаги мураккабликлар, зиддиятлар, синовли онлари, руҳий драмалари деярли очилмайди. Руҳий ва ижодий драматизмга етарли даражада эътибор бермаслик китобхонни бир мунча зериктириб қўяди ва асарда танқидий-биографик очерк жанрига хос хусусиятлар устуворлигини келтириб чиқарди.

Бу типдаги асрлар орасида Н.Каримов, О.Шарафиддинов, Отаёр асрларида бадиага хос хусусиятлар сезилиб турди. Бироқ, бундан қатъий назар, 70-80-йилларгача яратилган танқидий-биографик асрларда санъаткор ижоди, асрлари таҳлилига эътибор кўпроқ берилди. Асарни яратган ижодкор табиатидаги ўзига хос хусусиятлар, шахс ва санъаткор сифатида шаклланишга таъсир кўрсатган муҳит, ижод ва руҳият билан боғлиқ масалаларга кам эътибор берилди. Н.Каримов, О.Шарафиддинов, Отаёрнинг Ойбек, А.Қаҳҳор, Миртемир эссе-романларида бу камчиликларни бартараф этишга дастлабки қадамлар ташланди.

Мустақиллик даврида Н.Каримов эссе-роман жанри талабларини астойдил ўзлаштириб бораётган тажрибали мунаққид ва адаб эканини “Чўлпон”, “Мақсад Шайхзода” эссе-романлари мисолида кўрсатди.

Мақсад Шайхзода эссе-романи таҳлили. Истеъдели мунаққиднинг Мақсад Шайхзодага бағишланган эссе- романи олимнинг олдинги тадқиқотларидан композицион тузилиши жиҳатидан фарқ қиласи. Етти қисмдан иборат асарнинг ҳар бир қисмида Мақсад Шайхзодани яхши билган замондошларининг ҳикоялари киритилган. Масалан, “Гуллар баргидаги шабнам” деб номланган иккинчи қисмда Мирзакалон Исмоилийнинг, шу билан бирга Шайхзоданинг ҳикояси берилган. “Момогулдиракли йиллар” деб аталган учинчи қисмда эса Ҳаким Назир, Сора Эшонтўраева Шукур Бурҳон, Йўлдош Муқимов, Марям Ёқубоваларнинг ҳикоялари берилган. Шу тарзда ҳар бир қисмда икки ёки учтадан Шайхзодани яхши билган санъаткорларнинг хотираларидан фойдаланилган. Бу усул танқидчига Мақсад Шайхзода ҳақидаги мулоҳазаларини янада тўлдириш, шоирнинг мукаммал қиёфасини яратишда жуда қўл келган. Шайхзода Шарқ факультетида ўқиган пайтида, унинг бир ғаройиб одати бўлган экан. Домла маърузасини тугатиб, талабаларга:

“Саволларингиз борми?” - деб мурожаат этганида, Шайхзода дафтар варагига тўлдириб ёзилган саволларини олиб бориб бераркан. Домла аксар ҳолларда бу саволларнинг бир қисмига жавоб беришга имкон топар, қолган қисмига эса тайёрланиб, келгуси маъruzасидан кейин жавоб берар экан. Шоирнинг бу фазилати, бир томондан, унинг билим олишга жон-жаҳди билан киришганини англатса, иккинчи томондан, билим ва илмий қизиқиш доираси бошқа курсдошларига нисбатан анча кенг бўлгани, ҳатто айрим ҳолларда домлалар билан ҳам баравар баҳслаша оладиган билимдон талаба бўлганидан шаходат беради. Шу ўринда фикрини исботлаш учун Н.Каримов далил сифатида ёзувчи М.Исмоилий айтган бир хикояни келтиради: Мирзакалон Исмоилий Максуд Шайхзода билан бирга Ўрта Осиё Давлат университетининг шарқ факультетида бирга ўқиган. Ёзувчи уларга Мухтор Аvezovning дарс бериши ва муносабатига тўхталади. Шайхзоданинг синчков талаба, зукко, ҳар нарсага қизиқувчанлигини мисоллар орқали кўрсатган. Шайхзода касал бўлиб қолганида М.Авезов буни эшитиб, М.Исмоилий билан бирга кўришга борган экан, шунда М.Авезовning Шайхзода ҳақидаги фикрларига ҳам тўхталади. М.Авезов айни юқоридаги воқеани М.Исмоилийдан сўрайди. У эса бу саволга Шайхзоданинг жавобини айтади. “Шу таҳлит орадан кўп йиллар ўтди. Бу меҳнат ва ижод мashaққати билан тўла сермазмун йиллар Мухтор тоғани Шарқнинг улуғ соҳиби қаламларидан бирига айлантирган бўлса, Максуд Шайхзодани ҳам қатор фалсафий шеърий асарлар, умрбокий драмалар муаллифи, мунаvvар таржима устаси - катта адабиёт мударриси даражасига кўтариб, иккаласини бу дунёнинг машхур кишиларига айлантириди”(Каримов Н. Максуд Шайхзода. Тошкент. Шарқ, 2010. 49- бет.(Бундан кейин шу китобнинг саҳифалари кўрсатилади).

Асарда М.Шайхзоданинг туғилиши, болалик йиллари, Тошкентга келиб қолиши сабаблари батафсил ёритилади. Шуниси дикқатга сазоворки, шўро даврида ёзилган барча дарсликларда шоирнинг нима сабабдан ўз она Ватани Озарбайжондан бирданига Тошкентга келиши ҳақида ҳеч нима дейилмас эди. Мустақиллик йилларигача шоир ҳаётининг шу кисми қоронгироқ бўлиб қолган эди. Н.Каримов асарда айни шу ҳолатни кенгроқ ва батафсилроқ ёритишга интилган ва бунга эришган. Н.Каримов шоир ижоди ва ҳаётининг ҳар бир нуқтасини изчиллик билан ўрганди, далилларга мурожаат қилиб, архив материаллари устида ишлаб, ҳақиқий манзарани очишга муваффақ бўлди. М.Шайхзода асарларининг ёзилиши, нашр этилиши, китобхоннинг унга муносабати, ўша давр адабий жараёни ҳақида синчковлик билан фикр юритди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳалқни ватанпарварлик, жасорат руҳида тарбиялашга асосланган бадиий асарлар ёзишга даъват кучли бўлди. Бу даъватга Шайхзода ўзбек ҳалкининг жасур фарзандларидан бири Жалолиддин Мангуберди ҳақида

саҳна асари ёзиб, жавоб берган эди. Бу ҳақда Н.Каримов шундай ёзади: “Муғул истилоси даврида Моварауннаҳрда катта жасорат кўрсатган Жалолиддин ҳақида Шайхзодага қадар бирорта бадиий асар яратилмаган, совет тарихчиларининг илмий асарларида эса унинг на номи, на жанговар жасорати илик сўзлар билан тилга олинган эди. Шунга қарамай, Шайхзода бу ажойиб сиймо ҳақидаги Шаҳобуддин Мұхаммад Насавийнинг “Сийрат ас - султон Жалолиддин Манбурни” ва Алоуддин Атомалик Жувайнининг “Тарихи жаҳонгушои Жувайний” каби асарларини ўқиб, шу асарларда тасвирланган тарихий давр воқеалари асосида ўз асарини ёзишга аҳд қилди” (113-бет). Олим драматургнинг “Манбурни “ сўзини Мангуберди деб алмаштириши сабабларини очади, тарихга мурожаат қилиб, драма қаҳрамонининг ҳақиқий қиёфасига назар солади. Шайхзода етук ёзувчи сифатида ёза бошлаган илк саҳна асарига ана шундай тарихий шахсни - муғул кўшинларига ғулғула солган, ғалаба юз ўғирган жанг майдонларидан ҳам эсон-омон чиқиб кетган Жалолиддинни қаҳрамон қилиб олишини асослаб беради. Шоирнинг асар устида берилиб ишлаши, Жалолиддин ва Темур Малиқ босган изларни бориб кўришдан эринмаганлиги, Водилда асарни ниҳоясмига етказгани ҳақида самимий ҳикоя қилиб беради. Кейин асарнинг саҳнага қўйилишига бевосита гувоҳ бўлган машҳур актриса Сора Эшотўраеванинг ҳикоясини келтиради: “*Оға (Маннон Уйғур) Мақсуд Шайхзоданинг ўзбек халқи тарихидан қаҳрамонлик трагедиясини ёзганлиги ҳақида Фарғонадан хушиҳбар келтирди. Водил қишлоғидаги Усмон Юсупов қурдирган ижодкорлар боғида Уйғур, Ойбек, Усмон акалар қатнашувида шу асар ўқилиб, асосан маъқулланганини айтди. Биз шу асарни интиқлик билан кута бошлидик*”. С.Эшонтўраева асар етиб келиши билан шеърий драмани Шайхзоданинг ўзи ўқиб берганлиги, асарнинг фазилатлари ҳақидаги хотираларини келтирадар экан, шундай ёзади: “Жалолиддин Мангуберди” Мақсуд аканинг биринчи саҳна асари бўлишига қарамай, ҳам ўқишили, ҳам томошабон эди. Ҳар бир артист ўз роли устида каттиқ изланди, заргардек заҳмат чекди. Театрда бирор асар бунчалик иштиёқ, бунчалик сафарбарлик билан репитиция қилинмаган. Бу ёзувчининг баҳти эди...

Ўшанда деярлик ҳар куни Мақсуд Шайхзода театрга келиб ўтирад, Оға талааб қилган жойда сўзларни ўзгартириб берар, композитор Манас Левиев билан баҳслашар эди...” (118-бет).

Н.Каримов драманинг бош қаҳрамони билан онаси ўртасидаги парчадан мисол келтиради: отаси курашга фотиҳа бермаганида, изтиробга тушиб, буни онасидан сўрайди, шунда она ўғлига тумор бериб, уни юрт учун курашга чорлайди. Жалолиддин :

Онамизнинг онаси бўлса шу ватан -

Кўрлик афзал шу юртни асир кўрмоқдан.

деган хulosага келади. Буни Н.Каримов шундай талқин этади: “Бу сатрларда Шайхзода ижоди учун бирламчи аҳамиятга молик масала - Ватанни озод кўриш масаласи катта эҳтирос билан ифодаланган” (120- бет).

Драманинг саҳнага қўйилиши ўша давр учун жуда катта воқеа бўлганлигини олим хотиралар асосида ёритади. Ўзининг ёш бўлгани учун бу асарни кўриш баҳтига мусассар бўлмаганлиги туфайли Шайхзода ижодий ҳаётининг катта бир бобини ташкил этган мазкур асар ва спектакль тўғрисидаги айрим хотиралардан лавҳалар келтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Жалолиддин, Темур Малик ва бошқа образларни маҳорат билан ўйнаган актёрлар фаолиятига кенг тўхталади. Жалолиддин тимсолини саҳнада маҳорат билан ижро этган Шукур Бурхоновнинг ҳикоясини келтириш орқали ўша жараён ўқувчи кўз олдида ҳаққоний тасвирлаб берилади: “Шайх ака умрини умрдай қилиб яшаган эди. Ҳамма гап ана шунда. Шундай умрлар бўладики, йиллар ва асрлар ўтиб, неча-неча авлодларга ибрат намунаси бўлиб қолади. Шайх ака яшаган ва бугун ҳам кўз олдимизда кечагидай ёрқин бўй бериб турган умр ана шундай умрлар сирасидан...

Мен Шайх ака асаридағи Жалолиддин ролини ўйнаганим учунгина куйиб - пишиб гапириётганим йўқ, инсон Шайхзодани, шоир Шайхзодани, драматург Шайхзодани ҳар синовга шай, ҳар қандай довонни ошиб ўтишга қодир Шайхзодани билган, кўрган, у билан ишлашган, сухбатлашган ҳар бир одам шундай ҳаяжонланиб сўзламасдан иложи йўқ, десам хато қилмаган бўламан” (129- бет).

Н.Каримов ўзининг буюк ёзувчиларга бағишлиланган эссе - романларида уларга нисбатан оташин муҳаббатини, ҳис-ҳаяжонини ёрқин ва таъсирчан мисраларда ифодалаб келган. Буни “Мақсад Шайхзода” асарида ҳам яққол кўриш мумкин. Айниқса, китобнинг “Бўрон гурлаганда” деб аталган тўртинчи қисми Шайхзода бошига тушган фожиали дамлар, унинг ноҳақ қамалиши, сургунда кечган кунлари тасвирига бағишлиланган. Ҳатто шоирнинг қамоқхонда тушган расмининг берилishi ҳам мустабид тузумга нафрат ўйғотишига хизмат қиласи. Бу қисмга Шайхзоданинг қўйидаги шеъри эпиграф қилиб олинганки, у ўша машъум даврнинг моҳиятини яққол ифодалай олган:

Ҳай, муҳтасиб, сизга қолса бутун миллатнинг

Ярми чириб кетар эди авахталарда...

Н.Каримов олдинги асарларидаги каби архив хужжатларини чуқур ва атрофлича ўрганиб, Шайхзода бошига тушган кўргиликлар сабабчиларини аниқлаб, терговдаги савол

жавобларни ўрганиб, маълум хулосаларга келади. Шайхзоданинг оқланиш жараёни ҳам ниҳоятда оғир кечганлиги ҳақидаги саҳифаларни ўқир экансиз, хиёнатнинг қўли узунлигидан афсуслар чекасиз. 1954 йил 4 июнда Шайхзоданинг оқланишини сўзлар экан, танқидчининг эҳтиросли мулоҳазалари диққатингизни тортади:

“Шайхзода, ниҳоят ғалаба қозонди.

Эзилган, букилган, афтодаҳол адолат яна қадди қоматини тиклади.

Аммо бу қандай кураш-у қандай ғалаба эди?”

Шу тариқа олим Шайхзода бошига тушган кўргиликлар, унинг кейинги асарлари, кейинги фаолияти ҳақида аниқ маълуомотларни беришга, китобхон кўз олдида буюк шоирининг ёрқин сиймосини гавдалантиришга эришади.

Ранг-баранг мавзуларда ёзилиб, адабиёт, эстетика, фалсафага бағишлиланган ҳолда ҳаётнинг турли муаммо ва манзаралари, турли соҳага оид оддий ва машҳур кишилар ҳаёт, тақдири ва ўзаро муносабатлари эркин таҳлил ва талқин қилинадиган адабий жанрларидан бири эссени бадиий адабиётги ҳам, танқидга ҳам киритадилар. Тузилишига кўра эркин, мавзу ва мақсадига кўра ҳаётий ва хужжатли асосга эга шахсий ҳамда локал мулоҳаза ва қарашларни ифодаловчи, кўпда катта ҳажмли бўлмаган асар эссе ҳисобланади. Эсседа ҳаёт, адабиёт, маданиятнинг турли соҳаларидаги қараш ва хулосаларга назар ташлаган ҳолда муаллиф ўзининг шахсий кўрим ва сезимларини далиллашга ўзгалар билан баҳам кўришга интилади. Эсседа адабиёт ёхуд танқиднинг қонун-қоидаларига тўла-тўқис бўйсуниши, далилларнинг, ўртага ташлананаётган фикрларнинг илмий жиҳатдан ҳар томонлама исботланган ёхуд бадиий адабиётдаги каби тамом бадиийлаштирилган бўлиши кўпам талаб қилинмайди. Айни вақтда, бу ҳар иккала унсур унда эркин иштирок этиши мумкин бўлади. Шундан келиб чиқилса, бу танқидчининг навбатдаги адабий-танқидий эссе-романи ҳисобланади. Муаллиф асарни маърифий-биографик роман деб номлаган. Бизнингча, асарда эссе- романга хос хусусиятлар кучли ва мужассам.

Асарни ўқир эканмиз, шоир ва бағри кенг инсон, драматург, моҳир таржимон, ажойиб билимдон муаллим Максуд Шайхзоданинг ёрқин қиёфасининг очилиб борилиши, ҳаққоният билан тасвирланишига гувоҳ бўламиз. Шайхзоданинг инсон сифатида бировга гард юқтирумаслиги, бошига шунчалик фожиали кунларни солган рақибларига муносабати тасвирланган саҳифаларни ўқир экансиз, унинг мардлигига тан бермай иложингиз қолмайди. Айниқса, Н.Каримовнинг қуидаги сўзлари шоир одамийлигини яққол очиб беришга хизмат қиласи: “Қатағон даврининг аччиқ тузини тотган кишилар азоб-уқубат лагерларидан соғ-омон қайтиб келганларидан кейин кўрган-кечирганлари тўғрисида бир

оғиз бўлса ҳам гапирмай ўтдилар. Агар уларнинг аксар қисми лагердан озод бўлишлари олдида тилхат берганлари ва юракларида қўрғошиндек ўрнашиб қолган ҳадик туфайли оғизларига қулф солиб яшаган бўлсалар, бошқа бирлари мудхиш замонларни эслаб, яна бир бор эзилмаслик, халқ ва мамлакатга янги куч билан хизмат қилиш учун чеккан жабрзулмлари ҳақида чурқ этмадилар.

Шайхзода қатағон қурбонларининг ана шу иккинчи гуруҳига мансуб эди. У на бирор асарида шу ҳақда ёзди, на бирор дўстига ёки яқин қариндошига шу ҳақда сўз очди” (188 - бет).

Олим хотираларда шоирнинг ташқи ва ички қиёфасини яратишга алоҳида эътибор беради. Ч.Аҳмаров хотираларидан: “...Жингалаксоч, кўзойнакли, хушмуомала, зиёли йигит доно нигоҳи, илмиқ табассуми билан бир кўришдаёқ кишини ўзига жалб этарди...Қанчалик заковатли, аллома , хушсухбат, самимий ва камтарин эди у...” (212 - бет).

Китобнинг “Яшил хиёбон” деб аталган бешинчи қисмидан ўрин олган “Дунёнинг бир куни”да танқидчи М.Шайхзода шахсига мукаммал баҳо беришга интилади ва буни шоирнинг адабий жараёндаги ўрни, ёзилган асарлари таҳлилдан келиб чиқиб амалга оширади: “ Ҳолбуки, 60-йилларнинг бошларига келиб, Шайхзода нафакат педагог олим, балки шоир, публицист, таржимон ва нотик сифатида аввалги баланд мавқеини тиклабгина қолмай, катта шухрат ҳам қозонган эди. Унинг дилбар ва олижаноб инсон эканлиги бу шон-шуҳратнинг ошишида асосий омиллардан бири бўлганди” (228- бет).

Шайхзода шогирдоларига меҳрибон ва эътиборли инсон бўлганлигини Москвада рўй берган воқеа тасвирида кўрамиз. У узоқ юртда таҳсил олаётган шогирдоларининг ҳолидан хабар олиб, ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан рағбатлантириб туради. Масалан, Азиз Абдураззоқ шундай хотирлайди: “ Мақсад муваллим адабиётда ҳам, ҳаётда ҳам доимо тилнинг соғлиги учун жсанг қиласр эди. Бизни эстетик жиҳатдан тарбия қиласр, биздаги гўзалликка интилиши ҳиссини ривожлантириб борар эди. Домладаги эстетик завқ, шоирнинг таҳаллусио шеърга қўйиладиган сарлавҳадан тортуб, то оихонаю кафеларнинг номларигача у кишини ташвишга солар эди” (232- бет).

Наим Каримов асарда образли ифодалар, тасвирий воситалардан фойдаланиб, шоирнинг мукаммал қиёфасини чизади. Китобдаги фаслларнинг номланиши ҳам танқидчининг образли тафаккури бой, ҳаяжонлари кўпинча драматизмга тўлиқ эканлиги, энг муҳим қайноқ қалби кўриниб туради. Мунаққиднинг “Мақсад Шайхзода” асари биринчи навбатда шоир ҳақидаги ҳақиқатларни ойдинлаштиришга хизмат қиласр.

Унда Мақсуд Шайхзода ҳаёти ва ижоди тўғрисида нашр этилган деярли ҳамма мақолалар-у, рисолалардаги далиллар, маълумотлар, кузатишлар, қарашлар ва талқинлар, хотиралар умумлаштириб, шоир босиб ўтган йўлнинг ниҳоятда кенг, муфассал манзараси чизилади. Энг муҳими, асарда китобхон кўзи олдида миллатпарвар шоир Мақсуд Шайхзоданинг кенг, мукаммал образи намоён бўлади. Эссенавис асарда шоир образини яратар экан, у кўз олдимизда қўйидагича намоён бўлади: а) Мақсуд Шайхзода - қалби ҳиссиётга тўла истеъдодли шоир; б) Мақсуд Шайхзода – ўзининг лирик шоирлигини драмаларида намоён қилган драматург; в) Мақсуд Шайхзода – давридан олдинда турган танқидчи ва моҳир таржимон; г) Мақсуд Шайхзода – ўз миллатининг баҳти, келажаги учун қайгурадиган миллатпарвар инсон; д) Мақсуд Шайхзода – инсонпарвар, дўстга садоқатли, хушфеъл, ҳамсуҳбат, қалби тоза, юрт деб, мустақиллик деб ўзини фидо этган буюк шахсадир.

“Мақсуд Шайхзода” асарида Н.Каримовнинг танқидий- биографик характердаги барча асарларига хос хусусият илмий ва образли тафаккурнинг омухталиги, танқидчи қалбининг ижодкорга, санъат асарларига бўлган кучли муҳаббати сезилиб турган юракнинг эҳтиросга ўралган ҳолда намоён бўлишидир. Эссе-романда шоирнинг мотам маросимида сўзлаган Туроб Тўланинг оташин ва эҳтиросли нутқи келтирилади, бу буюк шиорнинг ҳалқ ва унинг адабиёти билан сўнгти видолашуви сифатида таассурот қолдиради. Бу фикримизни исботловчи мисол келтирамиз: “*Қуёши жига кўхна Шарқимизнинг ардоқли тупроги, боли пар юртим, азиз ва муҳтарам Она Ер! Тенгсиз бир инсонни олиб келдик бағрингга. Қаламда, санъатда, илмда, дард ва муҳофазада тенгсиз одамни, мураббийликда, меҳр ва муҳаббатда, ҳаммадан ҳам инсонийликда тенгсиз... буюк одамни келтирдик бағрингга, Она Ер!*”(330-бет) Бу ўтли сатрларда М.Шайхзоданинг адабий, илмий, маънавий қиёфаси ёрқин намоён бўлган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, истеъдодли олим, устоз мұнаққид Н.Каримовнинг “Мақсуд Шайхзода” эссе- романи ёш авлоднинг эстетик тафаккурини ривожлантиришда, унинг бадиий савиясини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Мақсуд Шайхзода деб ном олган, ҳалқ севган шоир ҳақида қалбимизда буюк хурмат ва муҳаббат туйғуларини уйғота олади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар :

1. Эссенинг жанрий белгилари нималарда кўринади?
2. "Эссе" атамаси қандай маънога эга, уни бадиа истилоҳига муносабати қандай?
3. Ўзбек танқидчилигида эсселарнинг ривожланиши қай даражада?

4. Эссе қандай ички турларга эга? Эссега хос хусусиятлар нималарда кўринади?
5. Эссенавис мунаққидлардан кимларни ва уларнинг қандай асарларини биласиз?
6. Ёзувчи ва танқидчилар яратган эсселар қандай хусусияти билан ажралиб туради?

Мустақил ўқиши учун адабиётлар:

1. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т., Ўзбекистон.1993.
2. Раҳимжонов Н. Бадиа ҳақида // "ЎТА",1983. № 5.
- 3.Раҳимжонов Н. Илмий тафаккур жилолари.Т.,1991.
- 4.Фафуров И. Дил эркинлиги. Т.: Маънавият.1998.
5. Ҳабибулло Сайд Ғани. Бир мисра тарихи. Эссе // Ёшлик. 1988, № 10.

Эссе табиатини ўзида истифода этган асарлар:

17. Аскад М. Ёш дўстларимга.Т.: Ёш гвардия.1971.
18. Абдулла Орипов. Эҳтиёж фарзанди.Т.: Ёш гвардия.1988.
19. Эркин Воҳидов. Шоири, шеъри, шуур. Т.: Ёш гвардия.1987.
- 20.П.Қодиров. Ўйлар. Т.,1971.
21. Ҳошимов Ўткир. Нотаниш орол. Т., 1990.

«Машхур кишилар ҳаёти» сериясидаги китоблар:

22. Наим Каримов. Ҳамид Олимжон. Т.,1979.
23. Лазиз Қаюмов. Ҳамза. Т.: Ёш гвардия.1989.
24. Отаёр. Миртемир. Т.1986.
25. Отаёр. Мен қуёшни кўргали келдим.Т.,1989.
26. Акбаров А. Ғафур Ғулом. Т.,1974.
27. Шарафиддинов О.Абдулла Қаҳҳор.Т.,1988.

4-МОДУЛ

7- МАВЗУ: АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ МАКТУБ

РЕЖА: 1.Адабий-танқидий мактуб табиати.

2. Адабий-танқидий мактубнинг ички шакллари.

3.Адабий мактуб тараққиёти.

Таянч тушунчалар: мактуб, хат, очик хат, адабий-танқидий мактуб, ёзувчига мактуб, китобхонга мактуб, танқидчининг танқидчига мактуби, мактубда шакл ва мазмун бирлиги, танқидчи ва ёзувчи сұхбати, хат қурилиши, сұхбат, мулокот, танқидчилар гурунги, давра сұхбати, танқидчи иқтидори.

1.Адабий-танқидий мактубнинг табиати. Мактуб инсон кашф этган мулокотлардан бирининг тарихда муҳрланиб қолувчи гўзал, таъсирчан ва қулай шаклидир. "Мактуб, аввало, фикрлашга, атрофга разм солиб қарашга, яхши-ёмонни танишга, ҳар нарсага мустақил баҳо беришга, ўз фикрига эга бўлишга, кузатувчанликка ўргатади. Шулар баробарида мактуб ёзиш инсон ижтимоий фаоллигининг энг ёрқин кўринишларидан биридир"(Фафуров И. Дил эркинлиги. Т.: Маънавият, 1998. – Б.78). Мактуб муайян маънода дил хужжатидир. Унда муаллиф шахсияти, руҳий ҳолати, кечинмалари аниқ ва холисона ифодаланади. Мактуб моҳиятини маълумотнинг ўзи эмас, энг аввало, обьектга муносабат, шу туфайли туғилган шахсий фикр-ўйлар, кечинмалар, ҳис-туйғулар ташкил этади. Шу маънода мактублар инсон ҳаётида ҳам, адабиёт тарихида ҳам маълум аҳамиятга эга.

Адабий-танқидий йўналиш ёхуд адабий тафаккурдаги мактуб хатнинг илмий-эстетик тафаккурга йўғрилган намунасиdir. Бинобарин, ҳозирги ўзбек танқидчилигига тақриз, адабий шарҳ (обзор), адабий-танқидий мақола, адабий портрет, бадиа(эссе), танқидий-биографик очерк каби жанрлар силсиласида адабий (танқидий) мактубнинг учраши ҳам табиийдир. Бу йўналишдаги мактуб адабиёт равнақи учун, ёзувчи ижодининг такомили, китобхон билан адабиёт, китобхон билан ижодкор ўртасидаги робита, муносабатларни ойдинлаштиришда ўзига хос ўрин эгаллайди.

Алишер Навоий мактублари хусусида. Алишер Навоийнинг Ҳирот, Самарқанд, Астробод ва бошқа шаҳарларда яшаб туриб, турли кишиларга ёзган насрий мактубларидан тузилган "Муншаот" («Хатлар») асари жаҳон адабиёти тарихидаги улкан манбалардан бири ҳисобланади. Унга 88 та рукъя (хат) киритилган. Бу хатлар буюк адабининг турли ҳолат ва вазиятдаги кайфиятини реалистик акс эттирган тарихий хужжатларгина эмас, балки Навоийнинг адабий-танқидий қарашларининг нозик кирраларини ифодалагани билан ҳам қимматлидир. Айни вақтда, бу мактублар ўз давридаги адабиёт, санъат, маданият ривожига муайян даражада таъсир кўрсатгани ҳам шубҳасиздир. Ўрта асрларда кишилар ўртасидаги, хусусан, илм ва ижод аҳли ўртасидаги ўзаро ёзишмалар кенг тус олган, ҳар жиҳатдан такомиллашиб, ўзига хос бир санъатга айланган. Иншо санъати деб аталган бундай ёзишмалар намунаси араб ва форс тилларида

яратилган. Алишер Навоий ҳам ўзбек тилини улуғлаб, бу тилда бадиий кўркам ва дилга ёқимли мактублар яратиш мумкинлигини Самарқанд, Астробод ва бошқа шаҳарларда яшаб туриб, турли муносабат билан замондошлирига ёзган насрий мактубларини тўплаб, «Муншаот» (Хатлар) деб номланган китоб қилиш билан исботлаб берди. Навоий шундай ёзади: « *турк тилнинг жомеияти мунча далолил била собит бўлди, керак эрдиким, бу халқ орасидан пайдо бўлғон таъб аҳли салоҳият ва таъбларни ўз тиллари тургоч, ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва бу ишга буюрмасалар эрди. Ва агар иккала тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тилларои била кўпроқ айтсалар эрди ва яна бири била озроқ айтсалар эрди. Ва агар муболага қилсалар, иккала тил била тенг айтсалар эрди...* ». Шоирнинг ўзбек тилида ёзилган мактублари бунинг далилидир. Бу ҳақда мулоҳаза юритган адабиётшунос олим Б.Саримсоқовнинг «Навоий туркий тилдаги мактубларнинг бадиий жиҳатдан заиф, мазмунан ожиз ва яланғочлигига ачинади. Форсий мактубларнинг дилписандлиги, қадрлилиги уни таажубга солади. Шунинг учун у туркий тилдаги гўзал мактубларни тўплаш ва бирор қўлланмага ўхшаш нарса қилиш зарурлигини ҳис этади. Бизнингча, мана шу мақсад ва айни пайтда эҳтиёж Навоийни ўзининг нафис мактубларини йиғиб, алоҳида хатлар тўпламини тузишга мажбур қиласди» деган фикрлари эътиборлидир (Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. Тошкент. «Фан». 1978. 109-бет).

Мактуб (хат) жанри Алишер Навоий ижодида ривожланишнинг янги босқичига кўтарилиди. «Муншоот»га 107 та руқъа (хат) киритилган. Бу хатлар буюк адабнинг турли вазиятдаги кайфиятини ҳаққоний акс эттирган тарихий ҳужжатлар сифатида ҳам ғоят аҳамиятлидир. Асардаги мактублар мазмун эътибори билан ғоятда қимматли. Бир қатор мактубларда давлат ишлари ва юрт осойишталиги йўлида жон куйдираётган давлат арбобининг сиймоси намоён бўлса, баъзи мактубларда шоирнинг ижод жараёни акс этади; бир туркум хатлар давлатни идора этишга доир муҳим ҳужжат бўлса, яна бир хиллари табрик ва таъзия мазмунидаги номалардир. «Муншоот»нинг кириш қисмида шоир шундай ёзади: « *Аммо баъд: ажиллаши асҳоб оллида андоқ маъруз бўлур ва аиззаи аҳбоб хизматида андоў арзга етқурулурким, атрок иниосида ва бу аҳли идрок баён ва адосидаким, бирорвдин бирорвга руқъа ёзгай, ё ул киши ул руқъага жавоб битигай, даги руқъа келтурган қосидни қайтаргай- алфози латофатдин муарро ва тарокиби балогатдин мубарро эрди ва адоси рангин фиқаротдин намойишисиз ва мазмуни рангин абётдин оройишиз вам уқобалада форсий алфознинг инишлари дилписанд ва макотиб ва имлолари аржуманд эрди, хаёлга андоқ келдиким, турк алфозининг даги руқъалари ҳамул мисол била битилгай ва бу тилнинг номаларин ҳам ўшул минвол била сабт этилгай* ». (Алишер Навоий . Муқаммал асарлар тўплами. 14-том. Тошкент, «Фан». 1998. 133-134 бетлар (Кейинги мисоллар ҳам шу нашрдан олинади).

Навоий ёзишманинг арабча «мактуб», «руқъа», «хат», арабча-форсча «арзадошт», форсча «нишон», «нома» ва туркйича «битик» истилоҳларини қўллади. «Муншоот»даги мактубларнинг ифода услуби ҳам турлича. Баъзи мактублар қисқа, содда ва равон услубда ёзилган бўлиб, мазмуни тушунарли, айрим мактублар эса, муаллифнинг мақсади аниқ бўлса ҳам, ғоятда бадиий сержило ва жимжимадор услубда ёзилган. Кўркам сўз ҳам иборалар билан зийнатланган. «*Бир мактубки, саҳифасининг оқлиги ярали кўнгил жароҳатига малҳам бўлгиси ва бир номаки, қора ёзувининг нуқтасидан оқарган кўзга равишанлик берувчи қорачиг бўлгусидирким, бу ҳижрон дарди бечорасини айрилиқ дашти оворасини Ушибу хат билан мукаррам қилган экансиз-келиб тегди*» (Алишер Навоий. Муншаот. Тошкент.»2001.64-бет. Тўпловчи: Ю.Турсунов). Шу мисолнинг ўзиёқ Алишер Навоийнинг хатга қанчалик эътибор билан қараганлигини, шу билан бирга хатнинг ўзи яшаган даврда инсонлар ҳаётида муҳим ўрин эгаллаганлигини ҳам намоён этадики, «Муншаот» қўп томондан: шоир яшаган даврни, ижтимоий- сиёсий ҳаётни ўрганиш жиҳатидан ҳам, ўз тилини улуғлаган Навоийни буюк шахс ва инсон сифатида ўрганишда ҳам катта аҳамиятга эгалиги яққол кўринади. “*Руқъаеким, сафҳаси баёзи мажруҳ кўнгул жароҳатига кофурий марҳам эткургай ва номаки, саводи нуқтасидин оқоргон кўзга мардуми бийно кетургайким, бу ҳижрон дарди бечорасин ва фироқ дашти оворасин анинг била мукаррам қилиб эрдингиз - этти.*

Кейин Рубо и я берилади: Мазмуни била кўнглум ўти кам бўлди,

Адабиётшуносликда ёзувчининг хати китобхонларни ижодкор шахсияти ва сехрли бадиий ижод сирлари ҳақидаги ҳужжатлар сифатидагина қизиқтириб қолмай, услуб, шакл гўзаллиги жиҳатидан ҳам диққатга сазовор адабий ҳодиса ҳисобланади. Чунки ёзувчи хатида бадиий тафаккур устун туради. Шу боис ёзувчи ўз хатларида бадиий ижод унсурларидан кенг фойдаланиш имкониятига эга бўлади, уларда шеъриятга хос эҳтирос, лиризм, диалог, деталлаштириш, лирик лавҳа, табиат тасвири, новелла, ҳажвий бўёқ ва бошқа бадиий унсурлар учрайди. Масалан, Алишер Навоий хатларида табиатнинг тўрт фасли ўзига хос бўёқларда нафис жилваланади: «*Куз..Қаро йигочнинг сариг барглари ел учургони тутундин учқунлар айрилғонининг мисолин ва қизил толнинг қоҳий (сомон тусли сарик) япроқлари баъзи жисмида қолгай, шингарф хутуми (қизил хатлари, бўёқлари) узра заъфарон афишоний қилғондин (сариглик сочгандан) нииона кўргузди...*» (Алишер Навоий . МАТ. 14-том.. 138-бет.)

Бу мисол Навоийни насрда гўзал ҳиссий манзаралар яратувчи буюк сўз санъаткори сифатида кўрсатади. Олим Б.Саримсоқов юқорида тилга олинган китобида «Муншаот»даги деярли барча мактубларда ХУ аср мактубларига хос қўйидаги услубий хусусиятлар мавжудлигини қайд этади: а) насрда сажъ ва изчил ритмнинг мавжудлиги; б)

баёнда күтаринкилилкка интилиш; в) фикрни мураккаб ташбехлар ва символлар орқали ифодалаш. Ҳақиқатан ҳам вазнли наср билан мусажжаб насрнинг биргаликда қўлланилиши мактубларда шоир ҳис-туйғуларининг баландлигини, унинг «фикрий ва хиссий оламини ифодаловчи восита» сифатида кўринадики, бу мактубларга жозиба ва юксак бадиийлик бағишлайди. Навоий хатларининг қўпчилиги «қуллуқ» (яъни таъзим қиламан) сўзлари билан бошланиб, охири ҳам юксак хурмат кўрсатишнинг намунаси бўлиб хизмат қиласди: «*Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким*», охири: «*Рубъи маскунда ҳукмунгиз равон бўсун ва рубъи маскун аҳлига адлингиздин амну Амон. Омин, ё раббил оламин*» сўзлари билан тугайди.

Шаҳзода Бадиуззамонга ёзилган мактубларни Навоий “*Пайгамбар саллаллоҳи алаиҳи вассалам буюрубтурким, ризо урроби фир-ризаил валиди ва сахатун арроби фи сахатул валиди*” яъни тенгри таоло ризоси ота ризосига вобастадур ва тенгри таоло газаби ҳам ота газабига вобастадур...” каби таъсирчан сўзлар билан бошлайди. Сўзларининг шаҳзодага таъсири янада кучли бўлиши учун Сулаймон Боқирғонийнинг “ота қодири қайюм (ота- доимий яратувчи), она розиқи марсум” (марс- қон томир, она-ризқ берувчи томир) деган сўзларини, Аҳмад Югнакийнинг қуидаги рубоийсини келтиради:

Атодин хато келса кўрма хато,

Савоб бил хато токи қилса хато.

Атонинг хатосини билгил савоб,

Сени юз балодин қутқарғай худо (Алишер Навоий. МАТ. 14-том. 184-бет).

Навоий хатларига хос яна бир хусусият шуки, у ўз фикрларини қатъий буйруқ шаклида эмас, балки кўнгилга хуш ёқадиган даражада мулойимлик билан бамаслаҳат ифодалайди. Бу хатлар улуғ шоирнинг шахсиятини, руҳий оламини, бошқача қилиб айтганда, маънавий-руҳий портретини ростгўйлик билан ифодалаганлиги жиҳатидан муҳим адабий, ижтимоий аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга хат ёзувчининг меҳрга тўла қалбидаги ҳароратни хатни олувчига улашади, унинг юрагини ҳам илитиб, саховатга тўлдиради, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Алишер Навоий буни шоирона муболаға билан қуидагича кўрсатади:

Нома ёзғон чоғда бўлмиш эрди хунафшон кўзум,

Оқ варақ гулранг бўлди токи сочти қон кўзум.

Ёки

Ул руқъаки, сочиб эди кофур уза анбар,

Хар нуқтаси мушк эрди-ю ҳар нуқтаси гавҳар-етишиди. Нуқтаси мушкини кўзум мардуми устида қўйдум ва лафзлари гавҳарини жон риштасига чектим, кўз уйи андин мунаввар бўлди ва жон кулбаси мундин зеру зевар топти³.

Мактубнинг инсонга таъсирини бундан ортиқ тасвиirlаб бўлмас!

Алишер Навоийнинг мактубларини кузатар эканмиз, унинг олижаноб қалби ҳар бир хатида, услубида кўриниб туради. Шарқ одоб-ахлоқига хос сертакаллуфлик, буюклик билан бирга, ғоят соддалик, одамийлик, катталарга таъзим, ёру дўстларга чексиз хурмат ва муҳаббат Навоий хатларининг асосий мотивларини белгилайдики, буюк мутафаккир қалб изҳорлари-номаларини тадқиқ этиш давом этаверади.

2. Адабий-танқидий мактубнинг ички шакллари. Адабий характердаги мактубда муаллифнинг адабиёт, бадиий асар ҳақидаги холис мулоҳазалари биринчи ўринда туради. Шу нуқтаи назардан қаралса, адабий-танқидий мактубнинг ўзига хос жанрий белгилари куйидагиларда кўринади:

1. Адабий-танқидий характердаги мактуб ёзувчига, асар қаҳрамонларига (шартли), танқидчига, китобхонга мурожаат қилиб ёзилади. Адабий танқиднинг бошқа жанрларидан фарқли ўлароқ унда мурожаат руҳи, таъкид оҳангига, баъзан интим мушоҳадалар етакчилик қиласи.
2. Адабий-танқидий характердаги мактубда, асосан, обьект сифатида танланган асар ҳақида фикр юритилади, шу нуқтаи назардан у маълум даражада тақриз жанрига ўхшаб кетади. Лекин хусусий, шахсий мушоҳадалар устунлик қиласи. Танқиднинг барча жанрларида бўлгани каби мактуб жанрида ҳам мунаққид истеъоди мухим ўрин тутади. Унда муаллифнинг асар гўзаллигини, ғоявий ва бадиий бойлигини ҳис этиш, камчиликларни аниқ идрок қилиш қобилияти ёки, аксинча, ночорлиги сезилиб туради.
3. Мактуб орқали мунаққид бошқа жанрларга нисбатан ҳар қачонгидан кўра ёзувчига, китобхонга яқинроқ бўлади, улар билан бевосита робитага киришади.
4. Мактубда ҳам, тақризда кузатилгани сингари қисқалик, лўндалик устиворлик қиласи. Таъсиранликда руҳий моҳият ишонтириш кучи чуқурлашади, чунки мунаққид ёзувчига, китобхонга қалбини очаётгандек бўлади, мулоҳазалари адресатга маъқул келиши

³ Алишер Навоий. МАТ.14-том. 208-209 бетлар.

келмаслигидан қатъий назар ёзувчи, китобхон ёки танқидчининг бевосита дилидагиларни айтаётгандек йўл тутади.

5. Адабий танқиднинг барча жанрлари адабий жараён, китобхон ва ёзувчи, демак, уч томонлама таъсир кучига эга бўлса, адабий-танқидий мактуб аниқ бир объектга қаратилгандек шаклий йўналиш олади.

Лекин бу мактубда (айниқса, матбуотда эълон қилинган мактубда) кенг китобхонлар оммаси батамом эътибордан соқит қилинади дегани эмас. Бу ўринда мурожаат, адреслилик, шакл ва услубагина хос бўлиб, илгари сурилаётган фикр ва мушоҳадалар кўпчилик томонидан идрок қилинишини назардан қочирмайди.

Бу жанр ривожи ва такомилида Фитрат, М.Кўшжонов, О.Шарафиддинов, О.Тоғаев, У.Норматов, И.Ғафуров каби мунаққидлар мактублари муҳим ўрин тутади. О.Шарафиддиновнинг И.Ҳаққулга ёзган очик хати мисолида ўзбек танқидчилигидаги мактуб жанрининг сифат жиҳатдан янгиланиш жараёнини қузатиш мумкин. Мунаққид И.Ҳаққулга маҳоратидаги гўзал ва нозик нуқталарни эътироф этиш баҳонасида сўнгти босқич ўзбек танқидчилигига содир бўлаётган янги тамойилларни очиб беради, мунаққидлар олдида турган янги-янги вазифаларга эътибор қаратади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий мактублари. Маҳмудхўжа Беҳбудий XX аср бошидаги Туркистоннинг йирик сиёсий арбоби, ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаракатларининг фаол қатнашчisi, янги замон ўзбек маданиятининг асосчиси эди. Туркистон жадидларининг йўлбошчisi, “мустақил жумхурият ғоясининг яловбардори, янги мактаб ғоясининг назариётчisi ва амалиётчisi” (Б.Қосимов), биринчи драматург, мунаққид, театршунос, ношир ва журналист, ўткир публицист эди. “Маҳмудхўжа Беҳбудий уйғониш даври ўзбек адабиётида биринчи ўринни олурга лойик зотдур”, - деб ёзади Ҳожи Муин ибн Шукрулло.

Маҳмудхўжа Беҳбудий публицист сифатида юзлаб мақолалар ёзди. “Ўзининг Миллат ва Ватан, жамият ва ахлоқ ҳақидаги фикрларини кўпроқ мақола ва чиқишлиарида ифода этди...Ҳар қандай ҳолда ҳам Беҳбудий ғоят сермаҳсул қаламкаш эди. Унинг Миллат ва Ватан тақдирни ҳақидаги барча қарашлари, аввало, мана шу мақолаларда акс этган эди”. Бундан ташқари мутафаккир ижодида мактублар ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Ёзувчи хати мавзуси, йўналиши ва шакл хусусиятига кўра икки хил бўлади:

1. Ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, адабий мавзуларда ёзилган мактублар. Л.Толстой, В.Г.Короленко, М.Горькийнинг («Серафимовичга хат») юқорида тилга олинган мактублари, шунингдек, Алишер Навоий, Ойбек, Фитрат, Чўлпон, Садриддин Айний,

Ғафур Ғулом, Фитрат, Беҳбудий ва бошқаларнинг хатларини шу гурухга киритиш мумкин.

2. Ёзувчининг муайян шахсларга қарата ёзган шахсий хатлари. Шахсий хатларнинг ўзини ҳам мавзусига, мазмунига, кимга йўлланганига қараб гурухларга ажратиш мумкин:

- 1) дўстларга, танишларга ёзилган хатлар
- 2) сиёсий-ижтимоий, публицистик мазмундаги хатлар
- 3) адабиётга оид хатлар (ёзувчига, танқидчига в.х.)

Беҳбудий ўзининг “Китобат ул атфол” (1908) дарслигига мактуб жанри ҳақида сўз юритади. Аввало, ўқувчини хат ёзмоқ шартлари билан таниширадики, улар 18 –қисмдан иборат тарзида шакллантирилган.

Адиб мактуб одобидан ўқувчини огоҳ этади. Масалан, 11-қисмда “Хатни камсўз, сермаъно ёзмоқ керак. Эрон, Афғонистон ва Туркиядек шикаст ва таълимсиз ёзмоқни тарк қилмоқ ва хушхат ёзмоқға саъй қилмоқ керак” [Беҳбудий. М. Танланган асарлар. Тошкент. “Маънавият”. 1999. 218 б.].

Ҳақиқатан ҳам хат инсон ҳаётида, жумладан, унинг маънавий юксалишида улкан ўрин тутадиган адабиётнинг ривожланишида маълум аҳамиятга эга. Шунинг учун адиб хатни тушунарли тилда ёзиш, хат бориб тегадиган кишини фаҳм-фаросатига мувофиқ келишига эътибор бериш, халқ тушунмайдиган сўзларни ёзмаслик, турли ажнабий тилдаги сўзларни қўшмаслик ва ҳ.к. ҳақида шартларда батафсил сўз юритади. Отага, онага, яқинларга ёзиладиган хатлардан, расмий хатдан намуналар келтиради.

Мактубларни кимга, нима сабабдан, қачон ёзилишига қараб тасниф қилиб, Беҳбудий шундай ёзган эди: “Ёзилатурғон хатлар икки қисмга бўлинадур. Бири – умумий, дигари – хусусий. Умумий хатлар девонхона, қозихона, тижоратхоналарда ёзилатурғон мактублардурким, расмий аталиб, яна шаръий ва урфий деган қисмларға айриладур. Хусусий мактублар икки киши орасига ёзилатурғон ёднома, муборакбод ва хабарномалардур”. Шундан кейин олим мисол тариқасида кўрсатган хат намуналари ўқувчига хат ёзиш қоидаларини ўрганишда анча қулайлик туғдиради.

Беҳбудий ижодида сиёсий-ижтимоий, публицистик мазмундаги очиқ хатлар ҳам учрайдики, улар адибнинг мактуб ёзиш қоидаларига нечоғли амал қилганини кўрсата олади. “Қозоқ қариндошларимизға очиқ хат”ни ўқир экансиз, жадидлар йўлбошчиси туркий халқларни бирлашишга, Туркистон муҳториятини қўлдан бермасликка чақиради. “Азиз қариндошларим” деб мурожаат қиласи: “Мусулмон биродарлар! Ҳаммангизга маълумдурки, Туркистон, демак, туркий эл бўлиб, мундаги халқнинг қозоги, қирғизи, сарти, ўзбеги, туркмани, татари – ҳаммаси аслан...жаҳонгир... Темурнинг авлоди ёки оғанисиурлар” [Беҳбудий. М. Танланган асарлар. Тошкент. “Маънавият”. 1999. 204 б.].

Миллатнинг истиқоли, озодлиги учун бирлик зарурлигига урғу берар экан, маърифатпарвар адаб мусулмонларни бирлашиш учун бундай фурсат ва замоннинг қайтиб келиши қийинлиги, унинг қадрини билиб ишлаш,”вақт ўтгандан сўнгра ўқинмоқ фойда этмас”лигидан огохлантиради. Очиқ хатда “бир даста таёқни бирга боғласангиз, кимса синдиrolмас. Агарда ажратсангиз, бирин-бирин ҳар ким синдурап” деган бобокалонларнинг машхур насиҳатини мисол қилиб келтиради, бирлашмоққа “жон ва кучларини сарф этган” бошқа халқ вакилларидан ўrnак олишга чақиради. “...биз ўз ичимиздаги қариндошларимиздан айрилсак, уятдур, аҳмоклиқдур. Турк томириға болта урмоқлиқдур”,- деб ёзади.

Маърифатпарвар Беҳбудий очик хатда қайта-қайта мурожаатдан фойдаланади: “Чироғларим, бирлашайлик! Кўрасиз, бу кунги руслар-да бирлашмоқдадурлар. Энди бирлашмоқ замонидир. Агарда сиз айрилсангиз, туркман қариндошлар-да айрилса, Туркистон турклари уч ерга бўлинниб кетар ва барчаға муҳториятдан насиба чиқмай қолур” [Беҳбудий.М.Танланган асарлар. Тошкент. “Маънавият”. 1999. 206- б.)

Очиқ хатни “Оллоҳнинг ипига бирлашингиз ва тарқалиб кетмангиз” Тангрининг сўзиҳидир”,- дея тугатади. Очик хатда адибнинг юрагидан отилиб чиқсан аламли нидолари қанчалик таъсирли бўлмасин, тарих кўрсатдики, халқ бирлаша олмади. Дарҳақиқат, халқнинг келажагини олдиндан кўра билган, туркий халқларни истиқлол учун, озодлик учун бирлашишга чорлаган адаб унинг таназзулидан огоҳ этган эди: муҳторият тугатилди, Беҳбудийнинг орзулари орзулигича қолиб кетди, у истиқлол йўлида ҳатто жонини ҳам фидо этди.

Мазкур очик хат М.Беҳбудийни XX аср бошларида Туркистоннинг илғор кишиси, адаб, файласуф, олим ва маърифатпарвар сифатида кўрсатиб, унинг Истиқлол учун, туркий халқларнинг бирлиги кураши, ўй-хаёллари ҳақида тасаввур бера олади.

Мустақилликка эришганимиздан буюк маърифатпарварнинг руҳи шод бўлгуси.

Адабий-танқидий мактубнинг ички шакллари. Шуниси эътиборлики, XX аср бошларидаёқ бу жанрга мурожаат этишда жонланиш сезилади. XX аср мрбайнода адабий-танқидий мактубга эътибор турли босқичда турли даражада кечди. Ўзбек танқидчилигига унинг О.Шарафиддинов (Салмон Рушдийга очик хат), У.Норматов (Зулфия Куролбой қизига хат), Ш.Холмирзаев томонидан ёзилган намуналари мисолида янги кўринишлари пайдо бўлди. Ўзбек адабий танқидчилигига унинг қуйидаги хиллари учрайди:

- 1.Танқидчининг ёзувчига мактуби.
- 2.Мунаққиднинг китобхонга мактуби .

3. Танқидчининг адабий қаҳрамонларга хати.

4. Ёзувчининг танқидчига мактуби.

5. Танқидчининг танқидчига мактуби.

Танқидчининг адабга мактуби моҳиятнан, икки кўринишга эга:

1) Бунда муваффақиятли чиққан **бадиий** асар ҳақида танқидчи ўз таассуротлари, кувонч ва ҳаяжонларини ёзувчи билан баҳам кўради. Асарнинг ўзига хослиги, адабий жараёнда сезиларли воқеа бўлгани, китобхон қалбидан ўрин ола билишига ишонч натижасида самимий руҳдаги мактублар ёзилади. Бунга мисол тариқасида танқидчи О. Тоғаевнинг ёзувчи Эркин Аъзамга ёзган мактубини кўрсатиш мумкин. "Гражданин-инсоннинг шаклланиши" деб номланган бу адабий-танқидий мактуб мунаққиднинг «Прометей олови» (1985) китобидан ўрин олган.

2) Адабий-танқидий мактуб бадиий жиҳатдан бўш, саёз асарлар пайдо бўлганда ёзилади ва кўпинча шиддатли оҳанг касб этади. Унда мурожаат руҳи етакчилик қиласи. Уни ёзиш замирида адабиётга жонкуярлик, камчиликларга бефарқ қарай олмаслик ётади. Юксак санъат асарлари яратиш учун бундай асарларнинг бош мақсадидир. Танқидчи юксак санъат мезонлари нуқтаи назаридан ёзувчига асари саёз эканини холис исбот қилиб беришга интилади. Бу билан ҳалқнинг китобхонлик даражасини кўтаришга хам кўмаклашади. Шундай очиқ хатлардан бири ёзувчи Иброҳим Раҳимнинг "Одам қандай тобланди?" (1976) асари нашр этилиши муносабати билан М. Кўшжонов томонидан ёзилди. Танқидчи унда асарнинг ўта жўн ёзилганини, айниқса, Н. Островскийнинг "Пўлат қандай тобланди" асарига таассуб ўзбек адиби асарига муваффақият ўрнига катта зарар келтирганини рўй-рост айтади. Мунаққидни, айниқса, асарда бадиийлик, гўзаллик йўқлиги ташвишлантириди. Унинг фикрича, ёзувчи асарда ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантира олмаган, образларда, айниқса, ҳаётйлик етишмайди деган холосага келади.

Бундай очиқ хатларнинг аҳамияти шундаки, биринчидан, адабиётда савияси паст асарлар яратилишига қарши кескин кураш олиб борилади; иккинчидан, ёзувчининг асарда йўл қўйган камчиликларини ўзига очиқ-ойдин кўрсатиб берилади; учинчидан, бундай очиқ хатлар китобхон дидини ўтмаслашиб кетишдан эҳтиёт қиласи; тўртинчидан, адабий жараённи соғломлаштириб туради. Қолаверса, маълум маънода ноширларнинг кўзини очади. Бу хусусиятларнинг барчаси, айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароити учун аҳамиятлидир. Лекин, афсуски, ниҳоятда зарур бўлган ҳозирги даврда ана шундай очиқ хатлар деярли ёзилмаётир.

Мунаққиднинг китобхонга мактуби ўзбек танқидчилигига кам учрайди. Масалан, У.Норматовнинг "Адабий ўхшашликлар хусусида" деб номланган мактуби китобхоннинг саволига жавоб тарзида битилган. Бундай мактублар китоб билан китобхон, мунаққид билан ўқувчи ораларидаги масофани қисқартиришга хизмат қиласди, улар аро жонли мулоқот кўпригини уюштиради. Натижада китобхон билан танқидчи бир-бирини кузатадиган, бир-бирини қувватлайдиган бўлиб боради.

Танқидчи танлаб олган асарлар таҳлили мисолида адабий ўхшашликларнинг ташки томонига эмас, балки туб моҳиятига, ёзувчининг ижодий индивидуаллигига, бадиий концепциясига кўпроқ диққат қилиши лозим деган хуносага келади. Бундай мактубнинг адабий, маънавий-маърифий аҳамияти шундаки, у ўқувчи дунёқарашини чиниқтиришга, ҳаёт ҳақидаги, бадиий асар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтиришга ёрдам беради. Адабий-танқидий руҳдаги мактуб китобхон билан адабий жараён ўртасидаги робитани мустаҳкамлайди, китобхонни мустақил фикрлашга ўргатади, бадиий асарга ижобий муносабатда бўлиш малакасини тарбиялади.

Танқидчининг адабий қаҳрамонларга мактуби ўзбек танқидидаги мунаққид изланишлари, таланти ва иқтидоридан дарак берувчи мактубнинг янги турларидан биридир. Унинг ёрқин намунаси И.Гафуров ижодида учрайди. Ў.Умарбеков қиссалари қаҳрамонларига ёзилган хатлар шундай намуналардир. Мактубда мунаққид қаҳрамонларнинг тутган йўлига, хатти-ҳаракатларига баҳо беради, уларни оқламайди.

Ижодкорнинг танқидчига очиқ хати ўзбек танқидчилигига кам бўлса-да, учраб туради. Бунга мисол қилиб шоир Усмон Азимнинг танқидчи У.Норматовга ёзган хатини кўрсатиш мумкин. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати"да (1987, 13.Х.) У.Азимнинг "Ақл-заковат муросами?" деб номланган очиқ хати эълон қилинди. Газетанинг шу сонида У.Норматовнинг "Йўқ,adolat-ҳақиқат йўли" сарлавҳаси остида жавоб мактуби берилди. Бундай мактубларнинг пайдо бўлиш ташаббускори газета таҳририяти, албатта. Кези келганда шуни таъкидлаш ўринлики, бу газета ўзбек танқидчилигининг, умуман, фаоллашуви, хусусан, юқоридаги каби жонли изланишларга доимо ташаббускор бўлиб келмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, бу мактублар қайта қуриш даврида ёзилган, шунинг учун уларда замон руҳи-фикрни, ҳақиқатни очиқ-ойдин, баралла айтиш руҳи яққол кўриниб туради. Бу мактублар, айни вақтда, 80-йиллар танқидчилигига жиддий изланишлар ва ўзгаришлар бўлганини кўрсатади.

Ўзбек танқиди тарихида мунаққид чиқишлирига шоир ёки ёзувчининг жавоб бериши, у билан баҳсга киришуви, борингки, ўзини химоя қилиши кам учрайдиган ходиса. Бу

ҳолни маълум даражада 20-йиллардаги адабий жараёнда ҳам кузатиш мумкин эди. Адабий мактубда мунаққиднинг мунаққидга мактуби (кўпроқ жавоб тарзида) тури ҳам бор. Бу тур 20-йилларда анча тарқалган эди. Фитратнинг «Ёпишмаган гажаклар»и бунга шаклга мисолдир. Аммо бундай асарларнинг жанрий чегараси ҳали аниқланган эмас, уларни баъзида мақола, баъзида мактуб деб аташ ҳамон давом этмоқда. Характери, рухи, ёзилиш сабабларидан келиб чиқиб, адабий-танқидий мактуб сифатида қараш мақбулдир.

Юқорида эътироф этилган У.Азимнинг мактуби ҳам шу руҳда битилган. У танқидчи мақоласини ўқиб, 20-йиллар анъанасида мактуб ёзишга азм қилганини айтади. Унинг очиқ хатига жавобан ёзилган танқидчи мактубида шоир билан очиқ мунозарага киришилади. Танқидчи шоир даъволарига қарши ўзининг далилларини келтиради. Бу мактубларда ҳар иккала томон зўр бериб, асосан, ўз фикрини маъқуллаш йўлини тутадики, бундай тортишув адабий жараёнга кўп ҳам наф келтирмайди, чунки уларда холисликдан кўра, тарафкашликка сезилмаган ҳолда йўл қўйилади.

Ўзбек адабиётида ёзувчиларнинг мактублари ҳозиргача деярли ўрганилмай келаётир. Ҳолбуки, С.Айний, Ойбек, F.Ғулом, А.Қаҳҳор, Сайд Аҳмад, П.Қодиров, О.Ёқубов ва бошқа кўплаб ижодкорлар мероси адабий мактубларга бойлиги билан ажralиб туради. Бу жанрни жонлантиришда Ш.Холмирзаев фаоллигини таъкидлаш ўринли. Мактубнинг бу тури танқиддан кўра бадиий ижодга тегишли, шу боис уларни алоҳида ўрганиш керак. Бу мактублар ижодкорларнинг яхлит қиёфасини ўрганиш ва яратишда муҳим ўрин тутади.

Санъаткорнинг ижод сирларини, руҳиятини ўрганишда ёзувчи хати муҳим манбадир. Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигига ёзувчи ва файласуф шоир F.Ғуломнинг мактубларини шу нуқтаи назардан қараб чиқиш мавзууни ёритишда ёрдам беради.

3.Адабий мактуб тараққиёти. F.Ғулом ижоди ҳақида жуда кўп тадқиқотлар яратилган бўлса-да, унинг мунаққидлик фаолияти, услуби, адабий танқидчилик жанрларини ривожлантиришдаги хизматлари ҳанузгача алоҳида ҳолда ўрганилмаган. (Бундан Р.Воҳидов, М.Махмудовларнинг «Faғur Ғulom мактублари» мақоласи (ЎТА,2003, 2-сон) мустасно). Ҳолбуки, мустақилликка эришгандан сўнг ёзувчининг адабий-илмий меросини истиқлол мағкураси асосида қараб чиқиш эҳтиёжи туғилди. Шу боис F.Ғуломнинг адабий-танқидий қарашларини жамлаган хазинанинг матний-структуравий жиҳатлари, бадиияти, тили, услуби каби муаммоларни алоҳида олиб ўрганиш зарурияти тобора чуқурроқ сезилмоқда. Ёзувчининг мактублари ҳақида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин.

Шоирнинг ҳозирги замон танқидчилигига ҳам, Faғur ғulomшуносликда ҳам деярли

эътибор берилмай келинган 70 дан зиёд мактублари бўлиб, 40 таси шоир асарлари ўн жилдлигининг 10-томидан ўрин олган. Бу мактубларни мазмун-мундарижасига кўра қуидагича гурухларга бўлиш мумкин:

1.Шоирнинг яқинлари, қариндошлирига ёзган хатлари (Бахри Ғуломовага, Улуг Ғуломовга в.ҳ.).

2.F.Ғуломнинг ижодкор дўстларига ёзган мактублари (А.Лоҳутийга, Улфатга, Собир Абдуллага, Асқад Мухторга, Сотим Улуғзодага, Мирзо Турсынзодага, Ҳамид Ғуломга в.ҳ.).

3.Адабиётшунос олимлар ва журналистларга ёзилган мактублар (В.Мирзаевга, А.Шораҳмедовга, В.Рўзиматовга в.ҳ.).

4.Ўқувчилар ва ёш газетхонларга йўлланган мактублар.

5.Рассомлар, олимлар, турли касб-хунар эгалари, дехқонларга ёзилган хатлар. (масалан: фарғоналик дехқонларга).

6.Қардош халқлар вакилларига ёзилган мактублар (тожик, туркман, озарбайжон, қозоқ, украин в.ҳ.)

Бундай гурухлаш шуни кўрсатадики, хатларнинг барчаси адабиёт, адабий танқид ривожига хизмат қиласи дейиш қийин. Чунки улар турли муносабат билан турли кишиларга ёзилган, баъзилари жуда қисқа, баъзилари шеърий шаклда, барибир, ҳаммаси F.Ғуломнинг ижодий ва инсоний қиёфасини ёрқинроқ очиб беришда маълум аҳамиятга эга. Муҳими шундаки, улар аллома, инсонпарвар, сахий ва меҳрибон инсоннинг улкан қалбини намоён этувчи, шоир қаламидан тўкилган сатрлар сифатида тарих саҳифаларида муҳрланиб қолгандир, Мактубларни диққат билан ўқиб чиқсангиз, кўз олдингизда қалби қайноқ, меҳр-саҳоватга тўла жонкуяр инсон гавдаланади.

Ёзувчининг шундай мактублари борки, улар кўпроқ адабий-танқидий йўсинда бўлганлиги туфайли F.Ғуломнинг мунаққид сифатидаги маҳоратини кўрсатишга хизмат қиласи. Масалан, унинг "Садриддин Айнийнинг 80-йиллик юбилейи тантаналари иштирокчиларга" мактуби маросимга шахсан ўзи иштирок эта олмаган, "йигилган дўстларининг чехрасида ўз муаллими, узоқ йиллик қадрдони улуғ устоднинг сиймосини яна бир бора кўра олмаганидан" афсус чеккан шогирднинг қалб изҳорларидир. Унда "зуллисонайн устод" Садриддин Айнийнинг ўлмас ижодидан фаҳрланиш туйғуси кучли

Яна бир қатор мактубларда зукко ва теран нигоҳли адабиётшунос, адабиётнинг юксаклиги учун қайғурувчи жонкуяр мунаққиднинг сиймоси кўзга ташланади. Шундай мактублардан бири адабиётшунос Валижон Мирзаевнинг газетада эълон қилинган "Нафасдек табиий, рост сўз" мақоласидаги баъзи мулоҳазаларга жавоб тарзида ёзилган бўлиб, адабиётнинг муҳим масалаларига дахл қилинган.

Шоир Бедил байтларидан мисол келтириш билан мактубнинг бадиийлигини таъминлаган, жозибали тили китобхон диққатини тортувчи фазилат кашф этган. Унда аниқлик, илмийлик тамойили кучли, шу билан бирга ўз фикрида событлик ва адабиётга, унинг аҳлига катта муҳабbat сезилиб туради. Айниқса, F.Гуломнинг қарашларида адабиётнинг ўлмаслиги, шоирликнинг безаволлиги ҳақидаги хуносалари эътиборлидир.

F.Гулом адабий жараённи сезгир кузата туриб, ўзбек танқидчилигининг ҳаётдан анча орқада қолаётганини, етук танқидсиз бадиий адабиётнинг қўнгилдагидек юксакликка эриша олмаслигини таъкидлаб, бу кемтикликни тўлдириш ниятида адабиётнинг юксаклиги учун курашади. "Ёш шоир Амин Умарийга ўртоқлик хати" шу муносабат билан ёзилган. Адабий-танқидий характердаги бу мактубда шоирнинг учта шеърини таҳлил этиб, ўз хуносаларини асослайди. F.Гулом ёш шоир ижодига ўта эҳтиёткорлик билан ёндошади, «ўзаро бир-биримизга маслаҳат берсак қалай бўларкан?» дейди камтарлик билан. Мактубни ёзишдан мақсади уч тарафламалигини шундай баён этади:..бир ўқувчи сифати билан танқид қилмоқчи, бир шоир сифати билан ўзимдаги тажрибаларни ўртоқлашмоқчи, ва айниқса, бир ўртоқ бўлиш билан "койимоқчи" бўламан" (Faafur Гулом. Танланган асарлар. 10 томлик. 10- том. Тошкент. FACH. 1978. 63- бет).

Мунаққид, энг аввало "шоирнинг ютуқлари": "Икки ёшлиқ" шеърининг мазмуни яхшилиги, сюжет жиҳатидан ҳам яхшилиги, аммо анчагина жиддий камчиликларга эгалигини қўрсатиб беради. У шоирни образнинг мантиқий муносабатлари тўғрисида жиддий ўйламаганлиқда айблайди, "кўпроқ тил ва умуман сифат учун "койимоқчи" бўлади. Ёш шоирнинг вазн ва қофияларга эътибор қилиши талабчан мунаққидга ёқади:

" Уҳдасидан чиқай ватаним берган-

Жону дилдан севган улуғ қарзимни..
сатрлари қандай яхши, унда соддагина қилиб айтилган бир самимият бор. Шеърда шунаقا байтлар кўп бўлсин. Шуларга қарамай, бу

шеърларда изчил давом йўқ. Айрим жумлалар эгасиз..".

Faafur Гулом шоир сифатида Амин Умарий шеърларидаги қофия, вазни бузилган ўринларни бирма-бир қўрсатиб беради. Кўпроқ тил масаласига эътибор қаратишни маслаҳат беради. Мактуб охирида яна ўз мақсадини такрорлайди: "Мен бу билан сизнинг умуман ижодингизга баҳо бермоқчи эмас эдим. Бу адабиётни баланд даражада кўтаришни, унинг бадиий содда, шу билан бирга санъатча қунт билан ишланган, эмоционал бўлишини истаган бир ўртоқнинг самимий мактубидир". У ўз сўзларини ижодининг юксалиши учун Амин Умарийнинг бу дўстлик маслаҳатларига қулоқ солишига ва яхши асарлар беришига умид билан тугатади. Бу мактуб буғунги ёш бошловчи шоирлар ва танқидчилар учун дастуриламал бўла олиши билан ҳам аҳамият

касб этади.

F.Ғулом мактубларининг энг муҳим фазилатлари- қисқалик, аниқлик, мулоҳазани очиқ-ойдин ўта юксак маданият ва камтарлик билан баён этишнинг устиворлигидир. Уларнинг матний қурилиши ҳам шунга мос. Кўпчилик мактублар мурожаат, байтлар билан далиллаш, фикрларни асослаш каби қисмлардан иборат. Бундан ташқари шогирднинг устозга, устознинг шогирдга мактублари уларнинг ижодида катта аҳамият касб этади, уларнинг мактублари орқали ижод жараёни устидаги ишлари, маҳорат сирлари ва бошқа жуда кўп жиҳатларни ўрганиш мумкинлигини юқоридаги хатлар ёрқин кўрсатиб турибди.

Ўзбек адабиётида устозу шогирд ўртасидаги ёзишмалар кам учрайди. Абдулла Қаҳҳорнинг ёш истеъдодли ижодкорларга ёзилган ҳажман қисқа, бўлса-да, улар ижоди учун катта аҳамият касб этган мактублари мавжуд. Унинг Ш.Холмирзаевга ёзган мактуби қисқа ва аниқликка эга: «Ҳурматли Ш.Холмирзаев!

«Шарқ юлдизи»да босилган «Тўлқинлар» повестингизни ўқидим. Повесть яхши таассурот қолдирди. Маъмуржонни бошда табассум билан тасвир этасиз. Бутун асар давомида қисқаликка интиласиз. Ёзувчиликда кўзингиз очилиб келаётганлиги қўриниб турибди. Назаримда, повестнинг номи тўғри эмас.

Кейинги ишларингиз бароридан келсин!

Салом билан Абдулла Қаҳҳор» (Абдулла Қаҳҳор. Ёшлар билан суҳбат. Тошкент. «Ёш гвардия». 1968. З-б.). Бу хат ва эътиборнинг Ш.Холмирзаев ижоди ва ҳаётида қанчалик катта ўрин тутганлигини кейинчалик ёзувчининг ўзи ҳам эътироф этган. Ёки А.Қаҳҳор «Чўл ҳавоси»ни ўқиб суюниб кетганлигини ёш адиб Ўткир Ҳошимовга ёзган хатида қисқа ва лўнда сатрларда ифодалайди, асарнинг мукаммал чиқиши учун баъзи маслаҳатлар ҳам беради: «Қиссанинг хат шаклида бўлиши кўп жойларда ритмни бузади, сизни чеклаб қўяди. Ҳикоя биринчи шахсдан олиб борилса ҳам шундай бўлар эди. Буни ўйланг, хисобга олинг». Бу хатларнинг аҳамияти ҳақида О.Шарафиддинов шундай ёзади: «Бундай хат бутун умр эсдан чиқмайдиган бўлиб, ҳарфларигача ёд бўлиб, ёш ёзувчи хотирасида қолади».

А.Қаҳҳор ижодида яна бир мактуб учрайди: у «Ўртоқ К.К.» деб бошланади. У юқоридаги мактублардан тубдан фарқ қиласи. А.Қаҳҳорнинг истеъдодсиз ижодкорлар ва савияси бўш асарларга нисбатан муросасизлигини кўрсатувчи бир мисол сифатида адабиёт тарихида қолган.

Бу мактуб ҳам қисқа, уч қисмдан иборат. Энг аввало, ёзувчи мактуб эгасидан хатни кечикиб ёзганлиги учун узр сўрайди. Биринчи қисмда ҳикояси таҳририятдан қайтган ижодкорга очиқ-ойдин бор ҳақиқат очиб берилади: «Бу ҳикоянгиз сизда талант борлигини

кўрсатмайди, ёзувчиликка ҳавас уйғонганини кўрсатади, холос. Ҳавас ҳаммада ҳам бўлиши мумкин, лекин ҳаваснинг ўзи кишини ҳеч қаёққа элтмайди. Мен, масалан, танбур чертиб ҳаммани қойил қилгим келади, лекин начораки, дард бор-у, дармон йўқ».

Иккинчи қисмда А.Қаҳҳор ижодкорга ростини айтмаган таҳририят ходимларини айблайди. Учинчи қисмда ёзишдан мақсад нима эканлигига аввало диққат қаратиш лозимлиги уқтирилади. «Бошқа иш қилинг. Бошқа ишда муваффақият тилайман» деган сўзлар билан мактуб тугалланади.

Назаримизда, хикояси бир неча марта таҳририятлардан қайтган ҳаваскор бир ёзувчи А.Қаҳҳорга арзи-дод қилиб мактуб йўллаган. Ёзувчининг жавоб мактуби кескин ва айни пайтда ҳаққоний бўлғанлигидан тўғри хulosса чиқариб, унинг маслаҳатларига амал қилган кўринади. Чунки адабиётда кейинчалик «К.К» исм –шарифли адибнинг учрамаслиги шундай хulosага олиб келади. Шундай мазмундаги мактублар ёш, бошловчи шоирлар учун нақадар зарурлигини бугунги ўзбек шеърияти тараққиётидан ҳам кўриш мумкин. Ўзбек ёзувчилари ва шоирлари, мунаққидлари ёш ижодкорларга ана шундай муносабатда бўлишса, сийқаси чиққан шеърлардан иборат китобчалар, тўпламлар бунчалик кўпаймасмиди?

Ғафур Ғулом, А.Қаҳҳор каби истеъодоли ёшларга хайрихоҳлик туйғуси йўғрилган мактублар, мақолалар, такризларни ўқиш эҳтиёжи бугунги кунларда, айниқса, кўпроқ сезилаётганлиги сир эмас.

Кейинги йилларда ўзбек адибларига китобхонлар ёзган хатлар ҳам, ўзига хос тарздаги адабий-маданий бойлиқ экани маълум бўлиб бормоқда. Бунга шоир Шукруллога ёзилган юзлаб хатлар асосида тузилган “Фойибона мұхаббат”(2011) тўплами мисол бўла олади.

Ёзувчининг танқидчига мактуби кам учрайди. Аммо ўзбек танқидчилигига айrim намуналари мавжуд:

Ўзбек адабиётининг кейинги йиллардаги тараққиётини кузатар эканмиз, бу жанр Шукур Холмирзаев ижодида анча ривожланганини кўриш мумкин. Адибнинг 1987 йилда нашр этилган «Тоғларга қор тушди» китобида «Танқидчига уч мактуб» руқни остида мактублар берилган. Гарчанд ёзувчининг ўзи уч мактуб дея белгилаган бўлса-да, уларнинг иккитаси мактуб, биттаси тақриз жанрига тегишлидир. Ҳар учаласи ҳам мунаққид И. Ғафуров ижоди ҳақида бўлгани учун уларни адабий-танқидий мактуб ва тақриз жанрларида ёзилган деб қараш мақсадга мувофиқ.

Биринчи мактуб «Қатралар» деб номланган ва 1963 йилда ёзилган. У танқидчининг «Гўзалликнинг олмос қирралари» китобини ўқигандан кейинги ёзувчининг

мулоҳазаларидан иборат. Хат муаллифи танқидчининг китобда эришган ютуқларини кўрсатади: «Ҳаётнинг олмос қирраларини бадий асарда тасвирлаш ва бадий асарнинг ўз олмос қирралари бўлиши ҳақида фикр юритгансиз. Бадий асар қирраларини ўзингизча, оригинал тарзда изоҳлайсиз, ҳатто номлайсиз(жозиба), унга таъриф берасиз ва шунга мисоллар келтирасиз, шу йўл билан бадий асарнинг ички дунёсига киришга, унинг йўуллари- йўлкаларига аралашишга... харакат қиласиз» (Шукур Холмирзаев. Тоғларга қор тушди. Ташкент. «Ёш гвардия» .1987. 170-бет).

Ш. Холмирзаевга мұнаққид тутган йўл асосан, маъқул бўлган. Китобнинг табиийлиги, тилини ўқиб хурсанд бўлганлигини изхор этади. Аммо мұнаққид тилидаги «чучмалликлар»ни ҳам мисоллар билан кўрсатиб беради. Танқидчининг ўзини ҳам қисқа гапиришга «икки бетлаб, уч бетлаб экспозиция ясамасликка» чорлайди. Китобнинг энг сўнгти боби «Диалог жилвалари»ни «Шарқ юлдузи»даёқ ўқиб жуда хурсанд бўлганлигини айтади: « Мақолада келтирган фактларингиз ҳам, анализингиз ҳам, ўйларингиз ҳам жуда гўзал. Шунақа мақолалардан кўпроқ бўлсин! Бу факат фойда келтиради».

Ёзувчи китобнинг «Гўзалликнинг олмос қирралари» эмас, балки «...қатралари» дейиши, танқидчи ижодидан ҳам бир қатра бўлишини истаб мактубини тугатади.

Иккинчи асар - аслида тақриз «Йиллар ўтиб кетар» деб номланган бўлиб, танқидчининг «Ўртоқ шоир» китоби ҳақида» эканлиги сарлавҳадан кўриниб турибди. Унинг биринчидан, танқидчининг янги чиққан китоби ҳақида эканлиги, иккинчидан, асарнинг ютуқларини, ўзига ёққан томонларини таҳлил қилиб баҳо бериши, китобнинг адабий жараёндаги ўрнини кўрсатиш хусусиятларига эгалиги, энг муҳими, мактубга хос – мурожаатнинг йўқлиги тақриз жанрида ёзилганлигини кўрсатиб турибди.

Учинчи мактуб « Сим-сим, оч эшикни» деб аталади. У 1973 йиллар маҳсули. Мактуб, одатдагидай мурожаат билан бошланади:

«Иброҳимжон Ғафуров!

«Сим-сим, оч эшикни!» - бу сўзларни сирли хазинанинг калити каби қабул қилган бўлсам, кейин инсон маънавий хазиналари учун ҳам бадий сўзни шундай калит деб билдим» жумласи билан бошланган «Ёнар сўз» китобингизни ўқиб чиқдим. Умумий хulosам бундай: фикр доирангиз жуда кенгайибди, дўстим. Сим-сим билан очиладиган эшик ичкарисидаги поэзия отлиқ жавоҳирлар олами сир-асорини жуда ҳам яхши тушуниб кетибсизки, Сизнинг у жавоҳирларга «баҳо қўйиб», сарагини саракка, пучагини пучакка ажратган жойларингизни ўқиганимда, айниқса, бунга амин бўлдим. Фикринг, исботинг бошқа бир киши кўнглидан ҳам худди ўзингизники каби акс садо топса, қандай баҳт !..»

Ёзувчининг адабий-танқидий мактубдаги қалб ҳарорати-ла битилган бу самимий

сатрларини ҳар бир китобхон катта қизиқиши билан ўқийди, сарлавҳанинг ўзиёқ ўқувчи диққатини ўзига оҳанрабодек тортиш хусусиятига эгаки, бу мактуб муаллифининг маҳоратини ҳам кўрсатувчи бир нишонадир.

Мактубда Ш.Холмирзаев бошқа хатларида учрамайдиган бир усулни танлайди: яъни фикрларнинг хилма-хиллигидан пайдо бўлган мисоллардан «бир парча» диалог тузади. Бир асар ҳақида икки мунаққиднинг фикрларини келтиради. «Танқидчи» ва «Сиз». Бу йўл китобхонга таҳлил этилаётган асарлар ҳақида ҳам, икки танқидчининг икки хил қарашларини ҳам мулоҳаза қилиб кўриш имкониятини кенгроқ яратади.

Ёзувчига китобнинг энг маъқул бўлган жиҳатлари: мароқ билан ўқилиши, эҳтирос ва шиддат билан ёзилганлиги. Буни у «китобнинг энг муҳим фазилатларидан бири» сифатида танқидчининг ўзига кўрсатиб беради. Асадаги йигирмага яқин мақоланинг ҳар бири кишида фикр уйғотиши ҳам унинг ютуғи эканлиги адибни қувонтиради.

Талабчан адибни Э.Хемингуэй ва О. Ёкубов ҳақидаги мақолалар қониқтирмайди, бунинг сабабларини у хат йўлланган мунаққидга-И.Ғафуровга тушунтириб беради.

Мактуб, биринчидан, адабий жараёнга, танқидчиликнинг тараққиётига бефарқ қарамайдиган ёзувчи Ш.Холмирзаевнинг мукаммал портретини яратишда муҳим восита бўлиб хизмат қила олади. Иккинчидан, кенг ҳалқ оммасига танқидчилик асарларини, мунаққидлар қиёфасини очиб беришда, танқидчи ижодининг шаклланиш жараёнини тадқиқ этишда ҳам муҳим роль ўйнай олади. Ш.Холмирзаев ижодида бу жанр мустақиллик йилларига келиб анча ривожланганини унинг ўзи ёзган хатлар ва ёзувчига битилган бир неча мактублар кўрсатади.

Ёзувчининг «Ўттиз беш ёшда ҳам» деб номланган мактуби ёзувчи Эркин Аъзамга йўлланган бўлиб, уни ёзувчининг ёзувчига мактуби сирасига киритиш мумкин. Ш.Холмирзаев хатни жуда самимият билан юритига- Сурхондарёга бориб келишидан бошлайди, мактуб ёзишга ундан сабабалар ҳақида фикр юритади. Энг аввало, адабий жараёндаги ўзгаришлар, янги асарларга баҳо берадики, мактубда тақризга хос унсурлар кўзга ташланиб туради. Масалан, у О.Хожиева, Т.Маҳмудовлар ижодига танқидий нигоҳ ташлайди. Мактубнинг иккинчи қисмида Э.Аъзамнинг «Пакананинг ошиқ кўнгли» асари ҳақидаги фикрларини очиқ-ойдин, сурхончасига дангал айтиб ташлайди, асадан қониқмаган нуқталарни кўрсатиб ўтади.

Адибнинг бошқа асарларига ҳам тўхталиб ўтар экан, «Навоийни ўқиган болалар» ҳикояси ўзига жуда маъқул бўлганидан хурсанд бўлади. Тоға ҳақидаги ҳикояни эса «классик бўлибди» дея мақтайди. Аслида ўттиз беш ёшлигига зўр-зўр асарлар ёзган адибларнинг ижодидан қониқмаслик туйғулари билан бошланган мактуб, Э.Аъзам ва йўл-йўлакай унинг ёшидаги бошқа ижодкорлар асарларининг таҳлили орқали маълум

хulosаларни беради ёзувчига: «азиз асримиз ўтган бу ўн йилликларда ҳам ғимирлаб юрган экан». Ўттиз беш ёшидан ўтган ёзувчилар ҳозир ҳам адабиётимизга, халқимизга керакли озиқни, рухни бераётганликларидан адаб қувониб, мактубини тугатади. Хатни ўқиган китобхон адабий жараёндаги янгиликлардан ҳам боҳабар бўлади, асарларга берилган баҳо уларнинг китоб ўқишига қизиқишини маълум даражада орттиради. Хат оловчи ёзувчининг ўзига ҳам дўстона маслаҳатлар ижодий сабоқ бўлишига ишончимиз комил.

Мактубнинг тузилиши, тили, мурожаатларнинг сурхончасига, Шукур холмираевчасига такрорланиши, ундаги эркинлик хиссининг юкорилиги, жозиба кучининг баландлиги, юксак бадиийлик, илмий ва образли тафаккурнинг уйғунлиги бу хатни шу жанрнинг ёрқин намунаси дея олишга имкон беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ёзувчиларнинг хатлари ўша давр адабий ҳаёти, ижод муаммолари, ижод лабораторияси ичига чуқурроқ киришнинг калитларидан биридир. Шунинг учун уларни тўплаш, ўрганиш, тадқиқ этиш адабиётшунослигимиз ва танқидчилигимизга катта самаралар келтиради. Шу ўринда Мақсад Шайхзоданинг Аскад Мухторга ёзган бир хатида ўкиниб айтган сўzlари ёдга тушади: « Қаранг энди: ярим аср мобайнида ўзбек шеъри майдонининг шери жаёни (газабли шери) бўлиб наъра тортган унутилмас дўстимиз Абдулғафурнинг менда, Сизда ва бўлак дўстларида биронта мактуби борми, ёзилганми ўзи ёки ёзилган бўлса сақланганми?» (ЎзАС, 2004, 14 май).

Бу фикрни мактублари ўрганилмаган жуда кўплаб ўзбек ижодкорлари ҳақида ҳам айтиш мумкин. Шу мулоҳазаларнинг ўзиёқ мактубларни жанр сифатида алоҳида ўрганиш, унинг ички кўринишларини чуқур тадқиқ этиш нақадар зарурлигини кўрсатади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, адабиётга дахлдор мактублар адабий жараёнда ҳам, ижодкорлар ҳаётида ҳам маълум ўринга эга ва уларнинг турли шакллари мавжуд. Адабий-танқидий мактубларнинг тур ва кўринишлари уларнинг структураси, бадиийлиги ва публицистик руҳини, шакл ва мазмун, тили, мунаққид қиёфаси, услуби каби муаммоларни ўрганиш зарурлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун адабий-танқидий мактубни тадқиқ этиш, юксак санъат асарлари яратиш йўлидаги санъаткор жонбозлигини кўрсатиш учун муҳим аҳамият касб этади. Адабий-танқидий мактублар кимга атаб ёзилганидан, қандай характерда эканидан қатъи назар, ўзбек адиби ва адабиёти, умуман, адабий танқиднинг бадиий савияси ўсишига, унинг ранг-баранг жилоланишига хизмат қиласади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар :

1. Адабий-танқидий мактубларнинг илдизи ҳақида гапиринг.
2. Жанрий белгилар деганда нимани тушунсиз?

3. Адабий-танқидий мактубларнинг турли шакллари ҳақида гапиринг.

4. Мактуб жанрининг ўзига хослиги нимада?

5. Мактуниң қандай ички турлари мажуд ?

Мустақил ўқиши учун адабиётлар:

1. Ахмедова Ш. Мактубот ва адабий танқид. Т. Фан, 2005.
2. Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. Т.2008.
3. Назаров Б. Ҳаётийлик –безавол мезон.Т. «Фан». 1986.
4. Норматов У. Ижод сехри. Т., 2009.
5. Пушкин А.С.Танланган асарлар.8-том.Тошкент.1982, - Б.238.
6. Гафуров И. Ҳаё - халоскор. Т. «Маънавият».2009.
7. Ҳаққулов И. Ижод иқлими.Т, 2009.

8-МАВЗУ: АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ СУҲБАТ ЖАНРИ

Режа:

- 1.Адабий–танқидий суҳбат жанрига хос жиҳатлар.
- 2.Суҳбатнинг ички кўринишлари
- 3.Суҳбат тараққиёти ва намуналари таҳлили

Таянч тушунчалар: суҳбатда шакл ва мазмун бирлиги, танқидчи ва ёзувчи суҳбати, хат қурилиши, суҳбат, мулоқот, танқидчилар гурунги, давра суҳбати, танқидчи таланти.

Адабий–танқидий суҳбат жанрига хос жиҳатлар. Суҳбат икки ва ундан ортиқ шахснинг ўзаро мулоқотидир. Мулоқот турли характер ва йўналишда бўлиши мумкин. Адабиёт ҳақида, санъат ҳақида икки киши (олим ва адаб, танқидчи ва шоир) аро кечувчи суҳбат танқидчиликнинг гўзал ва қизиқарли шаклларидан биридир. Суҳбатда бир-бирини тушуниш ёхуд принципиал равишда бир-бири билан келиша олмасликдан қатъий назар, унда мавзуни чуқур идрок ва ҳис эта олгувчи мутахассислар иштирок этади. Ёзувчи билан танқидчи, мунаққид билан шоир, драматург билан олим ўртасидаги суҳбатда адабиёт, ижоднинг нозик муаммолари, баҳсли нуқталари ёритилади. Адабий асар, адабий жараён , ижодий лабаратория ҳақида жамоатчиликка, мутахассисларга янги маълумотлар берилади, у ёки бу масалага мустақил нуқтаи назар илгари сурилади.

Суҳбат адабий танқиднинг алоҳида бир жанри саналиб, ўзига хос табиатга ва хусусиятларга эга. Унда икки суҳбатдош–ёзувчи ва танқидчининг ёхуд ёзувчи - ёзувчи, мунаққид-танқидчи қиёфаси, қалби, фикрлаш тарзи, маънавий дунёси, диди яққол

кўриниб туради. Мулоқотда сұхбатдошларнинг адабиёт ҳақидаги қарашлари, фикрлашлари, бадиий ва илмий тафаккур тарзи, адабий жараёнга, бадиий асарга, адабий муаммоларга муносабати, эстетик ақидалари ёрқин намоён бўлади. Сұхбат жараёнида мужмал тушунмовчиликларга ўрин қолмайди, кескин мунозаралар ҳақиқатнинг кўзини очишга йўналтирилади. Баъзида сұхбатдошларнинг қарашлари бир-бирига тўғри келмаслиги, улар бир-бирини рад этиши мумкин. Лекин, асосийси, улар сұхбат моҳияти юксак адабиётга ва китобхон манфаатига хизмат этади. Шу билан бирга адабий-танқидий сұхбат орқали сұхбатдошлар сиймоси, киёфаси, табиати, характеристига хос мухим белгилар очилади.

Адабий танқиднинг қизиқарли саналувчи бу жанри кўп асрлик анъаналарга эга. Тарихий илдизлари Суқрот, Афлотун сұхбатлари ривожланган қадимги юонон адабиётига бориб тақалади. Матбуот пайдо бўлгунча, бизда бу жанр оғзаки тарзда – бедилхонлик, навоийхонлик, машрабхонлик каби оғзаки шаклларда ҳукм суреб, турли мушоираларда бўй кўрсатган.

2.Сұхбатнинг ички кўринишлари. Адабий-танқидий сұхбатлар бир неча ички кўринишларга эга:

1. Ёзувчи билан мұнаққид сұхбати.
- 2.Танқидчи билан адабиётшунос сұхбати.
- 3.Ижодкор (ёзувчи, шоир) билан ижодкор сұхбати.
4. Мұнаққид билан китобхон сұхбати.
- 5.Давра сұхбати (танқидчилар гурунгини ҳам шунга киритиш мумкин).

Ёзувчи билан мұнаққид сұхбати. Сұхбатнинг бу тури, асосан, 70-йилларда ривожланди. У кўпроқ адабий жараёндаги муаммоларни ҳам, ёзувчи ижодидаги айrim масалаларни қамраб олишга ҳаракат қиласди, фаоллиги билан ажralиб туради. Бунда ёзувчи ижодий лабараториясига оид маълумотлар, адабтнинг ўз амалий фаолиятидан чиқарган назарий хуросалари акс этади. Адабий-танқидий сұхбатнинг бу хилини ривожлантиришга С. Мамажонов, У.Норматов, О.Шарафиддинов, И.Хаққулов, Н.Худойберганов, М. Саъдий каби мұнаққидлар ўз ҳиссаларини қўшдилар. Бу борада, айниқса, У.Норматов сұхбатларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Танқидчи билан адабиётшунос сұхбати. Сұхбатнинг бу тури ўзбек танқидида кенг тараққий этмаган бўлса-да, сўнгги босқичда жонланиш сезилади. Адабиётшунос О.Абдуллаевнинг мұнаққид О.Шарафиддинов билан сұхбати унинг гўзал намуналаридан

биридир. Мунаққид устозга унинг наинки, ҳозирги катта тажриба орттирган ижодий даври, балки ёшлиқ йиллари ҳақида ҳам қатор саволлар беради. Сұхбатда О.Шарафиддинов ўз болалик йиллари, дастлабки ўқиган бадиий асарлари, мактабдаги таҳсил, қатағон даврининг жонли хотиралари ҳақида сўзлайди. Бу маълумотлар биринчидан, ўқувчини мунаққиднинг ҳаётига чуқурроқ олиб киради, қолаверса, унинг портретига чизгилар сифатида қимматлидир.

Икки сұхбатдошнинг адабий танқид моҳияти, адабий жараёндаги ўрни, нуқсон ва ютуқлар, замон ва адабиёт муаммоларига оид қарашлари танқиднинг жонли манзараларини кўриш ва кузатишида муҳим аҳамиятга эгадир. Сўнгги йиллардаги У.Норматов, Х.Болтабоев, И.Фафуров, Й.Солижонов, У.Ҳамдам, Э.Очиловларнинг бу йўналишдаги сұхбатлари, адабий танқид ва адабий жараённи янада жонлантирумокда. Бу сұхбатлар ҳам адабиётшунос олимнинг, ҳам халқ меҳрини қозонган истеъоддли мунаққиднинг илмий, ижодий қиёфасини, сұхбат маданиятини кўрсатишга хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, «Шарқ юлдузи», «Ўзбек тили ва адабиёти» журналлари сахифаларида танқидчи ва адабиётшуносларнинг ўзаро сұхбатлари тез-тез бериляптики, демак, уларга қизиқиш йилдан йилга кучайиб бормокда.

Ижодкор (ёзувчи, шоир) билан ижодкор сұхбати. Э.Воҳидов, Ў.Хошимов, А.Орипов каби машхур ёзувчи ва шоирларнинг ёш ижодкорлар билан сұхбати жамоатчилик томонидан доимо катта қизиқиш билан кутиб олинади. Масалан, ёш ижодкор Сафар Оллоёрнинг Шукур Холмирзаев билан сұхбати («ЎзАС», 2002 йил, 22 ноябрь)да сарлавҳасига ёзувчи сўзлари чиқарилган: «Жаҳонбоп асар ёза оламан, лекин...» деб номланган. Бу сарлавҳанинг ўзиёқ ўқувчини жалб этиш хусусиятига эга, аниқроғи, унда структурал жиҳатдан қизиқтирувчи код мавжуд. Сұхбатда адабиётнинг дунёга чиқишида таржиманинг роли ҳақида фикр юритилади. Самимий, дилдан ўртоқлашиш руҳида ташкил этилган сұхбатдан Ш.Холмирзаевнинг ҳақиқатгўй, адолатпарвар ва катта орзулари билан яшаган қиёфаси китобхон хотирасида сақланиб қолади.

Мунаққид билан китобхон сұхбати ўзбек танқидчилигига кам учрайди. Юқорида эслатганимиз инглиз адаби ва танқидчиси Р.П.Уорреннинг «Нью-Йорк штати Юнион коллежи талабалари билан сұхбат»и бу жанрнинг ёрқин намунасиdir. Бундай сұхбатларда ёзувчи кенг китобхонлар оммасининг сұхбатдош мисолидаги вакили билан юзма- юз учрашиш имконига эга бўлади. Айни вақтда, оддий китобхоннинг адаб билан,

асарларини ўзи севган (ёки севмаган) ёзувчи билан юзма-юз учрашуви унинг китобхон сифатидаги иқтидори, диди шаклланиши, у ёки бу адабий-эстетик муаммоларни ойдинлаштириб олишда мухим аҳамиятга эгадир. Айниқса, ёзувчи ва китобхон сұхбатининг баҳс характерида кечиши унга салкам бадиий асар тусини беради ҳамда бундай сұхбатта ишқибозлар аудиториясининг кенгайиши сабаб бўлади. Бизнинг газета ва журналлар, танқидчилар адабий-танқидий сұхбатнинг бу турига ҳам эътибор қаратишса, ўзининг гўзал самараларини бериши шубҳасизdir.

Танқидчининг олимлар билан сұхбати. Сұхбатнинг бу тури ўзбек танқидчилигига кўп учрайди. Унинг ёрқин намуналари таниқли адабиётшунос ва мунаққид И.Ҳаққул ижодида кузатилади. Олимнинг (1991)»Ғазал гулшани» деб номли китобидаги сұхбатларни муаллифнинг ўзи «адабий сұхбатлар» деб атайди ва улар “таҳлил-мушоҳада шаклида” ёзилганини таъкидлайди.

Иброҳим Ҳаққул сұхбатлари ўзининг ниҳоятда эркинлиги билан диққатни жалб этади. Мунаққид баъзи сұхбатларда бўлгани каби саволлар бериб ўтирумайди. Масалан, «Гоявийлик ва маҳорат чўққиси» деб сарлавҳаланиб, профессор А.Ҳайитметов билан олиб борилган сұхбат Алишер Навоий ғазаллари, улардаги адабий анъана ва янгиликнинг ўрни каби масалаларга бағишиланган. Сұхбатда Навоий ғазалларидаги анъана ва янгилик хусусида фикр юритилади. Сұхбатларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, сұхбатдошлар қайси шоир ҳаёти, ижоди ҳақида фикр юритмасинлар, масалага кўпинча жаҳон адабиёти, юксак санъат мезонлари асосида ёндашишга ҳаракат қиласидилар.

Давра сұхбати. Номидан кўриниб турганидек, бу бир неча сұхбатдошлардан ташкил топади. Сұхбт кўпинча муайян муаммо атрофида уюштирилади. Ёки бирор ижодкор ҳаёти, ижодини чуқурроқ ўрганишга бағишиланади.

Адабиётшунос С. Мамажонов «Адабий жараён ва адабий журналларда адабий танқид» мақоласида 1983 йилда “Ёшлик” журналида эълон қилинган сұхбатлар ҳақида атрофлича фикр юритади.”Шакл– томир, мазмун – қонми?” деган давра сұхбати ўқувчини ўйлашга мажбур этадиган хусусиятга эга эканлиги кўрсатилади. “Ёшлик” журнали “Литературная учёба” журнали билан ҳамкорликда ибратли бир эксперимент – тажрибасига жамоатчилик эътибори тортилди. Миллийлик, шакл, анъана ва новаторлик, таржима, тил масалалари муҳокама қилиниб, А.Мухтор, М.Қўшжонов, О.Ёқубов, Э.Воҳидов, И.Гафуров, О.Матжон каби адаб ва мунаққидлар иштирок этган бу давра сұхбати ўз вақтида наинки Ўзбекистон, балки ундан ҳам кенгроқ миқёсдаги китобхонлар эътиборини жалб этди. Кўтарилилган масалалар, айниқса, ёшлар ижоди, уларнинг бугуни ва

эртаси билан жипс боғлиқликда ёритилди. Ўша вақтда тилга олинган қатор ёш ижодкорлар кейинчалик, миллий адабиётимизнинг пешқадам намояндалари бўлиб етишди.

«Янгиланиш умиди» деб номланган давра сұхбати ўзбек адабиётшунослигининг бугуни ва келажаги муаммосига бағишиланган. Унда Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институтининг ёш олимлари қатнашганлар. «Гулистон» журналида эълон этилган мазкур давра сұхбатида адабиётшунослиқ турғунлик даври қолдирган асоратларнинг сабаб ва оқибатларини очишга ҳаракат қилинган. Ташаббусларга йўл очиш, илмда соғлом ижодий муҳит яратиш, жаҳон миқёсидаги илғор тажрибаларни ўзлаштириш, иқтидорли ёшларга эътиборни кучайтириш каби муҳим масалалар кун тартибига қўйилгани ушбу сұхбатнинг илмий-назарий аҳамиятини белгилаб беради.

«Болалар адабиёти юксалиш мashaққатлари» деб номланган давра сұхбати («ЎзАС», 2002 йил 24 май)да болалар адабиёти муаммолари билан шуғулланувчи мутахассислар, шоир ва адиблар қатнашдилар ва мустақиллик даври болалар адабиётида бадиий бақувват асарлар яратишнинг долзарб муаммолари ҳақида фикр юритилди.

Танқидчилар гурунги. Аталишидан кўриниб турганидек, бу сұхбат турида, асосан, мутахассислар иштирок этадилар. Мавзу ва муаммо кўпинча, адабий танқид хусусида бўлса-да, бундай сұхбатлар бадиий адабиёт ва ижодиётнинг турли йўналишидаги масалалар атрофига ҳам бўлиши мумкинлигини инкор этмайди. Масалан, «Бугунги танқид ҳақида қандай фикрдасиз» деб номланган («ЎзАС», 1984 йил, 4 май) давра сұхбатини газетанинг бош муҳаррири О.Ёқубов олиб борди. Сұхбатда танқид тараққиёти, ютуқ ва камчиликлари, айниқса, ўрганилмай келинаётган масалаларга эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, адабий-танқидий сұхбат жанри ўз вазифалари, ўз моҳияти, ўз мақсадига эгадир. Унинг бошқа жанрларидан фарқли ва асосий хусусиятларидан бири шундаки, адабий жараён, мутахассислар ва китобхонлар, бир вақтнинг ўзида, у ёки бу муаммо хусусида, кўпларни қизиқтириб келаётган ечими ёхуд ёритилиши кутилаётган масала ҳақида турли қарашларнинг гувоҳи бўлади. Бундай имкониятни фақатгина давра сұхбатлари бериши мумкин. Кўпларда янги фикр уйғотиш, борларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, айримларидан воз кечишида бундай давра сұхбатлари муҳим аҳамиятга эгадир. Шу маънода унинг имкониятлари бошқа жанрларга нисбатан кенгроқдир. Давра сұхбатида нима ҳақда мuloқот олиб борилмасин, фикрлар чархланади, бир-бирини тўлдиради, бир муаммо атрофига турлича нуқтаи назарлар

илгари суриласи. Шу фазилати билан давра сухбати адабий жараён йўналишига фаол ва самарали таъсир кўрсата олади.

Э.Межелайтеснинг "Тунги капалаклар" китобидаги тубандаги мулоҳаза эътиборни тортади."...Биродар, агар сен шаҳсият ҳақида фикр юритмоқчи бўлсанг, энг аввало, уни яхши ҳис қилишинг сўнг эса яхши тушуна олишинг керак. Энг аввало қалб билан, шундан сўнг эса онг билан ...

Дастлаб ўзида енгил ва ёқимли шаббодадек Ҳофиз шеъриятининг нашъасини ташувчи эпкиннинг сийпаланишини ўзингда ҳис қилишинг керак, фақат ана шундагина унинг муаттар бўйидан қониқиб нафас оласан⁷. Бу фикрларни танқидчиликнинг барча жанрларига нисбатан қўллаш мумкин. Танқидчи юқоридаги хусусиятларга амал қилса, ёзгани санъат даражасига яқинлашади. Умуман, адабий танқиднинг ҳамма жанрлари адабиётга, адаб ва бадиий асарга муҳаббат самарасининг ўзига хос шаклларидир. Санъатга муҳаббат бўлмаган жойда танқид бўлмайди. А.С.Пушкин таъбири билан айтганда: «Танқид санъат ва адабиёт асарларининг гўзаллиги ва нуқсонини очиб берувчи фандир». Шундай экан, ҳақиқий мунаққид бўлишни истаган кишидан санъатни севиши ва ўзига хос иқтидор эгаси бўлиш талаб қилинади.

3. Суҳбат намуналари таҳлили. Адабий суҳбатларни ўқир экансиз, суҳбатдошларнинг адабиёт ҳақидаги қарашлари, фикрлашлари, бадиий ва илмий тафаккур тарзи, адабий жараёнга, бадиий асарга, адабий муаммоларга муносабати ёрқин намоён бўлиб туришини кўрамиз. Ўзбекистон халқ шоири А.Ориповнинг танқидчи, олим, журналист ва мухбирлар билан олиб борган суҳбатлари турли мавзуларда бўлса-да, уларни Адабиёт бир майдонга бирлаштириши жиҳатидан илмий- маърифий аҳамиятга эгалиги яққол кўринади.

Адабий суҳбатлар мавзуси, мақсади, қаерда ва қандай шаклга (шоирнинг журналист билан, танқидчи ёки мухбир билан суҳбати, давра суҳбати в.х.) эга бўлишидан қатъи назар, юксак адабиёт учун курашади. Масалан, “Ўтган даҳоларнинг номин этиб ёд” (Мазкур суҳбат ҳар йили Равенна шаҳрида ўтказиладиган, 2008 йилда “Данте Ўзбекистонда” шиори остида ўтган анъанавий “Дантехонлик” маросими муносабати билан ўтказилган бўлиб, буюк итальян шоири ижоди билан боғлиқ, итальянларнинг китобхонликка муносабати масалалари ёритилади.

“Она бўла қолгин, бизга табиат” –она табиат муҳофазасига бағишлиланган маҳсус газета мухбири билан суҳбатда табиатни асрар, экология муаммолари ҳақида сўз юритилади.

⁷ Камалак . Тўплам. 1998.

А.Ориповнинг сухбатларни ўқир экансиз, ҳар бир сухбат қайсиdir жиҳати билан сизни Адабиёт, ижод аталмиш сеҳрли дунёга олиб киришга кўмак беради. Шоирнинг сухбатларда адабиёт, шеъриятга берган баҳосида, муносабатида буни яққол кўриш мумкин.

“Бир неъматки, жондан-да тотли” – бу қисқа сухбатда мустақилликнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида сўз борса-да, шоир айни шу жараёнларда “Адабиётнинг биринчи вазифаси – миллатни ўзига ўзини танитиш ва эзгу мурод-мақсадларнинг ҳаётийлигини халқка тушунтириб беришдан иборат” деб ҳисоблайди⁸.

Сухбатларнинг сарлавҳасидан ҳам шу аён бўладики, улар кўпинча шоир асарлари, уларнинг яратилиши билан боялиқ ҳолда ташкил этилган. Масалан, “Биринчи муҳаббатим” неча ёшда” (2005, сухбатдош Л.Нажмулло) ёки “Сен баҳорни соғинмадингми?” –(2006, сухбатдош Минҳожиддин Мирзо).

Шуниси эътиборлики, барча сухбатларда шоирнинг адабиёт учун фидойилиги, шеъриятга юксак муҳаббат билан қарashi диққатни тортади. “Пушкин сабоқлари” деб номланган сухбатда (1978, F.Хотамов уюштирган) шоир Пушкин шеъриятининг яшовчанлигининг сабаблари ҳақида фикр юритар экан, Пушкин шеърияти “халқлар учун фақатгина абадий ёдгорлик эмас, балки юраги доимо уриб турган тирик бир хилқатдир” - дейди. Унинг буюк рус шоири, ижоди ҳақидаги мулоҳазалари китобхонни янада Пушкинга яқинлаштиришга хизмат қиласди.

“Юксак фикр жасоратдан туғилади” деб номланган сухбат (1999)да сухбатдошнинг “...ўзингизнинг бошқа ижодкорларнига ўхшамайдиган, бетакрор адабий-бадиий, сеҳрли, жозибали, айни чоқда мураккаб дунё яратдим, деб ҳисоблайсизми” деган саволига шоир: мен босиб ўтган ва ўтаётган йўлим ўзимгагина хосдир.

Ўзгалардан олмадим туйғу,

Ўзгага ҳам бермам овозим

деб бир пайлар ёзган шеъридан парча келтиаркан, шоир бадиий ижодни, айниқса, шеъриятни сеҳр ва жозиба ҳамда юксак фикрларнинг гўзал бир омиҳтаси сифатида кўрсатади. Инсон қалбини тушунмайдиган ёки тушунишни хоҳламайдиганларни шоир “шеъриятга ёт кимсалар” деб атайди⁹.

“Мен нечун севаман Ўзбекистонни?...” - бу сухбатда (2008) ёшлар шеърияти ҳақида фикр юритар экан, шоир ёш ижодкорларнинг “ўта саводли. Илгор адабиёт

⁸ Орипов А. Танланган асарлар. 6-жилд. Торшкент. 2010. “Sharq” НМАК. -198 б.

⁹ Орипов А. Танланган асарлар. 6-жилд. Торшкент. 2010. “Sharq” НМАК. -193 б.

лабараториясидан хабардорлигидан” қувонади, шу билан бирга уларнинг ижодида миллийлик кўпроқ бўлиши, миллий рухда ўлмас асарлар ёзишини чин дилдан исташини билдиради.

Мустақиллик йилларида мавзу соҳасида ҳам, талқин қилиш борасида ҳам чегара йўқолганлиги, айниқса, руҳий таҳлилга кенг йўл очилганлигини мустақилликнинг бекиёс тухфаси деб билади шоир.

“Истиқлол – янги давр адабиётiga қадам” деб номланган сұхбатда сұхбатдош Умид Алининг “Биринчи муҳаббатим” шеъри кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлганидан келиб чиқиб берган саволига шоир ижодкорнинг ҳар байтидан қандайдир “изм”ларни ахтариш бу шўро давридан қолган усул эканлигини қоралайди, шеърни кўнгилдан ҳис қилганингиз маъқул деб жавоб қайтаради.

“Мен шеъриятга суянганман ва ҳануз суяноман” (2009, сұхбатдош Н. Усанбоева) деб номланган сұхбатда шоир Бедилнинг “Оlamda бу дунё ва у дунё бор. Лекин учинчи дунё ҳам борки, бу –шеърият дунёси. У сехрли ва ўзига хос дунё” деган сўзларини келтирар экан, бу оламнинг ичига кириш ва шу сехрли шеъриятнинг вакили бўла билиш ҳар кимга насиб қиласермайди” [Орипов, 2010, 340] дея шоирнинг юрагини оламдаги бир кўприкка ўхшатади.

“Қайғусини қувончга айлантирган эди...”. Бу сұхбат Ҳамид Олимжон ижодига бағишланган бўлиб, А.Ориповнинг бу ҳассос шоирга симпатияси, ҳурмати ҳар бир мулоҳазасида яққол намоён бўлб туради. “Ҳамид Олимжон мактаби унутиладиган мактаб эмас. У – маҳорат мактаби. У –шеърият мактаби. У-санъат мактаби” –дер экан шоир ёшларни Ҳамид Олимжооннинг шеърий санъатини ўрганишга, “она тилимизнинг накадар гўзал товланиб туришини ҳис“ этишга чорлайдики, бу чорлов шўро даврида яшаб ижод этган, юксак санъат намуналари яратиб кетган ҳар бир ижодкорга хослиги билан аҳамиятлидир.

А.Орипов сұхбатларини ўқир эканмиз, уларда ҳам шоирнинг мақола, эссе, адабий ўйларида акс этган адабий-эстетик қарашлари мужассам эканлигига гувоҳ бўламиз. Шу билан бирга адабиёт, шеъриятни ривожлантириш, бадиий асарнинг юксаклиги учун курашишда, адабий жараён такомилида бу сұхбатларнинг аҳамияти, шоирнинг ички олами, шахсияти, ҳаётга, инсонларга муносабати ҳам яққол кўринади. Сұхбатдошларнинг фикрлаш тарзи, адабиётга, сўзга муносабати китобхоннинг эстетик даражасини ўстиришга, адабиётга, шеъриятга ихлос қўя олишига ҳам хизмат қила олади.

Ўзбекистон халқ ёзувчisi Ў.Хошимовнинг “Нотаниш орол” китобидан адабнинг сұхбатлари ҳам ўрин олган. Сұхбатларни ўқир экансиз, сұхбатдошларнинг адабиёт ҳақидаги қарашлари, фикрлашлари, бадиий ва илмий тафаккур тарзи, адабий жараён,

бадиий асар, адабий муаммоларга муносабати ёрқин намоён бўлиб туради. Чунки адабий-танқидий сұхбат адабий танқидчиликнинг алоҳида бир жанри сифатида ўзига хос хусусиятларга, табиатга эгалиги учун кўпчилик шоир ва адиллар, танқидчилар ижодида устуворлиги кўринади.

Ўзбек танқидчилигидаги сұхбатларни кузатар эканмиз, унда кўпроқ икки сұхбатдошнинг адабий мулоқоти кенг тарқалганини кўриш мумкин. Ў.Хошимовнинг “Кўркув салтанати” деб номланган сұхбати фикримизга мисол бўла олади. Сұхбат “Ўзбекистон халқ ёзувчиси, СЯ - 928 ракамили собиқ “сиёсий маҳбус”, собиқ “халқ душмани” Сайд Аҳмад билан 1980 йилларда ўтказилган бўлиб, халқимизнинг севимли ёзувчи Сайд Аҳмад бошидан ўтказган оғир кунлар ҳақида биринчи марта рўйи-рост, бор ҳақиқатни гапириб беради. Тўғри, кейинчалик, адабнинг беш йил қамоқхоналарда кечган ҳаётига бағишлиган ҳикоялари, хотиралари босилиб чиқди. Аммо улар мазкур сұхбатдан кейинроқ босилди. Шунинг учун китобхонлар сұхбатда биринчи марта халқ суйган адабнинг ҳеч қандай гуноҳсиз қамалиши билан боғлиқ воқеаларни ўз оғзидан эшитадилар. Сұхбатдошлар репресия давридаги шароит, А.Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби адилларнинг бошидан ўткан оғир кунлар ҳақида ҳам фикр юритадиларки, ундан китобхон XX асрнинг 50 - йиллари қатағони ҳақида тўлиқ маълумот ола билади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар :

1. Жанрий белгилар деганда нимани тушунсиз?
2. Адабий сұхбат жанрининг ўзига хослиги нимада?
3. Сұхбатнинг қандай ички турлари мажуд ?
4. Адабий-танқидий сұхбатнинг бошқа жанрлардан фарқи нима?

Мустақил ўқиши учун адабиётлар:

1. Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. Т.2008.
2. Назаров Б. Ҳаётийлик –безавол мезон.Т. «Фан». 1986.
3. Норматов У. Талант тарбияси. Т., 1978.
4. Пушкин А.С.Танланган асарлар.8-том.Тошкент.1982, - Б.238.
5. Кўшжонов М. Ижод масъулияти. Т. Адабиёт ва санъат, 1981.
- 6.Faфуров И. Ҳаё - халоскор. Т. «Маънавият».2009.
7. Ҳаққулов И. Ким нимага таянади.Т, 2009.

9-МАВЗУ: ҲОЗИРГИ АДАБИЙ ЖАРАЁНДА АДАБИЙ ТАНҚИД ЖАНРЛАРИНИНГ ЎРНИ

Режа: 1.Мустақиллик даври танқидчилиги жанрларида илмийлик, мантиқийликнинг кучайганлиги.

2. Тафаккурдаги янгиланишлар. Таҳлилдаги ранг-барангликлар .

3. Жанрлар тараққиётидаги ўзгаришлар.

4. Ёшлар ижоди ва адабий танқид ривожи. Н.Рахимжонов. “Бадиий асар биографияси”. Тўра Мирзаев. Ҳоди Зариф сұхбатлари. У.Ҳамдам. “Янги ўзбек шеърияти”.Н.Эшонқул.”Мендан менгача”.

Таянч тушунчалар: Истиқлол даври танқиди, ижобий ўзгаришлар, тафаккурнинг янгиланиши, жанрлардаги ўзгаришлар, хотира китоблар, рисолалар, таҳлилнинг янгилиги, модернизмга муносабат.

1.Мустақиллик даври танқидчилиги жанрларида илмийлик, мантиқийликнинг кучайганлиги.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг барча соҳаларда эркин ривожланиш бошланди. Бу ҳол илм-фан, адабиёт ва санъат тараққиётида ҳам ўз ифодасини топди. Шўро даври исканжасидан ва сиёсатлашган мафкура тазиқидан кутулган бадиий тафаккур эркин ижод йўлига ўтди. Адебий танқид бадиий асарларга миллий ғоя ва умумбашарий мезонлар асосида баҳо бера бошлади. Айни вақтда, ана шундай ўйналишларда янги асарлар яратилишига таъсир кўрсатишни асосий мақсад қилиб қўйди.

Истиқлол даврига келиб, баҳолаш мезонларида жиддий ўзгаришлар ва янгиланишлар рўй бера бошлади. Мумтоз адабиётимиз муаммолари ва сиймолари ижодини ўрганишда, шўро босқичи адабиёти намуналарини қайта баҳолаш ҳамда қатағон этилган адибларга муносабатда тамомила янги тамойиллар юзага келди. Уларга миллий истиқлол ғоялари ва умумбашарий мезонлар асос қилиб олинди.

Мустақиллик йилларида Фитрат, Чўлпон, А.Қодирий, Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Элбек, Боту, Усмон Носир ҳаёти ва ижодини асл, тарихий жиҳатдан ҳаққоний кўринишда тадқиқ этиш адабиётшунослик ва танқиднинг долзарб масалаларига айланди. Ҳ.Ҳ.Ниёзий, Ғ.Ғулом, Ойбек, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор каби санъаткорлар асарларини қайта ва холис баҳолашга ўтилди.

Мустақиллик йилларида тарихий-биографик тадқиқотлар яратишга эътибор кучайди. М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Н.Каримов, Э.Каримов, У.Норматов, Б.Қосимов, А.Алиев, Ш.Турдиев, С.Аҳмедов, А.Жалолов, И.Ҳаққулов сингари адабиётшунослар XX аср ёзувчилари ҳақида қатор сермазмун тадқиқотлар яратдилар. Уларнинг сафига Б.Каримов, Н.Жабборов, Д.Қуронов, У.Ҳамдам, С.Мелиев, Ш.Ризаев

каби авлод вакиллари ўзларининг янги-янги салмоқли изланишлари билан келиб кўшилдилар.

Б.Қосимов, Ш.Юсупов, У.Долимов, Ш.Ризаев, С.Ахмедов қаламига мансуб “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” ҳамда Н.Каримовнинг “XX аср ўзбек адабиёти манзаралари” номли китоблар бу даврнинг катта ютуқлари сифатида эътироф этилди. Бу йилларда адаб, адабиёт замондошлар хотирасида, замондошлар нигоҳида рукни остида қатор китоблар туркуми босилиб чиқди. Қатор китобларда Ф.Каримов, С.Долимов, Н.Маллаев, Ш.Шомухаммедов сингари устозларнинг ўлмас сиймолари ёритилди.

Адабий танқидда интеллектуал мушоҳада ортди, баландпарвозлик, мадҳиябозлик йўқолиб бормоқда. Фикрни далиллаш, ишонтириш санъатига, китобхонда гўзаллик туйғусини тарбиялаш масалаларида жиддий силжишлар рўй бера бошлади.

Танқидда А.Расулов, Б.Саримсоқов, Б.Каримов, Ҳ.Болтабоев, У.Ҳамдамов, У.Жўрақулов ва бошқаларнинг асарлари мисолида жаҳон адабиётшунослиги тажрибалари, мезонлари, услубий йўналишлари кучайди. Айни вактда П.Мирзаҳмедова, М.Шарафиддинова, А.Қосимов, М.Холбеков тадқиқотлари мисолида ўзбек адабиётини жаҳон адабиёти контекстида ўрганиш тамойиллари юзага келди¹⁰.

Истиқлол даври танқидидаги янгиланиш тамойиллари кенг қамровли бўлиб, унда янгиланаётган методологик асосларни чуқур англаш, адабий танқид тафаккуридаги янгиланиш жараёнлари ва омилларини ўрганиш, маданий меросни, хусусан, XX аср ўзбек адабиётини қайта баҳолаш юзасидан адабий жараёнда кечган ва кечаётган изланишларни турли ёндашув ва усувлар асосида янгича ўрганишини касб этиш, масалага миллий қадриятлар нуқтаи назаридан ёндашиш тамойилларини ўзлаштириш, айни чоғда, адабий жараёндаги хилма-хил шакл ва услуг изланишларини бадиийликнинг янгича мезонлари асосида тадқиқ этиш бош масалага айланди.

2. Тафаккурдаги янгиланишлар. Таҳлилдаги ранг-барангликлар.

Маълумки, ҳар қандай соҳада янгиланиш содир бўлиши учун бир неча муҳим омиллар асос вазифасини ўтайди ва бу омилларсиз соҳада янги йўналишлар юзага келмайди. Адабий танқид тафаккурига хос янгиланиш, янгича таҳлил тамойилларининг пайдо бўла бошлиши ва шаклланишига хизмат қиласиган омиллар нималардан иборат, улар адабий жараёнга қачон ва қай тарзда таъсир кўрсатади, деган саволларга турли даврларда турлича изоҳлар берилган.

¹⁰ Бу қисмни ёзишда Б. Назаров, А.Расулов, Қ.Қаҳрамонов, Ш.Ахмедоваларнинг “Ўзбек адабий танқиди тарихи” дарслигига таянилди. Тошкент. 2012. “Тафаккур қаноти”.

Адабий танқид концепциясини янгилайдиган, янгича қарашлар, тенденциялар, ўйналишлар, таҳлил принципларининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этувчи омиллар иккита бўлиб, улар асосан, ички ва ташқи моҳиятдан келиб чиқади.

Ички омил деганда, энг аввало, янгича танқид тафаккурини юзага келтирувчи унинг ўз ички табиатидаги хос хусусиятлар, бинобарин қонуниятлар назарда тутилади. Бу қонуниятлар юзга чиқишида алоҳида истеъодод соҳиби бўлиши даркор; танқидчи “мен”ининг роли бекиёсдр. Бу омил бадиий адабиётнинг ҳам ички қонуниятлари билан мустаҳкам алоқадорликда кечади ва зоҳир бўлади.

Адабий-танқидий қарашларни янгилайдиган ташқи омиллар эса адабий жараён ва ижтимоий ҳаётдан ташкил топгандир.

Маълумки, ҳар бир бадиий асар аниқ шахс – ижодкор томонидан яратилади. Чинакам истеъодлар томонидан яратилган бадиий етук асарлар поэтик тафаккурни у ёки бу жиҳатдан янгилайди, адабий ҳаётда янги тамойиллар, оқимлар ва йўналишларнинг вужудга келишига замин ҳозирлайди. Бинобарин, уни англаш, идрок этиш ва талқинда танқидчиликдан ўзидаги янгиликларга мутаносиб янгиланишини талаб этади. Айни чоғда, ижтимоий тафаккур тараққиётига ҳам таъсир кўрсатади.

Ижтимоий ҳаётдаги янгиланиш кенг тушунча бўлиб, бу жараён жамиятдаги барча ўзгаришларни ўз ичига қамраб олади. Яъни иқтисодий-сиёсий, маданий-маърифий ўзгаришлар ижтимоий ҳаёт тарзининг янгиланишини билдиради. Мана шу жараёнларда адабий танқид концепциясининг янгиланиши, энг аввало, янгича танқид тафаккурининг пайдо бўлиши билан боғлиқ тарзда кечди. “Янгича танқид тафаккури “ тушунчаси кенг қамровли бўлиб, мазкур соҳа, бир томондан, фалсафий, ижтимоий, мафкуравий, бадиий-эстетик қонуниятлар билан алоқадор бўлса, бошқа тарафдан, адабиётшунослик илми принциплари, талаб ва мезонлари асосида ўз фаолиятини янгилаш йўлидан боради.

Кейинги давр танқидида адабий ҳодисаларга тарихийлик принциплари асосида ёндашувнинг кучайгани янгича адабий танқид методологиясининг муҳим тамойилларидан бири – қиёсий-тарихий метод шаклланаётганидан далолат беради. Бу борада кенг ўқувчилар оммасига ошкор этилган материалларни янгича нуқтаи назар ва янгича концепция билан тадқиқ ҳамда таҳлил этишга ҳаракат қилингани муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, айниқса, Н.Каримов, Ҳ. Болтабоев, Ш. Ризаев, И. Усмонов сингари мунаққидларнинг кузатишлари характерлидир.

Адабий танқиднинг иккинчи муҳим тамойилларидан яна бирини, шубҳасиз, энг аввало, ижодкор дунёқарashi, поэтик олами ва воқеликни бадиий-эстетик кашф қилиш

жараёни – асарларни таҳлил ва талқин қилишда янгича мезон ва методологик тамойилларга асосланиш ташкил қиласи. Бу борада, айниқса, Қодирий, Фитрат, Чўлпон ижодларига муносабат характерлидир.

Баҳодир Каримовнинг «XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (қодирийшунослик мисолида)” мавзусидаги докторлик иши ва шу илмий тадқиқотга асос бўлган «Абдулла Қодирий» номли монографиясида адаб ижодининг ўзбек ва хориж адабиётшунослиги ҳамда танқидчилигига қандай талқин этилганлиги ҳар томонлама очиб берилган. Бинобарин, истиқлол даврига келиб, Қодирий ижодини таҳлил қилишда қандай методологик тамойилларга таянила бошланди, адаб ижодий маҳоратининг қайси кирраларига эътибор қаратилди, деган масала жуда муҳимдир. Шу нуқтаи назардан кейинги йилларда чоп этилган мақолалар, тадқиқотлар ва баҳс-мунозараларни кўздан кечирсак, уларда ёзувчи биографиясининг янги қирраларини очишдан ташқари, адаб поэтик оламининг талқинида ҳам умумбашарий мезонларга таянила бошлаганини кузатамиз. Аввало шуни таъкидлаш керакки, истиқлол даври танқидчилигига Қодирий ижодий маҳоратига бағишланган бир қанча мақолалар ва тадқиқотлар юзага келди. Уларнинг айримлари фундаментал характерда бўлиб, ёзувчи ҳаёти ва ижодини яхлит ҳолда ўрганишга бағишланган очерклар ва монографиялар бўлса, айримлари ижодкор поэтик оламининг муайян қирраларини ёритган тадқиқотлардир. Жумладан, М.Қўшжонов, А.Муродхон, Х.Лутфидинова, Б.Каримнинг китоблари ҳамда «Адабиёт, бадиият, абадият»¹¹ номли мақолалар тўпламида адаб поэтик олами тадқиқ этилса, У.Норматов, А.Алиев, С.Мирвалиев тадқиқотларида адебнинг ҳаёти ва ижоди батафсил ёритилган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, истиқлол йилларида Қодирий ижодини янгича тафаккур тарзи, янгича методологик тамойиллар асосида талқин этиш шўро даври қодирийшунослигининг шаклланишига катта ҳисса кўшган атоқли мунаққидлар фаолиятига ҳам хос хусусиятдир. Улар мустакилликнинг ilk йилларида ёз дунёкарашларини қайта кура олган, аввалги айрим мафкуравий қарашларидан воз кеча олган олимлардир. Уларнинг тадқиқотларида шўро даври қодирийшунослигига хос сиёсий-мафкуравий ёндашувдан батамом воз кечишига интилишни ҳам, ёзувчи поэтик оламини бадиийлик, миллий ўзликни англаш ва қадриятлар, халқ ва ватан манфаатлари билан боғлиқ ҳолда ёндашишига уринишни ҳам кузатиш мумкин. Бу эса, истиқлол даври қодирийшунослиги концепциясининг етакчи хусусиятларидандир. М.Қўшжонов, А.Алиев, С.Мирвалиев, У.Норматов, Б.Каримов ва бошқа мунаққидларнинг кузатишларида шу хусусиятга амин бўламиз.

¹¹ Адабиёт, бадиият, абадият. Хотиралар, бадиалар, мақолалар. –Т., 2004.

3. Жанрлар тараққиётидаги ўзгаришлар. XX асрнинг 70-80-йилларидан бошлаб ёзувчи ва санъаткорлар ҳақида кўплаб хотира китоблар яратилди . А. Қодирий, Айний, Ойбек, Ф.Фулом, А.Қаххор, Шайхзода, Миртемир, Шухрат, А.Мухтор, О. Шарафиддинов, Ш.Холмирзаев, Т.Мурод ҳақидаги хотиралар адабиётимиз бойлигига айланди. Х.Қодирийнинг “Отам ҳақида”, (1979), Сайд Аҳмаднинг “Назм чорраҳасида” (1982,1993) хамда “Йўқотганларим ва топганларим” (2000), К. Қаххорованинг “Чорак аср ҳамнафас” (1987), З.Сайдносированинг “Ойбегим менинг”, Н.Каримованинг “Ойбек ва Зарифа” китобларида улкан санъаткорларнинг жонли қиёаси агадийлаштирилди. Кейинги йилларда хотира асарлар яратиш йўналиши кучайди. Масалан, М.Ёқубова ва И.Ёқубовларнинг О.Ёқубов хотирасига бағишлиланган китоблари, М.Салимованинг “Ёруғлик одами” (С.С.Бухорийга бағишлиланган), Ҳ.Ҳамроеванинг “Озод домла ўгитлари” тарзидағи кўплаб китоб ва рисолалар чоп этилмоқда. Ёзувчиларга бағишилаб “Замондошлар хотирасида” сериясидаги китоблар кўпайиб бормоқда.

Хотиралар қатор хусусиятлари билан эссе га яқин туради. Шу боис унга эссенинг бир шакли сифатида қараш мумкин. Аммо хотираларда келтирилган барча далилларни айни ҳақиқат деб тан олиш ва уларни илмий муомалага киритавериш ҳамиша ҳам кутилган натижани беравермайди. Хотирада айрим муаллифлар баъзан ўз субъектив қарашларини илгари суришларини назардан қочирмаслмик керак бўлади.

Хотиралар нафақат санъаткорлар ҳаёти ва ижоди, балки адабий жараён хусусида қимматли маълумотлар беради; шунингдек, асарларнинг яратилиш асносидағи ижодкор “руҳияти иқлиmlаридан, кайфияти манзараларидан, ижодий ҳаёлларининг тўлқинидан” (Н.Раҳимжонов) хабардор қиласи, бу эса ижодкорлар ҳақида илмий-назарий йўналишдаги тадқиқотлар қимматли манба вазифасини ўтайди. “Ойбек замондошлари хотирасида” китоби чиққандан кейин ҳалқимиз адаб ҳаёти, ижоди, инсон сифатидаги фазилатларидан атрофлича хабардор бўлди, З.Сайдносированинг “Ойбегим менинг” китоби орқали бу улуғ санъткор феъл-атвори, ҳаёти ва ижодининг нозик қирраларидан воқиф бўлди. Бу китоб адаб қиёфасини жамики порлоқлиги билан очиб берувчи қимматли манбага айланди. Элга таниқли олима, устоз Ойбекнинг садоқатли дўсти, охирги кунларигача ҳамнафаси бўлган Зарифа опа Сайдносир қизи китобининг сарлавҳасиданоқ меҳр ва садоқат уфуриб турган хотиралари самимий ҳисларга бойлиги билан ажralиб туради. Асар ичига чуқурроқ кирган сайин кўз олдингизда буюк ёзувчининг мураккаб ҳаёти, илҳоми қайнаган гўзал онлар, фарзандларига муносабати янада ёрқинроқ гавдаланади.

70-йилларда ўнлаб муаллифларнинг асосан бир адаб ҳақидаги хотиралари ёзилган бўлса, 80-йилларнинг ўрталаридан бир муаллифнинг қатор ёзувчилар ҳақидаги

хотиралари юзага кела бошлади. Сайд Аҳмаднинг С.Айний, Ойбек, А.Қаххор, Ф.Ғулом, С.Зуннунова ҳақидаги хотираларида, бир тарафдан, турли адибларнинг ранг-баранг қиёфаси гавдаланса, иккинчи бир томондан, улар ҳақида мушоҳада юритаётган муаллифнинг ўзидағи, хотираларидаги ранг-баранг дунё жилоланади.

Матбуотда баъзан бирор ижодкор ёки унинг асарлари ҳақида ёзилган кичик бир мақолани бадиа деб номлаш, ҳажман кичик қайдларни, этюдларни ҳам бадиа деб номлаш ҳоллари учрайди. Бунга Х.Давроннинг "Олисларда жимирларди бир юлдуз..." (Шайх Нажмиддин Кубро таваллудининг 850 йил олдидан) асари "бадиа дейилган ("ЎзАС" 1995, 4 август). Аммо бу асар кўпроқ воқеий хикояга ўхшаб кетади.

Вафо Файзуллонинг матбуотда эълон қилинган асарларидан бири "Сўз йўли" Бедилга бадиа дейилса-да (Ўз.АС 1994.15 июль), у буюк шоир ижодидан таъсирланиш натижасидаги фалсафий мушоҳадалардек таассурот қолдиради. Шунингдек, журналист З.Рўзиеванинг меҳру оқибат муаммоларига бағишилаб хотира тарзида ёзилган "Дарёмидингиз, осмонмидингиз, Бувижон! ..." деб аталган ёднома хотираси ҳам эссе деб берилганки, бундай ҳоллар эссеистикада жанр табиати масалаларини янада чуқурроқ ўрганиш зарурлигини кўрсатади. Айни вактда, эссе факат танқидчиликнинг эмас, бадиий адабиёт, журналистика, фалсафанинг ҳам ўрганиш обьекти эканини назардан қочирмаслик керак.

4. Ёшлар ижоди ва адабий танқид ривожи

Бу давр танқидидаги янгиланиш тамойилларидан яна бири миллий уйғониш адабиёти нимояндалари ижодини ўрганиш ва қайта баҳолашда хориж жадидшунослаrinинг изланишларига эътиборнинг кучайланлигида кўринади. Мустақиллик даврига келиб ўзбек мунаққидлари шўро даврида фаолият юритган ҳамкасларидан фарқли равища, чет эллик олимларни ўзларига рақиб эмас, балки ҳамкор, деб билиб, уларнинг тадқиқотларига ҳам холислик ва илмийлик билан ёндаша бошладилар. Жумладан, Б.Каримов, Ҳ.Болтабоев, З.Мирзаева каби олимлар хориж адабиётшунослаrinинг Қодирий, Фитрат, Чўлпон ва Бехбудийлар ижодига оид тадқиқотларини ўргандилар.

Истиқлол арафалари ва Мустақиллик даврига келиб жадид адабиётининг йирик намояндаси Фитрат ижодини ўрганишга ишига Б.Қосимов, Э.Каримов, Н.Каримов, Ш.Турдиев, С.Аҳмедов сингари таниқли олимлар ҳамда улар сафига келиб қўшилган Ҳ.Болтабоев, У. Жўракулов, Ш.Ризаев, И.Фаниев, Г.Рахимова каби кўплаб янги авлод вакиллари муносиб ҳисса қўшдилар. Бу борада, айниқса, Ҳ.Болтабоевнинг "Абдурауф Фитрат – адабиётшунос" (1996), "Фитрат ва жадидчилик" (2007) тадқиқотларини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Худди шу йўналишда чўлпоншунослик, қодирийшунослик, беҳбудийшунослик каби фан соҳалари тараққий эта бошлади.

Истиқлол арафаларида Чўлпон ҳақида ижобий фикрлар билдириш бошланиб кетган эса-да, 80-йиллар охиригача у ҳақда эҳтиёткорлик билан мулоҳаза юритиш давом этди. Мустақиллик даврида эса Чўлпон ижодини тадқиқ этиш ўзининг том маънодаги янги босқичига кўтарилди. Юзлаб мақолалар, ўнлаб китоблар чоп этилди. Уларда улуг шоир ижодий меросига, асосан, умуминсоний қадрияtlар асосида ёндашув етакчилик қилганлигини кўриш мумкин. Бу борада таникли олимлар О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Н.Каримов, Э.Каримов, Ш.Турдиев, У.Норматов, А.Алиев, И.Ҳаққулов, Б.Дўсткораев, С.Аҳмад билан бир қаторда Д.Қурунов, Б.Каримов, Б.Рўзимухаммад, З.Эшонова, Н.Йўлдошев каби ёш адабиётшунослар ҳам фаоллик кўрсатдилар.

Мустақиллик арафаларида Чўлпон шеърлари жамланган «Баҳорни соғиндим» (нашрга тайёрловчи – И.Ҳаққулов) тўпламининг чоп этилгани ҳам унинг ижоди ҳақида ўқувчиларда муайян тасаввурларни шакллантириди.

Истиқлол арафалари ва тўқсонинчи йиллар бошларидаги мақолаларда, Ғафур Ғулом шеъриятидаги замонасозлик, шахсга сифиниш иллатларининг акс этиши, шунингдек, унинг Абдулла Қодирий ва Мақсуд Шайхзодага муносабати ҳақида турли хил фикрлар баён этилди. Бу хил қарашлар аста-секин барҳам топиб, Ғафур Ғулом ижодини холис, ҳаққоний қайта баҳолаш бошланди. Унинг ижодига ёндашувда халқимизга хос бағрикенглик, тарихийлик тамойилига асосланиш мезонлари устувор мавқе эгаллаб борди. У ҳақдаги мақола, хотира ва тадқиқотларда шоир ҳаёти ва ижодига системали ёндашув фазилатлари сезилди. Поэтик маҳорат, шоир истеъоди, ижодий психология ва таржимаи ҳоли билан ўзаро бутунликда талқин этила бошланди.

Бу даврда Б.Назаровнинг «Ғафур Ғулом олами» (2003), Н.Каримовнинг «Ғафур Ғулом ижодиёти» (2003), Т. Матёқубованинг “Ғафур Ғулом бадиияти” (2006) номли йирик тадқиқотлар ҳам яратилди.

Истиқлол даври танқидининг муҳим жиҳатларидан бири унинг адабий жараён билан узвий боғланишида кўзга ташланади. Адабий жараёндаги ҳар қандай янгиланиш, бадиий изланишлар, янгича бадиий-эстетик воеа-ходисалар илмий тафаккурда у ёки бу тарзда акс-садо бериб, ўз ифодасини топа бошлади. Бадиий тафаккурдаги эврилишу янгиланишлар адабиёт илми олдига янги-янги илмий ғояларнинг қўйилишига, янги-янги истилоҳ ва тушунчаларнинг истеъмолга киритилишига, мутахассислар орасида оммалашувига олиб келди. Шу боис, истиқлол даври танқидчилигига «онг оқими», “модернизм”, «постмодернизм», «абсурдизм», «фрейдизм», «экзистенциализм» сингари

истилоҳларнинг фаол қўлланила бошлиши танқид илми методологик тамойилларининг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Танқидда холислик ва вазминлик билан, илмий таҳлилга асосланган, айнан модернизм адабиёти, хусусан, абсурд адабиёти тадқиқига доир баъзи жиддий умумлашма ишлар юзага келаётир. Адабиётшунос У.Жўракуловнинг бадиият ва назария масалаларига бағишиланган «Худудсиз жилва» тадқиқоти шулар жумласидандир.

Юқорида тилга олинган тадқиқотлар монография, рисола, эссе каби жанрларда яратилганлиги, бу даврда баҳсу мунозараларнинг кучайиши адабий танқиддаги эркинликнинг бир намунасиdir.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Истиқлол даври адабий танқидчилигнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатинг.
2. Истиқлол даври адабий танқиди ҳақида қандай фикрдасиз?
3. Тафаккурдаги янгиланиш деганда нимани тушунасиз?
4. Фитратшунослик соҳаси қандай ривожланди, кимларнинг асарлари юзага келди?
5. Қаҳҳоршунослик борасида қандай ишлар амалга оширилди?
6. Адабий танқид жанрлари моҳиятида қандай ўзгаришлар амалга ошиди?

Мустақил ўқиши учун адабиётлар:

- 1.Белинский В.Г Адабий орзулар.Т., 1987.78-б.
2. Каримов Баҳодир. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси. ДДА. Т., 2002, 11-б.
- 3.Каримов Н.Маънавий бойликка эҳтиёж.- // "Жаҳон адабиёти",1998, № 1,-Б.14.
4. Олимов М.Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси.Т.,1994.
5. Орипов А.Танланган асарлар.4 жилдлик.1-жилд. Т.: Адабиёт ва санъат. 2000. –Б. 9.
- 6.Шарафиддинов О.Адабиёт мангу яшайди// "Жаҳон адабиёти",1998,1-сон, -Б.4.
7. Хисао Куматсу.Чифатой гурунги // ЎзАС.1999.21 октябрь.
- 8.Қосимов Б. Олам ичра олам бўлмок// "Жаҳон адабиёти", 1998, № 1, -Б. 12.
- 9.Қозокбой Йўлдош. Кафш этиш эҳтиёжи // "Ёшлик". 1990, № 9, -Б. 34.
10. Ҳамдам У. Янгиланиш эҳтиёжи.Т., 2006.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

1.»Танқид демак бир мусаннифнинг ёзиб майдони интишорга қўйган китобинда келишмағон ибораларни матбуот воситаси илиа ёзиб кўрсатмоқ демакдир».Бу сўзлар кимга тегишли?

А. М.Беҳбудийга. Б. А.Саъдийга.

Д. Аҳлуло Ҳайбулло ўғлига. Е. Олим Шарафуддиновга.

2. «Танқид сараламоқдур» деган мақола кимнинг қаламига мансуб ва қачон ёзилган?

А. М.Беҳбудийга. 1913 йил. Б.А.Фитратга. 1917 йил.

Д.А.Чўлпонга. 1924 йил. Е. А.Саъдийга. 1916 йил.

3. Чўлпоннинг «Уйғониши» тўпламига биринчи бўлиб ким тақриз ёзди?

А. Зарифжон Башир

Б. А.Саъдий.

Д. Вадуд Махмуд

Е. Фитрат

4.«Уйғониши» тўпламига ёзилган тақриз қайси газетада эълон қилинган эди?

А. « Садои Туркистон»

Б. «Туркистон»

Д. «ТВГ»

Е. «Ойина»

5.Чўлпоннинг «Булоқлар» тўпламига ёзилган тақриз муаллифи ким?

А. З.Башир

Б. Вадуд Махмуд

Д Айн

Е. Фитрат

6. Чўлпоннинг «Улуғ ҳинду» мақоласи кимга бағишланган?

А.Махатма Гандига

Б. Рабиндрнат Тагорга

Д. Индира Гандига

Е. Бобурга

7. Чўлпоннинг театр тақризчиси, театршунос эканлигини кўрсатувчи мақолалари қайси қаторда тўғри берилган?

А. «Мирзо Улугбек», «Маликаи Турандот».

Б. «Чин севиши», «Або Муслим «драмаси ҳақида», «Маликаи Турандот»

Д «Ҳалима», «Турсуной саҳнада»

Е. Б ва Д.

8. Саъдийнинг «Олти йил ичидаги ўзбек шеърий адабиёти» асари қайси жанрга мансуб?

А. Мақола жанрига

Б. Тақриз жанрига

Д. Обзор мақола жанрига

Е. Рисола жанрига

9.М.Шайхзоданинг «Жалолиддин» драмасига илк тақризни ким ёзди?

А.Ойбек

Б. Темур Фаттоҳ

Д. Ойбек ва ./улом

Е. Уйғун.

10. Ойбекнинг «Навоий»нинг романига бағишланган илк тақриз муаллифи ким?

А. М.Шайхзода

Б. Бертельс

Д. Б.Файзиев

Е. М.Қўшжонов

11. Ойбекнинг дастлабки тақризи кимнинг асарига бағишланган?

А. Чўлпон

В. Фитрат

Г. А.Саъдий

Д. А.Қодирий

136. “Ойбек” (1966) китобини ким ёзган ?

А. Ҳомил Ёқубов

В. М.Қўшжонов

Г. Н.Каримов

Д. Б.Карим

12. Фитратнинг «Адабиёт қоидалари» асарига илк тақризни ким ёзи?

А. Ойбек

Б. А.Қодирий

Д. Чўлпон

Е. А.Саъдий

13. Фитрат мумтоз адабиётнинг қайси вакиллари ижодини монографик тарзда ўрганган?

А. Аҳмад Яссавий, Машраб

Б. Бедил, А.Навоий

В. Турди, Бобур, Юсуф хос Ҳожиб

Д. А ва Б

Е А Б Д

14. “Йиллар ва йўллар” қайси жанрда ёзилган ?

А. Обзор мақола

В. Эссе

Г. Тақриз

Д. А ва В

15. Танқидчининг “Абдулла Қаҳҳор” асари қайси жанрда ёзилган?

А. Эссе

В. Адабий портрет

Г. Мақола

Д. Танқидий биографик очерк

16. И.Ғафуровнинг мактублари қайси адаб қаҳрамонларига йўлланган?

А. Ў.Умарбеков

В. О.Ёқубов

Г. Зулфия

Д. Ш.Холмирзаев

17. Қайси адаб танқидчига мактуб ёзган?

А.Ш.Холмирзаев

В. О.Ёқубов

Г.А.Мухтор

Д.Ҳеч ким ёзмаган

18. Олим Н.Каримов Чўлпон ижодига багишлаб қайси жанрларда тадқиқот яратган?

А.Рисола, эссе

В. Рисола, монография

Г. Эссе, мақола

Д. Эссе, адабий портрет

19. Н.Каримов адабиётшуносликда қайси йўналишни бошлаб берди?

А. Тарихий- биографик методни

В. Ижтимоий методни

Г. Тарихий-биографик ёндашувни

Д. Психологик таҳлилни

20. Олим У.Норматовнинг “Сайд Аҳмад” асари қайси жанрда ёзилган?

А. Адабий портрет

В.Портрет мақола

Г. Мақола

Д. Рисола

21. Танқидчи У.Норматов адабий танқиднинг қайси жанрида кўпроқ ижод қилди?

- А. Мақола В. Адабий танқидий сұхбат
Г. Адабий портрет Д. Тұғри жавоб йүк.

22. Тақриз жанрнинг асосий белгиси нима?

- А. Янги асарга баҳо бериш В. Камчиликларни күрсатиши
Г. А ва В Д. А В Г

23. Тақризниң ички шакллари түрі күрсатылған қаторни топинг.

- А. Шарх тақриз, хабар тақриз В. Монографик тақриз
Г. Мактуб тақриз Д. Барча жавоблар түғри

24. Ойбекнинг “Навоий” романига биринчи бўлиб ким тақриз ёзган?

- А. Бертельс В. Мақсуд Шайхзода
Г. Б.Файзиев Д. И.Султон

25. Тақриз газетада қайси рукилар остида нашр этилади?

- А. “Ваъда” В. “Китобингизни ўқидим”
Г. “Баҳс” Д. А ва В

26. Тақриз танқидий баҳонинг изчил ўлчови, адабий талқиннинг лўнда, кичик кўриниши. Бу фикр кимга тегишли ?

- А. О.Шарафиддинов В. М.Қўшжонов
Г. А.Расулов Д. В.Белинский

27. Мақола сўзи қайси тимлдан олинган ?

- А. Араб тилидан В. Форс
Г. Ўзбек Д. Тоҷик

28. Дастребки обзор мақола кимнинг қаламига мансуб ?

- А. А.Саъдий В. Вадуд Маҳмуд
Г. Фитрат Д. Тұғри жавоб йүк.

29. Хронологик обзор қайси мақола турига киради ?

- А. Обзор мақола В. Портрет мақола
Г. Шарх мақола Д. Муаммоли мақола

30.”Йиллар ва йўллар” мақоласи кимнинг қаламига мансуб?

- А. М.Қўшжонов В. Фитрат
Г. О.Шарафиддинов Д. И.Ғафуров

31. “Қайта қуриш ва ўзбек романи” кимнинг қаламига мансуб ва у қайси жанрда ёзилган?

- А. М.Қўшжонов, обзор мақола В. И.Ғафуров, шарх мақола
Г. Чўлпон, мақола Д.М.Қўшжонов, портрет мақола

32. Адабий портрет сўзи қайси тилдан олинган?

А. Француз тилидан

В.Итальян тилидан

Г. Рус тилидан

Д. Инглиз тилидан

33. “Саид Аҳмад” адабий портрети ким томонидан яратилган?

А.М.Кўшжонов

В.У.Норматов

Г. И.Ҳаққулов

Д. И.Фафуров

34. “Эҳтиёж фарзанди” асари қайси жанрга мансуб?

А. Адабий ўйлар

В. Эссе: Адабий ўйлар

Г. Адабий портрет

Д. Адабий мақолалар

35. “Эҳтиёж фарзанди” асари кимнинг қаламига мансуб?

А. А.Орипов

В. Э.Вохидов

С.Миртемир

Е. Тўғри жавоб йўқ.

36.”Биография” сўзининг луғавий маъноси нима?

А. Таржимаи ҳол

В. “Иzlaiman”

Г. Туғилган кун

Д. Тўғри жавоб йўқ.

37. Абу Али ибн Синога бағишланган асар қайси жанрда ва ким томонидан ёзилган?

А. Танқидий-биографик очерк, С.Айний

В.Эссе, Айний

Г. Адабий портрет. Фитрат

Д. Мақола. Чўлпон.

38.Эссе сўзи қайси тилдан олинган?

А.Лотинча

В. Французча

Г. Испанча

Д. Тўғри жавоб йўқ.

39. Ҳамид Олимжонга бағишланган эссе- роман муаллифи ким?

А. Н. Каримов

В. С. Азимов

Г. С. Мамажонов

Д. Ҳ.Ёқубов

40. Адабий ўйлар кўпроқ ким томонидан яратилади?

А.Ёзувчи

В.Танқидчи

Г. Шоир

Д.Тўғри жавоб йўқ.

41. Эссе сўзининг луғавий маъноси тўғри берилган қаторни топинг.

А. Чамалайман

В. Ўйлаб кўраман

Г. Ўлчайман

Д. Тўғри жавоб йўқ

42. Отаёрнинг эссе- романи қайси адигба бағишланган?

А. Миртемир

В. Мирмуҳсин

Г. Уйғун

Д. Ғафур Ғулом

43. Эссени қайси мунаққид лирик асарга ўхшатади?

А.Н.Раҳимжонов

В.М.Қўчқорова

С.Палуанов

Д.Асқад Мухтор

44. Эссе эркинлик жанри деб ким айтган?

А. Асқад Мухтор

В.Ш.Холмирзаев

С.Монтень

Е. Герцен

45. Эссе адабиётга қачон кириб келди?

A.16 асрдан

B. 15 асрдан

C.XX асрдан

E. А ва В

46. “Тажрибалар “ кимнинг асари?

А. Герцен

В.Луначарский

С.Монтень

Е. Моруа

47.Мактуб яна қандай номлар билан юритилади?

А. Хат, нома, руқъя

Б. Нома, хат

Г. Ёзишма, хат

Д. Очиқ хат, нома

48. О.Тоғаевнинг Эркин Аъзамга ёзган мактуби қайси китобидан ўрин олган ?

А. Прометей олови

Б. Публицистика жанрлари

Г. Ибратли сабоқлар

Д. Гўзаллик билан учрашув

49. Мактубнинг энг асосий белгиси нима ?

А.Мурожаат

Б. Ёзишма

Г. Муносабат

Д. Мурожаат ва муносабат

50. Адабий сұхбатда неча киши қатнашиши мумкин?

А. Икки киши

Б. Уч киши

Г. Тўрт киши

Д. Исталганча

51. Адабий -танқидий сұхбатнинг асосини нима ташкил этади?

А. Адабий танқидий мулоқот

Б.Шунчаки сұхбат

Г. Мулоқот

Д. Баҳс ва мунозара

52. “Танқид ҳақида сұхбат” кимнинг асари?

А. А.С.Пушкиннинг

В. В.Белинскийнинг

Г. М. Қўшжоновнинг

Д. А.Моруанинг

53. И.Ҳаққулов ижодида сухбатнинг қайси тури қўп учрайди?

- А. Танқидчининг олимлар билан сухбати
- В. Олимларнинг танқидчи билан сухбати.
- Г. Танқидчининг академиклар билан мулоқоти.
- Д. А ва В

54. У Норматовнинг адабий сухбатлардан иборат китоби қандай номланган?

- А. Талант тарбияси
- В. Етуклик
- Г. Гўзаллик билан учрашув
- Д. Қалб инқилоби.

56. «Адабиёт ва санъат танқид билан қўл ушлашиб боради ва бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатади». Бу сўзлар кимга тегишли?

А.В.Белинскийга. Б.Н.Чернишевскийга.

Д.А.Фитратга. Е. Аристотелга.

57. «Адабиёт ва санъат билан қўл ушлашиб боради ва бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатади». Нуқталар ўрнига тегишли сўзни қўйинг.

А.бадиий асар. Б.танқид.

Д.адабий танқид. Е. кино.

58 Илмий-эстетик тафаккур ҳосиласи нима?

- А. Адабий танқид Б. Сўз санъати
- Д. Бадиий адабиёт Е. Адабиётшунослик

59. “Мақсад Шайхзода” эссе романи кимнинг қламига мансуб?

А. У.Норматов

В. Н.Каримов

С. М.Зокиров

Е. Тўғри жавоб йўқ.

60. “Танқид фан, чунки у билимни ўрганади ва англашга ёрдам беради. Танқид санъат, чунки образлидир”. Бу фикр кимга тегишли?

А. Немис олими Милхга

В.Белинскийга

С. Француз файласуфи А.Моруага

Д. Тўғри жавоб йўқ

61. Ўзбек адабий танқиди жанрларини биринчи бўлиб тасниф қилган олим ким?

А. А.Расулов

В. Б.Назаров

С. О. Абдуллаев

Е. Ш.Ахмедова

62.”Ижод сехри” асарининг муаллифи ким?

А. У.Норматов

В. И.Ғафуров

С. С.Мелиев

Е. Тўғри жавоб йўқ.

63. “Мактубот ва адабий танқид” китобининг муаллифи ким?

А.Б.Валихўжаев

В. И.Ҳаққулов

С.Ш.Ахмедова

Е. Миртемир

64.” Эътиқод ва ижод” кимнинг қаламига мансуб?

А.И.Ғафуров

В.И.Ҳаққулов

С. У.Норматов

Е. Чўлпон

65. “Бахсларда улғайган ижод” адабий портрети кимнинг қаламига мансуб?

А. М.Қўшжонов

В. Б.Назаров

С. А.Моруа

Е. Тўғри жавоб йўқ

ИЛОВАЛАР :

Адабий танқид жанрлари ва мунаққидларнинг жанр ривожидаги ўрни ҳақидаги ҚЎШИМЧА МАНБАЛАР.

Адабий портрет жанри ривожида Садриддин Айнийнинг роли. XX асрнинг 20-йиллари адабиётшунослик ва адабий танқидчилигининг асосий хусусиятларидан бири уларнинг қоришиқ ҳолда келиши, шу сабабли ҳали янги ўзбек адабиётининг етук вакиллари етишиб чиқмаган бир замонда танқидий асарларнинг аксарияти ўтмиш адабий мероси ва унинг вакиллари ижодига бағишлиланганлигидир. Шу сабабли адаб ва мунаққидлар ҳаёти, ижоди кам ўрганилган ижодкорлар ҳақида танқидий-биографик ёндашув асосида тадқиқотлар яратишга киришдилар. Бу жиҳатдан Фитрат, С.Айний каби адиллар фаоллик курсатдилар. Шунинг учун маърифатпарвар адиллар ижодининг шу киррасини тадқик этиш долзарб муаммолардан хисобланади.

С.Айний тадқиқотларининг кўпчилиги илмий-биографик йўсинда бўлиб, улуғ инсонлар қиёфасини яратишга бағишлиланади. Абу Али ибн Сино, Саъдий Шерозий, Бедил ва Алишер Навоий ҳақидаги тадқиқотлар бунга мисол. Замондоши Аҳмад Донишнинг ҳаёти ва ижоди ҳамиша адабни ўзига тортиб келганлиги маълум. Шу боис Аҳмад Донишнинг илмий - ижодий қиёфасини адабий портретда тўлиқ яратди.

Адабий портретда а) аниқ шахснинг тўлақонли образини яратиш; б) ижодкорнинг яхлит - илмий, ижодий, маънавий, рухий, инсоний қиёфасини ёритиш; в) жонли хотиралар, иқрорлар, ўзгаларнинг нутқидан кенг фойдаланиш; г) илмий ва образли тафаккурни публицистик руҳга ўраб, мантикий жозибадорлик асосида тасвирлаш усулларини истифода этиш мухим унсурлардан хисобланади.

Ижодкорнинг шахси, ўзи ким ва у қандай одам эканлиги масаласи адабиётшунос мутахассислар учун ҳам, адабиёт муҳлислари учун ҳам ғоят қизиқарлидир. Шу сабабли Маяковский ва Есенин, Чўлпон ва Усмон Носирнинг ўлим тафсилотлари, Ҳамза, Муса

Жалилнинг фожиали ўлими ва бошқа шунга ўхшаш ижодга бевосита эмас, билвосита алоқадор далилларни биламиз. Зеро, бу шахсий ҳаётдаги тафсилотлар санъаткор ижодини чуқурроқ тушунишга имкон яратади. Бу масалада турли вақтларда кўпгина мунозаралар бўлиб ўтган. Илм тарихида у қадар чуқур из қолдирмаган бир тоифа мутахассислар бизни фақат ёзувчининг ижодигина қизиқтиради, унинг шахси билан ишимиз йўқ деб даъво қилганлар. Шундай фикрнинг таъсири остида бўлса керак, шўро даврида яратилган кўпчилик адабиёт дарслклари ва мажмуаларида, шунингдек, илмий тадқиқотларда ёзувчининг шахсияти ҳакида деярли хеч нарса демаслик анъанага айланди, ёзувчи ижоди унинг ҳаётидан ажратилган ҳолда таҳлил қилинди. Ёзувчи шахси, биографияси, ижтимоий келиб чиқишига ортиқча эътибор берувчи вуљгар социологик назариялар мавжуд эди. Уларнинг талқинича, гўё инсоннинг ижтимоий шажараси унинг ижоди учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга, санъаткор қайси ижтимоий гурухга мансуб оиласда туғилиб, тарбияланган бўлса, шу гурух тушунчаси унинг онги учун мангу бўлармиш. Кейинчалик бу икки назария ўзини оқлай олмагач, одилона ва холис қарашлар қарор топа борди. Унга кўра, ёзувчи шахсини тўла инкор қилиш ҳам, унга керагидан ортиқча баҳо бериш ҳам хатоликка олиб келади. Аммо ижод жараёнида ёзувчи шахсининг роли барibir муҳим. Мавжуд адабий портретларни кузатар эканмиз, уларда юқорида таъкидланган назарияга кам амал қилинганлигига гувоҳ бўламиз. Деярли ҳамма портретлар ижодкорнинг болалиги, ўқиш йиллари, оиласвий муҳити, ижод поғоналарини ҳикоя қилишдан бошланади. Ижодкор шахси ҳакида баҳс юритиш, ижодий йўлига одилона назар ташлаш учун, у дунёга келиб, вояга етган оила, ўсиб камол топган муҳитга эътибор қилиш юқори самара беради. Ёзувчининг болалик тарбияси, у вояга етган хонадондаги маърифий муҳит ижодкор шахсини шакллантирадиган, бадиий маҳоратининг илдиз отишига кўмаклашадиган муҳим омиллардир. Адабий портрет муаллифлари камдан-кам ҳолатларда бу омилларни қайта-қайта назардан ўтказиб, хулоса чиқарадилар. Шу жиҳатдан С.Айний илмий-танқидий меросига назар ташласак, у яратган адабий портретларда бу қусурлар деярли кўринмайди.

Таъкидлаш лозимки, С.Айний Аҳмад Дониш шахсига бўлган қизиқишлиарини таржимаи ҳоли ва “Эсадаликлар”ида кўрсатиб, адабнинг портретига чизгилар берган эди. »Қисқача таржимаи ҳолим»да Донишнинг насрдаги услуби, “Наводир ул – вақое”нинг содда тилда ёзилганлиги кўрсатилган¹. “Эсадаликлар”нинг иккинчи қисмида Донишнинг

одамлар билан муомаласи, муносабатини очиб беради. “Ажойиб одам”, “Аҳмад аҳдумнинг ҳовлисида” деган бобларда Донишнинг шахси, ижоди ҳақида фикр юритиб, адабий портретга хос чизиқларни кўпайтиради (Айний С. Асарлар. 8 томлик. – Тошкент: Ўзбекистон Давлат адабиёт нашриёти, 1963, Т.1. – 356 б.) . Кейинчалик С.Айний “Аҳмад Махдум-Дониш (Аҳмад Калла)” деб номланган бу асар “Қисқача таржимаи ҳолим” ва “Эсадаликлар”даги мулоҳазаларнинг мантиқий давоми сифатида юзага келган. Адиб “Танланган илмий асарлар”ига киритилган. Демак, аввал портретга чизгилар берилиб, кейин яхлит адабий портрет яратилган деган холосага келиш мумкин.

Ижодкорнинг шахси, ўзи ким ва у қандай одам эканлиги масаласи адабиётшунос мутахассислар учун ҳам, адабиёт муҳлислари учун ҳам ғоят қизиқарлидир. Шу сабабли Маяковский ва Есенин, Чўлпон ва Усмон Носирнинг ўлим тафсилотлари, Ҳамза, Муса Жалилнинг фожиали ўлеми ва бошқа шунга ўхшаш ижодга бевосита эмас, билвосита алоқадор далилларни биламиз. Зеро, бу шахсий ҳаётдаги тафсилотлар санъаткор ижодини чуқурроқ тушунишга имкон яратади. Бу масалада турли вақтларда кўпгина мунозаралар бўлиб ўтган. Илм тарихида у қадар чуқур из қолдирмаган бир тоифа мутахассислар бизни фақат ёзувчининг ижодигина қизиқтиради, унинг шахси билан ишимиз йўқ деб даъво қилганлар. Шундай фикрнинг таъсири остида бўлса керак, шўро даврида яратилган кўпчилик адабиёт дарсликлари ва мажмуаларида, шунингдек, илмий тадқиқотларда ёзувчининг шахсияти ҳақида деярли ҳеч нарса демаслик анъанага айланди, ёзувчи ижоди унинг ҳаётидан ажратилган ҳолда таҳлил қилинди. Ёзувчи шахси, биографияси, ижтимоий келиб чиқишига ортиқча эътибор берувчи вульгар социологик назариялар мавжуд эди. Уларнинг талқинича, гўё инсоннинг ижтимоий шажараси унинг ижоди учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга, санъаткор қайси ижтимоий гурухга мансуб оиласда туғилиб, тарбияланган бўлса, шу гурух тушунчasi унинг онги учун мангу бўлармиш. Кейинчалик бу икки назария ўзини оқлай олмагач, одилона ва холис қарашлар қарор топа борди. Унга кўра, ёзувчи шахсини тўла инкор қилиш ҳам, унга керагидан ортиқча баҳо бериш ҳам хатоликка олиб келади. Аммо ижод жараёнида ёзувчи шахсининг роли барибир муҳим. Мавжуд адабий портретларни кузатар эканмиз, уларда юқорида таъкидланган назарияга кам амал қилинганлигига гувоҳ бўламиз. Деярли ҳамма портретлар ижодкорнинг болалиги, ўқишийиллари, оиласвий муҳити, ижод поғоналарини ҳикоя қилишдан бошланади. Ижодкор шахси ҳақида баҳс юритиш, ижодий йўлига одилона назар ташлаш учун, у дунёга келиб, вояга етган оила, ўсиб камол топган муҳитга эътибор қилиш юқори самара беради. Ёзувчининг болалик тарбияси, у вояга етган хонадондаги маърифий муҳит ижодкор шахсини шакллантирадиган, бадиий маҳоратининг илдиз отишига кўмаклашадиган муҳим омиллардир. Адабий портрет муаллифлари камдан-кам ҳолатларда бу омилларни қайта-

қайта назардан ўтказиб, хулоса чиқарадилар. Шу жиҳатдан С.Айний илмий-танқидий меросига назар ташласак, у яратган адабий портретларда бу қусурлар деярли кўринмайди.

Адабий портретда олимнинг маънавий, руҳий ва ижодий жиҳатдан бир бутун қиёфасини яратиш асосий ўринда туради. Энг муҳими шундаки, аввало, мунаққиднинг замондошига бўлган катта ҳурмати асарнинг бош фазилатини ташкил этган. Унда Донишнинг инсон ва шахс, ижодкор сифатидаги хусусиятларини қўрсатиш устуворлик қиласди. “Эсадаликлар”да ҳам алоҳида қисмни Аҳмад Махдумнинг ҳовлиси тасвирига бағишилайди, шу орқали унинг инсонийлик фазилатларини очиб беради, муҳандислиги, ёлғонни ёмон кўриши, босик, оғир табиатли инсон эканлигига дикқат қаратади.

Асарнинг дастлабки қисмлари обзор йўсинидадир, унда Бухоро адабий муҳитнинг вакиллари: Саҳбо, Шоҳин ҳақида маълумот берилиб, кейин Аҳмад Дониш ҳақида фикр юритилади. Унинг ёшлиги, илм-фанга қизиқишини замондошларининг хотиралари асосида, ўзининг асарларидан мисоллар келтириб, илмий асосда таҳлил қилиб беради. Адабий портрет ўзига хос композицион тузилишга эга:

1. Аҳмад Махдумнинг кундалик ҳаёти.
2. Аҳмад Махдумнинг ҳар йили қиласидаган саёҳатлари.
3. Аҳмад Дониш вафотининг хабари.
4. Аҳмад Донишнинг йирик асари «Наводир ул-вақое» билан биринчи танишувим» деб номланган қисмлардан иборат.

Бу қисмлар бирлашиб, А.Донишнинг яхлит адабий портретини ҳосил қиласди. Унда С.Айнийнинг дикқатини “энг кўп жалб этган улуғ зот”нинг буюклиги: ўз даврининг зукко билимдони, ҳалол, бироннинг ҳақига хиёнат қилмайдиган, мунофиқликни ёмон кўрадиган инсонлиги, уста рассом, бинокор, муҳандис, ижодкорлик қиёфасини ўзи кўргани, эшитгани ва хотиралар асосида яққол тасвирлайди.

Фаранг файласуфи Сент-Бъёв ўзининг «Адабий портретлар», «Душанба кунларидаги сұхбатлар», «Пор-Рояль» номли асарларида ёзувчининг нафақат ички дунёси, балки ҳатто уй-жой шароитига ҳам чуқурроқ киришга интилади. Унинг фикрича, ёзувчининг кундалик ҳаёти ва одатларига биринчи даражали аҳамият бериш лозим (Сент-Бъёв Шарль. Литературные портреты. Критические очерки. – М.: Худож. лит., 1970. – 336 с.). Чунки ҳар қандай ёзувчи, бошқа оддий инсонлар каби, реал мавжудот бўлиб, уни ўраб турган одамлар, уларнинг ҳаёти ижодида муҳим аҳамият касб этади. Майший шароит, тасодифий учрашувлар, ўзгарувчи кайфиятлар, нихоят ёзувчи руҳининг хусусиятлари Сент-Бъёвнинг

психологик-биографик портретларида у ёки бу ёзувчи ижодидаги адабий-бадиий асарларнинг ғоявий-бадиий ўзига хослигини ташкил этувчи омиллар сифатида таҳлил этилади. Масалан, унинг “Дидро” адабий портретида файласуфнинг қиёфаси тўлиқ ва яхлит чизилади. Унинг ижоди, шахсий ҳаёти, хотинига муносабати, болалари, дугоналари ва ҳ.к.гача батафсил тасвириланади. Бу хусусият Дидронинг ўқувчи кўз олдидағи тасаввурини хиралаштирумайди, балки ёзувчининг шахсини чуқур билиш, ўрганишга имкон беради. Ўзбек портретнавислигида ҳам бундай хусусиятларнинг бўлиши фақат самара келтиради, холос. Адабий портретда ҳам мана шундай “майда-чўйдалар”нинг акс эттирилиши, шоирнинг инсоний қиёфаси чизикларини батафсил тасвирилаш унга ҳаётийлик ва яхлитлик бахш этади. Шунинг учун ёзувчи ижодини унинг шахсидан ажратиб ўрганишга қаратилган йўналиш ҳеч қачон ўзини оқламаган. Шу билан бирга баъзан шундай ҳолатлар ҳам бўладики, ёзувчининг ижоди эмас, фақат шахси муҳим деб қаралади.

Ўзбек танқидчилигида адабий портрет яратишнинг турли усуслари мавжуд: ҳикоячи (танқидчи) тилидан баён этиш, сухбатдан фойдаланиш ва.ҳ.к. Аммо воқеликни “мен” тилидан баён этиш жуда кам учрайди. Танқидчилар ижодкорни ўзлари таниб, у билан сухбатда бўлган бўлсалар ҳам, бу усулини кам қўллашади. С.Айний шу усулдан фойдаланиб, ўзи кўрган, гувоҳи бўлган воқеаларни, баъзан турли хотираларни келтириш йўли билан илмий тадқиқотнинг ўзига хос услубини таъмин эта олган. Тўғри, С.Айний А.Дониш ички дунёси, руҳияти тасвирига кўп ўрин ажратмайди. Бизнингча, бунинг сабаби унинг А.Дониш билан сухбатдош бўлолмаганлиги бўлса керак, чунки танқидчининг аниқликни хуш кўрганлиги бошқа тадқиқотларида ҳам кўринади. Адабий портретнинг аҳамияти бугун ҳам йўқолмаган:

- 1) С.Айнийнинг Аҳмад Дониш шахсига самимий ҳурмати, симпатияси аниқ кўриниб турадики, бу тарихий-биографик йўсингдаги танқидий асарларнинг бош ва асосий белгиларидан биридир, чунки адабиётга, ёзувчига меҳр бўлмаган жойда, ҳақиқий асар яратиш жуда қийин;
- 2) адабий портрет содда тилда ёзилган, илмий-бадиий тафаккур маҳсули сифатида эътиборга молик;
- 3) С.Айний мунаққид сифатида у ўша давр адабий жараёни билан бевосита алоқада бўлган, адабий танқид жанрларини бойитишга муносиб ҳиссасини қўша олган.

Адабий портретда ўз даврининг мутафаккири А. Донишнинг бир бутун қиёфасини ўқувчи кўз олдида яққол гавдалантира олган.

XX аср ўзбек адабий танқидчилигига адабий портрет жанрининг пайдо бўлиши ва шаклланиши унинг ижобий хусусиятларидан бири бўлиб қолди ва бу жанр ривожида адиб ва адабиётшунос С.Айнийнинг ижодининг аҳамияти катта бўлиб қолаверади.

Хулоса қилиб айтганда, танқидий-биографик очерк адибнинг ҳаёти ва асосан, ижодини ўрганувчи жанр бўлса, адабий портрет санъаткорни маънавий-рухий ҳаёти, зиддиятлари билан биргалиқда ижодкор ва инсон сифатида ёритади, шахсига ҳам катта эътибор беради. Танқидий-биографик очерк ҳажман катта бўлишига қарамай, унга нисбатан адабий портретда санъаткорнинг мукаммал қиёфаси кенг ва чуқур очиб берилади, портретнавис имкониятлари бир мунча кенгроқ бўлади. Садриддин Айний яратган адабий портрет ва танқидий –биографик очеркларда бу хусусиятлар яққол намоён бўлганлиги кўринади.

Академик М.Қўшжоновнинг адабий портретнависликдаги маҳорати хусусида. Етук танқидчи ва адабиётшунос, ЎзР ФА ҳақиқий аъзоси, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори, филология фанлари доктори, профессор М.Қўшжонов ўзбек танқидчилигига фикрлаш тарзи ва ифода услуби, жанговар ҳақгўйлиги, сермаҳсул ва салмоқдор тадқиқотлари билан алоҳида ажралиб туради. У жаҳон ва рус танқидчилиги эстетик анъаналарини ижодий ўзлаштириб, янги шароитларда ўзбек адабиёти муаммолари тадқиқи ва таҳлилида давом эттирган мунаққиддир.

“Бизга тақдир икки буюк танқидчи – Озод Шарафиддинов ва Матёқуб Қўшжоновни насиб этди. Уларнинг ҳар иккови ҳам ижодини жасорат билан бошлаб, ўзига хос равишдаги жасорат билан тутатдилар. Агар жаҳон адабий танқидчилиги антологияси чоп этилса, уларнинг ҳар иккови ижодидан намуналар киритилса, ҳар томонлама адолатли иш бўлур эди”,- деб ёзади академик Б.Назаров. Ҳақиқатан ҳам М.Қўшжонов жаҳон ва рус танқидчилари эстетик тамойилларини ижодий ўзлаштириб, ўзига хос шароитда, ўзбек адабиёти материаллари асосида давом эттирган жасоратли ижодкор-мунаққиддир.

М.Қўшжонов мақола, илмий тадқиқотларида фикрни образли ифодалаш санъати билан китобхон бадиий-эстетик дидини ўстиришга муносиб ҳисса қўшган танқидчи ҳисобланади. Унинг фикрича, “Бадиий етук асарга бағищланган танқидий таҳлил шундагина ўзини оқлайдики, токи уни ўқиган одамнинг бадиий асардан олган маълумот

ва эстетик ҳисси икки баробар ошсин". М.Қўшжонов тадқиқотлари ўзи қўйган ана шуталабларга жавоб беради. Унинг санъаткорларга бағишлиланган китоблари фазилатан бадиий асар каби завқ билан ўқилиши сабаби шундан.

Ўзбек танқидчилигига Иззат Султон, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Н.Каримов, У.Норматов, И.Faфуров сингари мунаққидлар адабий портрет усталари сифатида машхур. Жумладан, М.Қўшжонов адабий портретлари бошқа жанрдаги асарлари каби бадиий маҳорат масаласига кўпроқ эътибор қаратилганлиги билан ажралиб туради. У адабиётнинг муҳим назарий масалаларини ёзувчининг муайян асаридаги бадиий маҳоратни текшириш орқали муҳим назарий хуносалар чиқаради. М.Қўшжонов ижодида, айниқса, адабий портрет жанри етакчи ўринлардан бирини эгалласа-да, унинг портретнавислик маҳорати алоҳида ўрганилмаган. Умуман олганда, олимнинг илмий-танқидий мероси маҳорат, шакл ва мазмун, услугуб ва тил жиҳатидан бир неча тадқиқотларга манба бўла олади.

Олим ҳар бир асар таҳлилида ёзувчидан теран ҳаётийлик, юксак бадиийликни талақилади. Адабий портретда ҳам асосий масалага шу нуқтаи назардан ёндошади. Шу жиҳатдан М.Қўшжоновнинг И.Султон, Қ.Хикмат, О.Ёкубов, П.Қодиров, Ш.Холмирзаевга бағишлиланган кичик-кичик адабий портретлари, А.Ориповнинг "Армон" тўпламига ёзган сўзбошиси ҳамда С.Мелиев билан ҳамкорликда ёзган "Абдулла Орипов" номли китоби характерлидир.

Шўро йилларида яратилган адабий портретларда ёзувчининг фақат ижоди марказда тутилиб, унинг инсоний фазилатлари, ҳаётидаги драматизм, оила, муҳит каби масалаларга кам эътибор берилди. Ҳолбуки,adolat, холислик, ҳаққонийлик ва илмийлик жиҳатидан, ҳамда Сент-Бъёв алоҳида таъкидлаганидек, ёзувчи ижоди ва сиймоси марказда турар экан, унинг кундалик ҳаёти ва одатларига ҳам, албатта, аҳамият бериш лозим: "Мени ҳамиша мактублар, сухбатлар, фикрлар, характерларнинг турли ҳолатлари, рухияти, бир сўз билан айтганда, машхур ёзувчилар таржимаи ҳолини ўрганиш ром этиб келди", -деб ёзган эди (Сент-Бъёв Шарль. Литературные портреты. Критические очерки. – М.: Худож. лит., 1970. – С. 313).

Адабий портрет яратиш – мураккаб (синтетик) умумлаштиришdir ва бунинг учун биринчи навбатда унинг ижтимоий-эстетик қиммати, аҳамиятига эътибор бериш лозим. Портретнавис учун энг муҳими, тавсифланаётган реал шахснинг турли томонларига тегишли кузатишлар, чизиқлар, аниқ топилган деталлар асосида портретни бутунликда йиғишидир. Бир-бирига яқин жанрларни қайд этиб, А.Моруа ижодининг тадқиқотчиси Ф.Наркиръер унинг адабий портретни биография каби ёрқинлик ва маҳорат билан

ёзишига диққат қаратади. Шу билан бирга бу жанрларнинг ғоят яқинлигини таъкидлайди. Моруанинг Тургенев ёки Пруст хақидаги китоби танқидий тадқиқот гурухига яқинлашади, деб ҳисоблади (Наркирье Ф. Андре Моруа. – М.: Худож.лит., 1974. – 220 с.). Демак, портретнавис инсон шахсиятини у ҳақда ҳаммаси тўлиқ (бунга унинг таржимаи ҳоли, асарлари, замондошларининг муносабати ва ҳ.к.лар киради) бўлгандагина адабий портрет тўлиқ умумлаштириш намунаси бўла олади.

Ў.Ўтаев “сўнгги йилларда ўзбек танқидчилари ижодида яхши бир фазилат – бирон бир ижодкор ижодини унинг шахсияти билан боғлаб текшириш, нурли хотираларга кенг ўрин бериш ҳоллари кўзга ташланмоқда. Бу усул кўпроқ В.Зоҳидов, Ҳ.Ёқубов, И.Султон, М.Қўшжонов, Т.Жалолов, М.Юнусов каби танқидчиларимиз ижодида муваффақиятли кўлланилмоқда. Чунки бу олимларнинг аксарияти F.Гулом, Ойбек, Шайхзода, Миртемир каби адиларимиз билан баробар ижод йўлини бошлашган, уларнинг ҳаёт ва ижодий камолотининг тирик гувоҳларидир”, - деб ёзади (Ўтаев Ў.Танқид ва услуб. – Тошкент: Фан, 1978. – 54 б.). Тўғри, танқидчи кўрсатган фазилатлар баъзи бир портретларда учрасада, кўпчилигига бундай хусусият кўринмайди. Ижодкорнинг шахсияти билан ижодини боғлаб текшириш орқали чуқур умумлашмалар чиқариш ўрнига далилларни қалаштириб ташлаш ёки фақат ижодгагина эътибор қаратиш ўзбек портретнавислигига хос умумий камчиликлардан бири бўлиб келди.

“Биз ижодкор асарларини ўрганар эканмиз,- деб ёзади академик Б.Назаров “Олим маданияти” портретининг муқаддимасида,- кўпинча ундаги ғоявий, бадиий, илмий савияни таҳлил қилиш ва шулардангина келиб чиқиб унинг муаллифи иқтидорини баҳолашга ўрганиб қолганимиз. Бироқ асарнинг вужудга келишида ижодкор шахсияти ва маънавиятининг тутган ўрни, ижодий муҳитдаги одоби ва ахлоқи, касбдошлари билан мулоқот ва мусоҳабалари тўғрисида ҳам ўйлаб кўрганмизми? Салоҳиятнинг тамал тоши кўйилувчи ёшлиқ йиллари ва фикрлаш маданияти ҳақида мушоҳада юритганмизми?” Адабий портрет яратувчилар айнан ана шу муаммаларни кўпинча очик қолдириб кетадилар. Ва шу туфайли бу адабий портретлар кемтик, мазкур шахснинг тўлиқ ва яхлит қиёфаси тўла ёритилмайди. Чунончи, У Норматовнинг “Сайд Аҳмад” адабий портретида ёзувчи ижоди таҳлил этилади-ю, унинг инсоний қиёфаси, бошидан кечган оғир кунлар ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Л.Қаюмовнинг “Сайд Аҳмад” портрет-мақоласида ҳам ёзувчи ҳақида шундай маълумот берилади: “1960 йиллар Сайд Аҳмад ижодининг камолот даври, ширага тўлган пайти бўлди...”. Бу сатрларни ўқиган китобхон ёзувчи ижоди силлиқ, бир текисда борганлигига шубҳа қилмайди. Бироқ 50-йилларда адабнинг ноҳақ қамалиши, бир неча йил “халқ душмани” сифатида қамоқ азобларини бошидан кечириши

ва унинг ижодига таъсири ҳақида бирорта асарда ҳам фикр юритилмайди. Бу эса адабий портретнинг ҳам, портрет - мақоланинг ҳам бир хил андоза, қолипларга бўйсундирилган даврда ёзилганлиги, ўша замоннинг талабидан келиб чиққанлигидан далолат беради. Ўқувчилар Сайд Ахмад ижодининг мана шу томонлари билан ёзувчининг “Йўқотганларим ва топганларим” китоби орқали мустақиллик йилларида гина танишдилар.

Мунаққиднинг адабий портретлари эстетик ва илмий жиҳатдан ўзига хослик касб этган. У ҳар бир асар таҳлилида адабий асардан теран ҳаётй мазмун билан бирга юксак бадиийликни ҳам талаб қиласди. М.Қўшжонов ижоди ҳам камчиликлардан холи эмас, унинг адабий портретларида гоҳида нимадир етишмай қолгани ёки ошиб кетаётганини сезиш мумкин. А.Моруа диққат қилган майта тафсилотларга эътибор қаратилмайди. Баъзан танқидчи айрим мураккаб зиддиятли ҳодисаларнинг ичига кириш ўрнига уларни тавсифлаш билан чекланади. «Машхур ҳикоянавис» деб номланиб, Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий мероси таҳлил этилган адабий портретни ўқир эканмиз, мазмунан баркамол, етук асарлар, ҳатто қисса ва романлари таҳлилида баёнчилик белгилари, шарҳлаш аломатлари кўринади.

Ёки шўро йилларида яратилган адабий портретларда фақат ёзувчининг ижодига хос жиҳатларга кўпроқ эътибор бериш, унинг инсоний фазилатлари, ҳаётидаги драматизм, оиласи, атрофидагилар билан муносабати каби масалаларга эътибор бермаслик кабилар уларнинг асосий нуқсонларидан бирига айланганлиги сир эмас. Ҳолбуки, юқорида эслатганимиз Сент-Бъёвнинг фикрича, ёзувчининг кундалик ҳаёти ва одатларига ҳам аҳамият бериш лозим: ”Мени ҳамиша мактублар, сұхбатлар, фикрлар, характерларнинг турли ҳолатлари, рухияти, бир сўз билан айтганда, машхур ёзувчилар таржимаи ҳолини ўрганиш ром этиб келди” (Сент-Бъёв Шарль. Литературные портреты. Критические очерки. – М.: Худож. лит., 1970. – 313 с.). Ҳар қандай ёзувчи, бошқа оддий инсонлар каби, реал мавжудот бўлиб, ижодида уни ўраб турган одамлар, уларнинг ҳаёти, шу билан бирга ўзининг шахсий ҳаёти, руҳий кечинмалари мухим аҳамият касб этади, шу билан бирга ёзувчи билан ўқувчини бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қиласди. Аммо бу хусусият фақат М.Қўшжонов ижодида эмас, балки бутун ўзбек адабий портретнавислигига умумий етишмовчилик эдики, юқорида айтилганидек, буни ўша давр мафкураси билан боғлиқ жиҳат деб қараш тўғри бўлади.

Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Қодирий, Ойбек ижодига оид портретларни қўздан кечирар эканмиз, танқидчининг бошқа жанрдаги тадқиқотларида етакчи бўлган - образларни адабиётшунослик йўли билан қайтадан яратиш усулига дуч келамиз. “Нафосат

шайдоси” портрети (Кўшжонов М. Сайланма. Икки жилдлик. Адабий портретлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982). Ойбекнинг бир бутун қиёфасини яратиш йўлидаги изланишлардан биридир. Ойбек ҳақида жуда “ кўп ва хўп” ёзилди, унинг ҳаёти ва ижодига бағишилаб илмий тадқиқот, монография, илмий-биографик очерк, йирик асарлар яратилди. М.Кўшжонов асарининг улардан фарқли жиҳати шундаки, у Ойбек ҳаёти ва ижодига умумлаштирувчи характердаги адабий портрет яратди. Аммо бунда кўпроқ ёзувчининг ижодий қиёфаси ёрқин намоён бўладики, унинг шахсий ҳаёти, севгиси, орзу-армонлари, фарзандлари ва дўсту душманлари ҳақидаги асарлар яратилишига хали анча вақт бор эди.

Олим ёзувчилар ижодининг ўзига хос томони, асарларининг бадииятини очиб берувчи муҳтасар ижодий портретлар яратди. Жумладан, у И.Султон, К.Яшин, Ш.Рашидов, Қудрат Ҳикмат, О.Ёқубов, П.Қодиров, А.Орипов, Ш.Холмирзаев, О.Мухторов портретини яратар экан, ҳар бир ижодкорнинг кўпчиликка номаълум маҳорат сирларини кашф этди. Шунинг учун мунаққид қаламига мансуб деярли барча портретларда таҳлил этилаётган ёзувчи ижодига хос бўлса-да, аммо кўпчилик китобхонларга номаълум қирраларнинг янги нуқтаи назардан кузатилиши, янгича фикр асосида талқин қилиш фазилатини кўриш мумкин. М.Кўшжонов, аввало, ёзувчи ижодининг етакчи жиҳатларини аниқлаб, ҳар бир асарнинг адабиётдаги ўрнини самимий, холисона баҳолашга интилади.

«Ҳаёт ва Ватан мадҳи» адабий портретида А.Орипов ижодий индивидуаллигига хос, шу вақтгача адабиётшуносликда кам илғанган қатор хусусиятларни кўрсатди. Унинг эстетик шиорларидан бири танқиднинг ҳамиша далилларга таянишидир, адабий портрет яратища шунга риоя қиласи, мунаққид ҳар бир ижодкорнинг ҳаёти ва ижодига оид далилларни қуруқ қайд этишдан кўра уни образли ифодалашга, фикрни илмий, мантиқ тили билан эмас, балки жонли хотиралар орқали содда ва равон услубда ёзишга муваффақ бўлган.

Танқидчининг ҳар бир портрети ўқувчи дикқатини тезда ўзига жалб этадиган даражада қизиқарли усулда бошланади. Адабий портретнинг биринчи жумласиданоқ ўқувчи эътиборини сирли тугунга ҳавола этади. Натижада, у биринчи жумладаги сирли тезис (код)га эргашиб, адабий портретни ўқиб қўйганини сезмай қолади. Масалан, Ҳ. Олимжон ҳақидаги портретда шоирнинг ўз сўзлари сарлавҳага олиб чиқилган: «Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман!», Қудрат Ҳикмат ҳақидаги адабий портрет ҳам «Эшитинг, шеър ўқийман» деган шоирнинг ўз ибораси билан бошланади. Ёки сарлавҳаданоқ танқидчи фикр юритаётган ижодкор асарларининг бош концепцияси ярқ этиб кўзга ташланади. Масалан, “Табиатга мафтун ёзувчи” адабий портрети хоразмлик ёзувчи Раҳим Бекниёзга бағишиланган бўлиб, унинг ижодида табиат мавзуси бош ўринни эгаллайди.

Мунаққид ҳар бир адабий портретининг муқаддимасида бирор чиройли деталь, ҳаётий воеа ёки ибратли лавҳа келтиради. Ана шу ҳаётий далил ёки лирик лавҳа шунчаки ўқувчи дикқатини жалб этиш учунгина келтирилмасдан, кўп ўринларда адабий портрет учун “ўқ илдиз, барча фактларни бирлаштирувчи, умумлаштирувчи” (Б.Назаров) бўлиб хизмат қилган. Адабий портретни ўқиб чиққандагина, танқидчи бу лирик чекинишни бекорга, шунчаки жимжимадорлик учун келтирмаганлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Мунаққиднинг адабий портретлари қизиқарли шаклидан ташқари ҳар бир ёзувчи ижодига ўзига хос нигоҳ ташлаши билан ҳам диққатга сазовордир. Шунинг учун у яратган адабий портретлар янгича нуқтаи назар, нозик кузатиш ва хулосаларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Мухими, танқидчи портрети яратилаётган ижодкорларнинг адабиётда тутган ўрни, ўзига хос услуби, шахсиятига оид энг муҳим жиҳатларга асосий диққат-эътиборини қаратиб, қатрада олам акс этганидек, майда деталлар орқали уларнинг тўлақонли, ёрқин қиёфасини ўқувчи кўз ўнгидаги ҳақконий гавдалантиришга муваффақ бўлади.

Олимнинг «Қалб поклиги» портретида О.Ёқубовнинг ижодий йўли ёритилади, фикрини хотиралар орқали бошлаган мунаққид ҳар бир асарни таҳлил қиласр экан, унинг ютуғи билан бирга камчилигини ҳам кўрсатади. Сўнгра ижод давомида ёзувчининг бу камчиликларини бартараф этганигини асослаб беради. Асардаги шакл, мазмун, замон ва макон мунаққид эътиборидан четда қолмайди. Асарнинг жанрига келсак, биринчидан, ҳажмининг қисқалиги, иккинчидан, адаб ижодининг яхлит манзарасини бера олмаслиги жиҳатидан бу асарни адабий портрет эмас, портретга чизгилар дейиш асослироқдир.

Танқидчи такрорланмас шахс сифатида кўринадиган ёзувчининг ижодий қиёфасидаги қирраларда қайтарилмас ягоналикини топади. Ёзувчи ижодида асосий ўринни эгаллаган мавзу, қаҳрамон, сюжет ва мотивлар адабий таҳлил объектига айланади. Бу алоҳида қисмларнинг ҳар бирида танқидчилар эскиз тавсифнома шаклида ижодкорнинг мукаммал образини қайта яратишга имкон берадиган бутунликни акс эттиришга ҳаракат қиласиз. Бундай кўринишлар шахс ва ижодни умумлаштиришнинг ўзига хос воситалари билан ёзувчи қиёфасининг ижтимоий - эстетик моҳиятини очиб беради. Шу билан бирга бу умумлаштириш доимо аниқ, индивидуаллаштирилган, тўлиғича инсоннинг шахсиятига тегишли бўлади. Бунинг исботини М.Қўшжоновнинг “Баҳсларда улғайган ижод” адабий портретида яққол кўриш мумкин. Унда танқидчи бутунлай бошқа йўлдан боради, портрети яратилаётган ижодкорнинг исми-шарифини яширади, катор фикрларида инсонга хос олижаноб фазилатларини кўрсатгач, умумийликдан хусусийлик сари чекинади, яъни хотираларга таяниб, фақат ўша ижодкорнинг шахсиятини тавсифлайди

(Кўшжонов М. Сайланма. Икки жилдлик. Адабий портретлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982. Биринчи жилд. – 178 б.). Танқидчи номаълум йигитча ҳақида гапира-гапира охири сирни очади. Кейин адабнинг биринчи романи ҳақида фикр юритиб, қиссаларини таҳлил қиласди. Навбат «Эрк» қиссасига етганда, мунаққид ўзига хос услубда ёзувчининг ўзини суҳбатга тортади. Услубдаги бундай ранг-баранглик асарнинг жозибадорлигини таъминлаган.

Ш.Холмирзаев, О.Мухторов ижодига оид портретлар ҳам жонли хотиралар асосида ёзилганлиги билан эътиборга лойиқ. Аммо М.Кўшжонов адабий портрет дея тақдим этган асарларнинг барчаси ҳам шу жанр сирасига кирмайди. Чунки уларнинг баъзиларида танқидий-биографик очерк белгилари устун бўлса (С.Айний, А.Қаххор ҳақидаги), баъзиларида асосий дикқат фақат ёзувчининг ижодига қаратилганлиги боис ижодий портрет (Ҳамид Ғулом, Й.Шамшаров ҳақидаги), портретга чизгилар (Сайд Аҳмад, Раҳим Бекниёз ҳақидаги), портрет-мақола (Шукрулло, О.Ёқубов ҳақидаги)га хос белгилар устун. Шунинг учун кўпинча ижодкорларнинг ўзлари яратган асарлари жанрини белгилаб қўйишлари ҳамиша ҳам ўзини оқламайди. Бизнингча, бу каби ҳолатлар ёки адибларнинг ўзи қайд этишидан қатъи назар, адабиётшунослик ишларида масалага соф илмий-назарий нуқтаи назардан ёндашмоқ муайян асарнинг жанрини белгилашда адабиёт назарияси талабларидан келиб чиқиш зарур. Адабий танқид жанрлари соҳасига ҳам худди шу нуқтаи назарни тадбиқ этиш лозим деб ҳисоблаймиз. “Сайланма”нинг иккинчи жилдида “Адабий портретга чизгилар” рукнида берилган тадқиқотларнинг ҳаммаси ҳам шу жанрга мансуб деб айтиш қийин. Масалан, “Гўзаллик шайдоси” деб номланган тадқиқот янги асар ҳақида маълумот бериш мақсадида ёзилган, қисқа баҳолаши, вазифаси, моҳият-мазмунидан келиб чиқилса, у такриз жанрида ёзилгани кўринади. Унда В.И.Тюриков ва Ҳ.Ғуломнинг “Кекса Орол қўшиқлари” китобига баҳо берилган, асарнинг адабий жараёндаги ўрни, жанри белгиланган, очерк сифатидаги ютуқлари кўрсатилган. Бу белгилар эса такриз жанрига мансуб.

Шукруллонинг 60 йиллигига бағишлиланган “Шоир бурчи”ни ҳам адабий портретга чизгилар дейиш мумкин. Шоир ижодини умумлаштириб, қисқача баҳо берилиши нуқтаи назаридан унга портрет-мақола намунаси сифатида қараш тўғри бўлади. Ёки Аскад Мухтор ҳақидаги “Тинимсиз ижод оғушида” портретга чизгилар эмас, балки портрет-мақоладир. Назаримизда, адабий портретга чизгиларда “Танқидчи портретга шундай чизиқлар тортиши лозим эдики, токи улар шоир ижодининг далилларини уюштирсин, портретга ранг-жозиба киритсин (Расулов А. Истеъдод ва эътиқод. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 70 б.). Шунга кўра портретдаги чизиқлар бирлиги ҳаётдаги шоир, инсон билан

танқидчи асаридаги қаҳрамон- характер орасидаги мутаносибликни вужудга келтириши керак. М.Қўшжоновнинг баъзи портретга чизгиларида ана шу хусусиятлар тўлиқ бўлмаганлиги сабабли уларни портрет-мақола, баъзан вазифаси ва мазмунидан келиб чиқиб, тақриз деб белгилаш мумкин.

Адабий портрет яратиш тамойилига кўра, асосан икки йўналиш қўзга ташланади:

1. Аввал портретга чизгилар берилиб ёки портрет-мақола яратилиб, кейин мукаммал адабий портрет яратилади. Бунга О.Шарафиддиновнинг портрет яратиш тажрибаси мисол бўла олади. А.Расулов юқорида эслатганимиз О.Шарафиддиновга бағишлиган адабий портретида унинг портретга чизгиларини эскиз-мақола деб атайди, улардан кейин мукаммал портрет яратишга ўтиш усулини F.Ғулом, А.Қаҳхор каби ёзувчилар ижоди мисолида кўрсатиб беради.

2. Баъзан тўғридан-тўғри адабий портрет ёзилади. Юқорида тилга олинган М.Қўшжоновнинг кўпчилик адабий портретлари шу усулда яратилган.

3. М.Қўшжонов ижоди адабий портрет яратишнинг учинчи йўли ҳам борлигини тасдиқлайди. Яъни аввал адабий портрет ёки ижодий портрет яратилиб, кейин уни тўлдириш ёки бошқа муносабатлар (юбилей, хотира) билан портретга чизгилар берилиши мумкин экан. Олимнинг Иззат Султон ижодига бағишлиган ишлари бунга мисол бўлади. Унинг “Олим ва драматург” номли асарини ижодий портрет дейиш ҳам қийин, чунки унда олимнинг биографияси ҳақида фикр юритилмайди, фақат охирги қисмида олим табиатига хос ишчанлик хусусияти кучли эканлиги айтиб ўтилган, холос. Иззат Султон ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазалардан мисоллар келтирилган. Демак, бу портретнинг тўлиқ эмаслигини кўрсатади. М.Қўшжонов шу кемтикликни тўлдириш мақсадида “Адабий портретга чизгилар” рукнида “Илмдан драмага, драмадан илмга” деб номланган тадқиқотини ёзади. Сарлавҳанинг ўзи олдинги адабий портретнинг узвий давоми, унга кўшимчадай таассурот қолдирса-да, айтарлик янги фикр йўқ. У умумлаштирувчи хусусиятга эга: олим яратган тадқиқотлар, драматик асарлар қисқа таҳлил этилади. Адабий портретга чизгилар Иззат Султоннинг 70 йиллиги муносабати билан яратилган, шунинг учун олдинги адабий портретни тўлдиришга хизмат қилмайди.

Мунаққид ижодида юбилейлар муносабати билан яратилган асарлар оз эмас. “Катта орзулар йўлида”, “Сахий истеъод”, “Ҳаётга саёҳат”, “Табиатга мафтун ёзувчи” каби портретларида мақтов меъёри бир оз ошиб кетган, чукур таҳлилдан кўра баён етакчилик қиласи, аммо улар ижодкорларнинг ўзига хослигини аниқлашда муаммони тўғри қўя билганлиги, ўзига хос ечими билан яхши таассурот қолдиради. Баъзан Қўшжонов ҳам

таҳлил объекти бўлган ижодкорнинг асарларини текширишни биринчи ўринга қўйиб, шахсига эътибор қаратмаган жиҳатлар учрайди.

Адабий портретларда зукко мунаққид ёзувчи ёки шоир ижодини юксак гоявийлик ва бадиийлик, мазмун ҳамда шаклнинг бирлиги; мақсаднинг аниқ, изчиллиги; тилнинг бой ва ифодали бўлиши каби адабиётнинг эстетик мезонлари нуқтаи назаридан текширади, ҳар бирининг ўзига хос санъати ва муштарак томонларини очиб беради. Жонли мулоҳазалар, мустақил, эркин фикрлар, таҳлилларнинг равшанлиги китобхон диққатини тортади. Шу билан бирга А.Моруа адабий портретларидағи лаконизм ва бадиийликнинг кучли ифодаланиши М.Қўшжонов ижодида кам кўринади, бунинг сабабларидан бири Моруанинг ёзувчилиги, М.Қўшжоновнинг мунаққидлиги билан боғлиқдир.

Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Қодирий, Ойбек ижодига оид портретларни қўздан кечирав эканмиз, танқидчининг бошқа жанрдаги тадқиқотларида етакчи бўлган – образларни адабиётшунослик йўли билан қайтадан яратиш усулига дуч келамиз. М. Қўшжоновнинг портретнавис сифатидаги услубига хос хусусиятларни қуидагича белгилаш мумкин: 1) адабий портретда ижодкор қиёфаси, табиати, фаолиятини яққол гавдалантириш. Бу типга Ойбек, А.Қаҳҳор, И.Султон, А.Орипов ҳақидаги адабий портретлари киради; 2) портретни шу ижодкорнинг ўзи ҳақидаги фикрлари билан тўйинтириш ва адебнинг ижодий қиёфасини яратишида улардан унумли фойдаланиш, ўзининг мулоҳазалари билан омухталаштириб, асар яратиш. А.Қодирий ва С.Айний ҳақидаги асарлар шу типга мансуб; 3) ёзувчи ёхуд шоирнинг бутун ижоди ҳақида фикр юритмай, адабий портретга чизгилар яратиш. М.Шолохов, Ҳамза, Аскад Мухтор ва бошқалар ҳақидаги асарлар; 4) портретларда қиёслаш кучлилиги; 5) мунаққиднинг асарларида синкетиклик устувор: адабий портрет деб белгиланган асар ижодий портрет, адабий портретга чизгилар баъзан тақризга, баъзан мақолага ўтиб кетади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, биринчидан, ўзбек адабий танқидчилигини М.Қўшжонов ижодисиз тўла тасаввур этиш мумкин эмас. Унинг хизматлари, энг аввало, улкан санъаткорлар маҳоратини теран таҳлил қилишда намоён бўлади. Олим М.Қўшжонов ҳақидаги мақолалардан бирига "Маҳоратшунос олим" сарлавҳаси қўйилган. У ўзбек мунаққидлари орасида биринчилардан бўлиб, шундай ном олди. Чиндан-да, танқидчи илмий ишлари замирида маҳорат масаласи биринчи ўринда туради. У адабиёт назарияси билан шуғулланса ҳам, танқидчиликка оид ишга қўл урса ҳам, халқ, жамият манфаатини назарда тутади. Унинг барча ишларида санъаткор ва замон масаласи марказий ўринда туради.

Ўзбек адабиётшунослигига М.Қўшжонов ёзувчи ижодининг ўзига хосликлари, асарларининг бадииятини таҳлил қилиш орқали очиб берувчи муҳтасар ижодий портретлар яратди. Жумладан, у И.Султон, К.Яшин, Ш.Рашидов, Қудрат Ҳикмат, О.Ёқубов, П.Қодиров, А.Орипов, О.Мухторов портретини яратар экан, ҳар бир ижодкорнинг кўпчиликка номаълум маҳорат сирларини кашф этди. Ш.Холмирзаев, О.Мухторов ижодига оид портретлар ҳам жонли хотиралар асосида ёзилгани билан эътиборга лойик. М.Қўшжонов болалар адабиётини ўрганишга ҳам муносиб ҳисса қўшиб, Қ.Муҳаммадий, Қ.Ҳикмат, Ҳ.Пўлат ижодига бағишланган адабий портретларда болалар адабиёти муаммоларини ўрганди.

Адабий танқид замонавий адабий жараённи атрофлича теран ва чуқур таҳлил этиши, унинг ички ривожланиш қонуниятларини истиқбол нури билан кўрсатиши, айни вактда, ҳар бир ижодкор ўз имкониятларини тўла даражада адабий ҳодисаларга "кўчириш"га кўмаклашиши, истеъоддодларнинг тўғри йўлдан боришини таъминлашда ҳамроҳ ва елкадош бўлиши лозим. М.Қўшжоновнинг мунаққид сифатидаги хизматлари ана шу хусусиятларда намоён бўлади. Айниқса, унинг кейинги йиллардаги ўзбек шеърияти, насри хусусида билдирган фикр-мулоҳазалари, умумлаштирувчи мақолалари жамоатчилик эътиборини жалб этиб келди. Масалан, унинг "Ижод сабоқлари" китобида адабиётшуносликнинг қатор долзарб масалалари – ижодкор масъулияти, замонавийлик ва маҳорат, шахсият ва ижод, санъаткорнинг маънавий дунёси қатор жиддий муаммолар юзасидан муҳим фикр-мулоҳазалар билдирилган бўлса, "Дийдорнома" китобида ўнлаб адаб, олим ва давлат арбобларининг ёрқин ва ўчмас қиёфалари гавдалантирилди."Адабий танқид ҳам ихтиро қиласи, ихтиро қилинган талантларни ардоқлайди", – М.Қўшжоновнинг шиорларидан бири мана шу фикрда мужассам. Жонкуяр танқидчи ўзининг бу тамойилига бутун умр содик яшади. Москвада чоп этилган "Щедрость таланта" китоби ўзбек танқидчилигини Ўзбекистондан йироқ-йироқларга танитди.

Мустақиллик йилларида олим шу давргача яратилган айрим асарларини истиқлол мафкураси асосида қайтадан кўриб чиқди. Масалан, "Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати"(1966) монографиясини тўлдириб, қайта ишлаб мустақиллик мафкураси билан тўйинтириб, "Ўзбекнинг ўзлиги" номи билан чоп эттириди. Ҳужжатли, автобиографик асосдаги жанрларда ўз кучини синаб, янги-янги асарлар яратди "Кўнгилда қолиб кетган гаплар" (2006), ҳатто ўзининг уруш йилларидағи хотиралари асосида бадиий асар ҳам яратди. "Дагиш", "Алам" сингари асарлар бунга мисол. Жонли хотиралар, иқрорлар асосидаги бадиий публицистик руҳдаги бундай асарлар ёшлиар дунёқарашини шакллантиришда аҳамиятга эгадир.

3.Мунаққиднинг адабий сұхбатлари. Инсоннинг ички маънавий олами, шарафи, обрў-эътибори унинг нутқида намоён бўлади. Сұхбат ва нутқ одобига риоя қилмаган киши эса шараф ҳамда обрў-эътибордан маҳрум бўлади. Сўз- муқаддас ҳодиса. Шундай экан, у фақат эзгулик учун хизмат қилиши керак. Сўз тўғри, ўрнида, вақтида айтилган ва ҳақиқатни илгари сурадиган бўлиши керак. Ҳусайн Воиз Кошифий тариқат аҳлини икки тоифага бўлиб, мартабага эришганлар ва мартабага эришмаганлар учун алоҳида-алоҳида сұхбат одоби қоидаларини тасниф этади. «шайхлар ва бошқа мартабага эришганлар учун ҳам, ҳали мартабага эришмаган кишилар, муридлар учун ҳам риоя қилиниши зарур бўлган бир қанча сұхбат одоби мавжуд.

Агар мартабага эришганлар сұхбатда қайси қоидаларга амал қилиш керак деб сўралса, айтгил, қуйидаги саккиз қоидани сақлаши керак:

Биринчидан, ҳар кимнинг аҳволига қараб, муносиб сўз айтсин.

Иккинчидан, дағаллик қилмасдан лутф ва мулойимлик билан гапирсин.

Учинчидан, гапираётганда табассум қилиб, очилиб гапирсин.

Тўртинчидан, овозини баланд кўтармасин, эшитувчиларга малол келтирмайдиган қилиб гапирсин.

Бешинчидан, одамларга нафъи тегадиган маъноли гапларни гапирсин.

Олтинчидан, агар сўзниң қадр-қиммати бўлмаса, уни тилга олмасин, чунки улуғларнинг сўзи бамисоли уруғдир, агар уруғ пуч ёки чириган бўлса, уни қаерга экманг, униб чиқмайди.

Агар мартабага етмаганларнинг сұхбат одоби нечта деб сўрасалар, бу ҳам саккизта деб айтгил.

Биринчидан, сўрамагунларича гапирмасин. Иккинчидан, гапираётганда овозини баланд кўтармасин. Учинчидан, гапираётганда ўнгу сўлга қарамасин. Тўртинчидан, ғаразли ва кинояли гапирмасин. Бешинчидан, қаттиқ гапирмасин ва бетгачопарлик қилмасин. Олтинчидан, пушаймон бўлмаслик учун ўйлаб гапирсин. Еттинчидан, одамлар гапини бўлиб сўз қотмасин. Саккизинчидан, кўп гапирмасин. Чунки кўп гапириш ақли ноқислик белгисидир. Оз бўлса ҳам,ammo соз гапиришни шиор этсин». (Ҳусайн Воиз Кошифий. Сұхбат одоби. Тошкент. 1988. 45-бет.).

Сўзимизни сұхбат одоби ҳақида улуғларимиз фикри билан бошлаганимизнинг сабаби шуки, сұхбатга қадимданоқ алоҳида эътибор билан қараганлар. Бунинг устига Ҳусайн

Воиз Кошифийнинг сұхбат шартларидан баъзилари тадқиқ обьектимиз бўлган адабий-танқидий сұхбатга ҳам тааллуклидир. Чунки адабий-танқидий сұхбатда ҳам “ғаразли кинояли”, “қаттиқ гапирмаслик” , “пушаймон бўлмаслик учун ўйлаб “гапириш, “кўп гапирмаслик, “оз бўлса ҳам, соз гапириш”га эътибор кучли бўлиши лозим.

Сұхбат икки шахснинг бир-бири билан олиб борган мулоқотидир. Бу мулоқот турлича характерда бўлиши мумкин. Масалан, оддий дўстларнинг сұхбати, шарҳловчи билан сиёсатчининг сұхбати, албатта, сиёсий мавзуда, сиёсат ҳақида бўлади. Ёки оддий сўзлашув услубидаги икки кишининг сұхбати истаган мавзуда бўлиши мумкин. Аммо адабиёт ҳақида, санъат ҳақида икки киши (олим ва адиб, танқидчи ва шоир ҳ.к) орасида сұхбат борар экан, улар кўпинча уни тушунадиган, дилдан ҳис этадиган мутахассислар бўлиб чиқади.

Ёзувчи билан танқидчи, танқидчи билан шоир, танқидчи билан олим ўртасидаги сұхбат адабиётнинг юксаклиги, ривожи, адабий асар, адабий жараён ҳақида борар экан, адабий-танқидий характерда бўлгани учун улар адабий-танқидий сұхбатлар деб аталади. Сұхбатларни ўқир экансиз, сұхбатдошларнинг адабиёт ҳақидаги қарашлари, фикрлашлари, бадиий ва илмий тафаккур тарзи, адабий жараёнга, бадиий асарга, адабий муаммоларга муносабати ёрқин намоён бўлиб туради.

Адабий-танқидий сұхбатнинг белгиларидан бири унда сұхбат олиб борувчи икки киши – танқидчи билан ёзувчи ёки шоир билан адабиётшунос олим бўладими, қатъи назар бир-бирининг кўзига қараб, чин дилдан мулоқотда бўлади. Шунинг учун назаримизда, бу жанрда ёлғонларга, ҳар хил тушунмовчилик орқасида келиб чиқадиган кескин мунозараларга ўрин йўқ. Тўғри, баъзида сұхбатдошларнинг қарашлари бир-бирига тўғри келмаслиги, улар бир-бирини рад этиши мумкин. Барибир, улар сұхбатининг моҳияти адабиёт учун курашдан иборат ва шунга хизмат этади. Шу билан бирга адабий-танқидий сұхбат санъати орқали сұхбатдошларнинг-шахс сифатидаги характерларнинг муҳим белгилари очилади.

Ўзбек адабиётшунослигига XX асрнинг 70-йилларида ижодкор ёшларга профессионал ва ғоявий тарбия бериш, уларнинг касбий маҳоратини чуқур ўзлаштириб олиши, ватанимиз ва жаҳон маданияти тажрибасини ўрганиш учун зарур чоралар кўриш масаласи кун тартибига қўйилган бир пайтда адабиётшунос олим Умарали Норматовнинг «Талант тарбияси» китоби шу улкан вазифани амалга ошириш йўлидаги кичик бир тажриба сифатида дунёга келган эди.

Адабий сұхбатлардан ташкил топған бу китоб шакл жиҳатидан ҳам ўзига хос күринишга эга. У ўзбек танқидчилигіда нашр этилған бадиј маҳоратта доир китобларнинг биронтасига ҳам ўхшамайды: унда танқидчи ижод, маҳорат сирлари ҳақида бевосита ижодкорларнинг ўзлари- турли авлодга мансуб ёзувчилар билан баҳс-сұхбат олиб боради. Шу йўл билан адибларнинг «дахлсиз» дунёсига- ижод лабораториясига кириб боради, уларнинг тажрибаларини умумлаштиради, улардан ёш ижодкорлар учун ибратли сабоқ-хулосалар чиқаради; айни пайтда китобда ёш, истеъоддлар тарбияси, ижоди, умуман, ҳозирги адабий жараён билан боғлиқ мухим масалалар ёритилади.

Бу анъанани адабиётшунос И.Ҳаққулов давом эттириб, мумтоз адабиётта бағишиланган сұхбатлардан ташкил топған «Ғазал гулшани» деб номланган китобини нашр эттирди. Муаллифнинг ўзи ҳам уни «адабий сұхбатлар» деб белгилаган, рисола «адабий сұхбат, таҳлил-мушоҳада шаклида» ёзилганини таъкидлаган. Ҳақиқатан ҳам бу адабий сұхбатлар ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари ижоди, асосан, уларнинг ғазалчилик маҳорати ҳақидағи мулоқотлардан иборат.

Мустақиллик йилларига келиб, бу жанрга эътибор анча кучайди. Газета ва журналлар ўз саҳифаларида адабий сұхбатларга кенг ўрин бера бошлади. Адабий сұхбатлардан ташкил топған китоблар нашр этила бошланди (М: И.Ҳаққул. Ким нимага таянади. 2006.).

Адабиётшунос олим Н.Рахимжоновнинг “Бадијят- бош мезон” деб номланган навбатдаги китоби (2016) ҳам ана шу анъанани ривожлантириш йўлидаги янги бир қадамдир. Тўпламга адабиётшуноснинг турли ижодий авлодга мансуб шоир, ёзувчи, олимлар билан адабий сұхбатлари киритилган. Сұхбатлар турли йилларда ўtkазилган. Уларни ким билан ўtkазилганига қараб, тўрт гурухга бўлиш мумкин:

1. Ижодкорлар (шоир, адиб) билан сұхбат
2. Олимлар билан сұхбат
3. Фойибона сұхбат.
4. Рамзий сұхбатлар

Биринчи гурухга Н.Рахимжоновнинг Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, шоир, адиб, драматург Эркин Самандар, Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон билан сұхбатлари киради.

Иккинчи гурухга академиклар Иззат Султон, М.Қўшжонов билан сұхбатларни киритиш мумкин.

Учинчи ва тўртинчи гурухга мансуб сухбатлар ўзбек адабиётшунослигига шу пайтгча учрамайдиган янги шаклдаги сухбатлар бўлиб, уни мунаққиднинг кашфиётлари дейиш мумкин. “Бадиий дид ва эстетик савия” деб номланган сухбат “Шоир нима демоқчи, шеър нима деяпти” мақоласи муаллифи шеър мухлиси, ҳаваскор қаламкаш М.Йўлдошев билан гойибона қурилган. Сухбатнинг шунга яқин турини фаранг адабиётида учратиш мумкин.

Фаранг файласуфи Дени Дидро ижодини шаклий жиҳатдан кузатганда, унда сухбатларнинг турли хиллари учраши ва бу файласуфнинг эстетикасида катта ўрин тутишини кўрамиз. Унинг “Никоҳсиз туғилган ўғил” ҳақида сухбатлар” (“Сухбатлар”-“Дорваль билан сухбатлар») асари ўз даврида жуда машхур бўлган ва юқори баҳо олган (Дени Дидро. Эстетика и литературная критика. М: “Худ-ная лит-ра”. 1980. С.599). “Сухбатлар» Дидро учун севимли бўлган шакл – диалогда ёзилган. Диалогдаги икки овоз Дидронинг фалсафий-эстетик қарашлари - унинг ички диалектикасидаги муҳим ўзига хосликни акс эттиради. Сухбатда эстетика, драматургия, саҳна асарлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилади. Файласуфнинг “Актёр ҳақида парадокс” асари эса сухбат-диалог шаклида ёзилган. Биринчи сухбатдош иккинчи сухбатдош билан театр, актёрлик маҳорати ҳақида сухбатлашадилар. Унда бир-бирининг фикрини рад этиш, мунозара йўсими устувор.

Н.Рахимжонов сухбатлари диалог шаклида эмас, гойибона олиб борилган. Аслида уни сухбат эмас, балки муносабат деб аталса, мақсадга мувофиқроқ бўлур эди. Негаки, ҳаваскор қаламкашнинг истеъдодли шоир Рауф Парфи ижодига қарашлари мунаққидни сергаклантиради. Асосий айбни мақола муаллифидан эмас, ҳақли равища “шеърият ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларнинг, эстетик мезонларнинг жўнлашиб кетганлиги, бадиият мезонларининг ниҳоятда сийқалаштириб юборилганидан” излайди.

Тўртинчи гурухга мансуб сухбатларнинг ҳам шакли оҳорли. Уларнинг ўзи икки хил: мунаққид билан шоир сухбати, иккинчиси учлик шаклида: китобхон, ёзувчи, мунаққид сухбати. Сухбатнинг бу тури жаҳон адабиётида учрайди. Масалан, инглиз ёзувчиси ва танқидчиси Роберт Пен Уорреннинг «Шоир қандай ижод қиласи» китоби мақолалар, интервьюлар ва сухбатлардан ташкил топган. Булар Уоррен сухбатлари «Харви Брайт билан сухбат» (1950), «Автоинтервью» (1953), «Қочоқлар билан учрашув. Вандер билт университетидаги сухбат» (1956), «Бадиий наср санъати ҳақида сухбат» (1957), «Нью-Йорк штатидаги Юнион коллежи талабалари билан сухбат» кабилардан иборат.

Р.Уоррен сухбатларининг ўзига хослиги шундаки, уларда битта танқидчи эмас, икки ва ундан ортиқ танқидчилар иштирок этишади. Масалан, «Қочоқлар учрашуви»даги

сұхбатда Уоррен, Тейт, Рэнсон, Элиот кабилар қатнашадилар. Аммо сұхбатда күпроқ Уоррен етакчилик қиласы. Ёзувчининг «Бадий наср санъати ҳақида сұхбат»ида уч танқидчи қатнашады.

Н.Рахимжонов ташкил этган сұхбатларнинг ўзига хослиги шундаки, уларда иштирок этаётган образлар: китобхон, ёзувчи, мунаққид – барчаси рамзий. Уоррен сұхбатларида эса ўз даврининг қўзга кўринарли ижодкорлари иштирок этишган. Н.Рахимжонов мунаққид тилидан асл мунаққиднинг вазифасини бадий асарнинг моҳиятини кўрсатиб беришда, “ёлғиз китобхонга эмас, ёзувчининг ўзига ҳам асарнинг сири-сехрини очиб кўрсатиша деб ҳисоблади: “Мунаққиднинг ўзи бадий асар ёзолмаслиги мумкин, лекин у асарни ҳис қилиш, қийматини белгилаш жиҳатидан, эстетик баҳолашига кўра ёзувчи даражасида туриши лозим. Унинг ёзувчилик сирини англаши жудаям муҳим”. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда адабиётимиз ёзувчи даражасидаги мунаққидларга муҳтожлик сезаётгани кўриниб турибди. Сұхбатдош – ёзувчи адабий-эстетик тафаккур тарихида ўзига хос ўрин эгаллаган бир қанча танқидчиларни ёқлаб чиқар экан, уларнинг муваффақияти илмий академизм билан бадий тафаккур уйғунлигига эриша олганлигига деб ҳисоблади. Китобхон эса адабий танқидчиликнинг қамров ва таъсир доираси тор эканлигидан куюнади. Шу билан бирга уч сұхбатдош адабиёт ва адабий танқидчиликдаги нуқсонлар, улардан қутулиш йўллари ҳақида ҳам фикрлашиб олишади, камчиликларни рўй-рост айтишга ҳаракат қилишади. Кўринадики, уч сұхбатдошнинг адабиётшуносликнинг моҳияти, адабиёт ривожи, адабий жараёндаги ўрни, нуқсон ва ютуқлари, давр ва муҳитнинг ижодкорга таъсири каби муаммолар ҳақидаги қарашлари маълум даражада адабий танқид тараққиётига ҳам хизмат қиласы. Бинобарин, “Бадиият – бош мезон” деб номланган адабий сұхбатлардан иборат китобдан шундай хулоса чиқариш мумкин:

1. Мазкур китоб адабиётнинг, шу билан бирга адабий танқиднинг ўсишига, тараққиётига ижобий таъсир кўрсатадиган бундай сұхбатлар ижодкорнинг ижод лабораториясига кириб, унинг бадий ижод сирларидан воқиф бўлиш, уни китобхонга кўрсатиш имкониятига эгалиги билан аҳамиятлидир.

2. Адабий танқид «харакатдаги эстетика» экан, у замон нафасини, бугунги куннинг эҳтиёжларини сезгирлик билан ўзида мужассам этиши зарур. Шу жиҳатдан қараганда, адабий мулоқотлар - адабий-танқидий сұхбат адабиёт, адабий жараён, ёзувчи ижодининг ойнаси бўлиши мумкин. Адабиётшунос Н.Рахимжоновнинг мазкур китоби фикримизнинг яққол далилидир.

3. Олим адабий сұхбатларининг адабий жараёндаги ўрни шуниси билан эътиборга моликки, бунда сұхбатдош- танқидчи ўзининг асар ҳақидаги кескин ҳукмини чиқармайды, балки сұхбатдоши билан фикр алмашады, унинг ижод сирлари билан кизиқиб, уларни китобхонга очиб беради, бевосита мулоқотда бўлади.

4.Даврнинг адабий-танқидий тафаккури даражасида туриб, фикр юритиш ҳам танқидчилик талантининг муҳим белгисидир. Биз юқорида таҳлилга тортган сұхбатларда танқидчиларнинг ҳам қиёфаси, услуби, илмий-бадиий тафаккурининг кучи у ёки бу даражада намоён бўлади. Сұхбатлашиш маданиятини ўзида жам этган Н. Раҳимжоновнинг адабий сұхбатлари буни ёрқин курсатиб турибди.

5. Танқидий асар ҳам ёзувчига, ҳам китобхонга, ҳам адабиёт ҳақидаги фанга хизмат этиши лозим. Шу жиҳатдан қараганда, адабий сұхбатлар ана шундай уч томонлама таъсир кучига, катта аҳамиятга эга эканлиги намоён бўлади. Адабий сұхбатлар, айниқса, ижодкор-шоир, ёзувчининг қалби, инсоний фазилатлари, ижод сирларига ҳам китобхонни ошно этиши жиҳатидан ўрганишга лойик.

Сұхбатдошлар сұхбати эркин савол-жавоб, бир-бирини тушуниш руҳида курилғанлиги унинг илмий-бадиий тафаккур намунаси эканлигидан далолат беради. Адабий сұхбатларда турли хотиралардан мисол келтириш унинг жонли ва қизиқарлигини таъминлаш билан бирга унинг бадиийлигини оширишга хизмат қилган. “Бадиият – бош мезон” китобидаги адабий-танқидий сұхбатлар адабиёт мухлислари, бошловчи ижодкорлар, танқидчилар учун илмий-маърифий аҳамиятга эгалиги билан ҳам ажралиб туради.

4. Эссе на вис олим. Адабий танқид жанрлари (портрет-мақола, адабий портрет, обзор мақола, муаммволи мақола, монография) ривожига катта ҳисса қўшган йирик олим Л.Қаюмов ижодида эссе-роман алоҳида ўрин эгаллайди. Олим XX асрнинг 50-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб, деярли бутун умрини, илмий-ижодий фаолиятини Ҳамза ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишлиди. “Ҳамза” эссе-романи “Машхур кишилар ҳаёти” сериясида 1989 йилда чоп этилган. Тўғри, мавзу катта бўлганлиги боис, (бунинг устига Шўро замонида яратилғанлиги –таъкид бизники. Ш.А.) ҳам асарга Ҳамза ҳаётининг совет даври фаолияти асос қилиб олинганлиги таъкидланади, шундай бўлса-да, эсседа шоирнинг болалиги, оиласи, ёшлиқ йиллари, характерига хос хусусиятлар (ҳушёр, туйғун, ҳар нарсага қизиқувчан бола бўлганлиги, шу билан бирга “ёзиш ва ўқиши вақтида ҳеч ким билан иши бўлмагани, ҳамда гаплашишишни ёқтиргмагани, бирордан ёрдам кутмай, ҳар ишни мустақил бажаришни севган”ини)ни олим алоҳида таъкидлайди (

Қаюмов Л. Ҳамза. Тошкент. “Ёш гавардия”. 1989. 8-бет. Кейинги ўринларда шу китобнинг саҳифаси кўрсатилади).

Эссе адабий-танқидий жанр сифатида адабиёт тарихи ва ҳозирги жараённинг муайян муаммолари, ёзувчи ҳаёти, ижоди тўғрисидаги мушоҳада ва муҳокамалар мажмуи саналади. Адабиётшунослик илмининг бугунги тараққиёти, эстетик тафаккур камолотини эссеиз тасаввур қилиш қийин. Бадий асарларда ижодкор услуби қанчалик акс этса, эсседа ҳам ёзувчи-танқидчининг бетакор қиёфаси аниқ акс этиб туради. Мунаққид асарида илмий мантиқ аниқ сезилиб туради. Ёзувчи эссеисида адабий танқиднинг санъатлик хусусияти ярқ этиб кўзга ташланади. Ҳозирги ўзбек адабий танқидчилигидаги эссе тараққиёти унинг турли шакллари мавжудлигини кўрсатади: а) адабий ўйлар; б) эссе-роман; в) эссе-хотира; г) эссе-қисса.

Мунаққидларнинг ижодкор ҳақидаги эсселари XX асрнинг 70-йилларида алоҳида йўналишда ривожлана бошлади. Уларда санъаткорнинг табиати, ижодининг нозик жиҳатлари, ўзига хос қирраларини илғаб, образли ва илмий тафаккур чиғириғидан ўтказиб бериш тамойили кучли. Бу хусусият, айниқса, эссе-романда ёрқин акс этган. Илмий тадқиқот билан бадий асар оралиғида шундай бир адабий-танқидий жанр борки, уни эссе-роман деб аташ мумкин. Танқидчи А.Расулов уни "илмий-оммавий, танқидий-биографик асар" деб атайди. Роман-бадий асар сифатида ёзувчининг образли тафаккури ҳосиласи, эссе-роман эса - танқидий асар, тўғрироғи, илмий тадқиқот билан бадий тадқиқот ўзаро ўйғунлашган оралиқ шакл сифатида ўзбек адабиётида ҳам “Ажойиб кишилар ҳаёти” сериясига асос солинди.

Ўзбек адабиётшунослигида ҳам XX асрнинг 60-йилларининг охиридан юзага кела бошлаган бундай эссе-романларда илмий-назарий тадқиқотчилик йўналиши билан бирга илмий-оммабоплик ва маърифийлик хусусиятлари устувор. Шу маънода “Ажойиб кишилар ҳаёти” туркумидаги асарларда адабиётшунослик ва танқидчилик “фикрлари камолининг ёрқин излари” кўринади. Эссе-романлар силсиласини ташкил этувчи асарлар А.Қаюмов, Н.Каримов, Отаёр, Л.Қаюмов, О.Шарафиддинов, Ш.Холмирзаев қаламига мансуб. Агар бу асарларнинг баъзилари ҳозирги адабий жараён билан боғлиқ эмаслиги назарда тутилса, улар соғ адабиётшунослик жанрлари сифатида қаралиши керак, аммо адабий танқидга хос илмий ва эстетик тафаккурнинг кенглиги, эркинлик, илмий далилларга доимо ҳам бўйсунмаслик каби хусусиятлар уларни адабий танқиддаги эссе-романлар сирасига киритиш имконини беради.

Ҳамза ижоди ўзбек халқининг маънавий-маърифий ҳаётида, асарлари эса, ўзбек адабиёти равнақида муҳим роль ўйнаганидек, бу улкан шоир ва драматург ижодиётини ўрганишга бағишлиланган тадқиқотлар, хусусан, Л.П.Қаюмов мақола ва монографиялари

ҳам танқид ва адабиётшунослик ривожида ўз ўрнига эга. Зеро, айниқса, Ҳ.Ҳ.Ниёзий таржимаи ҳолига оид Л.Қаюмов томонидан мисқоллаб йиғилган, тикланган тарихий маълумотлар ҳеч қачон ўз қимматини йўқотмайди.

Бироқ, шўро сиёсати ўз ғояларини мустаҳкамлаш учун Ҳамза ижодининг айрим кирраларини ҳаддан зиёд улуғлашга ва натижада, сохталашибиршига йўл қўйганидек, ана шу сиёсат ва мафкура соясида қолган танқид ва адабиётшунослик, хусусан, Л.Қаюмов тадқиқоти ва мақолалари ҳам айрим бирёқлама ва тенденциозлиқдан холи эмасди. Бундан қатъи назар, Ҳ.Ҳ.Ниёзий ижодига тарихан мансуб бўлган асл моҳиятни очишга қаратилган, бу улкан ижодкор табиатининг ўзига хосликларини ёритган Л.П.Қаюмов тадқиқотларидағи фазилатлар ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди. Шу маънода, замон сиёсати ва мафкурасининг адабиётшуносликка таъсирини ҳам, олимнинг жиддий изланишлари, ундаги кейинги босқичлар учун хизмат қила оловчи натижаларни ҳам ўзида мужассам этган Л.П.Қаюмов асарлари, хусусан, Ҳ.Ҳ.Ниёзий ҳақидаги илмий трилогияси ўқиши, ўрганиши, тегишли хулосалар чиқариш учун муҳим манбалар қаторида туради.

Соф беллетристик эссе ҳажман чегараланмаган, эркин композицияли, синкетик тарзда яратилади. Аммо адабий-танқидий мавзуда ёзиладиган эссе, айниқса, эссе-роман ҳам синкетик хусусиятга эга, аммо унда кўпинча композиция қатъий бўлади. Танқидчининг барча мулоҳазалари, улар эркин, хаёлотга тўйинган бўлса-да, аниқ бир ёзувчининг ҳаёти ва ижоди муаммолари атрофида жипслашади. Эссенинг ўзига хос етакчи фазилати - эркин ва бемалол фикр мулоҳаза юритиш тамойилига эга бўла туриб, мустақил сюжет йўналиши ва қаҳрамонга эга ички лавҳа - эпизодлар асосида таркиб топишидир. Бу хусусият, айниқса, эссе-романда яққол намоён бўлади. Л.Қаюмов ҳам кичик-кичик сарлавҳалардан ташкил топган, аммо композицион жиҳатдан марказий бир ўқ атрофига жойлашибиршилган мазкур эсседа турли-туман хотиралар, эсадаликлар, Ҳамзани кўрган, билган, яхши таниган одамларнинг сухбатидан фойдаланади.

Ҳамзанинг XX аср бошларида “зўр ғайрат ва катта умидлар билан” “Кенгаш” журналини ташкил этгани, ҳатто биринчи сонида “Жума қандай кун” деган мақола бергани ҳақидаги маълумотларни ўқир экансиз, шоирнинг эътиқоди бутун, иймони баққувват инсон эканлигига заррача шубҳа қилмайсиз. Ҳамза таъбирича, бу кун: “Байрам қилув, бир-бирига меҳмон бўлиб бормоқ; нотоб қардошларни ҳол сўрамоқ; шогирд муаллимларни зиёратига бормоқ; меҳмонхоналарда, дарсхоналарда бешлаб-үнлаб мажлис қилмоқ ва бу мажлисларда дин ва миллат учун керак бўлган баҳс ва музокаралар қилмоқ;...мактаблар очмоқ, кўхна мадрасаларни тузатмоқ...энг муҳим бурчимиздир” (28-бет). Ҳамзанинг бу чорлови ўша давр учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган мулоҳазалар

сифатида кўринади. Ва бугунги- инсон манфаати биринчи ўринда турган эзгу кунларда ҳам қимматини йўқотмаганлиги кўринади.

Эсседа ҳужжатлиликка асосланилган, олим шоир ҳаёти, фаолияти билан боғлиқ жуда кўп ҳужжатларни ўргангандан, изчиллик билан улардан фойдалантган, уларни ўкир экансиз, истеъдодли ўзбек ижодкорининг қайсиdir бир ташкилотга ёки мансабдорнинг хоҳишига қараб жуда кўп қимматли вақтлари бехуда сарф бўлганлиги, ўзи истаганчалик эркин ижод қила олмаганлиги яққол кўринади. Ҳамзанинг серқирра фаолияти фақат ижодга, театр, мусика масалаларига тўлиқ йўналтирилганида, балки, ўзи истаган ажойиб асарлар ёзилиши мумкин деб ўйланиб қоласиз. Асарда гарчанд шоир ҳаётининг шўролар билан боғлиқ кирралари ёритилган бўлса-да, ҳужжатлар, хотиралар Ҳамза ҳаёти шу давларда ҳам осон кечмаганлигининг гувоҳи бўламиз.

Эссени шакллантирувчи белгилардан бири эркин мулоҳаза юритиш, ва шундан келиб чиқиб, қолипларга буйсунмаслик, шу билан бирга ранг-баранг ифода воситаларидан фойдаланишдир. Л.Қаюмов ҳам шоир образини янада мукаммал тасвиrlаш учун эссега воқеий ҳикояларни ҳам қўшади. “Мехри дарё” деб номланган ҳикоя Ҳамзанинг бағрикенглиги, болажонлиги ва фидойилигини яна ёрқин кўрсатиш, шу билан бирга мұнаққиднинг ижодкорлигини намоён этишда мухим роль ўйнайди.

Истеъдодли олим Л.Қаюмовнинг эссе-романи Ҳамза ҳақидаги ҳақиқатлар, хотиралар, эсдаликлар, иқрорлар ва ҳужжатлардан иборат ҳолда унинг серқирра образини – шоир, драматург, бастакор, актер, мусиқашунос, фидойи муаллим, жонкуяр раҳбар ...яна давом эттириш мумкин – яхлит ҳолда гавдалантириб бера олиши жиҳатидан аҳамиятлидир. Албатта, бугунги кун ўқувчиси советлар сиёсати қурбони бўлган шоир ҳақидаги ҳақиқатларни эссе-романдан синчиклаб ўқиб, уқиб ола билади деб ўйлаймиз. Олимнинг илмий мероси фақат Ҳ.Ҳ.Ниёзий ҳақидаги тадқиқотлардангина иборат эмас. У танқиднинг ранг-баранг жанрларида, замонавий адабиётнинг турли муаммолари хусусида, наср, шеърият, драматик асарлар ҳақида баракали қалам тебратди. Адабий жараённи фаол кўрсатиб борди, мақолалари билан унга таъсир этди.

Л.Қаюмовнинг ижоди ва ижтимоий фаолияти кўп кирралидир. Етук жамоат арбоби, забардаст адабиётшунос, ўткир танқидчи, истеъдодли публицист, ташаббускор муҳаррир ва киносценарист, ҳикоянавис, талабалар устози сифатида кенг танилган олим умрининг охиригача эзгу ниятлар йўлида фаол меҳнат қилди. Олимнинг ўзи таъкидлаганидек, танқидчи инспектор эмас, балки мутафаккирдир, у мутахассис, айни вақтда, ёзувчи ҳамдир, унинг иши ҳақиқатни излаш ва топишидир. У шарҳловчигина эмас, талқин этувчи, баҳоловчи ва ҳукм қилувчи ҳамдир; ёзувчи ҳаёт ҳақида ёзади, танқидчи эса ҳаёт ва адабиёт ҳақида ёзади ва шу билан бирга бу соҳаларни чуқурроқ англашда ёзувчига

кўмаклашади, шу орқали ёзувчи ва адабиёт савиясини ошириб боради, йирик олим Л.Қаюмов асарларига шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, халқнинг ижтимоий, эстетик онги ўсишига хизмат қилаверади.

5.Ойбекшунослик сахифаларини варақлагандага... Ўзбек адабиётшунослигига ўзига хос услугга эга йирик олимлардан бири, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, филология фанлари доктори, профессор Бахтиёр Назаровнинг ранг-баранг илмий эстетик тафаккур олами ўзбек адабий танқидчилиги тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Бахтиёр Назаров ўз фаолиятида адабиёт ривожи учун курашиб, адабий жараёнда фаол ижод этиб, улкан илмий тадқиқот ишларини амалга оширди, ўзбек адабий танқиди ва адабиётшунослигининг юксалиши учун муносиб хизмат қилиб келмоқда. Б.Назаров илмий қизиқишлиари ҳозирги адабий жараён, XX аср ўзбек адабиёти тарихи, назарияси, адабий танқид масалаларига қаратилган. Унинг “Бу сеҳрли дунё”, “Ҳаётийлик–безавол мезон”, “Ўзбек танқидчилиги. Ғоявийлик. Метод. Қаҳрамон”, “Ғафур Ғулом олами” сингари ўнга яқин монография ва рисолаларида, танқид тарихига доир ишларida Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор эстетик қарашлари бадиий ижод, адабий танқид ва адабий жараённинг чамбарчас алоқадорлигига, қозоқ, қирғиз, татар, озарбайжон адабиётлари билан қиёсий ўрганилди.

Олим танқидчилик ва адабиётшуносликка Ойбек адабий- танқидий ва эстетик қарашларини ўрганиш билан кириб келди. Дастрлаб “Бадиий асарда пейзаж” (1967), “Ўтмишимиз кўзгуси”(1968), “Ўткан кунлар” немис тилида” (1969) сингари тақриз ва мақолалари билан кўринган ёш адабиётшунос 1969 йилдан эътиборан Ойбек ҳақида “Ойбек сиймоси”, “Ойбек эстетик қарашларининг шаклланишига доир”, “Ойбекнинг унутилган бир мақоласи” каби бир туркум мақолалар эълон қилди. Уларда адабнинг амалий ижодидан чиқарган илмий хулюсалари ҳамда назарий қарашларининг бадиий ижодга кўрсатган таъсири ўрганилди. Олим 1972 йилда Ойбек адабий-танқидий қарашлари тадқиқ этилган номзодлик диссертациясини муваффақият билан ёқлади. Бу изланишлар натижаси ўлароқ “Бу сеҳрли дунё” (1980) китоби юзага келди.

“Чин олим ҳар бир китоби, мақоласи, тақризи билан мушоҳадаси кенг, қилни қирқ ёпар китобхон - мутахассислар синовидан ўтиб боради. Академик Бахтиёр Назаров - серҳосил олим: тадқиқотлар, дарслик китоблари, ўзимиизда ва хорижда чоп этилган юзлаб мақолалари бор”,- деб ёзган эди адабиётшунос А.Расулов (Расулов А. Балоғат палласи. // ЎзАС, 2005 йил, 16 сентябрь.). Ҳақиқатан ҳам олим Ҳамза, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳомил Ёқубов, Матёқуб Қўшжонов, Салоҳиддин Мамажонов, кўплаб шоир, ёзувчилар ижоди

ҳақида мақола, портрет, биографик очерк яратган. Олимнинг бу ишлари ҳақида ўзбек ва хорижий тилларда тақриз, мақолалар босилган.

Олимнинг “Қуёшдек яшаган ичдаги севги” тадқиқоти Ойбек ижодига бағишиланган бўлиб, унда олим Ойбекнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотларга кенг ўрин беради. Бу асар илмий ва образли тафаккурга йўғрилгани, танқидчи услубининг янги бир қиррасини кашф этиш имконини бериши жиҳатидан аҳамиятлидир. Яъни тадқиқотни ўқиш жараёнида Б.Назаров Ойбек ҳақида бадиий асар яратган эканми деб ўйлаб қоласиз.Чунки унинг биринчи кисми истеъододли адибнинг туғилиши ва ўзига Ойбек деб тахаллус олиши ҳақида. “Мана шундай сокин, мовий тунларнинг бирида она қучоғидаги икки ёшларга тўлар тўлмаган болакай момик, думбок қўлларини кўкка чўзиб талпинади. Ҳали аниқ тузилиш олмаган жужик бир тилда нималарнидир чулдирайди”. Ҳақиқатан ҳам бу сатрларни ўқиган китобхон бирор бир ҳикоя ўқияпман деб ўйлайди: “Бу - бола Ойбек, мовий кўк тоқидаги тўлиной эса бола Ойбек кашф этган биринчи мўъжиза. Бу ой кейинчалик Муса- Ойбек ҳаётига бутун умр ҳамроҳ бўлади...”(Назаров Б. Қуёшдек яшаган ичдаги севги. / Китобда: Ҳаётийлик безавол мезон. Т. 1985. 35- бет.(Кейинги сахифаларда шу китобнинг бети кўрсатилади).

Адабий танқид ўзига хос ижод тури ҳисобланишини, танқидчи эса ижодкор эканлигини бу тадқиқот ёрқин кўрсатиб турибди. Тадқиқотнинг кейинги қисмлари бир-бирига узвий боғланиб кетган. Олим Ойбек ҳаётида муҳим ўрин тутган нуқталарга эътиборр қаратади. Уларни мўъжиза деб атайди. Биринчи мўъжиза ёш Мусонинг ойга талпиниши бўлса, иккинчи мўъжиза чўпчаклар, эртаклар, она ўқиб берган ғазаллар эди. Учинчи мўъжиза эса ёш Мусонинг янги мактабга бориб ўқиши ва глобусни қўриши эди. Тўртинчи мўъжизага Ойбек ўн беш - ўн олти ёшли чоғларида “Навоий” номли таълимтарбия техникумидаги таҳсил кўриб юрган пайтида дуч келди. Бу мўъжиза ҳам бошқалари сингари Ойбек ҳаётининг мазмунига айланди деб ёзади танқидчи. “ Техникумга келган бояги қизлардан бирига кўзи тушиши билан Мусонинг ҳам юрагига олов тушди кўйди...Мусо ҳаётида кашф этган навбатдаги мўъжиза муҳаббат бўлди”.

Шу тариқа мунаққид Ойбекнинг адабиётга, шеъриятга кириб келишини

ўзига хос усул билан жозибали ва қизиқарли баён қилиш билан ўқувчига етказади.”Шеър - йигитнинг бутун борини, жаҳонини эгаллаб олди. Дилбар тонг соchlари билан бунча гўзал а...Унга бефарқ қараш мумкинми? ...

Бу сеҳрли дунё сирларини, гўзалликларини, сабаб ва натижаларини шеърият орқали, умуман, бадиий ижод орқали кашф этиш Ойбек ўз ҳаётида англаб етган энг буюк мўъжизалардан бўлиб қолди” (36 -бет).

Адиб ҳаётидаги еттинчи мўъжиза ҳақида гапиришдан олдин танқидчи унинг иккинчи жаҳон уруши йилларидағи ҳаётидан бир лавҳани таъсирчан ҳикоя қилиб беради. Нон тансиқ бўлган ўша йилларда ёш ёзувчининг ярим буханка нонни битта блокнотга алмаштиргани, ўша дамдан бошлаб, “Қуёш қораймас” романининг дастлабки эпизодлари қоғозга туша бошланини таъкидланади. Мунаққиднинг Ойбек ижоди, ижодининг бош меҳвари ҳақида айтган қўйидаги сўзлари бугун ҳам эскирмаганлиги эътиборни тортади:” Инсоннинг энг катта баҳти - Ватаннинг обод, озод, баҳтиёр, тўқ ва фаровон эканлиги, инсониятнинг бошига энг оғир ва мудхиш фалокат солувчи нарса уруш эканлиги, одамлар бутун кучи ва тафаккурини урушга қарши қаратмоғи кераклигини ўйлаган. Инсоният тинч - тотув, дўст ва биродар бўлиб яшайдиган замонлар келишини орзу қилган ва ишонган. Зоро, шу масалалар Ойбек ижодининг, барча асарларининг, умуман, фаолиятининг томир-томирига сингиб кетган фазилатлардир.

Шунга кўра Ватан иқболи, тинчлик, дўстлик - камолот ёшида Ойбек тушунган навбатдаги мўъжизалардан бири бўлди”(42-бет).

Танқидчи тадқиқотнинг еттинчи қисмида Ойбекнинг илмий-танқидий асарларини таҳлил қилишга ўтади. У адиб ижодининг қирраларидан бири олимлигининг манбаларини очишга ҳаракат қиласи. Ойбек шеърларининг бирида: “Қуёшдек яшарди ичдаги севги” деган дилдор мисра бор. У Ойбекнинг шу сўзларидан фойдаланиб, санъатга, бадиий адабиётга бўлган чексиз меҳр, ижод сехрига ошуфталиқ унинг вужудида бамисли қуёшдек яшаганлиги, шу қуёш адибни бадиий ижод билан бир қаторда, унинг сехрли олами ҳақида илмий назарий изланишлар, тадқиқотлар олиб боришга унданлигини тўғри таъкидлайди.

Тадқиқотнинг илмий - назарий аҳамияти шундаки, Б.Назаров Ойбекни адабиётшунос ва танқидчи сифатида чуқур текширади. Аслида Ойбек ижодининг бу қирраси ҳақида XX асрнинг 70- йилларида биринчилардан бўлиб, Озод Шарафиддинов фикр юритган эди. Унинг “Сўз санъатига фидойи садоқат” деб номланган мақоласининг асосида шу муаммо турган эди. О.Шарафиддинов ҳам бу масалага ўтишдан олдин Ойбек шеърияти, достонлари, ўзбек прозасини ривожлантиришдаги хизматларини таъкидлайди (Шарафиддинов О. Истеъод жилолари. Т. FACH, 1976. 61- бет). О.Шарафиддинов Ойбекнинг навоийшуносликка қўшган ҳиссаси, илмий дадиллиги, А.Қодирийга бағишлиган асарини таҳлил қилиб, унинг истеъодини очиб берган эди.

О.Шарафиддиновдан кейин бу муаммога Б.Назаров кўл уради. Х.Ёқубов, М.Қўшжонов каби ойбекшунослар адиб ижоди ҳақида катта- катта тадқиқотлар яртаган бўлсалар-да, адиб ижодидаги айни шу киррага кам тўхталганлар. Шу жиҳатдан қараганда

ҳам, Б.Назаровнинг Ойбек илмий танқидий меросини ўрганишга бағишиланган ишларининг аҳамияти яққол кўринади. Танқидчи Ойбекнинг навоийшунос сифатида адабиёт илмидаги ўрнини кўрсатиб беради, унинг илдизларига назар ташлаб, ўз мулоҳазаларини қуидагича далиллайди: “Навоийнинг нафис сўzlари билан айтганда, ҳақиқий танқидчи “Япроқни ипак қилур, чечак баргини бол...” ношуд мунаққид эса “ифор гулни увол”. Ойбек биринчи тоифадаги танқидчилардан эди”.

Олимнинг қуидаги ҳаққоний сўzlари Ойбек даҳосига берилган юксак баҳо ҳисобланади :” Олимлик ва санъаткорлик Ойбек даҳосининг қўш қаноти эди. Унинг бадиий таланти илмий салоҳиятдан озиқ олди, илмий тафаккури эса бадиий таланти хужайралари нафаси билан мустаҳкамланди”(37-бет). Б.Назаров бу фикрларини далиллаш учун Ойбекнинг Навоийга бағишиланган мақоласидан парча келтиради. Ва бу парчани шундай изоҳлайди: “Илмий мақолани бу қадар бадиий чечаклар билан безаш, ёзилаётган масалани, ҳодисотни суратлантириш, жонлантириш, танқидий ишни ҳам имконича бадиий асар янглиғ ўқимишли қилиш, мантиқий ва образли фикрлаш орасида хукм сурмиш сарҳадларни ажиб бир усталик билан эритиб, ёзаётган мақоласи тўқимасига ифор туйғуларини сингдириб юбориш олим Ойбек услубига хос бўлган фазилатлардан биридир”(37-бет). Олимнинг бу мулоҳазалари адабий танқид табиатини жуда чукур тушунган ва ўз ижодида ҳам қўллай олганлигидан далолат беради.

Б.Назаров Ойбек илмий ишларининг яратилиш тарихини ҳам кузатади. Бу материалларда муаллифнинг ўзига хос ишлаш тарзи, фикрларининг туғилиши, шаклланиш ва камол топиш жараёни акс этишини тўғри таъкидлайди. Умуман жасур фикрлилик, ўқтамлик, дадиллик, ўзбек танқидчилигига янги методологик принципларни олиб кириш Ойбекнинг XX асрнинг 20-30- йиллар танқидий фаолиятига хос бўлган хусусиятлар эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга Ойбекнинг 20- йиллар ўрталаридағи Чўлпон поэзиясига бағишиланган мақоласини ҳам дадиллик билан ёзилган ишлардан бири деб ҳисоблайди.

Б.Назаров Ойбекнинг “Фалсафий терминлар устида бир қанча сўз”, ”Танқид соҳасида саводсизлик ва ур йиқитчиликка қарши ўт очайлик”, “Ўзбек поэзиясида тил” каби мақолаларини таҳлил қиласар экан, уларнинг ёзилган даври ва бугунги кундаги аҳамиятини очиб беради. Олим Ойбекнинг жорий адабий жараёндаги фаоллигига ҳам катта эътибор қаратади. Унинг ўз tengқур дўйстлари ижодини чуқур таҳлил қилиш ва тарғиб этиш борасидаги “куюнчак ва меҳрпарвар фаолияти” ҳам кўпчиликка ўrnak бўларли даражада эканлигидан фахрланади. Умуман бу борадаги F.Ғулом, X.Олимжон, А.Қаҳхор, Шайхзода, Миртемир, Уйғун, Яшин каби санъаткорларнинг ўзаро бир-бирлари

ҳақидаги талабчанлик билан йўғрилган, “ҳайбаракаллачилиқдан узок, сунъий мақтовлардан холи самимий фикрлари” ва мақолаларига ҳавас қилса арзиди деб ёзади. Бундан ташқари Ойбекнинг мумтоз адабиётнинг ўнлаб вакиллари ижодига, қардош халқлар адабиёти вакиллари ижодига бағишиланган мақолаларининг адабиётдаги ўрни ҳақида чуқур мулоҳаза билан фикр юритади.

Ойбек адабий-танқидий қарашларининг шаклланиш ва қарор топиш даври умуман ўзбек танқидчилигининг шаклланиши ва қарор топиш босқичига тўғри келишидан келиб чиқиб, олим унинг мақолаларида йўл қўйилган камчиликларни ҳам тўғри кўрсатади. Ва шундай хулоса қиласи: “20- 30- йиллар Ойбек мақолаларидаги ютуқ ва муваффақиятларни ўша давр ўзбек адабиётшунослиги муваффақиятларининг асосий қўриниши деб дадил айта олиш мумкин. Чунки бадиий адабиётимиз ва танқидчилигимиз тараққиётига жиддий таъсир кўрсатган, ўз даврининг аҳамиятли муаммоларини кўтариб чиқиб, маълум даражада ҳал этиб берган Ойбек мақолалари ўзбек адабиётшунослигига ўзига хос ўрин ишғол этади”(40-бет). Бундай хулоса олимнинг Ойбек ижодини жуда чуқур билгани ва илмий-бадиий тафаккури кенглигидан далолат беради. Тўғри, Б.Назаров тадқиқотида ҳам бугунги мустақиллик мафкураси нуқтаи назаридан қараганда камчиликлар йўқ эмас. Уларга олимнинг ўзи айтганидек, ўша давр танқидчилигига хос умумий камчиликлардан бири деб қараш лозим. Шу билан бирга олим 20 жилдлик Ойбек “Мукаммал асарлар тўплами”ни тайёрлашда фаол иштирок этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Хулоса қилиб айтганда, академик Б.Назаровнинг Ойбек ҳақидаги тадқиқотлари ойбекшуносликка қўшилган муҳим ҳисса бўлиб қолади.

6. Ш.Холмирзаевнинг эссе-романида устоз ва шогирд образи талқини. Янги асрга қадам қўйдик, янгиланишлар, улкан ўзгаришлар даврида яшяпмиз. Бу даврда шогирдларнинг устозларга муносабати ҳам янги даврга мос бўладими ёки анъаналар давом этадими, шогирдлар устозларини улуғлашнинг янги шаклларини топишга қандай ҳаракат қиласиги деган саволларга китобхонлар моҳир адиб Шукур Холмирзаевнинг «У кишим –устоз, Мен – шогирд» эссесини ўқиб тўлиқ жавоб топа оладилар. Янги асрда ҳам маънавий қадриятларимиз илгаригидек, хатто ундан зиёд тарзда камол топа бораётганлигини эссени ўқиган ҳар бир китобхон чуқур англаб этади.

Ўзбек адабиётида эссе намуналари 60-70 йилларда яратилган, эссеистика истиқлол даврида ривожланаётган бўлса-да, бу жанрнинг илмий-назарий хусусиятларини ўрганишга энди киришилмоқда. Унинг тараққиётига назар ташлар эканмиз, эссеининг адабий, фалсафий, адабий-танқидий, тарихий, биографик, публицистик мазмунга эга

бўлган турли кўринишлари яратилганлигини кўрамиз. Файласуф адиб Асқад Мухтор эссени «эркинлик жанри» деб атаган эди. Ҳақиқатан ҳам эсседа имкониятлар чегара билмайди, «ушлаб бўлмас, чегаралари аниқланмас» (М. Эпнштейн) бу жанрда фикртуйғулар оқимининг қўйилиб келиши, эркин мулоҳазаларнинг устиворлиги эссенавислар учун қулайлик туғдиради. Шу боис эссе А.Мухтор, П.Қодиров, А.Орипов, Э.Воҳидов, Сайд Аҳмад, Ш.Холмирзаев каби адиблар, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Н. Каримов каби мунаққидлар ижодида кўп учрайди.

Мустакиллик даврига келиб, эссе Шукур Холмирзаев ижодида юкори босқичга кўтарилиди. Умуман, Ш. Холмирзаевнинг бу даврда ҳам ёзувчи, ҳам мунаққид, ҳам оташин публицист, адабиёт жонкуяри сифатида ижодкорлар орасида фаол эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Адиганинг академик, йирик мунаққид, адабиётшунос олим Матёқуб Кўшжоновга бағишлиланган эссе-романи нафақат адиб ижодида, балки ўзбек эссенавислиги тарихида ҳам ўзига хос асар сифатида намоён бўла олди.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигига ёзувчи ва шоирлар ҳаёти ва ижоди ҳақида адабий портретлар, эссе, эссе-романлар, танқидий-биографик очерклар, монографиялар кўплаб яратилган. Аммо ўзбек мунаққидлари ижоди ҳақида бу фикрни айтиш қийин. И. Султон, Ҳ.Ёқубов, М.Қўшжонов, О. Шарафиддинов, Н.Каримов, У.Норматов сингари улкан олимларнинг ҳаёти ва ижодига доир турли жанрларда кўплаб асарлар яратиш имконияти бўлса-да, танқидчилик бу соҳага кам эътибор берди (албатта, яратилган баъзи адабий портретлар, жумладан, О.Шарафиддинов ҳақидаги «Истеъдод ва эътиқод» китоби бундан мустасно).

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигига В. Белинский йўлини олиб кирган, маҳоратшунос - ойбекшунос, қаҳхоршунос- буни кўплаб давом эттириш мумкин-, истеъдодли мунаққид, улкан ва ҳассос олим М. Қўшжоновнинг инсоний ва қисман ижодий қиёфасини яратишга бағишлиланган эссе бу кемтикликни тўлдиришга хизмат қиласи ва айни вақтда ёзилганлиги билан диққатга сазовордир. Ва ниҳоят ёзувчилар мунаққидлар ҳақида тўлиб-тошиб ёзадиган даврлар келганига хурсанд бўлиб, асарни ўқий бошлаймиз. Адиг бошиданоқ ўз олдига аниқ мақсад қўяди: « У ҳолда, «Бу одамнинг ўзи ким? Қандай шахсу қандай Адабиётшуноски, бунчалар Устозлик қилган бўлса? деган савол туғилмасми? Туғилар-ов... Ниҳоят мени янада чуқурроқ ўйлашга мажбур этган ҳол-Олимнинг Оламга-ю Адабиётга қарashi, яъни бу борадаги ақида-ю қаноатларининг ўз ҳаётида- умргузаронлигига намоён қилиши (пироварди, уларнинг бир-бирига чирмасиб бир бутунлик ҳосил қилгани), алқисса, Унинг менга бўлган муносабатларида ҳам, демак, бу ҳолнинг намоён бўлиши тарзida эссе ёзишга қарор қилдим».

Асардаги эссе га хос - чегара билмаслик, эркин фикр юритиш каби хусусият унинг сарлавҳасиданоқ қўзга ташланади. « У кишим- устоз, Мен- шогирд» деб номланган асарда бош қаҳрамон М.Қўшжонов ва ёзувчининг ўзи бўлса ҳам, эссе адабнинг ҳаётдаги бошқа устозлари: Шукур Бурҳондан тортиб, Н Фозилов, Т.Жалолов, мактабдаги адабиёт ўқитувчиси, отаси, онаси, қалбига яқин кишилар ҳақидаги хотираларга ўралган самимий мулоҳазалар, энг муҳими, Мехр, Устозларга улкан эҳтиромдан иборат.

Эссе га ўзига хослик баҳш этиб турган фазилатлардан бири ҳаётдаги кишилар билан ёзувчи орасида «кечган- кечирмишлар»нинг табиий тасвири бўлиб, у асарга жозиба баҳш этиб туради. Асарнинг композицион тузилиши ҳам ўзгача: у ҳозиргача эълон қилингани 8 қисмдан ва улар ҳам ўз сарлавҳаларига эга кичик-кичик фасллардан иборат. Бу усул ўқувчи диққатини ўзига тортиш хусусиятига эга эканлигини биринчи «Ўзбекнинг Белинскийси» деган сарлавҳа билан бошланган фаслдаёқ кўриш мумкин. Бу сарлавҳани ўқиган, буюк рус танқидчиси Виссарион Белинский ким эканлигини билган киши Матёқуб Қўшжоновнинг қандай олим эканлиги ва Адабиёт олдидағи хизматлари қай даражада эканлигини дарҳол англаб етади.

Адаб турли-туман: лирик чекиниш, ўз-ўзига мурожаат, ретроспектив тасвир, қаҳрамонлар нутқи орқали портрет чизиқларини чизиш каби усулларни моҳирлик билан кўллайди, ўй- ҳаёллари орқали устозга эҳтиром кўрсатиш йўлидан боради, булар бирлашиб Устозининг мукаммал қиёфасини яратишга хизмат қиласди. Ҳаётда тирик бўлган Устоз ҳақидаги тирик хотиралар юракдан чиққани учун табиий кўринади (асар ёзилган пайтда М.Қўшжонов ҳаёт эидилар. Ш.А.). Ш.Холмирзаев Устозининг «Бадиий маҳорат масалалари» мақоласини ўқигандаги ҳолатини шундай тасвирлайдики, гўё «Ўтган кунлар»ни ўқиб ҳайратга тушган китобхонни кўргандай бўласиз. Бу «Адабиёт- ҳаёт кўзгуси» деган иборани жўн тушунган талабанинг мунаққид сўзининг сеҳридан ҳайратлар ва гўзалликларга ошно бўлган қалб ифодасидир: «-Ахир, Ҳаёт ўз ҳолича- Хаос, тушунилиши мушкул бир савдо эканини...ха, ҳа, ҳис қилардинг-ку? Бироқ шу Ҳаётни қандайдир тартибга келтириб, ундан, яъники, - Ҳаётий ҳақиқатдан мукаммалроқ Бадиий ҳақиқатни яратадиган ягона унсур- Адабиёт эканини нега идрок этмас эдинг?

Ахир, Адабиёт мавжуд Ҳаётнинг Бадиий моделини яратар экан-ку! Ва унга қараб, мавжуд Ҳаёт ҳақиқатини тўлароқ ҳамда онглироқ тушуниб олар экан кишилар!».

Эссе нинг бошидаёқ М.Қўшжонов портретининг характерли чизиқлари тортилади. Рус тилини чуқур билган олим, ўз сўзига эга талабчан домла, ҳарбийларга хос қатъиятлилик, ростгўйлик- ҳар хил измларни қабул қилолмаслик, Адабиётта улкан Мехр кўрсатиши в.ҳ. фазилатлар бирин-кетин портретни тўлдира бошлайди. Асарни ўқиган сари Ўзбекнинг Белинскийси кўз олдингизда юксалаверади. Адаб унинг ўша шўро

йилларида ҳам эркинликка интилиб яшаганини гап-сўзларидан, атрофдагилар билан муносабатидан англайди ва шундай хулосага келади: «Қизик, «Адабиёт» ўзи – эрк ҳақидаги фанми ё домла Қўшжонов эркинликни шу қадар яхши кўрармикан?».

Шогирднинг Устозга муносабати, унга ҳавас қилиши, ҳар бир гапига, қилиғига эътибор бериши каби эпизодлар тасвири жуда тиниқ ва табиий чиққан. Ҳақиқатан ҳам ҳар биримиз кечагина биринчи ўқитувчимиз, кейин яхши кўрган муаллимимизга, унинг юриш-туришига, муомаласига, ҳатто гапиришларига тақлид қиласмидик! Шу боис эссе навис қаламидан чиқкан сўзлар сеҳри қалбимизга яқин бўлиб қолади.

Ш.Холмирзаев Устозининг хаётини тасвирлар экан, унинг асарлари, **Адабиётга** муносабати, ҳақиқий ёзувчилар ижодини қадрлай олиши (масалан, А.Қаҳхорни «живой классик», Ойбекни «мутлақо оригинал адиб» дега юксак баҳолагани), истеъдодли ёшларга эътибори каби жиҳатларини дикқатидан қочирмайди. Энг аввало, шогирдни Устозининг шахсияти, қандай одамлиги қизиқтиради. Шу боис ҳамма жойда, ҳатто унинг уйига борганда ҳам, иккаловлари овга чиққанда ҳам Устозини синчиклаб кузатишдан чарчамайди. Кузатишлари асосида М.Қўшжоновнинг ташқи портретини ҳам чизади: «...Кейин қўшотарни елкасига илаётган Матёқуб акага беҳад- беҳисоб миннатдорчилик билан бокдим: «вой, қандай яхши одам-а – бу ўрта бўй, жингалаксоч олим, Ўзбекнинг Белинский!». Қанчалар мард, тўғрисўз ва қўрқмас эканини ушбу қўриниши ҳам исботлаётгандек эди».

Устозу шогирд қаерда, қай вазиятда бўлмасинлар ҳамиша ижод ҳақида, Адабиёт ҳақида суҳбатлашишади. М.Қўшжонов талабасига шундай дейди: «Билишинг керак. Ёзувчи учун табиатни билиш- ҳаёт мамот масаласини билиш билан тенгdir, дегим келади. Табиатнинг бир бўлагимиз-да, ўзимиз ҳам Шукурвой». Устозининг сўзларига амал қилган шогирд табиат ҳақида энг зўр ёзадиган ўзбек ёзувчиларидан бири бўлиб этишгани бугун ҳаммага аён. Бунда М.Қўшжоновнинг таъсири улкан эканлиги қўриниб турибди.

Ёзувчи Ш.Холмирзаев услубига хос бир ажиб хусусият унинг эсселарида ҳам ёрқин қўринади: юқорида айтганимиздек асарда бош қаҳрамон М.Қўшжонов бўлса-да, баъзи қисмларда адабнинг ўз ҳаёти, севгиси ёки Шукур Бурҳон билан боғлиқ воқеалар, дўйстлари билан кечирмишларини ҳам завқ билан ўқиймиз. Айниқса, Саида билан боғлиқ лавҳалар бадиий асардагидек ўқувчини ўзига тортадиган даражада жозибали чиққан. Аммо асарнинг барча ўринларида- дарсда, репитицияда, қишлоқда, квартирада-қаерда бўлишидан қатъи назар- ҳамма жойда Шукурнинг-шогирднинг ўй-хаёллари доимо Устози билан, Адабиёт билан боғлиқ ҳолда кечади: репитиция пайтида салобатли, ўз сўзига эга, театр жонкуяри Шукур Бурҳон билан М. Қўшжоновга хос муштарак томонларни қиёслайди; қишлоқда ҳам, ҳатто укаси ўқитувчисидан эшитгани -унинг ўзбекнинг

Белинскийси эканлигини айтганда фахрланиши; отаси севган қизи ҳақида сўраганида ҳам Матёкуб аканинг ҳазиллашиб айтган гапларини эслайди; Саида билан бирга бўлганда ҳам, қаерда бўлмасин, шунга боғлиқ ҳолда устозининг гапларини эслаб юради, тафакур чигириғидан ўтказади. Адабиёт билан бир умрга боғлиқ эканини ҳам ёзувчи сифатида танилмай туриб ҳис этадики, бу ҳам буюк инсон- М.Қўшжоновнинг истеъодди шогирдига ишончи натижасидир.

Ш.Холмирзаев адабиётшунос олима М.Қўчқорова билан адабий сухбатида эссе жанрининг «ёзувчига бехад кенг эркинликлар бериши ҳақида гапирган эди (ЎзАС, 2003, 18 апрель, № 16). Ҳақиқатан адабнинг ўзи ҳам тасвирланаётган воқеа-ходиса ҳақида фикр юритар экан, ўз кўнглида тугилган хис-ҳаяжонини, шахсий мулоҳазаларини ҳам бемалол баён этиш йўлидан боради: «...Лекин, лекин,- бирдан ҳаяжонланиб кетдим, Матёкуб aka устоз.. Устознинг шогирдга муносабати,- ажабо!- қондошлиқ муносабатларига менгзаб кетар экан-да. Жуда қизиқ...

...Пироварди, устозлар шогирдларини шунчаки ўғил-йигит- одам бўлишларинигина эмас, уларнинг тутимлари-тутган йўлларига нечоғли садоқатли бўлишлари, кўзлаган манзилларига нечоғли интилишлари, оқибат энг улуғ инсоний ғоялар-ақидаларга событ қолишларини жон-жаҳдлари ила истаганлари ҳолда, уларни рағбатлантиришар экан.

Ҳа, бу Мехрнинг илдизи чуқур, кўлами катта, қамрови кенг бўлар экан, демак...

О, инсоний муносабатларнинг энг юксак чўққиларидан бири эмасми, бу –Устоз-шогирдлик муносабати!».

Хис-ҳаяжонга тўла бу сўзлар барча шогирдларнинг севимли Устозларига қалб эҳтироми эмасми? Янги даврда Устозларга таъзимнинг бундай кўриниши шогирдлар қалбида Мехр, Ҳурмат каби инсоний туйғулар уйғотишга қодирки, бу Ш. Холмирзаев эссеининг нечоғлик кенг кўлам касб этиб, Устоз ҳақидаги қўшиқ бўлиб мангаликка йўл тута олишидан бир муждадир.

Эссенинг китобхонни қизиқтирувчи яна бир томони бор: унда нафақат Устоз М.Қўшжоновнинг портрети яратилади, балки ёзувчи ўзининг ҳам автопортретини чиза боради: мактабда ноҳақликка қарши қурашган бола, ўқишига чанқоқ талаба. Адабиётга меҳри, устозлар назари тушган асарларининг ёзилиши, нашри, бунга муносабати. Севгиси, дўстларига, Ватанига, тарихга, ўгай отасига хурмати, ўз-ўзига танқидий қараши... «Севги ва Адабиёт», «Давоми..» фаслларида ёзувчининг шоиртабиат, эркинликка интилувчи феъли очила боради. Бу саҳифаларни ўқиб кўз олдингизда халқ севган адаб Шукур Холмирзаевнинг қалбингизга яқин, асарлари каби самимий қиёфаси гавдаланади. Сиз ижодкорга янада яқин бўлиб қолганлигинизни сезмай қоласиз. Асарнинг шу қисмида чегара билмас самимий тасвирлар, эссега хос эркинлик, илмий ва

бадиий тафаккурнинг уйғунлашуви, муаллифнинг «мен»и айниқса, бўртиб кўринади. Бироқ шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, баъзида адабнинг хаёллари ҳаддан зиёд чўзилиб кетади.

Эсседа адаб дўстлари А.Орипов, Э.Воҳидов, Н.Худойберганов, М.Сафаров каби ижодкорларни характерига хос чизгилар берадики, бу ҳам китобхон билан ёзувчилар, мұнаққидлар орасидаги масофани яқинлаштиришга ёрдам беради. Асар қаҳрамонларининг деярли барчаси адигба таниш, юрагига яқин одамлар, шунинг учун бўлса керак, унинг самимий хотираларида бу кишиларнинг бутун ҳаёти кўз олдимиизда яққол гавдаланади.

Ш.Холмирзаев асарнинг жанрини камтарлик билан эссе-кисса деб белгилайди. Назаримизда, жонли хотиралар асосидаги Устозларга бағишлиланган, Устозлар, Адабиёт улуғланган бу асарни **эссе-роман деб** белгилаш мақсадга мувофиқдир. Чунки образлар олами, қаҳрамонлар галереяси, воқеа-ҳодисаларнинг кенг макон ва замон касб этиши, эссе- романга хос илмий ва бадиий тафаккурнинг уйғулиги, муроҳазаларнинг эркин ва чексизлиги асар жанрини шундай белгилаш имконини беради. Асарда эссега хос синтетиклик: бадиий, илмий, адабий-танқидий, ижтимоий- фалсафий қарашлар омухталиги устивор. Фикр эркинлиги эса эссе-романга ўзгача жозиба бахш этган.

«Бу кишим-устоз, Мен шогирд» эссеининг аҳамияти, энг аввало, устозларни қадрлашни ўргатишида, ҳаётга тийран кўз билан қарашга, энг муҳими, Адабиётни чин дилдан хис этишга қўмак беришида ёрқин намоён бўлади. Бундай характердаги асарлар бугунги кун учун жуда-жуда зарур. Шунинг учун бу асарни замонавий жаҳон адабиётидаги эсселар қаторига бемалол қўйиш мумкин. Ш.Холмирзаев эссеси маънавий қадриятларимизнинг замонавий шакли сифатида халқ маънавий дунёсини бойитиб, маданият тараққиётига хизмат қила олади.

7. Икбол Мирзонинг ҳажвий маҳорати. Кулги мисоли офтоб, у инсон юзидан қаҳр-ғазабни олиб ташлайди. Инсон зоти борки, кулгини севади ва қадрлайди. Кулги инсон кўнглини ёритади, унга маънавий озуқа беради. Кулги орқали халқнинг орзу-умидлари, даврнинг илғор гоялари акс эттирилади. Ҳаётдаги салбий ҳодисалар кулги орқали ифодаланди. Адабиётда кулги умумий ҳолатда ҳажвиёт, хусусий ҳолатда сатира ва юмор орқали ифодаланади. Ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар ҳар хил, баъзан бир-бирига қарама-қарши ҳис-туйғуларни уйғотиши мумкин. Сатира учун воқеа-ҳодисанинг муҳим томонларини кулги йўли билан инкор этиш характерли бўлса, юмор учун ҳодисага симпатия билан қараб, унинг камчиликлари устидан енгил кулиш, унинг яхши томонларини кўрсатиш характерлидир.

Бадиий асарда сатира ва юмордан ўринли фойдаланиш ёзувчига шухрат келтиради. Дунёдаги кўпчилик халқлар адабиётида ҳажвий йўналиш жонли оқим бўлганлигини жаҳон адабиёти дурдонлари тасдиқлаб турибди. Ҳажвиёт улуғ санъаткорларнинг ҳаётга яқинлиги, воқеа-ҳодисаларнинг яширин қирраларини кулги орқали очиб билиш маҳоратига ва бошқа жуда кўп имкониятларга эгалиги билан аҳамиятлидир. Шу сабабли Алишер Навоий, Рабле, Сервантес, Гоголь каби сўз санъаткорлари ижодининг шу қирраси муҳим аҳамият касб этиб келган. Алишер Навоий кулгининг қудрати ва таъсир кучини кўра олган, ўз ижодига тўла тадбиқ эта олган буюк ҳажвчидир. Шоир ижодидаги юмористик ҳазиллар, юморга бой кичик эпизодлар, туюқ ва чистонлар фикримизга мисол бўла олади.

Ўзбек адабиётида ҳам бу анъанани давом эттирган ижодкорлар кўпчиликни ташкил этади. Ўзбек шеъриятида ҳажвнинг яхши намуналарини Эркин Воҳидов яратди. Унинг “Донишқишлоқ латифалари” ҳажвий туркуми халқ орасида машхур. Истеъдодли шоир Иқбол Мирзо шеъриятига шу жиҳатдан назар ташласак, анъана давом этиб келаётганини кўрамиз.

Шоирнинг “Агар жаннат кўкда бўлса...” деб номланган тўпламидан Ватан ҳақидаги сара шеърлар билан бир қаторда Иқбол Мирзо истеъдодининг яна бир қирраси – ҳажвий йўналишдаги бир қатор асарлар ўрин олган бўлиб, китобхон дикқатини ўзига тортади. Шоирнинг бу йўналишдаги шеърларини икки гурухга бўлиш мумкин:

1. Ҳаётдаги, инсон табиатидаги иллатларни кулги орқали қоралаш руҳидаги сатирик шеърлар: “Одамлар”, “Кичкина одам”, “Лафз”, “Пасткаш” ва ҳоказо. Сатира тасвирланаётган ҳодисага нисбатан салбий ҳис-туйғуни уйғотади, аччиқ кулги қаҳрамонларнинг салбий хусусиятларини бўрттириб кўрсатади. Масалан, “Кичкина одам” шеърида “Хўрдани кўтариб, бурдани урадиган, шимириб ютиб, ўпириб ейдиган” майдада одамлар кулги остига олиниб, фош этилади.

2. Кулги, ҳазил, киноя орқали баъзи камчиликларни кўрсатишга асосланган юмористик шеърлар: “Шоир укамга ҳазил”, “Борлигингни ўйласам”, “Кечагина”, “Мен келганда”, “Лаби ғунчадек”, “Тўпа ҳақида жиннича ҳикоя”, “Тақдир” ва бошқалар.

Юмор асосида муаллифнинг воқеликка нисбатан кулгили ва ижобий муносабати ётади. Бу муносабат ачиниш, ҳамдардлик, беозорлик туйғуларида ифодаланади. Масалан, “Лаби ғунчадек” шеърида лирик қаҳрамон ўз ёшлигини, ўн уч ёшли қизалоқ муҳаббатини содда тилда тасвирлайди. Шеърда қизчанинг ҳолати кулгили тасвирланади:

Куралай кўзларининг

Кири билан қаради...

Ёки Қайрилма кипригини

Пирпиратар атайнин (Иқбол Мирзо. Агар жаннат кўкда бўлса... Тошкент. “SHAR” НМАК, 2011. 100-бет. (Кейинги ўринларда шу китобнинг бети кўрсатилади).

Шоирнинг кўнгилга берган таърифи ҳам ҳазилга йўғрилган:

Кўнгил деган зорманда

Тўлмас экан дейсизми?...

Шу билан бирга шеърда инсон қалбидаги армонлар халқона оҳангда ифодаланади.

Шоирнинг “Тўпа ҳақида жиннича ҳикоя” воқеабанд шеъри Э.Воҳидовнинг “Донишқишлоқ латифалари” ҳажвий туркумини эслатади. Э.Воҳидов ҳажвий туркумининг бош қаҳрамони Матмуса бўлиб, шоир бу образ орқали ҳаётдаги кўп камчиликларни ҳажв йўли билан фош қиласи. Юқорида тилга олганимиз Иқбол Мирзо шеърининг сарлавҳасининг ўзиёқ китобхонда кулги уйғотишга хизмат қиласи. Шеърдаги Тўпа образини тасвиirlар экан, шоир унинг соддалиги, юраги тозалигига эътибор қаратади, шу билан бирга унинг кулги уйғотувчи хусусиятлари, ҳаракатларини таърифлаб беради:

Айби - бир оз гарангроқ,

Лек овози чиннидай.

Кулгани кулган эди

Жиннимисан жиннидай (106-бет).

Тўпача ғужум-ғужум узумни “қўйнинг қумалоғи” деб ҳисоблайди, шуниям дайди кучукка илинади, шоирнинг “кучукнинг хўл бурнидан ўпволганинг нимаси” сатрлари кулгига йўғрилган бўлиб, ўқувчида Тўпанинг қиёфасини ёрқин тасаввур этиш имконини беради. Тўпанинг кулгили қиёфаси, ўқувчида беозор юмор уйғотадиган қилиқларини тасвиirlар экан шоир, шеър охирида жиддий холоса чиқаради: ҳаётда учрайдиган олчоқлар, кўрқоқлар, устаси фарангларни танқид қиласи экан, “ўз ризқини ётга берган” Тўпача каби жинниларни улардан юқори қўяди.

Мутафаккир Гегель юморга нисбатан фалсафий муносабатни аниқ ифодалайди. У юморнинг асосий вазифаси ижтимоий қарама-қаршиликларни келиштириб, ҳаётнинг гармониясини ҳимоя қилиш деб белгилайди. “Бу романтик санъатда, умуман, кўзёши

аралаш ифодаланган кулги ҳисобланади. Кўзёшлар қайғу ҳақида, кулги ёруғ қарашлар ҳақида сўзлайди” (Гегель. Н.В. Сочинения. Т.12. М.-Л. 1968. – С. 162.).

Шу нуқтаи назардан қаралса, Иқбол Мирзонинг ҳажвий шеърларида кулги билан қаторда аччиқ ҳақиқат ҳам ётадики, бу унинг ҳажвий йўналишда ўзига хос услубда қалам тебрататётганини кўрсатади. Шоир ижодининг бу киррасини кенг ва чукур ўрганиш адабиётшунослик олдидаги вазифалардан бири бўлиб қолади.

8.Ўзбек адабиёти тарихидаги икки буюк сиймо мұхаббати талқини... Ўзбек адабиёти тарихида ўчмас юлдуз бўлиб порлаган ўзига хос овоз соҳибаси, ўткир зеҳни, нозик табиати ва шоирона истеъдоди билан ёшдигидаёқ ажралиб турган Нодирабегим бой лирик мероси билан кенг шуҳрат топди. Ҳофиз, Лутфий, Алишер Навоий, Фузулий каби Шарқ адабиёти улуғ сиймоларининг ижодларида инсонпарварликни юксак санъаткорлик билан ифодалади. Шунинг учун унинг замондоши Хотиф Нодира, Комила, Макнуна тахаллуслари билан ўзбек ва тожик тилларида шеърлар яратган, ўз даврининг буюкларида бирига айланган шоира Моҳларойимга қуйидаги сатрларни катта ҳурмат билан бағишлаган эди:

Моҳи малак, назми жаҳон Нодира,

Шохи малак, мулки макон Нодира

Осмони илму адаб назм буд

Ситорау нурфишон Нодира...

Шўро даврида адабиётни давр мафкурасига буйсундириш, унинг қолипларига мослаш каби хусусиятлар мумтоз адабиётимиз намоёндалари ҳаёти ва ижодини, жумладан, беназир истеъдод соҳибаси Нодира ижодини ҳам четлаб ўтган эмас. Бу эса ўз вақтида шоиранинг нурли сиймосини, ҳаётда ва ижодда бир-бирларига узукка кўз қўйгандек мос бўлган Нодира ва Амир Умархон муносабатларини бир оз бўлса-да, хиралаштириб кўрсатишга хизмат қилган.

Нодира ва Амир Умархоннинг порлоқ ижодлари, сермазмун ҳаётлари ҳақида шўро адабиётшунослари яратган илмий ишлардан кўз юммаган ҳолда, асосан, шоира билан бир даврда яшаган, уни кўрган билган ижодкорлар яратган асарлар биринчи ва қимматли манба ҳисобланади. Буларга Ҳакимхон тўранинг “Мунтахабут-таворих”, Мавлоно Хотифнинг “Ҳафт гулшан”, Увайсийнинг “Воқеоти Муҳаммад Алихон” каби бир қанча асарларини кўрсатиш мумкин.

Жаҳон отин Увасийнинг “Воқеоти Муҳаммад Алихон” достонида ҳам бу икки буюк қалб эгаларининг ҳаёти реал тасвиirlанганини кўриш мумкин:

Шоҳлар орасидадир Умархон,

Бир неча кун сурарди даврон

Махпора эди унинг заифи

Макнунди тахаллуси заифи.

Ўзбек адабиёти тарихида “Қўқон адабий муҳити”га асос солган иқтидорли шоир, ўз даврининг маърифатли, билимдон сиёсий арбоби Умарбек истеъододли шоира, шу билан бирга малика Нодирабегим ижодига катта ҳурмат билан қараганлиги маълум. Шу билан бирга Нодиранинг ўзи билан бевосита учрашишга муваффақ бўлмаган, бироқ унинг ижодига катта ҳурмат билан қараган шоира Дилшоднинг “Тарихи муҳожирон” асари ҳам қизиқарли далилларга бойлиги, муаллифнинг воқеаларга реал ёндошиши жиҳатдан ажralиб туради (Бу ҳақда қаранг: Қодирова М. Дилшод. Тошкент. 1971). Бу асардан ўзимизни қизиктирган шўро даврида тасаввуримизда жоҳил подшо, “салбий образ” сифатида гавдалантирилиб келинган Амир Умархон ва Нодира муносабатларига тегишли баъзи ўринларни ойдинлаштириб олиш мумкин.

Амир Умархон Ўратепани босиб олганда, бир қанча одамларни асир қилиб ўз юртига олиб келади, улар орасидаги қизлар ичида Дилшод ҳам бор эди, уни ўзи сўроқ қилган Умархон жасурлиги, ҳақиқатни айтганлиги учун қизни зинданга ташлаттиради, саройдаги ўратепалик бир йигитнинг ёрдами билан Дилшод зиндандан халос бўлади ва кейинчалик машхур шоира бўлиб етишади.

Дилшод ўз асарида Умархондаги салбий хусусиятларни қораласа ҳам, унинг шоирлик салоҳиятини, шеърият, ижод аҳлига эътиборини, Нодира ва Амир Умархон ўртасидаги илиқ муносабатни тўғри ва реал ёритади Нодира Умархоннинг шогирди эканлигини таъкидлайди:

Ошиқ булбулнаво Умархон,

Андалиби шаккаршифон Нодира...

Илм, адаб, назм осмонида нур сочувчи юлдуз, Умархон булбулнаво ошиқ бўлса, Нодира шакар сочувчи булбул эди,- деб ёзади Дилшод Барно.

Ўзбек шоиралари ижодини чуқур тадқиқ этган зукко олим Т.Жалолов ҳам Умархонга ижобий баҳо бериб, унинг Нодираға устозлик қилғанлиги ҳақида тўхталиб ўтган эди (Жалолов Т.Ўзбек шоиралари. Тошкент. 1978. 86-б.).

Мұхаббатни жуда юксак пардаларда куйлаган, уни инсон табиатидаги энг покиза туйғу деб билған. Нодира умр бўйи севги, вафо, садоқатни тараннум этиб, Амир Умархонга бўлган эҳтиромини ўз ижоди орқали намоён этиб келди. Уларнинг ижодий ҳамкорлигини Нодира девонининг дебочасидаги эътирофдан яққол кўриш мумкин: "...гоҳо ул ҳазрат баъзи тоза мазмунлардан бир мисра билан савол тариқасида сўрар эдилар, ...мисра билан жавоб айтур эрдим ва табиатларини хуш қилур эрдим".

Мұхаббатсиз киши одам эмасдур

Гар одамсан мұхаббат ихтиёр эт!

“.....ақлу дониш ва яхши фазилатлари билан ягона Нодираи даврон бўлиб танилган” (Хотиф) Моҳларойим “мұхаббат шевасини ошкора” куйлади, аёл қалбининг нозик туйғуларини моҳирона акс эттирди, бир умр Умархонга бўлган садоқатини, мұхаббатини покиза сақлади. Шоира 30 ёшида эканлигига Умархон вафот этади, устози, меҳрибон ёридан ажралган Нодира ҳаёт ва ижодда унга эргашди, у бошлаган хайрли ишларни давом эттирди: мамлакатда ободончилик ишларига, маърифат тарқатишга эътибор берди, масjid, мадраса, кутубхоналар қурдирди, инсонийликка зид бўлган қонунларга қарши туриб, ҳокимларни халққа яқин бўлишга чакирди, илм аҳлига, санъат ва адабиёт араббларига раҳбарлик ва ҳомийлик қилди.

Ўз замонасининг етук арбоби, шоири ва подшоҳи, умуман, мураккаб шахси бўлган, “Амирий” тахаллуси билан шеърлар яратган, девон тузган Умархон ўз ижодида Нодираға бағишлиб кўплаб ғазаллар ёзганлиги маълум:

Гар кўзимдин ғойиб ўлса бир нафас Моҳим менинг,

Куйдирур кўк хирманини шуълаи оҳим менинг.

Ишқ дарёсида сайд эттинг кўнгул моҳисини

Халқай занжири зулфунг эрди қуллобим менинг (Амирий .Девон. Тошкент.1972. 146-б.).

Ўз Нодирасининг давр, халқ Нодирасига, етук ва зукко шоира, давлат арбоби бўлиб етишишига катта ҳисса қўшган Амир Умархон адабиётимиз тарихида чуқур из қолдирди. Шунинг учун Нодира ижодини севиб ўрганаар эканмиз, унинг устози бўлган, Кўқон адабий муҳитида ўзига хос ўринга бўлган Амир Умархон ижодини ҳам ёнма-ён

кўйиб, чуқур ўрганишимиз зарур. Токи шоир ва шоҳ бўлган Амир Умархон, шоира ва малика бўлган Нодиранинг нурли ҳаётлари ва ижодлари ёш авлодга ўрнак бўлса! Улар ўрганса, эргашса арзийдиган анъаналардан бири бўлиб қолса!

Хушо оқилки, айлаб яхшилиқ бунёдини маҳкам,

Ўтар бу дайри фонийдин ўзини некном айлаб...

Ўзларидан яхши ном қолдирган Нодира ва Амир Умархон покиза муҳаббатнинг, нурли баҳтнинг мужассам тимсоллари бўлиб, нодир бир асарнинг қаламга олинмаган мавзуи бўлиб қолаверадилар. “Эл оғзида одамийлик шиорини бир умр қалбидан авайлаб асраган, маърифат нурлари томон интилган” ҳассос шоира ва истеъодли шоир шеърияти адабиятга муҳрланган ўтли сатрлар бўлиб қолаверади.

9.Сайд ва Сайданинг муҳаббат ва садоқат мактублари. Мактуб инсоний меҳр-муҳаббатдан дарак берувчи ёзма мужда саналади. Узок-яқин қариндошлардан, дўстлардан, танишлардан келган хатларни ўқиганда киши қалбидан, албатта, бир илиқлик уйғонади, юзига табассум югуради. Айниқса, бошига мушкул иш тушиб, яқинларидан узоқда бўлган, тухмат билан қамалиб ўзининг ҳақлигини исботлай олмай, ноҳақлик қурбонига айланган, юртидан йироқда қалби ғам-аламга тўлган инсон – ижодкорнинг мактублари унинг инсоний қиёфасини китобхонга ёрқин очиб берувчи калит вазифасини ўтайди. Бу хатларни ўқир экансиз, қалбингизда оғриқ пайдо бўлади, чунки улар бир-биридан узоқда бўлган икки севишган қалбнинг ҳижрондаги дил розларидир. Бунинг устига мактуб оловчи ҳам ижодкор бўлса-чи, бунинг устига бир-бирини севадиган, эндиғина оиласи ҳаётни бошлаб, баҳтдан масрур бўлишга улгуролмай қолган қиз ва йигитнинг ҳолатини тасаввур қилиб кўринг. Булар ўзбекнинг қадрли фарзандлари Саида Зуннунова ва Сайд Аҳмаднинг ҳаётига, севгисига тегишли мактублар бўлиб, уларни ўқир экансиз, қалбингиз ларзага келади.

Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий хатга жуда катта эътибор билан қараб, уни кишилар орасидаги энг муҳим алоқа воситаларидан бири ҳисоблаб, мактубни образли тарзда «ҳижрондаги шуъла, тириклик нишони» деб таърифлагани юқорида келтирилган эди. Айнан Саида билан Сайд Аҳмаднинг ёзишмаларини ҳижрондаги шуълалар десак адашмаймиз. Чунки улар қоронғида қолган, ҳижрон азобини totaётган қалбларга шуъла таратиши, уларга илиқлик улашиши жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Адиб айби нималигини билмай, ноҳақ қамалиб Қозоғистоннинг Жезқазған деган жойига етиб келгандан кейин онаси ва Сайдага хат ёзар экан, яхши кунлар умиди бирлаҳза бўлса-да, уни тарк этмаганини кўрамиз: “Ойи, хафа бўлманг тақдир экан. Ҳамма

вақт оғир кунда яшадим, ҳаётимда бирор кун баҳтли бўлмаган эдим. Баҳтни излардим ва эндиғина баҳт ва саодат деган гапларни тушунган эдим. Беш ойгина баҳтли яшадим. Бу қисқа муддатли баҳт бир йўла икки кишини баҳтсиз қилди.

Ноумид эмасман. Ҳақиқат қарор топади. Шунда мен бегуноҳ эканлигимни исбот қиласман”. Мактубдаги қалбни ларзага соладиган туйғулар ўқувчига ҳам кўчиб ўтади, уларни шу кўйга соглан қаттол замонага нафрат уйғотади. Аммо адібнинг келажакка умид билан қарashi, ҳақиқатга ишониши ҳар бир мактубида ёрқин кўриниб туради.

“Сайд ва Сайданинг муҳаббат ва садоқат мактублари”ни ўқир экансиз, ушбу хатлар ҳамдард юракларни бир-бирига чамбарчас боғлашини, бир-бирига далда бўлганини ёрқин кўрсатиб туради. Ижодкор йигит ижодкор қизга мактуб ёзар экан, ҳар қандай шароитда ҳам ўз эътиқодига содик қолади, ёзишдан тўхтамайди, севгилисини ҳам ёзишга, ижоддан тўхтамасликка ундейди: “...Қанчалик руҳий кечинмалар билан яшаётганингизни хаёл ва тасаввур кучи билан ҳис қилиб турибман. Нима қилай. Бу баҳтсиз пешона шундай оғирликларга дуч келади деб ўйламаган эдим. Ҳа, мен бу ҳақоратларга сазовор эмас эдим. Виждоним ҳам, фикрмиз ҳам тоза эди Айбсиз айбор бўлдим. Алам қиласман. Майли, бу метинлик (адиб ўзини метин иродали деб ҳисоблайди, унинг кейинги – Сайдасиз ҳаёти ҳам бунинг исботидир) ҳар қанча иссиқликка ҳам, совуқликка ҳам чидайди. Фақат сизни баҳтсиз қилдим. Бу баҳтсизлик узоқ давом этмайди. Чунки сиз ҳам, мен ҳам бу баҳтсизликка сира-сира сазовор эмасмиз. Ижодий ишни тўхтатиб қўйманг. Кўп ёзинг, то юз кўришгунимизгача улфатимиз қоғоз ва қалам бўлсин...”. Бу ижодга ва севгига садоқатни юрагининг тўрида сақлаган, эътиқоди бутун Инсоннинг дил розларидир.

Бу хил хатларда марказий қаҳрамон-ёзувчининг ўзидир. Унинг ички руҳий олами, ҳис-туйғулари, фикр-қарашлари бадиий ифодаланган хатларда муаллиф ўз аксини топади. Муҳими шундаки, улар инсонпарвар, сахий ва меҳрибон инсоннинг улкан қалбини намоён этувчи, адиг қаламидан тўкилган сатрлар сифатида тарих сахифаларида муҳрланиб қолгандир, Мактубларни диққат билан ўқиб чиқсангиз, кўз олдингизда қалби қайнок, ўз эътиқодига содик, шу билан бирга яқинларига, айниқса, ҳаётининг мазмуни Сайдага меҳр-муҳаббатга тўла жонкуяр инсон гавдаланади.

Инсон кўнглидаги гапларни тўкиб солиш учун қўлига қалам олиб хат ёzádi. Хат ёзиш инсоннинг кўнглига парвардигор соглан улуғ бир муруватнинг ёғдусидан хат ёзувчининг ҳам, хат оловчининг ҳам қалби ва ҳаётини нурга тўлдиради.

Сайд Аҳмад ёзган мактублар Сайданинг мажруҳ кўнглига, жароҳатига малҳам бўлиб, унинг қоронгу ҳаётини безади, Саида ёзган мактублар уларни интиқлик билан кутаётган ошиқ маҳбуснинг ҳижрон дардини оз бўлса-да, енгиллатишга ёрдам берди. Энг

муҳими, ҳат ёзувчи ҳам, ҳат олувчи ҳам ижодкорлар, шунинг учун кўпчилик мактубларда ижодга садоқат, устоз-шогирдлик, бир-бирини қўллаб қувватлаш, ҳамдардлик ҳислари уфуриб туради. Бир хатида Саид Аҳмад ёш адибага: “Каптар ҳикоянгизни ўқидим, яхши чиқибди. Тилни силлиқланг, жумлаларни қисқароқ тузинг” деб маслаҳат берса, бошқа бир мактубида ўзининг китоб бошлагани ҳакида ёзади. Қамоқда ўтирган бўлса ҳам ўзбек адабиёти, адабий жараёндан боҳбарлиги сезилади, кўп ўқийди “адабий асарнинг адабий бўлиш сирлари билан” қизиқади, жараёнга баҳо беради: Ёш ёзувчи Қаҳҳор кетидан, ёш шоир Ғофур ака ктидан эргашиб тақлидчиликдан нари ўта олмайди” деб қуйинади.

Хат-кўнгил ойнаси, инсон қалби. Муаллиф қалби унда ўз аксини топади. Адабнинг хатларида қалб кечинмалари, рухий изтироблар ёрқин намоён бўлган. Айрилиқнинг бир йилу бир ойида ёзган мактубида севган ёридан миннатдорлиги, ўзи ғам –аламда бўлса-да, уларнинг кўнглини кўтариш руҳи кучли экани кўринади: “Дарёлар ва сахролар ортида қолиб кетган ғариб масканимни обод қилиб, тақдирнинг ҳамма оғир жабру жафолар юкини ўзининг ожиз елкасида муттасил кўтариб келаётган мунис, мушфиқ, меҳрибон онамни овутиб ўтирганингиз учун сиздан ниҳоятда миннатдорман”.

Саид Аҳмад тухмат балосига қолиб, бошига тушган мушқул кунлар ўтиб кетишига ҳамиша ишониб, айрилиқда яхши кунларга ишониб яшаганидан бу мактублари гувоҳлик беради: “Тухмат лойқадек қуига чўқмоғи, ҳақиқат булоқ сувидек қайнаб юзага чиқмоғига ишонган киши ҳеч қачон умидсиз бўлмайди, Яхши кунларнинг бирида юз кўришмоққа умидим катта”.

Саида Зуннунова ҳар бир ёзган шеърини, ҳикоясини Саид Аҳмадага юбориб тургани, улар ҳижронда ҳам ижод жараёнларидан бир- бирларини хабардор қилиб туришгани мактублардан аён бўлиб туради. 16-мактубда Саидадан юракдан ёзилган шеър олган Саид Аҳмад ҳам шеърий жавоб ёзишга ўтиради. Шеърда маъшуқанинг эгилган қомати, кўзидағи алам, ҳасрат белгиси, ҳижрон панжасидаги юзларининг сўлғинлиги ошиқ қалбини ларзага солади, унинг руҳини кўтаришга, Зебунисо сингари янги ғазаллар битишга, улуг карвон - ижод карвонидан орқага қолмасликка чорлайди. Маъшуқанинг дўсти, сирдошининг вафоси, садоқати уни ҳаётга, умидсизликка тушмасликка, келажакка ишонишга чорлайди:

Пок эдим. Покдирман ва бўлғайман пок,

Элнинг ғазабига эмасман сазо,

Гар қилсанм хиёнат шу азиз элга

Кўзларим ўйилсан, кўрмасин зиё

Мактублар инсоннинг бардоши неларга қодирлигини, бошига қандай кун тушмасин ўзига ишониши зарурлигини ўргатади. Ҳақиқатан ҳам адаб кўнглининг барча ранглари,

жилвалари, ундаги ҳис-ҳаяжон, алам, орзу-армонлар ўқувчига ҳам таъсир қиласи.

Мактублар Сайд Аҳмаднинг яхши рассом бўлганини, байрамлар муносабати билан Сайдага рангли ва гулларга безанган откриткалар юбориши, унинг расмларини чизиб юбориши, муҳаббат ва умидга тўла шеърлар битишини ҳам намоён этади.

“Сайд ва Саида” деб номланган муҳаббат ва садоқат мактубларидан адабининг 70 та мактуби, Сайданинг эса 10 та мактуби ўрин олган. Адабининг мактубларида бошидан ўтган кунлар, қийинчиликларга қарамай иродаси мустаҳкам, ўз ёрига садоқатли ҳақиқий ўзбек аёлининг тимсоли гавдаланади. Мактублар орқали уларнинг қалбан яқинлигини, севгисига садоқатини ҳис этасиз.” Хат ҳам кишини анча бир-бирига яқин қилиб турар экан. Хат келмай кетганига кўзимдан шу қадар йироклашиб кетдингизки, Сизни кўрганимга жуда кўп йиллар бўлганга ўхшайди”, - деб ёзади Саида.

Беш йил айрилиқда яшаган икки ижодкорнинг хатларини ўқиши орқали шундай хуносага келамиз: уларнинг хатлари китобхонларни севган кишисини, дўстни дўстга, ҳамкасбга, биродарига, умуман, инсонни инсонга самимий, чукур ҳурмат, эҳтиромда бўлишга ўргатади. Хат ёзувчининг меҳрга тўла қалбидаги ҳароратни хатни оловчига улашади, унинг юрагини ҳам илитиб, муҳаббатга тўлдиради, десак, муболага қилмаган бўламиз.

10.Алишер Навоий портретлари. Ўзбек мумтоз адабиётшунослигида “маноқиб ва ҳолотлар ўз замонасининг шоир ва ёзувчилари ҳақидаги рисолага ўхшаш асарлардан саналади” (Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т.1993. 26-бет.) Кўринадики, рус адабиётига нисбатан ўзбек адабиётида бу жанрнинг моҳияти анча аниқ тушунилган. Шунинг учун адабий портретнинг дастлабки намуналарини мумтоз адабиётшуносликдан излаш тўғрироқ бўлади.

Адабий портрет унсурларини ўзбек адабиётида яратилган тазкиралар, мемуарларда учратиш мумкин. Бу ҳакда илк бор мулоҳаза билдирган Ойбекнинг қарашлари диққатга сазовор: «Навоий «Мажолис..»да типик чизиқларни танлайди. Қисқа, ғоят сиқиқ характеристикада кўпинча жуда ёрқин портретлар яратади1.(Ойбек. Асарлар. Ўн жилдлик. З-жилд. Тошкент. 1974. 151-бет).

Тазкира билан адабий портретлар орасидаги боғлиқлик ва ўхшашликлар анчагина. Ҳатто « тазкиралар бош мақсадига кўра Шарқ классик адабиётида айнан адабий портретларга хос вазифани бажарган» деган мулоҳазаларда ҳам жон бордай кўринади (Азимова Ҳ. Тазкира ва адабий портретларнинг типологик хусусиятлари. ЎТА, 2002, 2-сон, 21 –бет.)

Адабий портретларга хос илк белгилар Алишер Навоий асарларида учрайди. Чунки Абдураҳмон Жомий Алишер Навоийни адабий асарни, ижодий масалаларни ўз замонида энг тўғри таҳлил этувчи буюк адабий танқидчи сифатида ҳам ҳурмат қилгани манбалардан маълум. Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис»да санъатни, адабиётни чукур тушунадиган, жуда нозик жиҳатларини англай оладиган, адабиёт ривожи учун қайғурувчи, зукко, ҳассос, образли фикрга, эҳтиросга бой мунаққид, портретнавис сифатида кўринади. Шу жиҳатдан «Мажолисун нафоис»ни тадқиқ этар эканмиз, унда тарихий-биографик ёндошувнинг жуда кўп белгилари намоён бўлишини кузатамиз. Жумладан, тилга олинаётган шоирнинг ҳаёти, ижоди, табиатига оид қайдлар, унинг ўша давр адабий жараёнида тутган ўрни, ижодидан намуналар берилиши, унга муносабат билдирилиши кабилар кўзга яққол ташланади. (Мақсад Шайхзода. Тазкирачилик тарихидан. Навоийга Армуғон.)

«Мажолисун нафоис» ихчам портретлар мажмуасидир. Султон Ҳусайннинг «Хўп ашъори ва марғуб ҳаёти»га бағишлиланган 8-мажлисини истисно қилганда, Навоий еттинчи мажлис давомида ҳар бир шоирни 2-3 жумлада таърифлайди, феълидаги етакчи белгини айтиб беради, тақдири ҳақидаги зарур маълумотларни беради, шеъриятидан намуна келтиради. Унда адабий портретга хос белгилардан : шоир ҳақида маълумот, унинг шахсига, ижодига баҳо бериш кабилар учрайди. Қисқа бўлса-да, умумлаштириш хусусиятига эгалиги ҳам жанрнинг хусусиятларидан ҳисобланади. Бу ҳақда Мақсад Шайхзода шундай ёзади: « Бу асардаги хотиравий парчаларнинг пухталиги, тилнинг сунъий ва ясама сажълардан холи, содда ва равон бўлишилиги, одамларга берилган сифат ва тавсифномаларнинг жозибаси сурат (образ) даражасига кўтарилиши, кўпчилик фикра (мақолача, модда)ларнинг чуқур ва самимий лиризм билан озуқланиши, баҳоларнинг асл завқ ва тамиз дид билан ифодаланиши китобга олий бадиий хислат бахш этади”(Навоийга армуғон. 49-бет). Бу хусусиятларнинг барчаси реал шахс образини яратиш асосини ташкил этган адабий портретларга хосдир.

«Мажолисун-нафоис» жонли ва равон тилда ёзилган, унда ҳар бир шоирга берилган тавсифлардаги жумлалар, уларга сингдирилган фикрнинг ихчамлиги, сиқиқлиги мунаққид маҳоратини қўрсатувчи белгилардир. Бадиий портрет яратиш маҳорати, ҳазил-мутойибдан фойдаланиш, воқеалар баёнида бадиий бўёқларнинг ранг-баранглиги асарнинг юксак салоҳиятини таъминлаган. Мунаққид ким ҳақида гапирмасин, у хоҳ истеъодли шоир, хоҳ ҳаваскор, хоҳ ношуд ижодкор бўлсин, улар ҳақида холисона фикр юритади, уларнинг ҳар бир асарига сўз санъат мезонлари нуқтаи назаридан ёндошади, қалбан уларга ҳамроҳ бўлади, баъзан ачинади, баъзан уларни қўллаб-қувватлайди, баъзан

шоирлик даъво қилувчилар устидан кулади. Унинг танқид обьектига муносабати аниқ кўриниб туради, бу муносабат илмий-эстетик таҳлил воситасида образли тарзда гавдалантирилади.

Портретнавис танқидчи тазкирада туркигўй шоирларга кўп эътибор беради. Айниқса, Мирзабек деган шоирнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан ва ижодда ҳам намуна бўладиган томонлари ҳақида гапирав экан, истеъдодли ёш шоирнинг бевакт ўлимни унга чукур таъсир этади. А. Навоий шоирнинг ўлимини шунчаки қайд қилиб қўйиши мумкин эди. Аммо тазкира муаллифининг ўзи улкан қалбга эга санъаткор эди, шунинг учун ҳам у Мирзабекнинг келажагига умид билан қараб, унинг ижоди адабиёт тараққиёти, шеърият аҳли учун нақадар зарурлигини ҳис этиб, унга нисбатан ҳароратли, гўзал, таъсирчан сўзларни ишлатади: «ҳайф ва юз ҳайф ва дариф ва юз минг даригким, ҳаёт чашмасидан сероб бўлмади ва умр нахли мевасидан бар емади» (Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. 12-том. Тошкент, 1966 йил, 67-бет). Танқидчи бошқа истеъдодли шоирлар ҳақида гапирганда ҳам ана шундай бадиий бўёқдор сўзлар ишлатишга кўп эътибор берадики, ҳақиқатан ҳам навоийшунос олим Р.Воҳидов таъкидлаганидек, «Мажолисун-нафоис» дан «навоиёна заковат уфуриб туради». Навоий Мирзабек ижодига юксак баҳо берар экан, камтарлик билан унинг **Кўзинг не бало қаро бўлубдур, Ким жонға қаро бало бўлубдур** матласига «жавоб айтмоқ бу факир қошида маҳолатдиндур» дея ўз эътирофини очик-ошкора айтади. Бу унинг – буюк сўз устасининг инсоний қиёфасини мукаммал кўрсатувчи далил бўлиб хизмат қилади. А. Навоийнинг зукко танқидчилиги муайян бадиий асарни баҳолаш жараёнида ўша асар туфайли қалбида туғилган ҳис-ҳаяжонни, ҳаётдан эрта кетган ёш шоир матласини давом эттириб, унга жавобан бир гўзал ғазал ёзгани ҳақида ҳам маълумот беришида кўринади.

«Мажолисун – нафоис»да адабий портрет жанрининг ilk шаклланиш жараёнини кузатиш мумкин. Мирзабекнинг адабий портретига чизгилар фикримизни тўлиқ исботлайди. Навоий ўзининг бадиий асарларида бўлгани каби илмий асарларида ҳам шакл ва мазмун яхлитлигига, услубда қисқаликка, ихчам фикр билан мақсадни аниқ баён этишга интилади. Илмда «эзоп тили» деган ибора ишлатилади. Навоийнинг илмий услубида ўшандай майл ёрқин намоён бўлади. Муаллиф ўз қарашларини, меҳр ёхуд газабини, кимгадир салбий муносабатини киноя, пичинг, кесатик орқали ҳажвий бўёққа ўраб берадики, бундай услубий жило камдан-кам танқидчида учрайди. Навоий тазкирада аксарият шоирлар ижоди ҳақида фикр юритар экан, ўзининг танқидий баҳосини баъзан очиқ йўл билан, баъзан эса эзоп усулида баён этади. Масалан, Сайид Куроза деган шоир ҳақида маълумотида ўзининг ўша қаламкашга бўлган нуқтаи назарини очиқ баён қиласди.

А.Навоий тавсиф этилаётган шахсга нисбатан салбий муносабатини билдиришда баъзан муболагадан ҳам фойдаланади. Бу усул ҳам истеъододли портретнавис услубини белгиловчи фазилатдир. Чунки мунаққид илмий ва образли тафаккур майдонида қалам юритар экан, ўзининг хис-туйғуларини, сўз санъатидан завқланиши ёки унинг юксак бадиийлиги учун курашишини китобхон қалбан сезиб туриши керак, шундагина танқидий асар ўзига хос ижод намунаси деб тан олиниши мумкин, деган туйғу тарафдоридир.

Навоий «Мажолисун-нафоис»нинг учинчи мажлисида Мавлоно Хуррамий деган шоир ҳақида гапирап экан, унинг шахсига тўхталиб, инсоний фазилатлари етарли эмаслигини очик кўрсатади. Жумладан, у ҳақда: «аммо ўзида одамийликдан асар, балки бўйи йўқтур» деб ёзади. Ҳатто одамийликнинг ҳиди ҳам келмайдиган инсонлардан бирини тазкирага киритиш Навоийнинг ҳалол, холис фикрловчи мунаққидлигини кўрсатади. Фикрида давом этар экан, тазкира муаллифи Хуррамийни маддоҳ шоир деб кетиши мумкин эди. Аммо Навоий шу фикрга урғу бериш, унинг маддоҳлигига ўқувчи диққатини қаратиш учун муболагадан фойдаланиб: «. . . анинг маддоҳлифида тил ожиз ва ақл қосирдур», - деган сўзларни келтиради. Мазкур жумлаларни ўқигандан китобхон кўзи олдида Хуррамийнинг қиёфаси яққол намоён бўлади. У Хуррамийнинг ёмон феълиатвори ҳақида муболага билан гапирса ҳам, унинг истеъододига тан беради: «. . . Бовужуди мунча турфалиқ шеър ҳам айтур ва анда кишини писанд қилмас», - дея ғоят рангин бир матлани намуна қилиб келтиради. Демак, Хуррамий ўзининг баъзида яхши шеър ёзишини билади ва шунинг учун ҳам такаббурлик қиласи, бошқаларни писанд этмайди. Шундай қилиб, Алишер Навоий танқидчи сифатида тарихий далиллар доирасида изчиллик билан Хуррамийнинг маънавий-ахлоқий, ижодий қиёфасини, демакки, ихчам портретини лўнда қилиб ёритишга эришган.

11. Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога ёзилган мактублари хусусида.

Тўпламдаги мактублар мазмун-эътибори билан ҳам ғоятда қимматли. Чунки, уларнинг аксарияти Навоийнинг ҳаёти, ижодий ва ижтимоий-сиёсий фаолиятини ёритувчи бадиий лавҳалардир.

- 1.Бир қатор мактубларда давлат ишлари ва юрт осойишталиги йўлида жон куйдираётган давлат арбобининг сиймоси намоён бўлади.
- 2.Баъзи мактубларда шоирнинг ижод жараёни акс этади.
- 3.Бир туркум хатлар давлатни идора этишга доир муҳим ҳужжатлар бўлса, яна бир бошқалари табрик ва таъзия мазмунидаги номалардир.

«Муншаот»даги хатлар ниҳоятда турлича мазмунда ёзилган. Улар орасида наврўз табриклари, соғинч мактублари, таъзияномалар, сиёсий, иқтисодий,

маданий, адабий ва бошқа мазмундаги ёзишмалар мавжуддир. “Муншаот”нинг боз қисмидаги номалар, хусусан, йил фасллари билан боғлиқ тўрт мактуб ва денгиз сафари ҳақида ҳикоя қилинувчи 6-мактубдан ташқари уларнинг аксариятида биринчи планда давлат, сиёsat билан боғлиқ масалалар туради.

«Муншаот»да Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога ва баъзи ўзининг яқинларига йўллаган шахсий туйғу ва кечинмалари баён этилган бир қанча мактублари ҳам мавжуд. Шуниси диққатга сазоворки, бундай мазмундаги хатларда ҳам Навоий давлат учун аҳамиятли бўлган масалаларни тилга олади. Масалан, хатлардан бирида (Ҳусайн Бойқарога ёки Бадиuzzамонга ёзилган бўлиши мумкин) Рум қайсари билан олиб борилган музокаралар натижаси, шунга боғлиқ ҳукмлар, кўрсатмаларни маҳсус кишидан юборилганлиги хабар қилинади.

Навоий Ҳусайн Бойқарога йўллаган мактубларида шоҳга, у орқали сарой аҳллари ҳамда мамлакатни идора этиш усулига ўз муносабатини билдиради. Мактублардан шу нарса маълум бўладики, Навоий Ҳусайн Бойқаро ва шаҳзодаларга катта умид боғлайди. ва ўзига хос бўлган сергаклик ва вазминлик билан, ғоят меҳрибонлик ва доно насиҳатгуйлик билан уларни хавф-хатарлардан сақламоқчи, тўғри йўлга солмоқчи бўлади.

Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога йўллаган бир қатор мактублари (уларнинг баъзилари жавоб хатларидир) мазмунидан давлат аҳамиятига молик бўлган масалаларга бағишлиланган ёзишмаларни «орзи сирешклик» ёки «ҳораз боши ёпуштуруб» юборилганлиги маълум бўлади. Навоий шундай хатларни Машҳаддан ҳам, Астрободдан ҳам юборган. У баъзан ҳаммага айтилиши зарур деб топилган сўзлар ёпиқ номаларда айтилганини, баъзан эса «Махфий хитоб жавобин фош арзадошт қилмоқни ва ниҳон масала баёнини ошкор битмакни адабдан йироқ ва убудуятдин қироқ кўрдум», яъни маҳфий тутилган топшириклар жавобини, яширин сақланиши керак бўлган масалага оид фикрларимни ошкор баён қилишни одобдан деб билмадим, хизмат қоидасидан ташқари деб тушундим, дейди. «Шунинг учун,— деб ёзади Навоий давом этиб,— муносиб андоқ қўрундиким, хотирға келган шикаста баста алфозни ўзум апзға эткургаймен».

Ҳеч шубҳасизки, бундай «ниҳон масалалар баёни» мамлакат ва ҳалқ тақдири, саройдаги аҳвол ва сиёsat билан боғлиқ бўлган. Масалан, бир мактубда Навоий шундай ёзади: «Қуллуқ арзадошт улким, мундаги ҳолот тенгри таоло инояти била Мирзо давлатидин кўнгул тилагондектур. Бу учурда Султон Маҳмуд Мирзо қошидин Маҳмуд барлос келиб пешкаш ва сочиқ келтурууб, қуллуқ хизматгорлигларин изҳор қилди. Яна атроф ва жавонибдин келган хабарлар дағи

барчаси давлатқа мувофиқ ерди. Густоҳлик юзидин бир неча сўз битиб, қоғоз бошин ёпуштируб йиборилди. Анга даги мулоҳаза қилиб, назарға келтурулса давлатқа мувофиқ бўлғусидир деб, қуллуқ арзадошт битилди»[Алишер Навоий . Муқаммал асарлар тўплами. 14-том. Тошкент, «Фан». 1998.134-б.]

Султон Маҳмуд Мирзонинг 1494 йил Моварауннахрда ҳокимият тепасида бўлгани назарга олинса, навоийшунос олима С.Фаниева бу мактуб шу вақт оралиғида ёзилган деб тахмин қилиб, аммо унинг қаерга юборилганини белгилаш қийинлигини ҳам таъкидлаб ўтадилар.

“Муншаот”даги 30 дан ортиқ мактублар Султон Ҳусайн Бойқарога битилган. Уларда шоҳ билан вазир ўртасидаги, икки дўстлар ўртасидаги, икки ижодкор ўртасидаги ёзишмалар акс этган. Масалан, 8-мактубнинг кириш қисмида темурйилар давлатини гуллаб турган бир гул дарахтига, Ҳусайн Бойқаронинг эса давлат тепасига келишини у дарахтда яна бир гул очилишига ўхшатиб, ушбу жумлалар билан Ёдгор Мирзога ўхшаш таҳт даъвогарларининг давлатни эгаллаш учун зимдан тайёргарлик кўраётган кучларга ишора қилиши сезилади. Мактубда Алишер Навоийнинг юксак санъаткорлиги ёрқин кўринади: ”Бир донишмандик, ҳар ҳокимни ҳукумат тахтида барқарор туришини истади, кўнглига ўз қарорлари ижросини ёқимли кўрсатди ва ҳар фармон берувчининг давлати асосини кучсиз бўлишини истади – кўнгли чаманзоридан саййид ул-мурасалин (пайғамбарлар этакчиси) шариати издошлик гулларини узди.

Бир одил кимсаки, ҳар нек аҳдлик (бу эрда вафодорлик маъносида) дарахтига мурод мевасини берди, у дарахтни эккан киши бу мевани терди.

Бир сабрли кишики, мақсадалар дурини таамул (чукур ўйлаш, жиддий мулоҳаза қилиш) денгизига ташлади, кимки у денгизга шўнғиди- бу дурни олди”[Алишер Навоий. Муншаот. Нашрга тайёрловчи: Ю.Турсунов. Тошкент.»Маънавият».2001. 21-бет].

Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога йўллаган мактублари орасида унинг оиласида юз берган севинчли воқеалар муносабати билан ёзилган табрик маъносидаги хатлар ҳам бор.

«Муншаот» таркибида рақамли мактублар ҳам учрайди. Бундай мактублардан бири, фикримизча, Ҳусайн Бойқарога унинг ўғли вафоти муносабати билан ёзилган кўринади.

Бошқа бир хатида Навоийнинг куч-қуввати кетиб, заифлашиб қолгани, бинобарин, ёзиб тутатган янги китобларини яқин дўстларидан бирига топширишга қарор қилганини айтади: «Қуллуқ азимати (бирор ишни бажаришга қасд қилиш) қилиб, андоқким шайх Алибек била Ҳусайнни Уқулибекка шарҳ била айтиб эрдим, шоядки арз қилмиш бўяғотлар:

Бу муддаоға далил буқим, бу муддатда заҳмат тортиб ясағон мұраққаыни ва ҳар миқдор тақаллуғ қилиб тугатган китобларниким, булардин ўзга ҳеч нимага хотирбасталик йўқ эрди (бундан бошқа ҳеч нимага хоҳиш йўқ эди)-олиб келиб эрдиким, чун бандаға заъф чирмашибтур; муборак дийдорингизға мушарраф бўлуб, қазо ҳам этса бу китоблар бори сизнинг назарингизда бўлғай. Чун ўзумда ул қувват топмадим, ул китобларни Юсуф Алидин қуллукқа юбордим..» .

«Муншаот» таркибидағи бир неча мактублар Навоийнинг қаерда бўлмасин, ҳамиша ижод билан машғул эканлигини намоён этади. Масалан, Навоий Ҳусайн Бойқарога ёзган мактубларида ўзининг шеърларини ҳам юбориб турган. Жумладан, у шундай ёзади: «Буюргон ғазаллардан тайёр бўлғонларни юборилди. Қолғонни дағи тугатиб, борур кишидин юборилгай».

“Қуллук дуодин сўнгра арзадошт улким, иноят нишонида ҳазрат ҳақойиқ паноҳ наввароллоҳу марқадаҳу ва жаал ал-жанната масвоҳу нур ҳодиса вафотларини сўруб эрдилар; ҳақ субҳонаҳу ва таоло ул ҳазрат зоти малаксифотин аҳли олам учун кўп йиллар боқий ва поянда тутсун ва давлатларининг хуршенини жовид музий ва тобандада асрасун. Муборак хотирға равшандурким «Қулли ман алайҳа фана» каримаси манзуими била ҳар кимгаким бақо жомидин нашъя этишти фано хуморини тортардин гузири йўқтур ва «Қулли шаъйин ҳоликин илла важҳаҳу» ояти мазмунни била боқийи мутлақ ва ҳайи барҳақ вужудидин ўзга жамиъ ашёға заҳри ҳалок жомин ичардин чора йўқ ва бу фано мақоми бақо доруссаломи йўлида бир[Алишер Навоий . Муқаммал асарлар тўплами. 14-том.Тошкент, «Фан». 1998. 135 б.].

Яна бир мактубдан улуғ шоирнинг «Хазойинул-маоний»ни тузганлиги ва бу иш билан шуғулланган вақтлардаги аҳволи руҳияси маълум бўлади. Мактуб аввалида келтирилган рубоийлардан ва охиридаги жумладан у Ҳусайн Бойқарога ёзилганлигини аниқлаш мумкин.

Навоий девонни тузиш жараёнида ғазалларни Ҳусайн Бойқаро эътиборига этказиб тургани, у эса, баъзан таҳрир қилиб борганини хабар қиласи ва «ҳар ғазални тартиб юзидин ўз ўрниға рақам қилиб эрди»,- деб қайд этади.

Навоий ўз шеъриятини табиатда бўлгани каби, ҳаётда ҳам тўрт фасл мавжудлигига асосланиб, тўрт девонга ажратиб, уларга ном бергани ҳакида фикр юритади, мактубда девоннинг сарлавҳасини изоҳлаб шундай ёзади: ...Дағи мажмуиғаким, маҳлут битилиб турур, чун табъ ҳазойинидин ҳосил бўлғон маоний эрди- «Хазойинул- маоний» лақаб берилди»[Алишер Навоий . Муқаммал асарлар тўплами. 14-том.Тошкент, «Фан». 1998. 188- бет).

«Хазойинул-маоний»ни Навоий Мавлоно Соҳиб (Доро) орқали Ҳусайн Бойқарога, унинг «Олий мажлиси»га юборганини мактуб охирида қайд қиласди. «Муншашот»даги «Хазойинул- маоний» таснифи ҳақидаги бу мактуб, шеърият ва китобат масалалари хусусида сўз юритувчи номалар (улар ўндан ортиқ) Навоий қаерда бўлмасин, бадиий ижод билан ҳамиша машғул бўлганлигини, адабий жараёндан доимо боҳабарлигини, ўзининг янги яратган ижод намуналарини шоҳ ва яқинлари эътиборига ҳавола қилиб, улар билан фикр алмасиб турганини кўрсатади. Навоийнинг бундай хатларини адабий-танқидий мактублар сирасига киритиш мумкин.

Мактубларда Навоий таржимаи ҳолига оид маълумотлар, адабиёт, бадиий ижод ҳақидаги қайдлар, ахлоқий-маънавий, тарбиявий қарашларига алоқадор фикрлар мавжуд. Улуғ адаб бу хатларда замонасининг энг муҳим ижтимоий масалаларини ҳам талқин этади, шу билан бирга ўз ватанини севадиган, ҳалқининг келажаги учун қайғуриб яшайдиган буюк ва хоксор инсон сифатида кўринади.

12.Жомий ва Навоий мактублари хусусида. Алишер Навоийнинг устози, пири А.Жомий ўртасидаги ёзишмалар ҳам шу жиҳатдан аҳамиятлидир. Чунки бу мактублар икки буюк ижодкор шахсиятини, қалбини, бир-бирларига бўлган юксак дўстона муносабатларини ўрганишда ва келажак авлодга ибрат қилиб кўрсатишда муҳимдир. Навоийни буюк шахс ва инсон сифатида ўрганишда ҳам катта аҳамиятга эгалиги яққол кўринади.

Жомий мактублари устида тадқиқот олиб борган А.Ўринбоев унинг 300дан ортиқ хатлари мавжудлигини кўрсатар экан, С.Айний, И.Султон, С.Фаниева, Ф.Олимов, Д.Юсупова каби олимлар тадқиқотларида бу ҳақда мулоҳаза билдирганларини кўрамиз. Айниқса, ёш олим Ф.Олимов ўзининг тадқиқотида Навоийнинг Жомийга бағишиланган “Хамсатул-мутаҳайирин” асарини чукур таҳлил қилганлиги кўринади. Бундан ташқари “Навоийнинг устози” мақоласида икки буюк инсон ўртасидаги ёзишмаларга ҳам тўхталади(Олимов Ф. Навоийнинг устози.// Шарқ юлдузи. 2014. № 2.).

“Хамсатул-мутаҳайирин”нинг иккинчи мақолати Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий бир-бирига ёзган хатлари хақида бўлиб, навоийшунос олима Д.Юсупова ўзининг “Тарихий, ёднома ва турли мавзудаги асарлари” мақоласида “Хамсатул-мутаҳайирин”даги бу мактублар Жомийнинг ҳам, Навоийнинг ҳам баъзи асарлари таркибига киритилганлиги ҳақида фикр юритади. Ҳақиқатан ҳам “Хамсатул-мутаҳайирин”нинг иккинчи мақолатидаги Жомий ва Навоийнинг ўзаро ёзишмалари уларнинг “бекиёс дўстликларини намойиш қилувчи ва асарга алоҳида жозиба ҳамда маъно

бахш этувчи ғоят гўзал ва ёрқин саҳифалардир. Уларда Жомийнинг Навоийга йўллаган 15 номаси ва жавоб хатлари ҳамда Навоийнинг Жомийга ёзган 15 мактуби ва жавоб номалари келтирилган”. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи шундай ёзади: “Ул ҳазрат била бу фақир орасида ўтган руқъалар бобидаким, ул руқъалар ҳоло аларнинг куллиётида мазкурдур ва муншаотлар орасида маструрким, бу факир жавоб битибмен ё акси”(Фаниева С. Хамсатул-мутаҳайирин. Китобда: Ўзбек адабиёти тарихи. 2-том. Тошкент. 1977. 378-б.).

Навоийшунос олима С.Фаниева бу мактубларни шартли равишда учга бўлади. Шундан иккинчиси бадиий ижод билан алоқадор ёзишмаларки, улардан бири ҳақида фикр юритмоқчимиз, чунки улар адабий-танқидий характерда бўлиб, бадиий ижоднинг муҳим масалаларига багишлигани билан қимматлидир. Асарда Жомийнинг “Лужжатул-асрор” (“Сирлар дарёсининг чуқур жойи”) ва Навоийнинг “Тухфатул-афкор” (“Фикрлар тухфаси”) қасидаларининг яратилиши, ёзилиш тарихи ҳақида қимматли маълумотлар келтирилганки, бу адабиётшуносликдаги ижодий таъсир масаласини ҳам аниқлаштиришда ёрдам беради.

“Ул Ҳазрат бу руқъани битиб йибориб эрдиларким: «Баъд аз адои вазоифи дуо мақрун ба ижобати самиаллоҳу лиман дуо марфуъ он ки ба тозаги қосиде расид ва қасидаи тозав расонид. (Таржимаси: Дуо қилиш вазифалари асоси ижобати билан оллоҳ хабардорни юксалтиргандан сўнгра маълум бўлгайким, янгидан чопар келди ва янги қасидани етказди).

Чу ҳарфе чанд хондам з-он қасида

Дили хосонаши андар қайд дидам.

Дар он асно чу шуд чаими басират

Кушиода жумла дилҳо сайд дидам 39-бет. (Таржимаси: У қасиданинг бир неча жойини ўқиб, Хослар дилини унга боғланган кўрдим. Шу аснода хушёрлик қўзи очилиб, ҳамма дилларни овланган кўрдим. Навоий бу қасидани ўқиб, нақадар хурсанд бўлганини эътироф этади.

Асарда Навоий Жомийнинг Маккага сафари ҳақида гапирав экан, унинг Бағдоддан бир ғазал (бағоят рангин бир нома) юборгани ҳақида сўзлаб, ғазалнинг матлаъини келтиради. Навоий ҳам бу ғазалга татаббус қилиб, бир ғазал ёзиб юборади. Руқъанинг охирида ушбу рубоийни ҳам ёзиб қўшади..

Ин нома, на нома, доғеи дарди ман аст,

Ороми даруни ранжпарварди ман аст,

Таскини дили гарму дами сарди ман аст,

Яъне хабар аз моҳи жаҳонгарди ман аст. 42-бет.

(Таржимаси: Бу мактуб, мактуб эмас, менинг дардларимни дафъ этувчиdir. Оғриқ билан қийналган кўнглимнинг оромидир. Қайноқ дилим ва совуқ нафасим таскиниdir, Яъни менинг жаҳон кезиб юрган моҳимдан хабардиr) .

Жомий Маккадан қайтгандан кейин Ҳалабда бўлган вақтида бу рубоийга жавоб ёзиб юборади:

*Ин руқъа, на руқъа, моғи ҳар тараф аст,
Таҳсили нишоту айшро хуши сабаб аст,
З-ин сон ки бувад муҳтасару пурмаъни
Гўё зи «Жавоми ул-калим» мунтахаб аст*

Таржимаси: Бу хат, хат эмас, ҳар бир шодликнинг негизидир, Хурсандчилик ва аиш ҳосил қилишнинг яхши сабабидир. Қисқа ва кўп маъноли эканлиги билан, Гўёки «Жавоми ул-калим»нинг муҳтасаридир.

(«Жавоми ул-калим» – ўзи қисқа, лекин ғоят чуқур маъноли сўзларни ўз ичига олевчи демакдир) 43-бет.

Бу мактубларни кузатар эканмиз, икки ижодкорнинг олижаноб қалби ҳар бир хатда кўриниб туради. Шарқ одоб-ахлоқига хос сертакаллуфлик, буюклик билан бирга, ғоят соддалик, одамийлик, катталарга таъзим, ёру дўстларга чексиз ҳурмат ва муҳаббат ушбу хатларнинг асосий мотивларини белгилайди. Бу хатлар улуғ шоирларнинг шахсиятини, руҳий оламини, бошқача қилиб айтганда, маънавий-руҳий портретини ростгўйлик билан ифодалаганлиги жиҳатидан муҳим адабий, ижтимоий аҳамиятга эгадир. Чунки уларда Жомий ва Навоийдек буюк шоирларнинг шахсияти, руҳий олами, ғам ва ташвишлари, хурсандчилиги, ижодий муваффақияти, халқ тақдирига оид ўй-орзулари, дўстларига муносабати бевосита ёрқин акс этган.

Ижодкорларнинг хатларини ўрганиш орқали шундай хулосага келамиз: уларнинг хатлари китобхонларни дўстнинг дўстга, ҳамкасбга, биродарига, умуман, инсоннинг инсонга самимий, чуқур ҳурмат, эҳтиромда бўлишга ўргатади. Хат ёзувчининг меҳрга тўла қалбидаги ҳароратни хатни олевчига улашади, унинг юрагини ҳам илитиб, саховатга тўлдиради, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Бу ёзишмалардаги жанрлар (ғазал, рубоий, фард) икки буюк ижодкорнинг самимий дўстлиги, бир-бирига бўлган ҳурмат нишонаси сифатида ифодаланса, иккинчидан, бу дўстлик орқасида рангин ғазаллару рубоийларнинг яратилиши ҳам ижобий ҳодисалардан бири эканлиги намоён бўлади. Бадиий ижод билан алоқадор ёзишмаларни ўрганиш биринчидан, Жомий ва Навоий ўртасидаги буюк меҳр-муҳаббат, дўстлик алоқаларини намоён этса, иккинчидан, бадиий асарларнинг яратилиш тарихи хақида, ижод қонуниятларининг очилмаган кирралари

ҳақида сабоқ беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, биргина “Муншаот”ни мutoала қилиш Алишер Навоийнинг ижоди, ҳаёти ҳар жиҳатдан ибрат эканлигини, наинки ибрат, балки буюк ўрнак эканлигини кўрсатади. Улуг мутафаккирнинг ҳаёти ватандошларини баҳтли, мамлакатини обод қилиш йўлида беминнат заҳмат чекишдан иборат бўлди. Бундай фидойилик бугунги кунда ҳам барча виждонли инсонларга ўрнак бўлиши учун Навоийнинг эзгу ғояларини халқимиз қалбига теран сингдириб боришни давом эттириш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, ўқув қўлланмасига илова қилинган мақолалар ва тадқиқотлар талабаларнинг адабий танқид жанрлари бўйича олган билим ва малакаларини оширишга, тассуротларини бойитишга хизмат қиласди. Шу билан бирга адабий танқид жанрларида ижод илишга, бадиий матнни турли ракурслардан туриб таҳлил қилишга кўмак беради.

МУНДАРИЖА

Кириш-----	3
1-Мавзу-----	5-18
2-Мавзу-----	18-26
3-Мавзу-----	26-40
4-Мавзу-----	41-66
5-Мавзу-----	67-86
6-Мавзу-----	91-112
7-Мавзу-----	112-136
8-Мавзу-----	136-147
9-Мавзу-----	147-157
ТЕСТ-----	158-166
Иловалар-----	167-236